ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ КАФЕДРАСИ”

**ХУРШИДА БУРХАНХОДЖАЕВА**

# ХЎЖАЛИК СУДИДА НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МУАММОЛАРИ

(ўқув қўлланма)

Тошкент 2006

Тошкент Давлат юридик институтининг илмий-методик кенгаши томонидан 2006 йил 25 майда 10 - сонли баённома билан тасдиқланган ва тавсия этилган

Х.Бурханходжаева. Хужалик судида низоларни куриб чикиш муаммолари. Ўкув кўлланма. Масъул мухаррир: ю.ф.н., доц Ф.Х.Отахонов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. -355 бет.

Сарлавхада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

**Рецензентлар:** Азимов М.К. – юридик фанлар номзоди, доцент
Турсунов Ю. – юридик фанлар номзоди, доцент

Ўқув қўлланма хўжалик судида низоларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар ва муаммоларга бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасидаги хўжалик судларининг тизими, уларнинг мақсад ва вазифалари, хўжалик низоларининг тааллуқлиги ва судловлилиги, хўжалик судларига даъво тақдим этиш тартиби, даъво аризасини қабул қилиш, даъво аризасини қабул қилишни рад этишнинг асослари, ишни судда кўришга тайёрлаш ва мазкур масала юзасидан судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар, низоларни хўжалик судида кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари, ишни қайта кўриб чиқиш асослари, тартиби ва босқичлари, хўжалик суди ҳужжатларини ижро этиш асослари ва тартиби каби хўжалик процессуал ҳуқуқининг институтлари назарий, амалий, қиёсий ҳуқуқий ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш усуллари орқали баён этилган. Шунингдек, ўқув қўлланмада юқоридаги масалалар юзасидан хўжалик процессуал қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фикрлар билдирилган.

Ўқув қўлланма юриспруденция йўналишидаги олий ўқув юртлари ва факультетларнинг талабалари ҳамда магистрантлари, амалиётчи ходимлар, хўжалик ҳуқуқи ва жараёни йўналишида илмий изланиш олиб борувчи тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

© Х.Бурханходжаева.
© Тошкент Давлат юридик институти,2006 йил.

# КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий йўналишларидан бири сифатида хўжалик судлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқишда, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни амалга ошириш борасида алоҳида ўринга эга бўлиб бормоқда.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида республикамизда амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уни эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиздаги иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва унинг ўсиш сурати жадал ошиб бормоқда. Мазкур жараён эса хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиққадиган низоларнинг ўз мазмун-моҳияти жиҳатдан ўзгариб боришига сезиларли даражада таъсир ўтказиб, бундай низоли муносабатларнинг ҳал қилиш механизмини мураккаблашуви ва такомиллашувига сабаб бўлиши аниқ. Ушбу омил, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқувчи хўжалик судлари вазифаларининг янада кенгайишига, улар ваколатининг янада аниқроқ белгилаб олинишига, тааллуқлилик ва судловлилик доирасини аниқлаштириб олишга, шунингдек, хўжалик низоларини кўриб чиқиш жараёнида юзага келадиган бошқа процессуал масалаларнинг ечимини топишга туртки бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги вужудга келадиган низоли ишларни ўз вақтида, қонуний, адолатли ва далилларга асосланган ҳолда кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида хўжалик низоларини ҳал этиш билан боғлиқ моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларни ўрганиб чиққан ҳолда уларни амалий жиҳатдан тўғри тадбиқ эта олиш муҳим аҳамиятга эга. Айнан шу мақсадларни кўзлаган ҳолда мазкур ўқув қўлланмаси хўжалик процессуал қонунчилик ва суд амалиётига таянган ҳолда низоларни хўжалик судида кўриб чиқиш тартиби билан боғлиқ процессуал қоидаларни талабалар томонидан самарали ўзлаштирилиши, талабаларда хўжалик (тадбиркорлик) субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тўғри таҳлил қилиш ва шарҳлаш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган.

Мазкур ўқув қўлланмасининг “Хўжалик процессуал ҳуқуқи муаммолари” ўқув курсини ўқитишдаги аҳамияти шундан иборатки, унда хўжалик судларининг тизими, вазифалари ҳамда ваколат доираси, хўжалик судларининг иш юритуви, хўжалик юритучи субъектлар ўртасида вужудга келувчи хўжалик судларига тааллуқли низоли муносабатлар кўлами, хўжалик низоларини кўриб чиқиш босқичлари ва ҳал этиш тартиби, бу борада моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини таҳлил қилиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш каби масалалар тадқиқ қилинган.

Ўқув қўлланмада “Хўжалик процессуал ҳуқуқи муаммолари” ўқув курсининг ўрганиш предмети доирасига кирувчи масалаларни ёритишда

муаллиф томонидан тарихий-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-таҳлилий, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш каби методлардан фойдаланилган.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига оид асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Хўжалик процессуал кодекси, хўжалик низоларини ҳал қилишга хизмат қилувчи қонун ҳужжатлари, Олий хўжалик суди Пленуми Қарорлари, кўрсатма ва тавсиялари, шунингдек, хўжалик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш масалалари ёритилган бошқа илмий манбалардан фойдаланилган.

Муаллиф “Хўжалик процессуал ҳуқуқи муаммолари” ўқув курсининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур ўқув қўлланманинг вазифаси сифатида хўжалик процессуал ҳуқуқи бўйича талабаларда барқарор ва чуқур назарий ва амалий кўникмаларни шакллантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонун манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда хўжалик низоларини тўғри ҳал қилиш мақсадида хўжалик (тадбиркорлик) фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини таҳлил қила олиш, хўжалик процессуал қонунчилигини чуқур эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш каби вазифалар ечимини топишга ҳаракат қилган.

# I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилганидан сўнг бозор иқтисодиётини ривожлантириш каби муҳим вазифа сари йўл олди. Бу эса, ўз навбатида, давлат органлари функцияларига янгича ёндашишни талаб этди, хусусан, мазкур даврда иқтисодий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этадиган органлар фаолиятининг услуб ва шаклини белгилаш асосий масалалардан бирига айланиб қолди. Шу нуқтаи назардан суд тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш масаласи юзага келди.

1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ҳакамлик судлари ва хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги қонун бу борадаги ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки қадамларидан бири саналади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган давлатимизнинг асосий қонуни ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Қорақолпоғистон Республикаси, вилоят хўжалик судлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган хўжалик судлари тизимининг конституциявий асослари яратилди.

Кейинчалик 1993 йил 2 сентябрда хўжалик судларининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи «Судлар тўғрисида»ги қонун ва хўжалик низоларини кўриб чиқиш тартибини белгилаб берувчи Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди.

Ўз навбатида, моддий ва процессуал нормаларни қўллаш амалиёти ва хўжалик судларнинг фаолияти қонунчиликни такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатди.

1997 йил 30 августда янги Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди ва 1998 йил 1 январдан амалга киритилди. Олдинги ХПКдан фарқли равишда янги таҳрирдаги кодекс суд ҳимояси кафолатларини кенгайтирди. Мазкур кодексда хўжалик процессининг «келишув битими», «ҳакамлар суди», «апелляция», «кассация» ва бир қанча бошқа янги институтлари ўз аксини топди.

ХПКнинг 1 моддасига мувофиқ, “Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли”, эканлиги белгиланди.

Бундан ташқари янги таҳрирдаги ХПК чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни юритишга доир бутунлай янги бўлимни ўз ичига олган.

2000 йил 14 декабрда суд тизимини ислоҳ қилишга, суд тизимида демократик асосларни чуқурлаштиришга, хусусан, суд ишларини ўз вақтида ва адолатли ҳал этилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган «Судлар тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонуннинг III бўлими хўжалик судларига бағишланган бўлиб, унда хўжалик судининг суд тизимидаги тутган ўрни, тузилиши ва ҳуқуқий ҳолати белгилаб қўйилди.

Олий хўжалик суди хўжалик ишлари бўйича юқори турувчи суд органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди  раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлади. Унинг таркибида Пленум, Раёсат, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати фаолият кўрсатади.

Хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Судлар туғрисида”ги қонунга асосан юқори мақомга эга. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар ёки унинг тақдимотига кўра Олий Мажлис томонидан сайланадилар. Ўз фаолиятида хўжалик судлари Конституция ва қонунлар нормаларига асосланади. Уларнинг фаолиятига ҳеч ким аралашиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 26.05.1995 йилги “Иқтисодий муносабатларда одил судловни ва қонунчиликни мустаҳкамлашни амалга ошириш бўйича хўжалик судларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 36-сонли қарорига мувофиқ, хўжалик судларининг эътибори бозор шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодини жонлантириш ва ривожлантиришга, ўз фаолияти билан бу масалаларни ечишга кўмаклашишига, мулк шаклидан қатъий назар хўжалик субъектларинига суд таъсирини, иқтисодий муносабатларда қонунчиликка риоя қилишни ва шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлашга қаратишлари лозим.

Раёсат, Ўзбекистон Респбликаси Олий хўжалик суди ҳайъатлари, Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик суди раислари хўжалик судлариннг ташкилий фаолиятида ўз ролларини оширишлари, хўжалик низоларни кўришда назоратни кучайтиришлари, суд амалиётининг тўғри ва бир хиллигини таъминлашлари лозим. Хўжалик судларининг қарорларини қонуний ва асослилигини текширишни ташкил қилишда бекор қилинган ва ўзгартирилган суд қарорларини чуқур анализ қилиш, қонун нормаларини бузилишини ўз вақтида бартараф этиш ва худди шундай ҳолатларни қайтармаслик чоралари кўрилиши керак. Раёсат ва Олий хўжалик судининг ҳайъатлари, Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоят хўжалик судларига долзарб тоифадаги ишлар бўйича суд амалиётини систематик равишда умумлаштириш, хўжалик қонунчилигини

бузилишига сабаб бўладиган ҳолатларни ўрганиш тавсия этилди. Суд хатоларини ўз вақтида тузатиш ва олдини олиш, қонунларни бир хилда тушуниш ва қўллаш, суд амалиётини тўғри йўналтириш чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Судлов фаолиятида илмий тадқиқот натижаларини кенгроқ қўллаш, ҳуқуқий илм билан алоқаларни мустаҳкамлаш, хўжалик судлари томонидан доимий равишда қонунчиликни қўллаш амалиётини таъминлаш, қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштриш зарурияти бўйича масалаларни ўз вақтида кўришлари шарт.

Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоят хўжалик суди раисларига, умумий судлар, прокуратура органлари, адлия, ички ишлар вазирлиги, Давлат Мулк кўмитаси билан ҳамкорликни яхшилашлари даркор. Прокуратура органларига хўжалик субъектларини тўлов қобилиятини йўқлиги оқибатида банкротлик ҳақида иш қўзғатилганлиги, халқ хўжалигида ўзаро ҳисоб-китобни бузилиши ҳоллари ҳақида доимий ахборот бериб турилишини таъминлаши зарур.

Республика хўжалик судларига корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлислари ўтказилишини тайёрлашга катта эътибор беришлари, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитлари бўйича хусусий ажрим ва хабарномалар юборишлари тавсия этилади.

Хўжалик судлари раислари хўжалик судлари ходимларига давлат интизомини, қонунчиликка қаттиқ риоя қилишлари, ходимларни хизмат вазифаларини бенуқсон бажаришлари, хўжалик судлари обрў-эътиборини ошириш руҳида тарбиялашнинг жавобгарлигининг жиддий чораларини кўришлари, ҳар бир ҳодимга юклатилган вазифалар ижросига сидқидилдан ёндошмаслик ҳолатларига барҳам беришлари лозим.

Хўжалик судларини жиҳозлаш, хоналарни таъмирлаш, моддий техника воситалари билан таъминлаш, хўжалик судлари ҳодимларини ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш бўйича жиддий чора ва тадбирлар кўрилиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 01.03.1996 йилги “Республика хўжалик судларининг 1995 йил иш якунлари ва 1996 йилда иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашда одил судловни амалга ошириш ва қонунчиликни такомиллаштириш вазифалари тўғрисида”ги 41-сонли қарорига биноан, хўжалик судларига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- хўжалик субъектлари томонидан тушаётган ҳар бир аризаларга диққат ва эътибор билан муносабатда бўлишини таъминлаш;

- хўжалик низоларини тўғри ҳал этилиши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ҳар томонлама синчиклаб тайёрлашни таъминлаш;

- томонларни процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, процессуал муддатларга қаттиқ риоя қилиш;

- тушган аризалар бўйича суд томонидан чиқарилган карорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишда, ҳал килув қарорларини синчиклаб ўрганиб чиқиш;

- суднинг ҳал қилув қарори, қарори ва буйруқларини бажарилишини таъминлашда принципиалллик ва изчанликни намоён этиш.

## II БОБ. ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ ВА СУДЛОВЛИЛИГИ

### 1-§. Ишларнинг ҳўжалик судларига тааллуқлилиги

Ҳар бир давлат органи ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошқа органлар фаолиятига аралашмасдан, фақат ўзигагина тегишли доирада фаолият юритиши зарур. Бундай қатъий чеклаш бутун давлат аппарати, хусусан, суд органларининг нормал фаолият кўрсатишининг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан хўжалик судларининг фаолияти тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига асосан хўжалик судига иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (ташкилотлар), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 18.10.1994 йилги “Низоларнинг хўжалик судлари судловига тегишлилиги (тааллуқлиги)га доир айрим масалалар тўғрисида"ги 28-сонли қарорида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 2- моддасига мувофиқ мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан, якка тартибдаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси ва бошка давлатлар ташкилотларнинг қўшма корхоналари ҳамда халқаро бирлашмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда давлат органлари ва ўзга органлар, бошка шахслар ўзларининг бузилган ёки баҳсга сабаб бўлган ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун хўжалик судларига мурожаат этишга ҳақлидирлар. Хўжалик судига, шунингдек, тадбиркор фукаролар мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумининг 25.10.2002 йилги “Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари хақида”ги N 20/107-сонли қўшма қарорида бу масала юзасидан: “Кичик ва ўрта

тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари иштирокидаги ишларни судловга тааллуқлилиги масаласини ҳал этишда судларнинг эътибори низоли муносабатларнинг хусусияти ва субъектлар таркибини ифодаловчи асосий мезонларга қаратилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар хўжалик судларига тааллуқлидир. Айнан шу турдаги низоларда бир тараф қонунда белгиланган тарзда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган фуқаролар (оила пудратчилари) бўлса, бундай даъволар тааллуқлилиги бўйича умумий юрисдикция судларида кўрилади”-деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ иқтисодий низоларга қуйидагилар киритилган:

– тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

– шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

– мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

– мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

– мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

– етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;

– шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

– давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

– ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

– давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

– агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, текширув вазифаларини амалга оширувчи

давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

– текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар.

Хўжалик судлари юқоридагилардан ташқари бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади. Бундай ишлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён матнда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;

– ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини амалга киритиш билан боғлик бўлган масалалар хақида"ги 68-сонли қарорига мувофиқ хўжалик судлари даъво аризаларини қабул қилишда шуни эътиборга олмоқлари лозимки, ХПКнинг 23 ва 24-моддаларида қайд этилган хўжалик суди судловига тааллуқли бўлган ишлар жумласига, ушбу моддаларда санаб ўтилган ишлардан ташкари қонун билан бошқа ишлар ҳам киритилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 18.10.1994 йилги “Низоларнинг хўжалик судлари судловига тегишлилиги (тааллуқлиги)га доир айрим масалалар тўғрисида"ги 28-сонли қарорида кўрсатилишича, хўжалик суди хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, ижро этиш ва тугатиш чоғида юзага келадиган низоларни, шунингдек, Хўжалик процессуал кодексининг 12-моддаси 2 ва 3-бандларида кўрсатилган, бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этади. Хўжалик суди, башарти, қонунларда белгиланган бўлса, бошқа низоларни ҳам кўришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги 82-сонли қарорида белгиланишича, ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ фуқаро юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши ва якка тартидаги тадбиркор сифатида рўйхатга олиниши шарти билан хўжалик судига тааллуқли низонинг қатнашувчиси сифатида тан олинади. Хўжалик судлари шуни назарда тўтишлари керакки, агар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини амалга ошира туриб, лекин давлат рўйхатидан ўтмасдан, тадбикор мақомини олмаган бўлса, бундай шахслар иштирок этувчи низолар ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ хўжалик судларига тааллуқли эмасдир. Агар фуқаронинг давлат рўйхатидан якка тартибдаги тадбиркор сифатида ўтиши тугатиладиган бўлса ҳам масала худди шундай тартибда ҳал этилиши лозим. Хусусан, ишончнома амал қилиш муддатининг тугатиши, давлат рўйхатидан ўтишни бекор қилиниши ва шу

каби муносабатлар билан кўрсатилган фуқаролар қатнашувидаги ишлар, шу жумладан олдинги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар хўжалик судларига тааллуқли эмас. Юкорида кўрсатилган ҳолатларнинг келиб чиқишидан олдин судга тааллуқлилик қоидаларига амал қилинган тартибда хўжалик судлари томонидан бундан мустасно. Аммо фуқаро қатнашадиган ишларни хўжалик судларида кўриш учун тадбиркор-фуқаро мақоми бўлишининг ўзигина асос була олмайди. Хусусан, агар фуқаро белгиланган тарзда олинган якка тартибда тадбиркор мақомига эга бўла туриб, лекин низо унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан эмас, балки уй-жой, никоҳ-оилавий ва бошқа, шу жумладан, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлса, бу низо хўжалик судига тааллуқли эмас.

Хўжалик судлари шуни назарда тутишлари керакки шартнома бўйича келишмовчиликлар ҳақидаги низолар икки ҳолатда хўжалик судида кўриш предмети бўлиши мумкин:

- агарда шартнома тузиш қонунда кўзда тутилган бўлса;

- агар тарафларнинг шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш тўғрисида келишуви мавжуд бўлса. Шундан келиб чиқадики, шартома тузишдан олдин пайдо бўлган низони, агар бундай шартномани тузиш қонун бўйича ҳеч бўлмаганда бир тараф учун мажбурий бўлса (ФК 377-моддаси), хўжалик суди кўриб чиқиши учун қабул қилиши шарт. Шартнома юзасидан келишмовчилик бўйича низони хўжалик судига ҳал этиш учун беришнинг бошқа шарти бўлиб, бу ҳақида тарафларнинг келишуви ҳисобланади. Бундай келишув турли шаклларда, масала, хатлар, телеграммалар, маълумотлар, факсимил ёки алоқа воситалари орқали алмашиш йўли билан ифода этилиши мумкин. Бундан ташқари шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш, тузилиши керак бўлган шартноманинг бир шарти сифатида назарда тутилиб, агар бошқа томон келишмовчиликлар баённомасида бу шарт бўйича ҳеч қандай эътирозларни билдирмаса, унинг лойиҳасига бир тараф томонидан киритилган бўлиши мумкин.

Шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги иқтисодий низолар ҳам хўжалик судига тааллуқли. Бундай турдаги ишларни хўжалик суди ўз иш юритувига олиши учун шартноманинг шакли ҳам, унинг тузиш тартиби ҳам аҳамиятли эмас. Шу билан бирга, ФКда белгилаб қўйилган қоидага мувофиқ, агар ФК, бошқа қонунлар ва шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор бўлиши мумкин (ФК 382 модда б.1). Тарафлардан бирининг талаби билан эса шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф уни жиддий равишда бузса, ҳамда ФК, бошқа қонунлар ва шарномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилишини мумкин (ФК 382 модда қ.2). Хўжалик суди бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавобини олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёхуд шартномада белгиланган

муддатда бундай муддат бўлмаганида эса 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин шартномани ўзгартиши ёки бекор қилиш ҳақидаги даъво аризасини қабул қилишга ҳақли (ФК 384 модда.)

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22-моддасига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлик масалаларга доир низоларни ҳал этиш суд тартибида амалга оширилади. Давлат мулки объектларини бошқарувчи Давлат мулкини бошқариш қўмитасининг давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш тўғрисидаги талабномани қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақидаги қарори давлат бошқарув органининг норматив хусусиятига эга бўлмаган ҳужжати деб ҳисобланади, бинобарин, уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низо манфаатдор ташкилотнинг даъвоси бўйича хўжалик судларида кўрилиши лозим бўлади. Башарти Давлат мулкини бошқариш қўмитасининг органи томонидан талабнома бўйича қарор қабул қилиш учун қонунда белгиланган 2 ойлик муддатга риоя этилмаётган бўлса ёхуд қарор мол-мулкини бошқага мулк қилиб бериш тўғрисида қабул қилинган бўлса-ю, берилган талабноманинг моҳияти бўйича жавоб йўқ бўлса, арз қилувчи хўжалик судига ҳимоя қилишни сўраб мурожаат этишга ҳақлидир. Хўжалик суди бундай мурожаатни кўриб чиқиб Давлат мулкини бошқариш қўмитасининг тегишли органи зиммасига берилган талабноманинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш мажбуриятини юклаши, қабул қилинган қарорни эса ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Ишнинг хўжалик судига тааллуқли эмаслиги аниқланса, иш юритиш тугатилади. Бунда иш биринчи инстанцияда ёки апелляция, кассация, назорат истанцияларида кўрилаётганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Амалдаги хўжалик ва фуқаролик процессуал қонунчилик ишларни хўжалик судлари ёки умумий юрисдикцияли судларга тааллуқли эканлигини аниқ белгилаб берган ва шу билан ишнинг судга тааллуқлилиги борасида низоларнинг келиб чиқишига ҳам йўл қўймайди. Ҳар иккала суд тизимида ҳам бу масала бўйича низо ички характерга эга бўлиб, тизимлар ўртасидаги муносабатда низо тарафлари ёлғиз қолади. Улар умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига асосланиши керак. Бу ерда асосий принцип бўлиб тарафларнинг субъектив таркиби ҳисобланади: биринчидан, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган тақдирда мазкур низоли ишлар умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлади; иккинчидан, хўжалик судига тадбиркорлик ва бошқа турдаги иқтисодий фаолиятдан келиб чиқадиган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ХПКсининг 24-моддасида кўрсатилган ишлар тааллуқлидир.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ёки келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамда хўжалик судига тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, хўжалик суди қарор чиқаргунга қадар ҳакамлар судига кўриш учун топширилиши мумкин. Шунингдек, улар

келажакда юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг ҳакамлар судида кўриб чиқилиши тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Лекин шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, ҳакамлар суди фақатгина иқтисодий низоларни кўриб чиқиши мумкин. Тарафлар тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан бошқариш соҳасида маъмурий, бошқарувга оид низоларни ҳақамлар судига кўриш учун беришга, ҳакамлар суди эса бундай ишларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

## 2-§. Ишларнинг судловга тегишлилиги

У ёки бу низоли ишни ҳал этиш юзасидан муайян суднинг ваколати доираси ушбу суд судловига тегишлилигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Судловлилик – бу хўжалик процессидаги муайян суднинг биринчи инстанцияда иқтисодий низоларни ҳал этиш ваколатини белгиловчи институтдир.

Хўжалик судига тааллуқли ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан кўрилади, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судловига тегишли ишлар доираси эса қонунда алоҳида белгилаб қўйилган.

Назарияда ва хўжалик қонунчилигида иқтисодиёт соҳасида келиб чиқадиган низоларнинг хўжалик судларига тааллуқлилиги, шунингдек, бундай низоларнинг конкрет хўжалик суди судловига тегишлилигини белгилаш тарафларнинг субъектив таркибига, низо предмети ва жавобгарнинг ёки низоли мулкнинг жойлашган жойига кўра, яъни умумий ҳудудий судловлилик қоидасига биноан амалга оширилади. Мазкур умумий ҳудудий судловлиликдан ташқари истисно тариқасида судловлиликнинг мутлақ, шартномавий ва махсус судловга тегишлилик каби турлари ҳам мавжуд.

Низонинг предмети ва субъектив таркиби каби белгиларга кўра хўжалик судлари судловига тегишлилигини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари судловига тегишлилигини белгилашда қўлланилади.

Хўжалик судлари ўртасида судловга тегишлилик юзасидан низоларга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судловига тегишли бўлган фуқаролик ва бошқа низолар доираси қонунчилик билан қатъий белгилаб қўйилган. Қолган барча ишлар Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судилари судловига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини амалга киритиш билан боғлик бўлган масалалар ҳақида"ги 68-сонли қарорига биноан ХПКнинг 26-моддасига мувофиқ, Олий хўжалик судининг

судловига тегишли, биринчи инстанцияда кўрилиш лозим бўлган, ишларнинг туркуми чекланган.

Олий хўжалик суди биринчи инстанция сифатида қуйидаги низоли ишларни кўради:

а) республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

б) ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, хўжалик судида давлат ва бошқа органларнинг ҳар қандай акти эмас, балки маълум юридик шахслар ёки уларнинг гуруҳига тегишли актлар, яъни ҳуқуқни тадбиқ этувчи актлар юзасидан ишлар кўрилиши мумкин.

Турдош (умумий) судловлик истисно сифатида мазмунан биринчи инстанцияда ҳал қилинадиган ишларни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари судловига тегишлилигини белгилаш имконини беради. Кейинчалик конкрет кўрилаётган иш бу тизимдаги судларнинг қайси бирида кўриб чиқилиши лозимлигини аниқлаш зарур. Бу масалани ҳал қилиш орқали ҳудудий судловлик аниқланади.

Амалдаги хўжалик процессуал қонунчиликда ҳудудий судловлик ХПКнинг 27-моддасида кўрсатилган. Ҳудудий судловликнинг умумий қоидасига кўра даъволар жавобгар жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади. Юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган ҳудуддаги судга тақдим этилади. Юридик шахснинг ижро органи (дирекция, бошқарма ва бошқалар) жойлашган ҳудуд унинг жойлашган жойи сифатида қаралади. Жавобгарнинг жойлашган жойи даъвогар томонидан кўрсатилади. Яъни, хўжалик процессида суд ҳам, бошқа давлат органлари ҳам жавобгарни қидириш билан шуғулланмайди. Бу вазифа даъвогар зиммасида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 03.06.1993 йилги “Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлик низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги 18-сонли қарорида кўрсатилашича, Ўзбекистон Республикаси ХПКни 27 моддасига мувофиқ сифатсиз ёки бут бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб берилганлиги билан боғлик даъволар жавобгар турган жой бўйича кўриб чиқилади. Агар ишда бир неча жавобгар (тайёрловчи, тайёрловчилар ва етказиб берувчи) қатнашса, низо хўжалик суди томонидан даъвогарнинг танлови бўйича жавобгардан бирининг турган жойи бўйича ХПКни 28-моддасига асосан кўриб чиқилади.

Алоҳида ҳолларда қонун юридик шахс номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб хўжалик судида унинг алоҳида бўлинмасини

иштирок этишига йўл қўяди. Бунда юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси жавобгар ёки даъвогар сифатида иштирок этиши мумкин бўлади. Юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган жойдаги судга тақдим этилади.

Судловлиликнинг умумий қоидаси сифатида хўжалик процессуал қонунчилик даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлиликни ҳам кўрсатиб ўтган (фуқаролик процессида бунга альтернатив судловлилик дейилади). Агар ишда турли вилоятлар, шаҳарларда жойлашган бир неча жавобгар иштирок этса, даъво даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарларнинг бири жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади.

Бажарилиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъво шартномани бажариш жойига берилиши мумкин. Судловлиликнинг умумий қоидаларидан бундай истисно низони оператив ва тўғри ҳал қилиш мақсадида киритилган. Бундай нормани жорий қилишга эҳтиёж хўжалик амалиётида шартнома тузаётган тарафлар бир жойда ёки турли жойларда жойлашиб, шартноманинг объекти, предмети бошқа жойда жойлашган ҳолатларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган ташкилот Самарқандда жойлашган ташкилот билан Бухорода турар жой қуриш тўғрисида шартнома тузган. Умумий қоида бўйича мазкур шартнома юзасидан келиб чиққан низо Самарқанд вилояти хўжалик судида кўриб чиқилиши керак. Бироқ, шартномани бажарилиш жойи бошқа ва хўжалик суди жавобгар жойлашган жойдаги эмас, балки шартнома бажарилиши лозим бўлган жойдаги далиларни ўрганиши керак. Албатта, бундай вазиятда хўжалик топшириғидан ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин бу тартиб иш кўрилишини мураккаблашуви ва узоққа чўзилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ушбу масала юзасидан янги нормани киритиш зарурати пайдо бўлди. Жавобгар ташкилот ёки фуқаро бошқа давлат ҳудудида жойлашадиган бўлса, келиб чиққан низо юзасидан даъво даъвогар жойлашган жойга ёки жавобгарнинг мулки жойлашган жойга берилиши масаласи Хўжалик процессуал кодексида мустаҳкамланган судловлиликни белгилаш борасидаги янги қоида бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик процессуал кодексига асосан жойлашган жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъво унинг мулки ёки унинг Ўзбекистон Республикасида охирги марта жойлашган жойидаги хўжалик судига берилади. Бироқ хўжалик судлари, тадбиркорлик тузилмалари ва давлат органлари айрим тадбиркорлар томонидан ўз манзилини, рўйхатдан ўтган жойини, банк ҳисоб варақларини яшириш фактларига тез-тез дуч келишади.

Кўриб чиқилаётган судловлилик тури даъвогарнинг танлаши бўйича судловлилик деб номланади. Аммо судловга тегишлиликнинг бу тури ҳудудий белгидан келиб чиқади, уни тўлдиради, кенгайтиради ва ўз моҳиятига кўра ҳудудий судловлилик бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик процессуал кодекси билан белгиланган даъвогарнинг танлаши бўйича ва ҳудудий судловлилик тарафларнинг келишувига кўра

ўзгартирилиши мумкин (шартномавий судловлилик). Бундай судловлилик қонунда белгиланган судловлиликка зид эмас. Қонунда белгиланган судловлилик қоидаларига қарамасдан тарафлар томонидан хўжалик ишини у ёки бу судда кўрилиши тўғрисидаги келишуви турли шаклларга эга бўлиши мумкин. Масалан, бирор шартномани тузаётган шахслар шу шартнома юзасидан келажакда келиб чиқиши мумкин бўлган барча низолар тарафларнинг келишувига кўра белгиланган хўжалик судида кўриб чиқилиши мумкин. Бунда тарафлар ҳудудий судловлиликнинг умумий қоидасидан четга чиқишади. Низо жавобгар жойлашган жойда эмас, балки маҳсулот етказиб берувчи жойлашган жойда кўриб чиқилиши назарда тутилиши мумкин. Бундай шартномавий судловлиликни таклиф этувчи тараф ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиши мумкин. Қонун бундай судловлиликка нисбатан бирор-бир чеклов ва тақиқларни қўймаган (тарафлар ўзгартириши ҳуқуқига эга бўлмаган алоҳида судловлиликдан ташқари).

Низо келиб чиққанидан сўнг ҳам бундай келишувга келиш мумкин. Қонунда бундай келишув учун ҳеч қандай алоҳида қоидалар белгиланмаган. Унинг мавжудлигининг ўзи етарли. Ҳудудий (жавобгарнинг жойлашган жойи тўғрисида) ва даъвогарнинг танловига кўра судловлилик юзасидангина келишувга келиш мумкин.

Хўжалик процессуал кодексидаги низоли ишларнинг хўжалик судларига тегишлилиги тўғрисидаги ҳуқуқ нормаларини таҳлил қилиб, бу борада қонун чиқарувчи орган ўз эътиборини айнан хўжалик суди судловига тегишли бўлган низони кўриб чиқиш учун Ўзбекитон Республикасининг хўжалик судини пағонасини аниқ белгилашга қаратганлигини кўриш мумкин.

Шартномавий ва ҳудудий судловлилик тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судловига тегишли бўлган ишларга нисбатан тадбиқ этилмайди. Шунинг учун хўжалик судларининг ваколатлари (Ўзбекистон Республикасининг барча судлари бир хил даражага эга), шунингдек, хўжалик судининг қарорларини тегишли инстанция хўжалик судлари томонидан яна икки босқичда текшириш имконияти мавжудлиги нуқтаи-назаридан ҳеч бир тараф хўжалик судини танлашда ҳеч қандай имтиёзларга эга бўлмайди ва ҳеч қандай ҳуқуқларни қўлга киритмайди ва уларни йўқотмайди ҳам. Шу йўл билан хўжалик процессуал қонунчилик алоҳида судловлиликни ҳам назарда тутади.

Қонун томонидан алоҳида тоифадаги ишларга хос бўлган хусусиятларни эътиборга олиб, уларнинг судловлилигини бошқа судларда кўрилиши имкониятини истисно этиб, аниқ судга қатъий равишда тегишли қилиб белгиланган ҳолатлар мустасно судловлилик сифатида қаралади.

Алоҳида судловлиликни белгилаш ўз хусусиятига кўра бошқа судда кўриб чиқилиши бир мунча қийин бўлган ишларни тўғри ва тез ҳал этишни мақсад қилиб қўяди. Умумий қоидадан мустасно ҳисобланган ҳолатлар эса транспорт органи жавобгарлардан бири сифатида қараладиган юк ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган низоларга тегишлидир.

Бундай низолар транспорт, ташувчининг бошқарув органи жойлашган жойдаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади (алоҳида судловлилик).

Алоҳида судловлилик бино, иншоот, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги, бино, иншоот, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъволар учун белгиланади ва бино, иншоот, ер участкаси жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади.

Хўжалик процессуал қонунчилигида махсус судловлилик алоҳида кўрсатиб ўтилган. У юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ва банкротлик тўғрисидаги ишларнинг судловлилигига тегишли бўлиб, иқтисодий ва бошқарув низолари рўйхатида кўрсатилмаганлиги билан изоҳланади.

Хўжалик судига даъво аризасини судловлилик қоидаларига кўра тақдим этиш низоли ишни тезроқ ҳал қилишга имкон беради. Бундай ҳолатда, биринчи навбатда, даъвогарнинг ўзи манфаатдор бўлади. Лекин айрим ҳолларда даъвогарлар хатоликларга йўл қўяди ва хўжалик судларига даъвони судловлилик қоидаларини ҳисобга олмаган ҳолда тақдим этишади. Амалдаги қонунчиликка кўра суд томонидан бундай камчиликлар бартараф этилмайди, хўжалик низоси эса кўрмасдан қолдирилади.

Амалиётда даъво материаллари судловлилик қоидалари бузилган ҳолда тақдим этилиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Кўпчилик ҳолларда бундай қоидаларнинг бузилиши сунъий равишда юзага келтирилади.

Қонунчиликда ишни бошқа хўжалик судига ўтказишга йўл қўйиладиган икки ҳолат мавжуд: агар ушбу судда кўрилаётган ишни судловлилик қоидалари бузилган ҳолда юритувга қабул қилинган бўлса ёхуд бир ёки бир нечта судьялар рад этилгандан кейин ишни шу судда кўриш имкони бўлмаса, шунингдек, ишни шу судда кўриш имконияти мавжуд бўлмаган бошқа ҳолларда.

Бир хўжалик суди томонидан иккинчи хўжалик судига йўналтирилган иш, у жўнатилган судда кўриб чиқилиши керак. Хўжалик судлари ўртасида судловлилик борасида низоларга йўл қўйилмайди. Низолар хўжалик судлари томонидан энг қисқа муддатларда кўриб чиқилиши керак. Судловлилик юзасидан низоларга йўл қўйилмаслиги иқтисодий соҳадаги низоларни оператив ҳал этилишига кўмаклашади.

Судловлилик юзасидан даъво материалларини бир хўжалик судидан иккинчисига ўтказилиши даъво муддатини узилганлигини аниқлашга таъсир этмайди. Даъво муддати хўжалик иши материалларини судловлилик бўйича бошқа судга ўтказган судга даъво тақдим этилган кундан эътиборан узилади. Одатда ишни бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги масала судья томонидан даъво аризасини қабул қилиш босқичида ҳал этилади.

Судья ишни судловга тегишли эмаслиги тўғрисида асослантирилган ажрим чиқаради (ЎзР ХПК 118-модда). Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят берилиши мумкин. Ажрим бекор қилинган ҳолатларда эса ариза хўжалик судига дастлабки мурожаат этган куни берилган бўлиб ҳисобланади.

Аризанинг тақдим этилган суд судловига тегишли бўлмаганлиги сабабли қайтарилиши у билан тегишли судга умумий асосларга кўра мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди. Аммо суд ҳужжатларни қайтара туриб даъвогарга ўз даъвоси билан қайси судга мурожаат этишини тушунтиришга мажбур эмас.

## III БОБ. ДАЪВО ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ХЎЖАЛИК СУДИДА ИШНИ ҚЎЗҒАТИШ

### 1-§. Даъво тақдим этиш тартиби ва уни бузилишининг оқибатлари

Хўжалик процессуал қонунчилигида манфаатдор шахслар томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бу ерда манфаатдор шахслар томонидан мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотлар, шунингдек, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган шахслар қаралади.

Шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда (ЎзР ХПК 6-моддасининг 2, 3-қисмлари) хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи прокурор, давлат ва бошқа органларга ҳам берилади.

Хўжалик судида муайян ишни қўзғатишга бўлган ҳуқуқ – маълум бир юридик фактларнинг мавжудлиги ва шу суд органига мурожаат этишнинг хўжалик процессуал қонунчилик билан белгиланган тартиби билан боғлиқ бўлади. Хуқуқни ҳосил қилувчи таркиб ёки хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошириш тартибининг бузилиши хўжалик процессуал иш юритишни қўзғатиш имконини бутунлай ёки уни ўз вақтида бошлаш имкониятининг йўқолишига олиб келади.

Хўжалик судига даъво билан мурожаат этиш ҳуқуқи қонун билан белгиланган тартибда манфаатдор шахслар томонидан ўзининг бузилган ёки низоли ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат этишни ўзида акс эттиради.

Юқоридагилардан қуйидагича хулоса келиб чиқади:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги 82-сонли қарорида белгиланишича, ХПКнинг 1-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланаётган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли. Башарти даъво юридик

шахснинг ўзига эмас, балки унинг алоҳида бўлинмасига тақдим этилган бўлса у ҳолда юридик шахснинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиш суд томонидан ХПКнинг 38-моддасига мувофиқ ҳал этилади.

ХПКнинг 112-моддасига мувофиқ хўжалик судида тақдим этилаётган даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Даъвогар бўлиб ўзининг бузилган, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат этган шахс ҳисобланади. Даъво ариза қонун ва таъсис ҳужжатлари асосида юридик шахснинг органи томонидан имзоланади. Бундай шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилганда, у даъво аризаларни имзолашга ҳақли эмас. Башарти даъво аризаси тегишли ваколатли ишончнома билан тасдиқланмаган вакил (юрист консультант, адвокат ва бошкалар) томонидан имзоланган бўлса, суд ХПКнинг 118-моддаси 2-бандига мувофиқ даъво аризани қайтариши лозим, агарда иш қўзғатилган бўлса ХПКнинг 88-моддасининг 3-қисмига мувофиқ даъвони кўрмасдан қолдириши шарт. ХПК 112-моддасининг 1-қисмини қўллаш жараёнида шуни назарда тутиш керакки, агар ташкилот ҳайъат (коллегиал) томонидан бошқарилса ва даъво арзасига уни раҳбари ёки унинг ўринбосари имзолашга ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаган бўлса, судья ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида даъвогарга тегишли ҳужжатни тақдим этишни таклиф қилиши керак. Бундай ҳужжат тақдим этилмаганда, ХПК 88-моддасининг 3-қисмига мувофиқ хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Манфаатдор шахслар сифатида тарафлар учинчи шахслар, банкротлик тўғрисидаги, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризачи ва бошқа шахслар, прокурор, давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялаш юзасидан даъво билан мурожаат этган бошқа органлар қатнашиши мумкин(ЎзР ХПК 34 м. 2,4 қисмлар). Санаб ўтилган манфаатдор шахслар ўз даъволари билан хўжалик судларига мурожаат этаётганда ЎзР ХПК томонидан ўрнатилган даъво аризасини тақдим этиш қоидаларига риоя этишлари керак.

Даъвога бўлган ҳуқуқнинг реализацияси хўжалик судига даъво тақдим этиш қоидаларига амал қилиш билан боғлиқдир. ХПК 112-моддасида белгиланган талабларга кўра бундай қоидалар қуйидагилардан иборатдир:

даъво аризаси шакли ва мазмунига кўра ХПК 112-моддаси қоидаларига мос келиши;

даъво аризаси уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан имзоланиши ҳамда ушбу шахснинг мансаби аниқ кўрсатилиши;

иш даъво аризасини қабул қилган суд судловига тегишли бўлиши;

даъвогар ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхаси йўлланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни судга тақдим этиши;

даъвогар давлат божини ва почта ҳаражатларини тўлаганлиги тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши ёки давлат божидан озод этиш, уни

тўлашни кейинга қолдириш ёки қисмларга бўлиб тўлашни сўраб мурожаат этиши мумкинлиги;

даъвогар низони суд тартибида ҳал этишдан олдин қонунда ёки шартномада кўрсатилган ҳолларда талабнома тартибига риоя этилганини исботлаши;

бир даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга бўлган талаблар ўзаро боғлиқ бўлиши;

даъвогар қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этганлиги ва ҳ.к.

## 2-§. Даъво аризасини хўжалик судига тақдим этиш қоидалари

Хўжалик судида иш қўзғатишдан олдин ХПКнинг 6-моддаси 1, 2-қисмларида кўрсатилган шахслар томонидан тегишли қоидаларга риоя этилган ҳолда даъво аризаси тақдим этилади.

Даъво аризасини тақдим этиш қоидалари унинг шакли ва мазмуни, даъво аризаси нусхаларини юбориш ва илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини ўзида ифодалайди.

ЎзР ХПК 112-моддасининг 1-қисмига кўра хўжалик судига даъво аризасини тақдим этиш ёзма шаклда амалга оширилади. Аризани ёзишда қўлланилган воситалар ва йўллар тўғрисида қонунда ҳеч қандай таъқиқлар йўқ. Ариза қўл ёзма ёки компьютерда ёзилган шаклда бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатда хўжалик судига ёзма тартибда мурожаат этиш даъвони тақдим этиш жойи ва вақтини белгилаш, даъво аризасини қонунга мос келишини аниқлаш, даъвогар ва хўжалик суди томонидан аризани тақдим этиш жараёнидаги хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш, судьянинг аризани қабул қилишни рад этиш ёки аризани қайтариш тўғрисидаги ажримининг қонунийлигини текшириш, даъвогарнинг даъво тақдим этиш ҳуқуқи бузилишини ўз вақтида олдини олиш, даъвогар ва жавобнинг суд тартибда ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлаш имконини беради.

Хўжалик судига мурожаат этиш вақтида даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Хўжалик судида ташкилотларнинг номидан уларнинг ваколатли органлари ёки вакиллари қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Даъво аризаси ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан унинг исми-шарифи ва хизмат мавқеини кўрсатилган ҳолда имзоланган тартибда хўжалик судига тақдим этилади.

Хўжалик судига юридик шахс ташкил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс томонидан даъво аризаси тақдим этилган ҳолларда шу шахснинг ўзи даъво аризасини имзолайди. Ишончнома мавжуд бўлган ҳолларда даъво аризаси филиал, ваколатхона

ёки корхонанинг бошқа ташкилий бўлинмаси бошлиғи томонидан имзоланиши мумкин.

Олий хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 16 июндаги 79-сонли қарори билан тасдиқланган “Солиқ кодексини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида Умумлаштириш”га биноан солиқ органи ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги аризани беришдан аввал "Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган тартиб қоидаларини бажарганидан сўнггина мурожаат қилиши мумкин. Мазкур Низом талабларига кўра солиқ органи албатта судга ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисида ариза беришдан олдин солиқ тўловчига солиқ ва йиғимлардан қарзларини тўлаб қўйиш тўғрисида талабнома қилганларидан сўнг мурожаат қилишлари мумкин. Агарда, солиқ тўловчи томонидан солиқ органи қўйган талаблар юзасидан эътирозлари ёки низо мавжудлиги кўрсатилса, солиқ органи хўжалик судларига даъво аризалари билан мурожаат қилишлари лозим бўлади.

Солиқ органларининг хўжалик судларига берадиган даъво аризалари умумий тартибда, "Хўжалик процессуал кодекси"да кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Солиқ органларининг даъво аризалари жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судларига берилиб, давлат божисиз қабул қилиниб, кўриладиган низо юзасидан ундирилиш лозим бўлган давлат божи ҳал қилув қарори қабул қилинадиган пайтда ундирилади.

## 3-§. Даъво аризаси ва ундаги камчиликларни бартараф этиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 112-моддасида даъво аризаси шаклига риоя этиш қоидалари билан бир қаторда унинг мазмуни юзасидан талаблар ҳам келтирилган. Даъво аризасининг мазмунини даъвони хўжалик судида кўриш ва ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотлар ташкил этади.

ХПК 112-модасига асосан даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

– ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

– ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари. Суд амалиёти тарафлар банк реквизитларини кўрсатилишини талаб этади;

– агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;

– даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар. Даъво аризаси ҳуқуқий ва фактик томондан асослантирилган талабларни ўз ичига олиши керак;

– даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар. Даъвогарда далиллар мавжуд бўлганда улар даъво аризасига илова этилади;

– ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;

– даъвогарнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар;

– низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

– илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризасининг юқорида кўрсатиб ўтилган шартлари мажбурийдир. Шу билан бирга ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ва даъвогарнинг талаблари ҳам кўрсатилиши мумкин.

ХПК 114-моддасига асосан даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлиги. Қонун билан давлат божини тўлашдан озод этиш, уни тўлашни кейинга қолдириш ёки қисмларга бўлиб тўлаш назарда тутилган ҳолларда судга бу тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш мумкин. Хўжалик суди тарафларнинг мулкий ҳолатидан келиб чиқиб уларни давлат божини тўлашдан озод этиш, уни тўлашни кейинга қолдириш ёки қисмларга бўлиб тўлашни белгилаши мумкин.

Давлат божини тўлаш муддатини кейинга суриш, уни қисмларга бўлиб тўлаш, унинг миқдорини камайтириш манфаатдор тарафнинг илтимосига кўра амалга оширилади. Илтимоснома даъво аризаси, апелляция ёки кассация шикоятида ёки даъво аризасига илова қилинадиган алоҳида аризада кўрсатилиши мумкин. Даъво аризаси, апелляция ёки кассация шикояти билан мурожаат этишдан олдин келтирилган давлат божини тўлаш муддатини кейинга суриш, уни қисмларга бўлиб тўлаш, унинг миқдорини камайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан кўрмасдан қолдирилади.

б) даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлиги.

в) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса.

Хўжалик процессуал қонунчилик ҳар қандай манфаатдор тарафга ҳеч қандай дастлабки талабларсиз, бевосита ариза билан хўжалик судга мурожаат этиш ҳуқуқини беради. Аммо ХПКнинг 6-моддасида бу масала юзасидан истисно мавжуд. Қонунчиликда назарда тутилган низоларни судгача ҳал қилиш тартибга солиш қоидаси тадбиқ этиладиган ишлар суд томонидан фақатгина бундай тартибга риоя этилганидан кейингина қабул қилиниши мумкин. Даъвогар даъво аризаси билан бирга талабнома

нусхаси ва уни жавобгарга юборганлигини исботловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

Хўжалик судига прокурор, давлат органи, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи ва бошқа давлат идоралари мурожаат этган тақдирда, низоларни судгача ҳал қилиш тартибига оид қоидалар қўлланилмайди.

г) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар.

ХПКнинг 114-моддасида қўшимча махсус ҳужжатларнинг маълум хусусиятларини тартибга солувчи қоидалар белгиланган. Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, унинг даъво тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади. Шартнома тузишга мажбур этганлик тўғрисидаги аризага шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Бошқа асосларга кўра даъво аризаларига бошқа ҳужжатлар илова этилади. Масалан, банкротлик тўғрисидаги ишлар юзасидан даъво тақдим этиш қоидалари ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги қонунда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 03.06.1993 йилги “Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлик низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги 18-сонли қарорининг 9-бандига биноан, зарур сифатга эга бўлмаган ёки бут бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлик даъво беришда даъвогар даъво аризасига Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 114-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни, шунингдек, қуйидагиларни илова қилиши шарт:

- маҳсулотлар етказиб бериш назарда тутилган шартнома, битим, контракт ёки қайд этиб ўтилган ҳужжатлардан тегишли кўчирма;

- тайёрловчи (етказиб берувчи)дан олинган, етказиб берилган маҳсулотлар (товарлар) сифатини тасдиқловчи ҳужжат (сертификат, сифат тўғрисида, паспорт, гувоҳнома ва бошқалар);

- етказиб берилган маҳсулотлар (товарлар)нинг сифати ва бутлиги (комплектлилиги) стандартлар, техник шартлар, намуналар (эталонлар), шунингдек, шартномада назарда тутилган талабларга номувофиқлигини белгиловчи далолатнома; тижорат далолатномаси, агар транспортда амал қилувчи қоидаларга мувофиқ ана шундай далолатнома тузилган бўлса; агар тайёрловчи томонидан белгиланган тартибда унга қайтарилган маҳсулотлар (товарлар)ни қайта текшириш ўтказилган бўлса, ва бу қайта текшириш далолатномаси даъвогарда бўлса;

- зарур ҳолларда етказиб берилган маҳсулотлар (товарлар) номувофиқ келиши керак бўлган стандартлар ёки техник шартлар, ёхуд уларнинг тасдиқланган кўчирмалари, намуналар олиш ва лаборатория таҳлиллари далолатномаси;

- ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни ва халқ истеъмоли молларини сифати бўйича қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага мувофиқ олувчи корхонанинг жамоат вакилининг ёки агар маҳсулотлар (товарлар)ни қабул қилиб олишда қатнашган бўлса корхона вакилининг гувоҳномаси;

- маҳсулотларни темир йўл, сув ёки ҳаво йўли билан етказиб беришда транспорт накладнойи (коносамент), маҳсулотлар (товарлар)ни автомобиль транспортида етказиб беришда товар транспорт накладнойи ёки қайд этиб ўтилган ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари;

- тайёрловчи (етказиб берувчи) ёки бошқа ташкилотларнинг вакилини маҳсулотлар (товарлар)нинг сифати ёки бутлигини текширишда қатнашиш ва далолатнома тузилиши учун чақириш тўғрисидаги хат, телеграмма ёки телефонограмманинг нусхаси ҳамда агар бундай чақириш қайд этилган Йўриқномада, томонлар учун мажбурий бўлган қоидалар шартномада назарда тутилган бўлса;

- тўлов талабнома-топшириғи, аккредитив, етказиб берувчи (тайёрловчи)нинг паттаси ёки унинг зарур даражада тасдиқланган нусхаси ва ҳақи тўланганлигининг исботи;

- даъво бўйича берилиши керак бўлган сумманинг асосли ҳисоб-китоби;

- маҳсулотлар товарлар (нархи туширилганда ёки улар сифати бўйича пастроқ тоифага ўтказилганда уларнинг ҳақиқатда олинган сорт-сифат) бўйича кирим қилинганлиги тасдиқловчи ҳужжатлар.

Агар даъво савдо корхонаси томонидан берилган бўлса, қайд этиб ўтилган ҳужжатлардан ташқари у тегишли ҳолларда нарх пасайтирилишининг истеъмолчига маълум қилинганлиги тўғрисидаги исботни, тез бузиладиган сифатсиз маҳсулотлар (товарлар)нинг қайта баҳоланиши ёки йўқотилиши исботини, маҳсулотлар (товарлар)нинг улар ўтказилган сорт (сифат)даги нарх бўйича сотилганлиги тўғрисида ёки агар маҳсулотлар (товарлар) хали сотилмаган бўлса, қайта баҳоланганлиги ҳақида корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган маълумотномани, маҳсулотлар (товарлар)нинг қайта маркировка қилинганлиги тўғрисида ўша шахсларнинг имзоси қўйилган маълумотномани, тез бузиладиган сифатсиз маҳсулот йўқотилганлиги тўғрисидаги тегишли тартибда тузилган далолатномани ёки мана шу далолатноманинг тасдиқланган нусхасини тақдим этиши шарт.

Савдо корхонасига зарур сифатга эга бўлмаганлиги сабабли олинган махсулот (товар) қийматининг тўла ёки қисман тўланишини рад этганлиги учун даъво берилган ҳолларда, савдо корхонаси тегишли ҳолларда даъво аризасига муносабат билдиришда қайд этиб ўтилган маълумотномани ва далолатномани тақдим этиши шарт. Товарлар кафолат муддати тамом бўлишидан олдин муддатидан илгари ишдан чиққан ҳамда аҳоли уларни товарларни кафолатли тузатишни амалга оширувчи маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг маълумотномаси асосида савдо тармоғига қайтарган ҳолларда, савдо корхоналари даъво аризаларига харидор - фуқаронинг аризасини ва қайд этиб ўтилган маълумотномаларни ёки бу ҳужжатларнинг нусхаларини илова қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.01.1994 йилги “Маҳсулот ва молларни ўз вақтида танлаб олиб кетмаслик билан боғлик низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги 20-

сонли қарорига мувофиқ, етказиб берувчи маҳсулот (моллар) ўз вақтида танлаб олиб кетилмаслиги учун сотиб олувчидан неустойка ундириш тўғрисида даъво қўзғатишда шартнома белгиланган муддатда унинг маҳсулот (моллар) олиб кетиладиган омборда ёки базасида мазкур етказиб бериш муддати учун шартномада назарда тутилган миқдорда ва ассортиментда маҳсулот (моллар) мавжуд бўлганини ҳамда бу маҳсулот (моллар) сифати, нави, қадоқланиши, ўраб жойлаши ва бошка шу кабилар бўйича шартнома шартларига мувофиқлигини ҳамда даъво қилинаётган пайтда мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилиниши шарт.

Ташкилий жиҳатдан даъво аризасини тақдим этиш қуйидагича амалга оширилади: даъво аризаси ишни кўриб чиқувчи судга канцелярия орқали берилади. Даъвогар ва унинг вакиллари аризани почта орқали жўнатиши ёки уни канцелярияга топшириши мумкин. Кейинчалик улар кириш ҳужжатлари ёки даъво аризалари сифатида рўйхатга олинади. Бундан кейин ариза ишни қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун судьяга берилади. Судья аризани келиб тушгандан эътиборан ўн кунлик муддат ичида ишни кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак. Банкротлик тўғрисидаги ишлар юзасидан бу масала 5 кунлик муддат ичида ҳал этилади.

## 4-§. Даъво аризасини қабул қилиш ва уни қабул қилишни рад этиш асослари

ЎзР ХПК 116-моддасига асосан даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг якка ўзи ҳал қилади. Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажримда судьянинг ишни мажлисда кўришга тайёрлаш ҳаракатлари акс эттирилиши мумкин.

ЎзР ХПК 117-моддасига асосан судья даъво аризасини қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади:

а) низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги 82-сонли қарорида белгиланишича, агар иш хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса, хусусан, судга тааллуқли бўлмаса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади. ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари орасидан хўжалик судига тааллуқли низолар келиб чиқиши мумкин бўлган субъектларнинг таркиби белгилаб қўйилган. У энг аввало, юридик шахсларни ва юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқароларни ўз ичига олади. Бу жиҳатдан шуни назарда тутиш керакки, агар даъво билан юридик шахснинг ўзи эмас, балки унинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) ишончнома асосида мурожаат этса, хўжалик суди даъво

аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Бундай ҳолда ишлар бўйича даъвогар сифатида алоҳида бўлинма эмас, балки фаолият кўрсатувчи юридик шахс манфаатларини кўзлаб қатнашишини назарда тутиш керак.

б) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ишни юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса;

в) хўжалик судининг, умумий суднинг, ҳакамлар судининг иш юритишида айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

г) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлар судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлар судига янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлар судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари рўйхати ХПКнинг 107, 117-моддаларида белгилаб қўйилган ва кенг талқин этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.01.1994 йилги “Мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ва темир йўл орқали ташиш чоғидаги камомади ва бўзилиб қолиши билан боғлик низоларни ҳал қилиш амалиёти тўғрисида”ги 22-сонли қарорида кўрсатилишича, юкни бузилмаган ҳолда ташиш ва текширмасдан беришда темир йул юк хатида Темир йуллар Уставининг 65-моддасига мувофиқ белги қўйилиши шарт бўлиб, темир йўл юк хатида бундай белгининг йўқлиги камомад туфайли кўрилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъвони рад этишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Олий хўжалик суди Раёсатининг 1999 йил 29 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Даъво аризаларини қабул қилишни рад этиш ва қайтариш бўйича суд амалиётининг Тафсилоти”га биноан даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ва даъво аризасини қайтариш бўйича суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш асосида судлов таркиби томонидан хўжалик судларига қуйидагилар тавсия қилинган:

1. Хўжалик судлари ХПКнинг 107, 117 ва 118-моддаларига кўра даъво аризаларини (аризалар) қабул қилишни рад этиш ва қайтариш бўйича ажрим чиқаришларида қайд этилган моддаларнинг бандларинигина кўрсатмасдан, балки ушбу бандларда қайд этилган асосларни ҳам кўрсатишлари лозим;

2. ХПКнинг 112-моддасига мувофиқ даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан уларнинг ваколати доирасида имзоланиши лозимлигидан келиб чиқиб, даъво аризани қабул қилишни рад этиш ва

қайтаришнинг ҳар бир ҳолатида хўжалик суди томонидан даъво аризасини имзолаган шахснинг ваколати текширилиши зарур;

3. Даъво аризани қабул қилишни рад этиш ва қайтариш ҳақидаги ажрим билан даъво аризасига илова қилинган ҳамма асл нусхадаги ҳужжатлар ва давлат божи тулланганлиги хакидаги маълумотнома билан даъвогарга қайтарилиши лозим.

4. Даъвогарлар томонидан даъво ариза берилишида почта ҳаражатлари тўланмаган ҳолларда сансалорликка йўл қўймаслик мақсадида, аризани иш юритувга қабул қилиб, суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақидаги ажримда даъвогарга почта ҳаражатини тўлаб келиш мажбурияти юклатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХПК 118-моддасига асосан судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради:

- даъво аризасининг ушбу Кодекснинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

- даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

- иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

- белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

- шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги 82-сонли қарорида белгиланишича, ХПКнинг 6-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳолларда низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилиш мажбурийдир. Бу тартиб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси "Ҳаво транспорти тўғрисида"ги, "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонунларида белгилаб қўйилган. Назарда тутиш лозимки, низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби даъвогар учун фақат қонун ва шартномада белгиланган ҳолларда мажбурийдир. Қонунда уларни қўллаш ҳақидаги ҳавола нормалари белгиланган ҳолларда ташқари, агар у низомда қоидаларида ва бошқа қонуности ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, унга риоя қилиш тарафлар учун мажбурий ҳисобланмайди. Агар шартномадан келиб чикадиган низоларни келишув йўли билан ҳал этиш ҳақидаги шарти бўлса, лекин низони ҳал этиш тартиби назарда тутилмаган

бўлса, у ҳолда нозони талабнома юбориш йўли билан ҳал этиш тартиби мажбурий ҳисобланмайди.

- битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 03.06.1993 йилги “Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлик низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги 18-сонли қарорига мувофиқ даъвогар сифатсиз ёки бут бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб берилишидан келиб чиқувчи талабларни ва бошқа асослардан (масалан, камомаддан, нархлардаги тафовутдан) келиб чиқувчи талабларни, бу талаблар тайёрловчи (етказиб берувчи)нинг битта ҳисоб-китоб ҳужжати бўйича маҳсулот етказиб бериши билан боғлик бўлган ҳолларда, бир даъво аризага бирлаштиришга хақлидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги 82-сонли қарорида белгиланишича, ХПК 115-моддасига мувофиқ даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни битта даъво аризасида бирлаштиришга ҳақли. Бир неча талабни бирлаштиришга қачонки улар хўжалик судига тааллуқли низо моддий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиб, ўзаро боғлиқ бўлганда йўл қўйилади (хусусан, қайтариб олинмаган кредит, кредит фойдаланиш фоизлари ва неустойкани ундириш ҳақида; актни ҳақиқий эмас деб топиш ва шу акт асосида тўланган миқдорларни қайтариш ҳақида; бирнеча транспорт ҳужжатлари бўйича олинган ва битта қабул қилиш акти билан расмийлаштирилган ёки битта ҳисоб-китоб ҳужжати бўйича тўланган камомад миқдорини ундириш ҳақида).

- қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

- агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Суд даъво аризасини қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажримда даъво аризасини қайтариш асослари кўрсатилади, давлат божини бюджетдан қайтариш масаласи ҳал этилади. Ажрим нусхаси у чиққан куннинг эртасидан кечиктирмай даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан даъвогарга юборилади. Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган куни берилган деб ҳисобланади.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган хатолар бартараф этилгандан кейин иккинчи марта хўжалик судига умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди. Даъво аризасини

хўжалик суди иш юритувига қабул қилинганидан кейин шу асосга кўра қайтарилишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолатда бошқа оқибатлар келиб чиқади, масалан, иш юритувининг тугатилиши.

Агар ХПК 118-моддасида назарда тутилган асослар суд томонидан иш юритувга қабул қилингандан кейин аниқланса, иш мазмунан ҳал этилиши керак бўлади. Зарурат туғилганда, хусусан, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво материаллари нусхаларини юбориш мақсадида ишни кўриш кейинга қолдирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги 82-сонли қарорига мувофиқ судлар ХПК 118-моддасида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш учун асослар рўйхати кенг талқин этилиши мумкин эмаслигини назарда тутишлари керак. Судья, даллиллар бўлиб ҳисобланган ҳужжатлар илова қилинмаган, деган важ билан даъво аризани қайтаришга ҳақли эмасдир, чунончи, ХПКнинг 55, 56, 122-моддалари ва бошқа моддаларга мувофиқ, даъвогар уларни тақдим қилиши, суд эса уларни иш ҳал этилгунга қадар тақдим қилишни таклиф қилиши мумкин. Башарти, ХПКнинг 118-моддаси 1-қисмининг 1,4,5,7-бандларида назарда тутилган даъво аризани қайтариш ҳақидаги асослар хўжалик суди томонидан даъво аризани иш юритишга қабул қилингандан сўнг аниқланса, иш мазмунан кўриб чиқилиши лозимдир. Зарур бўлганда, ишни кўриб чиқиш бошқа кунга, хусусан, ишда қатнашувчи бошқа шахсларга даъво ҳужжатларининг нусхаларини юбориш учун қолдирилиши мумкин.

Олий хўжалик суди Раёсатининг 1998 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган “Даъвони кўрмасдан қолдириш бўйича суд амалиётининг Таҳлили”га биноан даъволарни кўрмасдан қолдириш ишларини умумлаштириш асосида суд таркиби томонидан қуйидаги 10 та асосий қоидалар тавсия қилинган:

1. Хўжалик судлари даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримни фақат ХПКнинг 88-моддаси 5-банди, 43-моддаси 2-қисми, 44-моддаларида назарда тутилган асосларга мувофиқ чиқаради;

2. Иқтисодий низоларни ҳакамлар судига бериш ҳақидаги тарафлар ўртасида келишуви уларнинг белгиланган тартибда хўжалик судига мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди ва бундай низо башарти жавобгар тўсқинлик қилмаганида хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши лозим. Айтиш керакки, ўзининг тавсиясини фақат биринчи инстанцияда ва низонинг моҳияти бўйича биринчи аризасидан кечиктирмаган ҳолда бериши лозим;

3. Даъво аризасида даъвогарнинг ёки унинг вакили имзоси бўлмаганда даъво қилинмаган ҳисобланиб, даъво кўрилмасдан қолдирилади. ХПКнинг 112-моддасига мувофиқ даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан уларнинг ваколати доирасида имзоланади. Ҳар бир ҳолатда хўжалик суди томонидан даъво ариза-сини имзолаган шахснинг ваколати текширилиши зарур;

4. Башарти, низони ҳал қилишни судгача бўлган тартибга риоя қилинмаганлиги туфайли даъво кўрилмасдан қолдирилганда тўланган давлат божи даъвогарга қайтарилмайди;

5. Суд муҳокамасига киришишда келмаган томон қонун талабига мувофиқ лозим даражада суднинг бўладиган жойи, вақти ҳақида хабардор қилинганлиги аниқланиши лозим. Бунда суднинг бўладиган жойи ва вақти ҳақида хабардор қилинмаган шахснинг иштирокисиз кўрилишга йўл қўйилмайди ва бу ҳолат даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлмасдан, ХПКнинг 131-моддасига кўра ишни кўришни кейинга қолдиришга асос бўлади;

6. Башарти, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёки бош тортиш ҳақидаги ишни кўришда ҳуқуқни тан олиш ҳақида низо келиб чиққанида, иш кўрилмасдан қолдирилади;

7. Башарти, суд аризани қабул қилгандан кейин ХПКнинг 118-моддаси 1-қисм 1, 4, 5, 7-бандлари қоидасида назарда тутилган асосларга мувофиқ аризаларни қайтариш лозимлиги аниқланганда, иш мазмунан кўриб чиқишга тегишли ҳисобланади. Зарурат бўлганда, жумладан, даъво материалларидан кўчирмаларни бошқа шахсларга жўнатиш лозим бўлганда ишни кўриш кейинга қолдирилиши мумкин. Бунда асоссиз бирлаштирилган ишлар хўжалик суди томонидан ажратилиб алоҳида мустақил кўрилиши мумкин;

8. Агар юридик фактни белгилаш тугрисидаги ишни кўриш жараёнида мансабдор шахс томонидан хўжалик судига тааллуқли ўзининг ҳуқуқи ҳақида низо билдирганида ёки хўжалик суди ушбу ишдаги юридик фактни белгилаш, ушбу низони ҳал қилиш билан боғлиқ деган фикрга келганда берилган ариза ХПК нинг 88-моддаси 8-бандига мувофиқ кўрилмасдан қолдирилади;

9. ХПК нинг 88-моддаси 6-бандидаги кўрсатилган асосга мувофиқ даъвони кўрмасдан қолдириш апелляция ва кассация инстанцияларида қўлланилмайди;

10. Давони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим чиқаришда, даъво аризасига илова қилинган ҳамма асл нусхадаги ҳужжатлар даъвогарга қайтарилиши лозим.

## IV БОБ. ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 26.05.1995 йилги “Иқтисодий муносабатларда одил судловни ва қонунчиликни мустаҳкамлашни амалга ошириш бўйича хўжалик судларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 36-сонли қарорига мувофиқ, хўжалик судлари кўрилаётган ишларни ҳаракатдаги қонунчиликка тўлиқ мос равишда, процессуал муддатларга қаттиқ риоя қилган ҳолда ўтказилиши лозимлиги белганланган. Даъво аризаларини асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортишга йўл қўймаслик, ҳар бир

қўзғатилган иш бўйича чуқур тайёргарлик кўриш жараёнида ишни мазмунан ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг асл нусхасини талаб қилиб олиниши лозим. Низо бўйича қабул қилинган қарор аризадаги талабларни тўлиқ, мазмунан ва аниқ ҳал этган ҳолда қамраб олиши керак.

Даъво аризасини қабул қилгач суд ишни судда кўришга тайёрлаш босқичига ўтади. Ҳар бир ишни судда кўришга тайёрлаш ҳўжалик процессининг мажбурий босқичи бўлиб ҳисобланади. У мустақил босқич бўлиб, унда иш юритишнинг ЎзР ХПК 3-моддасида кўрсатилган вазифаларини бажаришга асослари яратилади. Юридик шахслар, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият олиб борувчи шахсларнинг бузилган ёки низоли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, биринчи навбатда, муайян ишни судда кўриш орқали таъминланади. Тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш низонинг қанчалик тез ва тўғри ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Иш юритишнинг бундай муҳим масаласини ечишдан асосий мақсад низони тўғри ва тез ҳал этиш учун ишни кўришга тайёргарлик қилиш бўлиб, процесснинг мазкур босқичисиз олдиндан белгилаб қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Хўжалик процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб хўжалик процессидаги ушбу босқичнинг муҳимлиги ва зарурлигини кўриш мумкин.

Ишни тайёрлашдаги вазифалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) Ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаштириш;

б) Тарафларнинг ва қонуннинг раҳбарликка олиниши лозим бўлган юридик ҳолатларини аниқлаш;

в) Ишда қатнашувчи шахслар таркиби масаласини ҳал этиш.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан ишни етарли даражада тайёрланмаганлиги уларни қўришни бир неча марта кейинга қолдирилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат эса манфаатдор шахсларга ишни чўзишга имкон яратади, шунингдек, кўпгина ҳолларда асослантирилмаган ва ноқонуний қарор (ҳал қилув қарори) чиқарилишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида одил судлов ва давлат обрўига путур етказилиши мумкин. Ишни судда кўришга тайёргарлик босқичининг муҳим аҳамиятга эга эканлилиги Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан ҳам бир неча бор таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги 82-сонли қарорида белгиланишича, ХПКнинг 122-моддасига асосланиб, судья ишни суд муҳокамасига тегишли тартибда тайёрлаши зарур, чунки бу ишни ўз вақтида ва ҳаққоний ҳал қилишнинг асосий шартларидан биридир.

ХПКнинг 116-моддаси 3-қисмини қўллашда шуни эътиборга олиш керакки, даъво аризани иш юритишга қабул қилиш ҳақидаги ажрим ҳамда

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақидаги ажрим битта ёки икки мустақил суд ҳужжатларида баён қилинган бўлиши мумкин, аммо мазкур суд ҳужжатларини чиқаришдаги доимийлик процессуал муносабатларга аниқ мувофиқ келиши керак. Аввал судья даъвони иш юритишга қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал этади, бу ҳақда ажрим чиқаради. Сунг ХПКнинг 123-моддасига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақида ажрим чиқаради. Ишни суд муҳокамасига тайёрлашга қаратилган ХПКнинг 122-моддасига белгиланган процессуал ҳаракатларни судья шу кодексда назарда тутилган тартибда амалга оширади. Агарда ишни суд муҳокамасига тайёрлашда судья бошқа жавобгарни ёхуд бошқа шахсларни жалб қилишни, экспертиза тайинлашни, даъвони таъминлаш бўйича кўришни зарур деб топса, у ҳолда мувофиқ ҳаракатлар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақидаги ажримда баён қилинади.

## Судьянинг ишни судда кўришга тайёргарлик юзасидан бажарадиган ҳаракатлари

Даъво аризаси иш юритувга қабул қилинганидан ва судья томонидан ЎзР ХПК талабларининг бажарилганлиги текширилганидан кейин ишни судда кўришга тайёрлов қисми бошланади.

Ишни судда кўришга тайёргарлик судьянинг ўзи томонидан амалга оширилади. ХПКнинг 16 бобида ишни судда кўришга тайёргарлик ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатилган қоидалар назарда тутилмаган бўлса-да, бу борада судьянинг ҳаракатлари ҳамда даъво аризасини қабул қилиш ва ишни кўришга тайёргарлик кўриш босқичлари ҳақида сўз юритилган ХПК 122, 123-моддаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда тегишли хулосага келиш мумкин.

Хўжалик процессуал кодексда судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан ҳаракатларни амалга ошириши ва тегишли ажрим чиқаришига 10-кунлик муддат белгиланган. ХПК 125-моддасига асосан қонун билан бошқа қоида ўрнатилган бўлмаса, ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши лозим. Уч ой муддат ичида кўриб чиқилиши керак бўлган банкротлик тўғрисидаги ишлар истисно сифатида қаралади.

Судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан амалга оширадиган ҳаракатлари доираси ХПКнинг 122-моддасида кўрсатилган. Аммо ушбу процессуал ҳаракатлар рўйхати қатъий бўлмасдан, мазкур модданинг охирги қисмида судьянинг низони ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиши учун ушбу рўйхатда назарда тутилмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқининг мавжудлиги ҳам белгилаб қўйилган.

ХПК 122-моддасига асосан судья ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади;

2) ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қилади;

3) ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан, низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади;

4) далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йўл қўйилиши мумкинлигини текширади;

5) гувоҳларни чақиртиради;

6) экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади;

7) бошқа хўжалик судларига суд топшириқларини юборади;

8) ишда иштирок этувчи шахсларни чақиртиради;

9) тарафларни муросага келтириш чораларини кўради;

10) ишда иштирок этувчи ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш бериш учун чақириш масаласини ҳал қилади;

11) даъвони таъминлаш чораларини кўради.

Демак, судья ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан амалга ошириладиган ҳаракатларни қуйидаги кетма-кетликда бажаради: дастлаб судья ишда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар доирасини аниқлайди, яъни даъвогар ёки аризачининг талабини, ҳужжатларни, аризага иловаларни, шу жумладан, жавобгарнинг низони судгача ҳал қилиш босқичида юзага келган эътирозларини ўрганади. Шу билан судья ўзи учун даъво асоси ва предметини аниқлаб олади. Агар даъвода кўрсатиб ўтилган важлари аниқланмаса, ишда қатнашувчи шахслар ва низони мазмунан ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини белгилаш имкони ҳам бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 03.06.1993 йилги “Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлик низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги 18-сонли қарорининг 11-бандига биноан, судья зарур сифатга эга бўлмаган ёки бут бўлмаган маҳсулотлар етказиб бериш билан боғлиқ ишларни ҳал этишда, материалларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 122-моддасида назарда тутилган ҳаракатларни, жумладан қуйидагиларни амалга оширади:

- мазкур низо билан боғлиқ барча материалларни талаб қилиб олади, агар улар даъво аризасига қўшиб топширилмаган бўлса, ҳамда низони тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олади;

- ҳисоб-китобларда қатнашувчи, лекин олувчи ҳисобланмаган харидорни ёки маҳсулотлар (товарлар)ни қайта жўнатган корхонани жавобгар сифатида жалб этади;

- хўжалик суди мажлисини ташкилот жойлашган жойда ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этади.

Ишда қатнашувчи шахслар доирасини аниқлаш ишни судда кўришга тайёрлашнинг кейинги вазифаси бўлиб ҳисобланади. ЎзР ХПК асосан ишда қатнашувчи шахслар сифатида тарафлар, учинчи шахслар, манфаатдор шахслар, прокурор, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга даъво аризаси билан мурожаат этган давлат идоралари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари назарда тутилади.

Хўжалик суди судьясининг ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлаш бўйича энг кенг тарқалган ҳаракати бўлиб ишда мустақил даъво билан қатнашмайдиган фуқаролар ва ташкилотларни жалб этиш ҳисобланади. Низо предметига нисбатан мустақил даъво билан қатнаша олмайдиган шахсларни ишга жалб этиш даъвогар ёки жавобгарнинг илтимосига ёки суднинг ташаббусига кўра амалга оширилади.

Шунингдек, судьянинг низони ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва шу далиларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш бўйича ҳаракатлари ҳам муҳим процессуал аҳамиятга эга.

Судьянинг ишни судда қўришга тайёрлаш босқичида амалга оширадиган ҳаракатлари ичидан ишда иштирок этувчи шахслар, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига низони ҳал қилишда аҳамиятли бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этишни, шунингдек, маълум бир ҳаракатларни бажаришни таклиф этиш кўпроқ амалга оширилади. Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва бажариладиган ҳаракатлар доираси иш материалларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Амалиёт билан турли тоифадаги ишлар учун далилларнинг маълум минимал доираси ишлаб чиқарилган. Одатда судья ишда иштирок этувчи шахслардан низога дахлдор бўлган ҳужжатларнинг хақиқийлигига ишонч ҳосил қилиш учун уларнинг асл нусхасини талаб қилади.

Далиларни тўплашга қаратилган бошқа ҳаракатлар қаторига гувоҳларни чақириш, экспертиза тайинлаш, бошқа судларга суд буйруғини юбориш кабилар ҳам киради.

Гувоҳлар кўрсатмаларининг ишни мазмунан ҳал этишда муҳим эканлигини эътиборга олиб, уларни чақириш даъво аризасини қабул қилиш ва уни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим ёки гувоҳлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юбориладиган алоҳида ажрим чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Агар судья ишни судда кўришга тайёрлашда бошқа жавобгарни жалб этиш, экспертиза тайинлаш, даъвони таъминлаш чораларини кўришга қарор қилган ҳолларда тарафлар масаласи ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда акс эттирилади. Бунда бошқа жавобгар даъвогарнинг розилиги билан жалб этилади, экспертиза ишда иштирок этувчи шахслар илтимосига кўра тайинланади, даъвони таъминлаш чоралари эса ишда иштирок этувчи шахслар аризасига кўра амалга оширилади.

Шундай қилиб, процесснинг мазкур босқичида судьянинг ҳаракатлари тавсиявий характерга эга бўлади ва ишда иштирок этувчи шахсларга

экспертиза тайинлашни илтимос қилишлари мумкинлиги ёки зарурлигини таклиф этишида кўринади.

Хўжалик процессида даъвони таъминлаш чоралари сифатида қуйидагилар қаралиши мумкин:

1) жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш;

2) жавобгарга муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш;

3) бошқа шахсларга низо предметига алоқадор бўлган муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш;

4) даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш;

5) мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисида даъво тақдим этилган тақдирда уни реализация қилишни тўхтатиб туриш. Зарурат туғилганда даъвони таъминлаш бўйича бир қанча чоралар кўрилиши мумкин.

ХПК 76-моддасига кўра даъвони таъминлаш чоралари фақатгина ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш тўғрисидаги ариза берилганида даъвогар ўзининг талабини ва бундай чоранинг кўрилмаслиги суд қарорининг ижро этиш имконининг қийинлашишига олиб келишини асослаб бериши керак.

Юқорда айтиб ўтилганидек ХПКнинг 122-моддасида белгиланган судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан амалга оширадига ҳаракатлари доираси қатъий эмасдир. Бу эса судьяга ўз ташаббусига кўра процессуал нормалар белгилайдиган доирада бошқа ҳаракатларни амалга ошириш имконини беради. Бундай ҳаракатларга далилларни таъминлаш бўйича ҳаракатлар, қарши даъво аризасини қабул қилиш, бир нечта даъво талабини бирлаштириш ёки ажратиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни киритиш мумкин.

## V БОБ. ИШНИ СУДДА КЎРИШ

Ишни судда кўриш хўжалик процессининг марказий босқичи бўлиб ҳисобланади. Бу босқичда низолар мазмунан қўриб чиқилади ва ҳал этилади. Хўжалик процессининг айнан шу босқичда хўжалик иш юритувининг корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бузилган ёки низоли ҳуқуқларни ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; иқтисод ва уни бошқариш соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда қонунбузарликларни олдини олиш каби асосий вазифалари реализация қилинади. Судда ишни кўриш одатда хўжалик суди мажлисида, хўжалик суди судьясининг якка ўзи томонидан олиб борилади. Юқорида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишига хўжалик процесуал ҳуқуқнинг барча принципларига амал қилинганидагина эришиш мумкин.

Ишни суд мажлисида кўришнинг процессуал тартиби ЎзР ХПК билан тартибга солинган. Хўжалик суди мажлиси уч қисмдан иборатлигини таъкидлаб ўтиш жоиз:

– тайёрлов;

– ишни мазмунан кўриб чиқиш;

– иш бўйича қарор қабул қилиш.

Ҳар бир қисм ўзининг вазифалари, таркиби, судда ишни кўришдаги ўз ўрнига эга бўлади ва маълум доирадаги масалаларни ечишга мўлжаллангандир. Барча қисмлар маълум даражадаги мустақилликка эга, ўзаро боғлиқ ва ишни кўриш жараёнида уларнинг бири иккинчисига ўз ўрнини бўшатиб беради.

Шундай қилиб, тайёрлов қисми ишни суд мажлисида кўриш имконияти бор-йўғлигини аниқловчи босқич бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, хўжалик суди иккита масалани ҳал этиши керак:

а) ишни судга етиб келган ишда иштирок этувчи шахслар иштирокида мазмунан ҳал этиш мумкинми?

б) мавжуд далиллар ишни кўриб чиқиш учун етарлими?

Ишни судда кўришнинг иккинчи қисми – ишни мазмунан ҳал этиш бўлиб, мазкур процессуал босқич ўз олдига даъво талаблари ва унга бўлган эътирозни аниқлаштириш, ишни келишув битими билан тугатиш имконини бор-йўқлигини аниқлаш, ҳал этилиши лозим бўлган ишнинг ҳолатларини белгилаш мақсадида тўпланган далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив ўрганиб чиқиш каби вазифаларни қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 03.06.1993 йилги “Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб бериш билан боғлик низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги 18-сонли қарорининг 12-бандига биноан, хўжалик суди хўжалик низосини кўриб чиқишда зарур сифатга эга бўлмаган ва бут бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) етказиб берилганлиги фактини аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама ва пухта аниқлайди, зарур сифатга эга бўлмаган ва бут бўлмаган маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқиш ва етказиб бериш сабаблари ва шароитларини аниқлайди. Зарур ҳолларда хўжалик суди маҳсулотлар (товарлар) сифатини экспертиза қилишни тайинлайди, маҳсулотлар (товарлар)ни жойнинг ўзида текширувдан ўтказади, шунингдек, маҳсулотни тайёрлаш ва унинг сифатини назорат қилиш билан бевосита боғлик мансабдор шахслар (цех, смена бошлиқлари, мастерлар, товаршунослар ва бошқа шу кабилар)ни ёки маҳсулотлар (товарлар) сифати ёхуд бутлигини текширишда ва далолатнома тузишда иштирок этган мутахассисларни, маҳсулот сифати тўғрисида хулоса берган экспертларни, иш юзасидан тарафлар бўлмаган корхоналар мансабдор шахсларини хўжалик низосининг моҳияти бўйича тушунтиришлар бериш учун мажлисга чақиради.

Иш юзасидан тараф ҳисобланувчи корхоналарнинг жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакиллари, уларни вакил қилган

ташкилотлар ва жамоаларнинг ҳал этилаётган низо хусусидаги фикрини судга баён қилиш учун хўжалик низоларини ҳал этишда қатнашишига суд томонидан йўл қўйилади. Суд экспертиза ўтказиш топшириладиган ташкилотни белгилашда айрим стандартлар, техник шартлар, шунингдек, шартномалар билан маҳсулотлар (товарлар) сифати тўғрисида низолар пайдо бўлганда экспертиза ўтказиш топшириладиган ташкилотлар назарда тутилиши мумкинлигини ҳисобга олади.

Ишдаги мавжуд материаллар, шу жумладан, экспертиза, илмий-тадқиқот институтлари, вазирликлар ва идораларнинг хулосалари хўжалик суди томонидан танқидий баҳоланиши керак. Суд, жумладан, маҳсулотлар (товарлар)ни сифат ва бутлиги бўйича қабул қилиб олишда стандартлар, техник шартлар, бошқа норматив-техник ҳужжатларга риоя қилинишини, шу жумладан, синаш ва намуна учун олишларга нисбатан, текширилади; маҳсулотлар (товарлар) сифатини ва бутлигини текширишда қатнашувчи, шунингдек, иш бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлган келишмовчиликлар моҳияти бўйича хулоса берган шахслар томонидан маҳсулотларни синаб кўриш усулларини текширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 03.06.1993 йилги “Маҳсулотлар, товарлар етказиб беришда камомад чиқиши билан боғлиқ низоларни ҳал этиш амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорига мувофиқ, суд мажлисида низолашувчи хўжалик органларининг раҳбарлари ёки маҳсулотни юклаб жўнатиш, транспортда ташиш ва қабул қилиб олиш масалаларидан яхши хабардор бўлган улар томонидан вакил қилинган масъул вакиллар иштирок этишига эришиши, зарур ҳолларда эса маҳсулотлар, товарларни юклаб жўнатиш ва қабул қилишда қатнашган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиш ёки уларни хўжалик судлари томонидан иш бўйича бошқа далиллар билан биргаликда баҳолаши зарур.

Иш бўйича мавжуд далилларга баҳо беришда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши зарур:

а) жўнатувчилар, маҳсулот етказиб берувчилар томонидан юкларни ташиш қоидаларида назарда тутилган юклаб жўнатилаётган маҳсулотлар, товарларнинг бутлигини таъминловчи талабларга риоя қилиниши, транспорт ҳужжатларида товарнинг нуқсонлари ҳақидаги белгилар борлиги, транспорт юк хатлари ва илова қилинган ҳужжатлар, тафсилотли рўйхатлар, фактуралар, ёрлиқлар ва бошқалар, тўғри тўлдирилганлиги ҳамда уларнинг стандартлар, техник шартларга мувофиқлиги;

б) юкни транспорт органларига топширишда юкнинг оғирлиги жўнатувчи етказиб берувчи томонидан аниқланиши усулига;

- юк кимнинг тарозиси ва тамғаси, транспорт органи ёки жўнатувчининг билан жўнатилганлиги ҳамда вагонлар, контейнерлар ва бошқа ташиш воситалари кимнинг тамғаси билан келганлиги, юк қандай ташиш воситаларида тамғаланган ёки тамғаланмаган ташилганлиги ҳамда юкни жўнатувчи ёки олувчининг кузатувчиси кузатиб келган-келмаганлиги;

- транспорт ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги;

в) юкни йўлда қайта юклаш ёки тушириб, бошқа транспортга ортишда юкларни ташиш қоидаларига риоя қилиниши, юкнинг йўлда бўлиш вақти ва унинг келиш санаси, юк қачон ва қаерда, транспорт воситасидан ёки транспорт органининг омборидан олувчига берилганлиги, юк транспорт органи томонидан оғирлиги, ўринлар сони текшириб кўрилиб берилганлиги ёки текширилмаганлиги. Зарурат бўлганда тижорат далолатномаси тузилган-тузилмаганлиги, далолатномада барча зарур маълумотларнинг борлиги.

Агар юк транспорт органи томонидан оғирлиги, ўринлар сони текширилмасдан берилган бўлса, бундай ҳолда юк хати тегишли транспорт уставлари ва кодексларда назарда тутилган белгилар бор-йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Шунингдек, судлар юклаб жўнатиш, транспортда ташиш, қабул қилиб олиш қоидаларининг бузилишини аниқлар эканлар, маҳсулотлар (товарлар) камомадининг ҳосил бўлишига олиб келган сабаблар ва шароитларини пухта ўрганишлари, далилларга баҳо беришга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш ҳолларига йўл қўймасликлари керак. Иш материаллари маҳсулотлар (товарлар) камомади суистеъмоллар, қўпол равишдаги совуққонлик ёки ўғрилик натижасида ҳосил бўлганлигидан гувоҳлик берган ҳоллари бундай ишларнинг материаллари тергов органларига юборилиши керак. Товар-моддий бойликлар жўнатувчида етказиб берилди деб қайд қилинган ҳолларда, уларнинг камомади факти аниқланган, шунингдек, камомадда жўнатувчининг айби исботланмаган ҳолларда хўжалик судининг қарорида тегишлича жўнатувчилар ёки олувчиларинг қонунчиликка мувофиқ етказиладиган зарарнинг бунга айбдор шахслардан ундириб олиниши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш таклиф қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 05.01.1994 йилги “Маҳсулот ва молларни ўз вақтида танлаб олиб кетмаслик билан боғлик низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги 20-сонли қарорига мувофиқ, бундай даъволарни кўриб чиқишда хўжалик судлари мазкур маҳсулотни ўз вақтида олиб кетиш (топшириш)нинг тарафлар учун мажбурий қоидалари ёки шартнома билан белгиланган тартибга асосланишлари ва тарафлар ушбу тартибга қандай риоя этганликларини текширишлари лозим. Чунончи, маҳсулот (моллар) сотиб олувчи томонидан етказиб берувчининг маҳсулот топширишга тахтлиги ҳақидаги билдириш хатида кўрсатилган муайян муддат мобайнида олиб кетилиши лозим бўлган ҳолларда, етказиб берувчи томонидан мазкур билдириш хати жўнатилган ёки жўнатилмаганини текшириш зарур. Агар шартномада сотиб олувчининг маҳсулотини олиш учун аниқ келиш муддатлари белгиланган бўлса, ёхуд аниқ муддатлар белгиланмаган ва етказиб берувчи томонидан маҳсулот топширишга тахтлиги ҳақида билдириш хати ўз вақтида юборилган, сотиб олувчи (олувчи) эса маҳсулотни олиш учун етказиб берувчининг омборига (базасига) келмаган

ҳолларда етказиб берувчи сотиб олувчининг (олувчининг) келмаганлиги фактини исботламаслиги керак. Сотиб олувчининг (олувчининг) маҳсулотининг олиш учун етказиб берувчининг омборига (базасига) ўз вақтида келганлиги, шунингдек, сотиб олувчи келган пайтида шартномада шартлашилган маҳсулотнинг етказиб берувчининг омборида (базасида) йўқ эканлигини исботлаш мажбурияти ана шу сотиб олувчининг зиммасида бўлади. Агар шартнома шартларига кўра маҳсулот беришни рад қилиш ёки унинг етказиб берувчининг омборида (базасида) шартлашган ассортиментда йўқлиги далолатнома билан расмийлаштирилиши лозим бўлса, хўжалик суди бундай далолатнома тузилган ёки тузилмаганлигини текшириши керак булади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 01.03.1996 йилги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлик низоларни кўришда республика хўжалик судлари томонидан қонунчиликни тадбиқ этиш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 53-сонли қарорига мувофиқ, хўжалик судлари низоларни ҳал қилишнинг ҳар бир ҳолатида:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябр 443-сонли қарорининг 6-иловасига мувофиқ белгиланган намунадаги давлат далолатномасининг мавжудлиги;

б) далолатномада майдони кўрсатилиши шарт бўлган, хусусийлаштирилаётган қисми кўрсатилган бинонинг чизмаси (викопировка) мавжудлиги;

в) давлат тасарруфидан чиқарилишига тақдим қилинаётган объектлар ҳақида муҳим маълумотлар, яъни корхона, ташкилотнинг фаолият йўналиши, чиқарадиган маҳсулот (меҳнат ва хизмат) турлари, баланс қиймати, ишчиларнинг ўртача сони, самарадорлиги, кредит ва дебит бўйича қарздорлиги ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги;

г) мулкнинг қиймати сотиб олинаётган пайтда шаклланган реал нархга мувофиқ бўлишлиги ва баҳо бўйича имтиёзлар берилиши ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиши лозимлиги масалалари аниқланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги қарорида суд муҳокамасига киришишда ишда иштирок этиши лозим бўлган шахслар келмаганида уларни суд мажлиси муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида қонун талабларига риоя қилинган ҳолда хабардор қилинганлиги аниқланиши лозимлиги, ХПКнинг 124-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида ажрим топширилганлиги ҳақидаги хабарнома буюртма хат оркали юборилиши, ишда иштирок этувчи шахслар, ажрим даъво аризасида кўрсатилган манзилгоҳга юборилган тақдирда у хабардор қилинган деб ҳисобланиши, башарти, ажрим манзилнинг ўзгарганлиги оқибатида топширилмаса, ХПКнинг 121-моддасига мувофиқ у етказиб берилган

ҳисобланиши, агарда ажрим жавобгарда топширилмаса, алоқа органларининг топширганлиги ва кўрсатилган манзилда жавобгарнинг йўқлиги ҳақидаги хабарномада белгиси билан қайтиб келса, ишдаги ҳужжатларда адресатнинг турар жойи кўзда тутилмаган бўлса, судья даъвогарда жавобгарнинг турар жойи ҳақидаги ҳужжат билан тасдиқланган маълумотни тақдим этишини таклиф қилиши назарда тутилган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар судга келмаган тақдирда, ҳар бир аниқ ҳолатда жавобгарнинг иштироксиз ҳал этиш имконияти ҳақидаги масала муҳокама этилиши лозим, бунда унинг келмаганлиги сабаблари ҳақидаги маълумотнинг борлиги ва ҳал этилаётган ишнинг характери ва ўзига хослигини эътиборга олиш шарт эканлиги, агарда даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаса ва ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш ҳақида ариза бермаган бўлса, у ҳолда ХПКнинг 88-моддаси 6-бандига мувофиқ даъво кўрмасдан қолдирилиши мумкинлиги эътироф этилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, тегишли тартибда суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинмаган шахсларнинг иштирокисиз ишни кўришга йўл қўйилмайди ва у ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун шубҳасиз асос бўлиши белгиланган.

Ишни кўриб чиқишда суд ишни шу мажлисда кўриб чиқиш ва ҳал этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларга тез-тез дуч келиб туради. Бундай ҳолларда иш юритиш кейинга қолдирилади ёки тўхтатиб турилади.

Ишни кўришни кейинга қолдириш ўзида ишни кўриб чиқишни кейинги мажлисга қолдиришни акс эттиради. Ишни кўришни кейинга қолдиришни танаффусдан фарқлаш лозим. Ишни кўриш кейинга қолдирилганда уни кўриб чиқиш янгидан бошланади, танаффусда эса иш тўхтатилган жойидан кўрилади.

ХПК 131-моддасида ишни кўришни кейинга қолдиришнинг асослари, ҳуқуқий оқибатлари, шунингдек, мазкур процессуал ҳаракатни расмийлаштириш тартиби, хўжалик процесси иштирокчиларининг хўжалик суди янги мажлисининг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиниши кўрсатилган. Ишни кўришни кейинга қолдириш алоҳида ҳужжат сифатида киритиладиган ажрим кўринишида расмийлаштирилади. Танаффус эълон қилинганда ажрим чиқарилмайди.

Иш юритишни тўхтатиб туриш – бу хўжалик суди томонидан процессни боришига тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг бартараф этилиши ва процессни қайта тикланиш муддати аниқ бўлмаган объектив ҳолатларнинг юзага келиши муносабати билан суд томонидан процессуал ҳаракатларнинг тўхтатиб турилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида»ги 82-сонли қарорига мувофиқ хўжалик низоларини кўриб чиқиш жараёнида кўпроқ қонунбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаблар ва

шароитларни аниқлашга эътибор берилиши лозим. Хўжалик судлари ишларни кўриш жараёнида қонунларни бузилиш ҳолатларини аниқлаганларида ёхуд хўжалик субъектларининг ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги аниқланмаган ҳоллари ХПКни 152-моддаси ва Президентнинг 04.03.1998 йилги Фармони асосида хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир, шу жумладан, тегишли шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш ҳақида хусусий ажрим суд мажлисида эълон қилиниши лозим.

Хўжалик суддари хусусий ажримлар ижроси устидан назоратни кучайтиришлари лозимдир. Хўжалик судларига зарур ҳолларда, жамият учун аҳамиятли низоларни, тегишли ташкилий тайёргарликни таъминлаб жойига чиқиб, сайёр суд мажлисларида кўриш тавсия этилади.

Суд мажлисининг учинчи ва якунловчи қисмида суд ишни мазмунан ҳал этади, алоҳида маслаҳат хонасида қарор қабул қилади ва уни суд мажлисида эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 01.03.1996 йилги "Суд қарорлари ҳақида"ги 54-сонли қарорига мувофиқ, хўжалик судларининг эътибори суд ҳокимияти актлари бўлган қарорларни чиқаришда ҳар бир алоҳида иш бўйича чиқарилган қарор Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал қонунчилигининг талабларига тўлиқ жавоб беришига, қонуний ва асосли бўлишига қаратилиши лозим.

Судьялар қарорларни ўзларининг ҳуқуқий онгига таяниб, ташқи муҳитлар таъсирисиз, қонунларга ва ишдаги мавжуд ҳолатларга асосланган ҳолда қабул қилишлари шарт.

Чиқарилган қарор чуқур асослантирилган, даъвонинг моҳияти бўйича қўйилган барча саволларга жавоб берадиган бўлиши керак. Даъво юзасидан ҳамма масалаларни ҳал қилмасдан, асосланмаган, юзаки, тарафлар томонидан тақдим қилинган илтимоснома ва қўшимча далил-исботларни ҳуқуқий баҳоламасдан, қарор чиқарилиши мумкин эмас. Қонун талабларини бузиб чиқарилган қарор Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 98-моддасига биноан бекор қилинади.

Мазкур низолар бўйича ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишда процессуал ҳуқуқ талаблари ва моддий ҳуқуқ талаблари тўлиқ ва аниқ қўлланган бўлса, қарорлар қонуний деб ҳисобланади. Агар баъзи ҳолларда, шартномада ёки қонун ости норматив актларидаги ҳолатлар қонунга зидлиги аниқланса, хўжалик судлари қарор чиқаришда қонунга асосланган равишда қарор чиқарадилар.

Низоли муносабатларни тартибга солувчи қонунлар бўлмаган тақдирда, суд Хўжалик процессуал кодексининг 1-моддаси 3-бўлимига асосланиб, шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонунни қўллашлари керак.

Иш бўйича муҳим бўлган ҳамма ҳолатлар, келтирилган далил-исботларни тасдиқловчи фикрлар томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўрсатувчи ҳолатларни тасдиқласа, қарор

асослантирилган бўлади. Қарорлар иш ҳолати бўйича тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас.

Қарорлар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 30, 40-моддалари талабларини ҳисобга олган ҳолда тўла ва аниқ, шу иш билан боғлик ишончли ва етарли далилларга асосланган бўлиши керак. Иш бўйича экспертнинг хулосаси, ёзма ва ашёвий далиллар, томонлар вакилларининг ва иш процессида қатнашаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари исботлаш воситалари бўлиб ҳисобланади. Фақат текширилган ва баҳоланган далил-исботлар суд қарорининг асослари бўла олади. Судлар ўз қарорларида далил-исботларни кўрсатиш эмас, балки бу далил-исботларнинг мазмунини қисқача кўрсатиб ўтишлари керак.

Агар, далилларнинг ҳар бирини алоҳида ва жами келтирилган у ёки бу ҳужжатлар, тарафлар вакилларининг кўрсатмалари ўзларининг даъво ёки эътирозларини тасдиқламаслигини аниқласа, қарор чиқаришда суд бу ҳақда ўз хулосасини асослаб кўрсатиши лозим.

Ҳеч қандай далил-исботлар суд учун олдиндан белгиланган кучга эга эмас, шунинг учун жавобгар даъвони тан олганда ҳам иш кўриш жараёнида аниқланган ҳолатлар қарорда кўрсатилиши керак.

Эксперт хулосасига ҳавола қилинганда, шу хулоса билан қандай ҳолатлар тасдиқланиши қарорда кўрсатилиши лозим. Экспертнинг хулосасидан норози бўлган суд иш бўйича қарорда ўзининг эътирозини асослантирган ҳолда кўрсатиши керак.

Хўжалик судлари қарорларининг ижроси бўйича тушунмовчиликлар ва низолар бўлмаслиги учун ХПКнинг 80-моддаси талаби бўйича қарорнинг кириш, баён этиш, асослантириш ва хулоса қисмини аниқ изоҳлаши керак.

Қарорнинг кириш қисмида кўрсатилган сана, суд мажлисида қарор эълон қилинган кун ҳисобланади. Бу тартиб суд мажлисида қарорнинг хулоса қисми эълон қилинаётганда ҳам амалда бўлади. Шунинг учун судьялар томонидан имзоланган ва суд мажлисида эълон қилинган қарорнинг асослантирилган ва хулоса қисмларига ҳам, қарор қабул қилинган бир хил сана қўйилади.

Қарорнинг баён этиш қисмида даъво аризасига билдирилган фикр, тушунтиришлар ҳамда илтимосномаларнинг қисқача баёни кўрсатилиши керак.

Қарорнинг асослаш қисми хўжалик судларининг ҳуқуқий ва фактик ҳолатларига асослантириб кўрсатилган бўлиши керак.

Қарор матнида асосларнинг (суд фикрлари ва таянган ҳолатлар) баён этилиши суднинг хулосасини янада тушунарли ва ишончли бўлишини таъминлайди. Қарорнинг фактик асосланиш қисми суднинг даъво асослари ҳақидаги мулоҳазасидан, шу жумладан, қарши даъво ва учинчи шахс даъвосидан, шунингдек, даъвога қарши эътирозларнинг асосига қўйилган фактларнинг мулоҳазасидан ва мазкур ишни ҳал этиш учун хўжалик суди томонидан маъқулланган муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа фактлардан таркиб топиши лозим.

Асословчи қисмда хўжалик суди қарори ҳуқуқий асослантирилиши ҳам керак. Бу ерда ишни ҳал қилиш жараёнида суд томонидан қўлланилган моддий ҳуқуқ меъёрлари ва у амал қилган процессуал ҳуқуқ меъёрлари кўрсатилиши лозим. Шу билан бир қаторда қайд этилган у ёки бу ҳуқуқ меъёрларини тадбиқ этиш масалалари бўйича тушунтиришларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленум қарорларига ҳам мурожаат этишлари керак.

Агар хўжалик суди ишда қатнашаётган шахслар кўрсатаётган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий актларни қўлламаса, у ҳолда низони ҳал этишда мазкур қонунларни нима сабабдан қўлламаганлигининг сабабларини кўрсатиб ўтиши лозим.

Хўжалик суди қарорларининг хулоса қисмида томонларнинг ҳар бир талаби қондирилганлиги ёки қондирилмаганлиши кўрсатилиши лозим.

Бир неча даъвогар ва жавобгарлар қатнашаётган ишнинг қарорида, уларнинг ҳар бирига нисбатан низо қандай ҳал қилинганлиги кўрсатиб ўтилади. Дастлабки ва қарши даъволарни тўла ёки қисман қаноатлантириб қабул қилинаётган қарорнинг хулоса қисмида ҳисоб қилиниб, ундирилиши керак бўлган сумма кўрсатилади.

Айни пайтда суд иш бўйича жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масалани ечишга ҳақли эмас.

Қарорлар қабул қилишда, уларнинг ижросини маълум шартлар келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслиги билан боғлиқ қилиб қўймаслик керак.

Хўжалик процессуал кодексининг 79-моддаси 1-қисмига мувофиқ, суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда, ташкилотлар ва тадбиркор фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво талабларидан четга чиқиши мумкин. Айни пайтда ХПКнинг 23- моддаси 2-бандига асосан даъво предмети ёки асоси суднинг ташаббуси билан жавобгарнинг процессуал ҳуқуқларини бузмасдан ва суд томонидан унга янги ҳолатлар бўйича далил ва исботлар келтириш, шунингдек, суд мажлисида ўзининг важларини баён этиш имкониятларини берган ҳолда, даъвогарнинг бевосита суд мажлисида берган розилиги асосида ўзгартирилиши мумкин.

Хўжалик судлари ҳал қилув қарорини чиқаришда давлат божини тарафлар ўртасида тақсимлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 43, 48-моддалари талабига сўзсиз риоя қилишлари керак. Бу холат асосан давлат божини аввалдан тўланмай қўзғатилган ишлар бўйича мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 81-моддасига мувофиқ, судья ёки ҳайъат ишни суд мажлисида моҳияти бўйича кўриб чиқиб, тугалланган ҳал қилув қарорини чиқаради. Шу билан бирга судья ёки ҳайъат ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисмини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд мажлисида тарафлар ва уларнинг вакиллари тугалланган ҳал қилув қарори билан қачон таниша олишлари мумкинлиги эълон қилиниши керак. Ҳал қилув қарорининг тўла матни 5 кун мобайнида тайёр бўлиши керак.

Суднинг ҳал қилув қарори низони қайси судья ёки ҳайъат ҳал қилган бўлса, фақат улар томонидан чиқарилиши лозим.

Иш кўриш жараёнида судьяни ўзгартириш лозим бўлиб қолса, иш бошқадан кўрилиши ва бу ҳақда шу суд раисининг ёки ўринбосарининг қарори бўлиши зарур.

Ишни кўришда иштирок этмаган судья (ҳайъат) томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиш учун асосдир.

ХПКнинг 114-моддасида кўрсатилган ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки ўзгартириш лозим бўлганда ҳамда уни ижро этиш усули ёки тартибини ўзгартириш зарурияти келиб чиқса, буни ҳал қилув қарорини чиқаришда ҳам амалга ошириш мумкин.

Ҳал қилув қарорини ижро этишни кечиктириш ёки чўзиш ҳамда усулини ёки тартибини ўзгартиришга жавобгарнинг мулкий ҳолатидаги ўзгаришларни, жавобгарнинг банк ҳужжатлари текшируви ва назорат қилувчи бўлимлар ихтиёрида эканлиги, ҳал қилув қарорини тарафлар томонидан дарҳол қайта кўриш учун ариза берилганлиги (қарор ижросини қайтаришга имконият берилмаслик учун) ва бошқа эътиборга лойиқ вазиятларни асос қилиб олиш мумкин.

Бу процессуал ҳаракат тарафлар аризасига ёки суд ташаббусига биноан қўзғатилади ва ижро этилади ҳамда бу ҳаракатлар юзасидан асосланган ажрим чиқарилади.

Шу билан бирга суд Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 9-бобида кўзда тутилган, ҳал қилув қарорини ижро этишни таъминловчи чораларни кўриши мумкин.

Судлар Хўжалик процессуал кодексининг 81-моддаси талаби бўйича ҳал қилув қарорини қайта кўриш учун ариза бериш тартибини тушунтириши лозимлигини кўзда тутиши керак. Тарафларнинг ариза бериш ҳуқуқларини бузмаслик учун ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида бундай ариза бериш тартиби ва муддатлари кўрсатилиши керак.

Хўжалик судларининг эътибори иш кўришда иштирок этган, этмаган тарафлар ва бошқа иштирокчиларга ҳал қилув қарорининг нусхаларини қабул килинган кундан кейин 5 кун муддат ичида юбориш лозимлигини талаб қилувчи Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 68, 84-моддаларига қатъий риоя қилишга қаратиши лозим.

Ҳал қилув қарорини чиқарган суд ўз ташаббуси билан ёки иш кўришда иштирок этган тарафлар илтимосига кўра, даъво аризасида кўрсатилган бирон-бир талаб кўрилмай қолдирилган бўлса ёки давлат божи масаласи ҳал қилинмаган бўлса, қўшимча қарор чиқариши мумкин.

Қўшимча қарор, судлов ишларини юритиш бўйича ишда иштирок этган тарафларнинг ва бошқа иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқий талабларини бузмаган ҳолда чиқарилади. Чиқарилган қўшимча қарор асосий ҳал қилув қарори сингари тарафлар талаби, прокурор протестига биноан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Қайта кўриб чиқиш учун берилган аризани қабул килмасдан чиқарилган ажрим устидан ҳам шундай тартибда ариза берилиши мумкин.

Агар асосий ҳал қилув қарорида давлат божини тарафлар ўртасида тақсимлаш масаласи ҳал қилинган бўлса-ю, лекин у иш моҳияти бўйича суд хулосасига тўғри келмаган бўлса, бундай чиқарилган ҳал қилув қарорига қўшимча қарор чиқаришга, шунингдек, тўлдириш ёки тузатишга суд ҳақли эмас. Суднинг бундай хатосини тўғрилаш, белгиланган тартибда ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча қарорда шу қарор чиқариш учун асос бўлган сабабни кўрсатиш, хулоса қисмида қўшимча масала юзасидан ўз якунини изҳор этиб, қўйилган, лекин суд томонидан ҳал этилмай қолдирилган талаб бўйича ёки жавобгардан даъвогарга давлат божининг ундириладиган қисмини ёхуд суд харажатларини ундириш ва бошқалар кўрсатилиб қарор чиқарилиши лозим.

ХПКнинг 86-моддасига биноан судья тарафлар талабига биноан қарор моҳиятини ўзгартирмай мазмунини тушунтириш ҳамда тарафлар илтимосига ёки ўз ташаббуси билан қарор мазмунини ўзгартирмай йўл қўйилган хатоликларни тузатиши мумкин. Бундай процессуал ҳаракатлар ажрим чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Суд, шунингдек, ҳал қилув қарорини бевосита ижро этувчи идоралар (судлар ижрочилари, банк, тугатиш комиссияси, молия бўлими, маблағни давлат даромадига ўтказувчи солиқ назорати) илтимосига биноан ҳам ҳал қилув қарорини изоҳлаши мумкин.

Ҳал қилув қарорини изоҳлашдан мақсад яққол бўлмаган қисмларини яққол ва тўла изоҳлашдир. Бу ҳолда суд ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартириши, суд қарорида кўрсатилмаган масалаларни изоҳлаши мумкин эмас. Фақат ҳал қилув қарорини чиқарган судгина шу қарорни изоҳлаши мумкин.

Агар ҳал қилув қарори ижро этилган бўлса ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган муддат ўтган бўлиб, бу муддат тикланмаган бўлса, қарорни изоҳлашга йўл қўйилмайди.

Ундирилган мулк қиймати, вақти ва кўрилган чораларга ўзгартиришлар киритиш суд томонидан ёзувдаги хатоликларга йўл қўйилган тақдирдагина рухсат берилади.

Суд ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъатлари раислари қайта кўриш учун ариза берилган ҳал қилув қарорларининг қонун талабларига тўла риоя қилинишини мукаммал текширишлари ва йўл қўйилган хатоликларни ўз вақтида тузатиш чораларини кўришлари лозим. Қонунга мувофиқ бўлмаган ва асоссиз чиқарилган ҳал қилув қарорларининг сабабларини доим таҳлил қилиб бориш, уларни олдини олиш, суд ходимларининг малака маҳоратини ошириш тадбирларини кўришлари зарур.

## VI БОБ. СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ТАРТИБИ

### 1-§. Суд қарорларини апелляция инстанциясида қайта кўриб чиқиш

1997 йилги Хўжалик процессуал кодекси суднинг қонуний кучга кирмаган ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текширишга мўлжалланган биринчи инстанция суди қарорларини қайта кўриб чиқувчи янги институт апелляция институтини ўзида мужассам этди. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини амалга киритиш билан боғлик бўлган масалалар ҳақида"ги 68-сонли қарорида таъкидланишича, ХПКнинг 21-бобига мувофиқ 1998 йил 1 январдан бошлаб апелляция инстанцияси жорий этилди. Шунинг учун 1998 йил 1 январга қадар тақдим этилган ҳамда ушбу санагача кўриб чиқилмаган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш ҳақидаги аризалар ХПКнинг 21-бобида кўрсатилган тартибда, мазкур қарорларни чиқариш пайтида амалда бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда, қарор чиқарган хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши лозим.

ХПКнинг 156-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судига апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эгадирлар. ХПКнинг 170-моддаси 2-ҳисми 4-бандида назарда тутилганидек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар ҳам шундай ҳуқуққа эгадирлар, башарти, хўжалик суди уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса. Бундай ҳолларда кўрсатилган шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар, шу жумладан, улар апелляция инстанциясида иш кўрилаётганда иштирок этиш, илтимосномалар бериш, иш ҳужжатлари билан танишиш, далиллар тақдим қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, кўрсатилган ҳуқуқдан юридик шахс бўлмаган ташкилот ҳам фойдаланади, башарти, у биринчи инстанция судида даъвогар (жавобгар) сифатида қатнашган бўлса.

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган актлари (ҳал қилув қарори, ажримлари) устидан апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Яъни, апелляция шикояти билан мурожаат этиш ҳуқуқига ХПК 170-моддаси 2-қисмига асосан хўжалик суди қарори ишда иштирок этмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор бўлганида шу шахслар эга бўлади. ХПК 39-моддасига асосан қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқига тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислари ҳам эга бўладилар. Кўрсатилган шахслардан ҳар бири процесснинг бошқа қатнашчиларидан мустақил ҳолда апелляция шикояти билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, апелляция шикояти берувчи шахслар сифатида ишда иштирок этувчи шахслар: тарафлар, даъво предметига нисбатан мустақил даъво билан қатнашмайдиган учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ва ҳуқуқий ворислари, давлат ва бошқа органлар, прокурор, шунингдек, ишга жалб этилмаган, лекин уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан суд қарор чиқарган шахслар эътироф этилади.

Апелляция шикояти бериш ҳуқуқига ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашмайдиган шахслар (гувоҳ, эксперт, таржимон ва бошқалар) эга бўлмайдилар.

Апелляция шикоятининг объекти бўлиб биринчи инстанция судининг актлари ҳисобланиши мумкин, шунингдек, давлат органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатлари ҳам ушбу объект доирасига киради.

Шикоят таритибида кўриб чиқиладиган суд ҳужжатлари қаторига дарҳол қонуний кучга кирадиган қарорлар киритилмайди. ХПК бундай қарорлар қаторига фақатгина кассация тартибида (назорат тартибида) қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди қарорларини назарда тутади.

Умумий қоидаги кўра, апелляция шикояти хўжалик суднинг бутун ҳал қилув қарорига эмас, балки унинг қарор қисми ва ундаги ҳаражатларни тарафлар ўртасида тақсимлаш, қарорларни ижро этиш тартиби ва муддати кабиларга нисбатан берилиши мумкин. Шунингдек, шикоят беришнинг мустақил предмети сифатида қарорнинг асослантирувчи қисмини ҳам кўрсатиш мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар ХПК 149-моддасига асосан чиқарилган  қўшимча ҳал қилув қарорига нисбатан ҳам апелляция шикояти беришлари мумкин.

Апелляция шикояти хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилганидан кейин бир ой ичида берилади. Бир ойлик муддатнинг ўтиши ҳал қилув қарори чиқарилган куннинг эртасидан бошлаб ўта бошлайди. Ҳал қилув қарори суд тартибида эълон қилинган кун қарор қабул қилинган куни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 24.02.2001 йилги “Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши ҳақида”ги 91-сонли қарорида мувофиқ хўжалик судлари шуни эътиборга олишлари лозимки, апелляция шикояти нафақат биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорининг ҳамма қисмига балки, ҳал қилув қарорининг бир қисмига ҳам берилиши мумкин.

Шикоят қилишнинг мустақил предмети бўлиб ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисми ҳам, хулоса қисми ҳам бўлиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар ХПКнинг 149-моддасига мувофиқ чиқарилган қўшимча ҳал қилув қарорига  ҳам апелляция шикояти беришга хақлидирлар.

Апелляция судида қарорнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини қайта кўриб чиқиш ҳайъат таркибида амалга оширилади.

Апелляция шикояти ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилганда, хусусан ишда иштирок этмаган, биринчи инстанция суди унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилмаган шахс томонидан ёки апелляция тартибида шикоят қилишга тегишли бўлмаган ҳал қилув қарори

(Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори) ёхуд ХПКда назарда тутилган шикоят қилиниши мумкин бўлмаган ажрим устидан берилганда, судья ХПКнинг 117-моддаси 1-қисми 1-бандини қўллаб, апелляция шикоятини қабул қилишни рад этади.

ХПКнинг 149-моддасида белгиланган асослар бўйича биринчи инстанция суди томонидан қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш ёки ХПКнинг 150-моддасига кўра ҳал қилув қарорига тушунтириш бериш, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб-китобдаги арифметик хатоларни тузатиш йўли билан ҳал қилув қароридаги камчиликлар бартараф қилинган ҳолларда ҳам апелляция шикоятини қабул қилиш рад қилиниши мумкин.

Башарти, кўрсатилган ҳолатлар шикоят иш юритишга қабул қилингандан сўнг аниқланса, бундай холда ХПКнинг 86-моддаси 1-бандини қўллаб апелляция инстанциясида иш юритиш тугатилади. Апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим устидан ХПКнинг 87-моддаси 4-қисмига мувофиҳ кассация тартибида шикоят килиниши мумкин.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмига мувофиқ, судьянинг якка ўзи мазкур моддада назарда тутилган асосларга кўра апелляция шикоятини қайтаради.

ХПКнинг 162-моддаси 2 қисмига кўра апелляция шикоятини қайтариш ҳақида ажрим чиқарилади. Судья апелляция шикоятини устхат ёзиб ёки қонунда кўзда тутилмаган бошқа усуллар билан қайтаришга ҳақли эмасдир.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмининг 1, 2, 3-бандларига кўра шикоятни қайтариш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг у яна умумий тартибда берилиши мумкин.

Апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги ажрим чиқарилгандан кейин ХПКнинг 153- моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахсларга беш кунлик муддатда маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ўша муддатда тилхат олиб топширилади.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмининг 2, 3-бандларида кўзда тутилган апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги асослар апелляция инстанцияси суди томонидан апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилингандан сўнг аниқланган ҳолларда, иш апелляция инстанциясида мазмунан кўриб чиқилиши лозим. Бундай ҳолда хўжалик суди шикоят берган шахсдан ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга нусха юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилади, давлат божи суммаси эса ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилишда тегишли тарафдан ундирилади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, биринчи инстанция судида иштирок этган вакил, шу жумладан, адвокат, суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини, агарда ХПКнинг 52-моддасида кўрсатилган тартибда вакил қилинган шахсга берилган ишончномада бундай процессуал ҳаракатни амалга ошириш кўрсатилган бўлса имзолашга ҳақли. Агарда апелляция шикояти иш юритишга қабул

қилинганидан сўнг шикоятга имзо қўйган шахсни имзо қўйиш ҳуқуқи борлигига шубҳа туғилса, аризачига тегишли далилларни тақдим этиш таклиф этилади. Тегишли далиллар тақдим этилмаганида ХПКни 88-моддаси 3-бандини қўллаб, шикоят кўрмасдан қолдирилади.

ХПКнинг 158-моддасига мувофиқ апелляция шикояти хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилади. Шикоят қилиш муддатининг ўтиши ҳал қилув қарори қабул қилинган ва эълон қилинган вақтдан кейинги кундан бошланади. Апелляция шикоятини бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолда суд шикоят берган шахснинг илтимосига кўра муддатни тиклаши мумкин.

Апелляция шикоятини бериш муддати ўтказилганлиги туфайли қайтарилган бўлса, у ўтказиб юборилган муддатни тиклашни сўраб илтимоснома билан бирга такроран берилиши мумкин.

Шикоят бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисиз судьянинг якка ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Ўтказиб юборилган апелляция шикоятини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги бу ажримда шикоятни иш юритишга қабул қилиш билан бир вақтда башарти апелляция инстанциясида иш кўрилгунга қадар ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ҳақидаги тегишли илтимоснома бўлса, унинг натижалари ҳам кўрсатилиши мумкин.

ХПКнинг 164-моддасига мувофиқ апелляция инстанциясида ишни кўриш ХПКнинг 21 бобида назарда туғилган асосларда биринчи инстанция хўжалик судида ишни кўриш қоидалари бўйича кўрилади. Бунда фақатгина биринчи инстанция суди учун белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

Хусусан, апелляция инстанциясида даъвогар ХПКнинг 40-моддасида кўзда тутилган даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳақидаги ўз ҳуқуқларини амалга ошираолмайди. Жавобгар апелляция инстанциясида қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас. (ХПК 120-м)

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанцияда ишни кўришда тақдим қилинмаган янги талабларни қабул қилишга ёки кўришга, (ХПКнинг 166-м., 3-қисми), шунингдек, ишга иштирок этишга бошқа жавобгарни жалб қилиш (ХПКнинг 37-м. 2 қ), ёки шахсни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилиш (ХПКнинг 38-м. 3 қ.) ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштиришга ҳақли эмас (ХПКнинг 38-м). Бундан ташқари, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи, шунингдек, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган (ХПКнинг 42-м.) учинчи шахслар ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин эмас (ХПКнинг 41-м.) ва даъво талабларини бирлаштириш ҳақидаги қоидалар ҳам амал қилмайди. (ХПКнинг 115-м.)

Апелляция шикоятини берган шахс ХПКнинг 165-моддасига мувофиқ, қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли. Суд ХПКнинг 40-моддаси 4-қисмида назарда тутилган асослар бўйича даъводан воз кечишни рад этишга ва ишни апелляция тартибида кўриб чиқишга ҳақли.

Агарда ҳал қилув қарори бошқа шахслар томонидан шикоят қилинмаган бўлса, апелляция шикоятидан воз кечишни қабул қилиш апелляция инстанциясида иш юритишни тугатишга олиб келади.

ХПКнинг 166-моддаси 1-қисмига мувофиқ хўжалик суди апелляция инстанциясида ишда мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим этилган далиллар билан ишни қайта кўради.

Қўшимча далилларни қабул қилиш ҳақидаги масала ҳал этилаётганда биринчи инстанция судида мазкур далилларни тақдим қилмаганлик сабаблари, апелляция инстанцияси судига уларни тақдим қилишнинг зарурлиги, шунингдек, низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга далилларнинг боғлиқлиги ҳақидаги арз қилувчининг тушунтиришлари эътиборга олинади. Агарда манфаатдор шахс биринчи инстанция судида ўзини нолойиқ тутганлиги ва мажлисни чўзиш мақсадида мазкур далилларни тақдим қилмаганлиги аниқланса, қўшимча далиллар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмаслиги мумкин.

Апелляция шикоятига эътирозномани асослаш учун тақдим этилган қўшимча далиллар хўжалик суди апелляция инстанцияси томонидан ХПКнинг 166-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган қоидалар бўйича қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

Апелляция инстанциясида ишларни кўришда судлар қонун бўйича қуйидагиларни аниқлашлари лозим: биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланганлигини; суд аниқланган деб топган ҳолатларнинг исботланганлигини; суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалари иш ҳолатларига мувофиқлигини; процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини бузилмаганлигини; мазкур нормалар тўғри қўлланилганлигини.

Апелляция инстанцияси суднинг ҳал қилув қарорини қонунийлиги ва асослилигини ишдаги мавжуд ҳамда ишни кўришдан олдин ёки кўриш вақтида ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахслар томонидан тақдим қилинган, шунингдек, апелляция инстанцияси суди томонидан ишда иштирок этувчи ва бошқа шахсларнинг илтимосномаларига кўра талаб қилиб олинган қўшимча материаллар бўйича текширади.

ХПКнинг 166-моддаси 2-қисмига мувофиқ хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўрганида апелляция шикоятида баён этилган важлар билан чекланиб қолмайди ва ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда текширишга мажбур, бу тартиб ҳал қилув қарорига шикоят қилмаган ва шикоят қилган шахсларга нисбатан ҳам тааллуқли. Чунончи, суд шикоятнинг важлари билан чекланиб қолмайди, уни кўриш натижалари бўйича арз қилувчи сўраганидан ўзгача

ҳал қилув қарорини қабул қилишга ҳақли. Шу сабабли, апелляция шикоятида процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги кўрсатилган-кўрсатилмаганлигидан қатъий назар, ХПКнинг 169-моддасида кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганда апелляция инстанцияси ҳал қилув қарорини бекор қилади.

Хўжалик судининг апелляция инстанцияси ХПКнинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қоидаларини қўллайди. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, ХПКнинг 82-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур, ХПКнинг 83-моддасида қайд этилган асослар мавжуд бўлганида эса иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан ишни аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этилади. ХПКнинг 82-моддасини 1 қисмини 1-бандини қўллашда, жиноий судлов ишларини юритиш деганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида белгиланган жиноят процессини барча босқичлари тушунилиши лозим, яъни жиноят иши қўзгатилган вақтдан бошлаб.

Апелляция инстанцияси судлари ХПКнинг қарор мазмуни ҳақидаги нормаларига қатъий риоя этишлари лозим. Апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришда, қарорда шикоят важлари нотўғри эканлигини тасдиқловчи ёки ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлолмаслигининг сабаблари кўрсатилиши лозим.

Апелляция инстанциясини қарори ХПКнинг 150-моддасида кўрсатилган тартибда тушунтирилиши, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик ҳисоблашдаги янглишишлар тузатилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўзининг ташаббуси билан агарда у биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилган бўлса, қўшимча қарор қабул қилишга ҳақли (ХПК 168-м. 2-б). Қўшимча қарор апелляция инстанциясида ХПКнинг 149-моддасини 1-қисмини 2, 3-бандларида ва ХПКнинг 149-моддасини 3-қисмида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганида қабул қилиниши мумкин. Қўшимча қарор қабул қилиш рад этилганида ажрим чиқарилади ва ушбу ажрим устидан ХПКнинг 149-моддаси 5-қисмига биноан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг мажлисида ва суд мажлисидан ташқарида алоҳида процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади. Баённома мазмунига, уни олиб бориш ва имзолаш, шу билан бирга, уни тақдим этиш ва баённомага билдирилган эътирозларини кўриб чиқишда ХПКнинг 34-моддасида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Ишда хўжалик суди апелляция инстанциясининг баённомасини мавжуд эмаслиги ёки уни ХПКнинг 134-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан имзоланмаганлиги ХПКнинг 188-моддаси 3-қисми 8-бандига кўра апелляция инстанцияси қарорини сўзсиз бекор қилиш учун асос бўлади.

ХПКнинг 217-моддасига кўра апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилишда, ўзи чиқарган янги қарорнинг ижросини кечиктириш ва ижро этишни узайтириш масаласини ҳал этишга ҳақли.

Бошқа ҳолатларда қарорни ижросини кечиктириш ёки уни узайтириш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқилади.

## 2-§. Суд ҳал қилув қарорларини кассация инстанциясида қайта кўриб чиқиш

Суд ҳужжатлари кассация инстанциясида ХПКда кўрсатилган барча бошқа турдаги текширув шаклларидан фарқ қилган ҳолда фақатгина қонунийлиги нуқтаи назаридан текширилади. Суд ҳужжатларини текширишнинг янги усули ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминланишининг қўшимча кафолатларини яратади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини амалга киритиш билан боғлик бўлган масалалар ҳақида"ги 68-сонли қарорида таъкидланишича, ХПКнинг 22-бобига мувофиқ 1998 йил 1 январдан эътиборан кассация инстанцияси жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси ХПКга асосан биринчи инстанция хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳуқуқига эга бўладилар.

Шикоят бериш ҳуқуқидан фойдаланиш ишда иштирок этувчи шахсларга боғлиқ бўлади. Қонун билан белгиланган тартиб ва муддатда берилган кассация шикояти ишни кассация инстанциясида мажбурий кўрилишига олиб келади.

Кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий хужалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди орқали берилади. Бунда хўжалик судлари кассация шикоятини (протестни) қайтариш асосларини текширади, бундай асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда шикоят (протест) келиб тушган вақтдан 5 кундан кечиктирмасдан, иш билан бирга Олий хўжалик судига юборилади.

Шикоятнинг мустақил предмети сифатида ҳал қилув қарорининг моддий ва процессуал нормаларга ҳавола қилишнинг тўғрилигини асослантирувчи қисми ҳамда ХПК 149-моддасига асосан чиқарилган қўшимча ҳал қилув қарори бўлиши мумкин. Ажримлар устидан фақатгина ХПКда кўрсатилган ҳоллардагина шикоят бериш мумкин.

Ҳал қилув қарорлар ва қарорлар устидан кассация шикояти бериш ҳуқуқи даъвогар, жавобгар, мустақил даъво билан қатнашадиган ва мустақил даъво билан қатнашмайдиган шахсларга, шунингдек, ХПК 34-моддасида санаб ўтилган барча ишда иштирок этувчиларга берилади.

ХПКнинг 43, 44-моддаларига асосан давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво қўзғатган прокурор, давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар суднинг ҳал қилув қарорлари (қарорлари) устидан кассация тартибида протест ва шикоят келтиришлари мумкин. Процессга киритилган ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахслар уларнинг ишни кўришда фактик жиҳатдан қатнашган ёки қатнашмаганлигидан қатъий назар, ҳал қилув қарори (қарор) устидан касация тартибида шикоят беришлари мумкин. ХПК 176-моддасида белгиланган муддат доирасида ҳал қилув қарори (қарор) устидан шикоят бериш ҳуқуқига ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислар ҳам эга бўладилар.

Кассация босқичининг судьяси кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилганлиги тўғрисида, иш кўриш жойини ва вақтини кўрсатиб, ажрим чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси амалга киритилгунга қадар, Олий хўжалик суди қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъатига келиб тушган аризалар (протестлар) шу ҳайъат томонидан кўриб чиқилади.

Кассация шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди орқали суднинг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга кирган кундан бир ой ичида берилади.

Кассация шикояти шакли ва мазмунига риоя этмаслик уни қайтарилиши учун асос бўлади.

Кассация инстанциясида барча ишлар ҳайъатда кўриб чиқилади.

Суд актининг қонунийлиги ва асослилигини кассация инстанцияси томонидан текшириш қарор қабул қилиш билан якунланади. Бу қарор қабул қилинган вақтидан бошлаб қонуний кучга кирган ҳисобланади ва унинг устидан шикоят берилиши мумкин эмас.

## 3-§. Суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш

Хўжалик судлари ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш суд ҳужжатларини қайта кўриш бўйича иш юритишнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишдан фарқли равишда назорат тартибида иш юритишда ишда иштирок этувчи шахслар иш қўзғатиш хуқуқига эга бўлмайдилар. Ваколатли шахслар томонидан келтирилган протест асосида хўжалик судларининг ҳал қилув қарори, қарорларини асосли ва қонунийлигини текширувчи, суд назоратини олиб борувчи ягона орган бўлиб Олий хўжалик судининг Раёсати ҳисобланади.

Иш юритувнинг бу босқичида суд ҳужжатларини қонунийлиги ва асослантирилганлигини текшириш ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга қўшимча имкон яратилади. Бундан

ташқари, суд амалиётини қонунга мувофиқ олиб бориш, зарур ҳолларда суд амалиётига тузатишлар киритиш, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бажарилишини таъминлаш ва судлар томонидан қонунни бир хилда ва тўғри қўллаш назорат тартибида қайта кўриш институтининг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. ХПК 192-моддасида назорат тартибида қайта кўриш объекти кўрсатилган. Объект сифатида биринчи инстанция судининг ҳар қандай қонуний кучга кирган қарори, шу жумладан, Олий хўжалик судининг қарори ҳам қаралиши мумкин.

Назорат тартибида хўжалик судларининг апелляция ва кассация инстанциясида чиқарилган қарорлари ҳам қайта кўрилиши мумкин. Фақатгина Олий хўжалик суди Раёсати қарорларигина назорат тартибида қайта кўриш объекти бўла олмайди.

Қонуний кучга кирган ажримларни назорат тартибида кўриб чиқиш ХПКда назарда тутилган ҳолларда ва кейинчалик иш юритувига тўсқинлик қиладиган ҳолларда ҳал қилув қарордан алоҳида тартибда амалга оширилиши мумкин (ХПК 203-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 28.01.2000 йилги “Назорат тартибида иш юритишда шикоятларни ўрганиш, қарорлар, ажримлар устидан протест келтириш ва раёсатда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 83-сонли қарорига мувофиқ ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 12-моддаси 3-қисми моҳиятидан келиб чиқиб, ЎзР ФПКнинг 350-моддаси 5-қисмининг нормалари тадбиқ этилиб, хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, қарорлари ва ажримлари устидан улар қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч йил муддат ўтгандан кейин берилган ариза ва шикоятлар Олий хўжалик суди томонидан кўрмасдан қолдирилади.

Шунингдек, суд томонидан қабул қилинган бир нечта қарорлар ва ажримларга битта протест киритиш Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилмаган. Шу сабабли, ХПКнинг 197-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, ёки бир нечта ишлар юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, қарорлари ва ажримлари устидан, гарчи улар ўртасида боғлиқлик бўлса-да, битта протест киритишга йўл қўйилмайди.

ХПКнинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар нафақат қарорнинг ҳамма қисмига, балки унинг алоҳида бир қисмига ҳам протест келтиришга ҳақлидирлар. Шу муносабат билан хўжалик судларига суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўриш юзасидан бериладиган аризалар назорат тартибида иш қўзғатишга асос бўла олмайди. Бундай аризалар мансабдор шахслар томонидан протест келтириш асосларининг мавжудлигини аниқлаш мақсадида кўриб чиқилади.

Протест келтиришга асослар мавжуд бўлган ҳолларда мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатига протест келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари ХПК 199-моддасида кўрсатилган.

## 4-§. Янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ХПКдаги қайта кўриш асослари (204-м), ариза бериш тартиби ва муддати (205-м), қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи хўжалик судлари (206-м), аризани кўриш (207-м), хўжалик судининг ишни қайта кўриш тўғрисида ажрими каби нормаларини ўз ичига олувчи 24 боб билан тартибга солинади.

1993 йилги ХПКнинг 13 боби “Янги очилган ҳолатлар бўйича хўжалик судининг қарорларини қайта кўриш” деб номланган эди. Қонун чиқарувчи орган амалдаги ХПКда бунинг ўрнига бир мунча аниқ ва умумийлаштирувчи – “Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш” деб номланувчи бобни киритди. Кўриниб турибдики, олдин амалда бўлган ХПКда хўжалик судининг қонуний кучга кирган ёки кирмаган қарорлари учун ҳам қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги белгиланмаган. Бундан фарқли равишда янги таҳрирдаги ХПКда янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш фақатгина қонуний кучга кирган қарорларгагина тегишли эканлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, 1993 йилги ХПКда янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришга фақатгина судларнинг ҳал қилув қарорлари тааллуқли бўлса, амалдаги ХПК хўжалик судларининг қонуний кучга кирган барча ҳужжатлари қайта кўрилиши мумкинлигини белгилаб берди.

Суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқишнинг суд ҳужжатларини кассация ва назорат тартибида қайта кўриб чиқишдан фарқини қайта кўриш асослари ва предмети хусусида ҳам белгилаш мумкин.

Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқишнинг объекти сифатида биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган барча қарор ва ажримлари қаралади. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси ҳужжатлари шу инстанциялар томонидан янги қарор қабул қилинган, ҳал қилув қарори ўзгартирилганда, шунингдек, иш юритиш тугатилганда ёки кўрмасдан қолдирилганида қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлади.

Янги очилган ҳолатлар – бу суд ҳужжатини чиқарилиши вақтида мавжуд бўлган, лекин аризаси ёки судга маълум бўлмаган ва маълум бўлиши ҳам мумкин бўлмаган, аммо уларнинг мавжудлиги иш учун муҳим аҳамияга эга ёки уни қонуний ва асослилигига шубҳа туғдирадиган фактик ҳолатлардир.

Янги очилган ҳолатларни янги ёки ўзгарган ҳолатлар, шунингдек, янги далиллардан фарқлаш керак. Янги очилган ҳолатлар – бу ишда қатнашувчи шахслар учун ҳуқуқий муносабатлар келтириб чиқарувчи, уларни ўзгартирувчи ва бекор қилувчи юридик фактлардир. Далиллар эса суднинг юридик фактларни мавжуд ёки мавжуд эмаслигини белгилаши учун асос бўладиган фактик маълумотлардир. Суд ҳужжати чиқарилаётганда ўрганилмаган янги далилларни тақдим этиш ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлмайди. Суд ҳужжати чиқарилганидан кейин юзага келган ёки ўзгарган ҳолатлар ҳам бу асосга кўра ишни қайта кўриш учун асос бўла олмайди.

Амалдаги ХПК янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўришнинг етарли асосларини белгилаб берган. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асослар қаторига қонун қуйидагиларни киритади:

1) аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим бўлган ҳолатлар;

2) гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталиги, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахслар ёхуд уларнинг вакиллари ёки судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари;

4) ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги.

ХПК 204-моддасининг 1 ва 2-қисмларида кўрсатилган асосларга кўра хўжалик судига ариза бериш учун қуйидаги шартларнинг биргаликда мавжудлиги талаб этилади:

а) фактик ҳолат суд ҳужжатини чиқарилиши вақтида мавжуд бўлганида;

б) бу ҳол мавжудлиги аризачига маълум бўлмаган ёки маълум бўлиши ҳам мумкин бўлмаганида;

в) фактик ҳолат ишни кўриб чиқилиши учун муҳим аҳамият касб этганида.

Ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш сохта далиллар тақдим этилганида ҳам ўринли бўлади. Бу ерда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, сохта далиллар ишни кўриб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак.

Шунингдек, ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос сифатида ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакилларининг жиноий ҳаракатлари ёхуд шу ишни кўришда судьялар томонидан амалга оширилган жиноий ҳаракатлар эътироф этилиши мумкин. Бундай ҳолатда

умумий юрисдикция судининг қонуний кучга кирган қарорининг мавжудлигининг ўзи кифоя.

ХПК 204-моддаси 4-қисмига асосан хўжалик суди ҳужжатини ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос сифатида қаралади.

Кўп ҳолларда хўжалик судлари бошқа судларнинг қарорларига асосланган ҳолда (преюридициал актлар) ёки маъмурий ҳужжатлар асосида қарорлар чиқаради. Бундай ҳужжатларнинг, яъни умумий юрисдикция судлари томонидан чиқарилган ҳукм ва қарорлар, шунингдек, маъмурий актларнинг бекор қилиниши иш юзасидан қарор қабул қилишга асос бўлган бўлса, янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишга ҳам асос бўла олади.

## VII БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ

### 1-§. Суд ҳужжатларини ижро этиш асослари

Давлатимиз ҳудудида хўжалик суди ҳужжатларини ижро этиш тартиби ЎзР Хўжалик процессуал кодексининг IV бўлими, “Суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этиш тартиби тўғрисида”ги 29.08.2001 йилги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги “Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1704 сонли Фармони, шунингдек, ушбу фармонда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида қабул қилинган ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг 1997 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳақида”ги 62-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган “Хўжалик судлари ҳужжатларини ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома билан белгилаб берилган.

Хўжалик суди ҳужжатларини ижро этиш деганда суднинг қонуний кучга кирган ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар (корхона ва муассасалар), мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунда белгиланган тартибда ижро этилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 14-моддасида хўжалик суди ҳужжатларига хўжалик суди томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, суд буйруғи шаклидаги суд ҳужжатлари кириши белгилаб қўйилган.

Хўжалик судининг мазкур ҳужжатлари қонуний кучга кирганганидан сўнг барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон

Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт. Хўжалик суди қабул қилган суд ҳужжатларини бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида ҳал қилинган хўжалик низолари бўйича чиқариладиган ижро ҳужжатлари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

1) судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари;

2) холислар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари;

3) чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари;

4) суд буйруқлари;

5) суд ижрочиларининг қарорлари.

Суд ҳужжатини мажбурий ижро этиш шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик суди томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади. Ижро варақаси ундирувчига суд ҳужжати қонуний кучга киргандан кейин берилади.

ЎзР ХПКнинг 212-моддасига мувофиқ ижро варақасида қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

а) ижро варақасини берган хўжалик судининг номи;

б) ижро варақаси берилган иш ва унинг тартиб рақами;

в) ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;

г) ундирувчининг ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари;

д) суд ҳужжатининг хулоса қисми;

е) суд ҳужжати қонуний кучга кирган сана;

ж) ижро варақаси берилган сана ва унинг амал қилиш муддати.

Агар хўжалик суди томонидан ижро варақаси берилгунча суд ҳужжатини ижро этишни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга рухсат берилган бўлса, унда ижро варақасининг муддати қачондан ўта бошлаши кўрсатилиши керак.

Ижро варақасини судья имзолайди ва у хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланади. Ижро варақаси ёки бошқа ижро ҳужжатининг асл нусхаси йўқолган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг дубликати ундирув учун асос бўлади.

Хўжалик суди қарорларини ижро этувчи органларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти. Мазкур Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш чораларини қонунда белгиланган тартибда амалга оширади. Шунингдек, мулкни асл ҳолида ундириш, бино ва бошқа объектларни бўшатиш ёки олиб бериш, пул ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган маълум ҳаракатларни

амалга ошириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги ижро варақалари ва суд буйруқлари ундирувчининг илтимосига асосан ижро этиш учун бевосита суд ижрочиларига юборилиши мумкин.

2. Солиқ органлари - пул маблағларини бюджет даромадига ундириш бўйича чиқарилган қарорлар ижросини таъминлайди. Мазкур масала бўйича ижро варақалари ва суд буйруқлари беш кун муддат ичида қарздор турадиган жойдаги солиқ идорасига юборилади, солиқ идораси эса, ўз навбатида, ижро варақаларини ва суд буйруқларини белгиланган тартибда ижро этиш учун банкка юборади.

3. Банк ва бошқа кредит муассасалари – пул маблағларини ундириш учун ундирувчи томонидан юборилган ижро варақасининг ижросини таъминлашга кўмаклашади. Қарздорнинг ҳисоб варақлари бўйича хизмат кўрсатувчи банк ёки бошқа кредит ташкилоти ижро ҳужжати олинган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида ижро ҳужжатида баён этилган пул маблағларини ундириш тўғрисидаги талабларни ижро этади ёхуд қарздорнинг ҳисоб варақларида ундирувчининг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағи йўқлиги сабабли кўрсатилган талаблар тўла ёки қисман ижро этилмаганлигини қайд этиб қўяди.

Хўжалик процессуал қонунчиликка мувофиқ Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти мажбурий ижро этиш органи ҳисобланса, солиқ органлари ва банк муассасалари мажбурий ижро этиш органи сифатида қаралмайди. Чунки солиқ органлари ва банк муассасаларига суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш ҳужжатларини қўллаш ваколати берилмаган.

Шунингдек, ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг 1997 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳақида”ги 62-сонли Қарорида судларининг ижрони таъминлаш борасида прокуратура, солиқ ва ички ишлар идоралари билан яқиндан ҳамкорликни кучайтиришлари лозимлиги эътироф этилган.

Суд ҳужжатларини ижро этиш чоралари ихтиёрий ёки мажбурий тарзда амалга оширилиши мумкин. Суд қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси қарздорга оқилона муддат белгилаб беради. Ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади. Мажбурий ижро этиш чоралари тўғри расмийлаштирилган ижро ҳужжати қонунда белгиланган тартибда топширилганда ҳамда ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида суд ижрочиси томонидан қарор қабул қилинганда қўлланилади.

Суд ижрочиси томонидан қуйидаги мажбурий ижро этиш чоралари қўлланилиши мумкин:

1) мол-мулкни хатлаш ва уни реализация қилиш йўли билан ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш;

2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига ва пул маблағларига қаратиш;

3) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш;

4) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш;

5) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар.

## 2-§. Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби

Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби деганда хўжалик суди томонидан ижро варақасини ижрога топшириш ва ижро ишини қўзғатишдан бошлаб ижро иши юритишни тамомлашгача бўлган жараёндаги процессуал чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ёхуд ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишда белгиланган муддат тугаган кундан ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши мумкин. Агар суд ҳужжатининг ижро этилиши тўхтатиб турилган бўлса, у тўхтатиб турилган вақт ижро варақаси ижрога тақдим этиладиган олти ойлик муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради. Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва қарздорга белгиланган муддат тугагандан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима ундирган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида маълум қилади.

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан мулкий ундирув бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиб, уларни хатлашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда мазкур қарорда кўрсатиб ўтади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай, ундирувчига, қарздорга, шунингдек, ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Агар ижро ҳужжати ижрога топшириш муддати ўтиб кетганидан кейин юборилган бўлса ёки ижро ҳужжатининг мазмунига қўйилган талабларга қонунга мувофиқ бўлмаса, суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида қайтариб юборади.

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ижро ҳаракатлари амалга оширилишини кейинга қолдиришга ҳақли. Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан кўпи билан ўн кун муддатга кейинга қолдириши мумкин.

Шунингдек, ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатлар бўлган тақдирда, суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ёхуд тарафлардан бирининг аризасига кўра, шунингдек, тарафларнинг ҳар бири мустақил тарзда ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳамда ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга мурожаат қилишга ҳақлидир. ЎзР ХПКга биноан хўжалик суди ундирувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб- бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақли. Хўжалик суди қарздорга ҳужжатни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш имконини берар экан, ХПКда назарда тутилган тартибда суд ҳужжатининг ижро этилишини таъминлаш чораларини кўриши мумкин. Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш уни ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш масалалари хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда тамомланади:

1. Ижро ҳужжати амалда ижро этилганда;
2. Ижро ҳужжати уни берган суд ёки бошқа органнинг ёхуд ундирувчининг талабига биноан ижро этилмасдан қайтарилганда;
3. Ижро ҳужжати қайтарилганда;
4. Ижро ҳужжати қонунга мувофиқ ижро этиш учун бошқа суд ижрочисига юборилганда;
5. Ижро иши юритиш тугатилганда.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Суд ижрочиси томонидан ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1) ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса;

2) ундирувчи ва қарздор ўртасида суд томонидан тасдиқланган келишув битими тузилганда;

3) ундирувчи ёки қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда, бедарак йўқолган деб топилганда, агар суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжатида қўйилган талаблар ёки мажбуриятлар

ҳуқуқий ворисга ёки бедарак йўқолганнинг мол-мулкини ишончли бошқариб турган шахсга ўтиши мумкин бўлмаса;

4) тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки ундирувчининг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаганда;

5) мазкур турдаги ундирув учун қонунда белгиланган муддат ўтганда;

6) ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжат бекор қилинганда;

7) қарздордан олиб қўйилган ашёларни ундирувчига топшириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этишда ундирувчи ашёларни олишдан воз кечганда.

Ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими қонуний кучга киргандан кейин суд ижрочиси ижро этиш бўйича ўзи тайинлаган барча чораларни бекор қилади. Ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим суд ижрочиси тегишли белгилар қўйиши лозим бўлган ижро ҳужжати билан бирга ушбу ҳужжатни берган суд ёки бошқа органга қайтарилади.

Ижро ҳужжатларида кўрсатилган ундирув амалга оширилмаган ёки қисман амалга оширилган бўлса, бундай ижро ҳужжатлари вазиятга қараб, қуйидаги ҳолларда ундирувчига қайтарилади:

а) ундирувчининг аризасига биноан;

б) агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган бўлса;

в) агар қарздорнинг манзилини ёки унинг мол-мулки турган жойни аниқлаш ёхуд банклар ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақлар ва омонатларда қарздорга қарашли пул маблағлари ва бошқа қимматликлар турганлиги ёки сақланаётганлиги тўғрисида маълумотлар олиш мумкин бўлмаса (қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

г) агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан суд ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлса;

д) агар ундирувчи ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкини ўзига олишни ёки ижро ҳужжатида кўрсатилган ва қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишни рад қилса;

е) агар ундирувчи ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган бўлса.

Ундирувчига ижро ҳужжати ва бўнак бадалини қайтариш тўғрисида суд ижрочиси қарор чиқаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиқлайди. Ижро этилган ижро ҳужжати уни берган суд ёки бошқа органга қайтарилади.

Шунингдек, ижро ишини юритишда қайтарма ижро институти ҳам муҳим аҳамият касб этиб, хўжалик процессуал қонунчиликка кўра ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёки

қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса, ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилади.

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёхуд даъво тўла ёки қисман кўрмасдан қолдирилса, хўжалик суди бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўла ёки қисман бекор қилиш тўғрисида суд ҳужжати қабул қилади.

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала янги суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди томонидан ҳал қилинади. Агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма берилмаган бўлса, жавобгар биринчи инстанция хўжалик судига тегишли ариза беришга ҳақли. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги жавобгарнинг аризасини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Ташкилотнинг, фуқаронинг аризаси бўйича хўжалик суди ундирилган пул маблағлари, мол-мулк ёки унинг қийматини қайтариш тўғрисида ижро варақасини беради. Аризага аввал қабул қилинган суд ҳужжатининг ижросини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

# ИЛОВАЛАР

**ИЛОВА 1**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ
**(Кўчирма)**

**11-модда**. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

**44-модда**. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

**53-модда**. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

**54-модда**. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

**55-модда**. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

**80-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига: …….

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш …. киради.

**83-модда.** Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

**93-модда**. Ўзбекистон Республикасининг Президенти: ……

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади. **106-модда**. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

**107-модда**. Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

**111-модда**. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

**112-модда**. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

**113-модда**. Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

**114-модда**. Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жаомат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

**115-модда**. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

**ИЛОВА 2**

**Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”га янги таҳрирдаги Қонуни**
**(Кўчирма)**

**1-модда. Суд тизими**

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

**2-модда. Суднинг вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

**3-модда. Одил судловнинг амалга оширилиши**

Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

**4-модда. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги**

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

**5-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги**

Суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

### 6-модда. Қонун ва суд олдидаги тенглик

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир.

### 7-модда. Суд ишларини юритишнинг ошкоралиги

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

### 8-модда. Суд ишлари юритиладиган тил

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

### 9-модда. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилаётганда прокурор иштирок этади.

### 11-модда. Судларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолиятини ташкилий таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципларига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади. Комиссия тўғрисидаги низом белгиланган тартибда тасдиқланади.

Комиссия судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, судьялар малака ҳайъатларининг, жамоат бирлашмаларининг вакилларидан ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислардан таркиб топади. Комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, суд кадрларини танлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиғига тавсия этишда қонунийликни таъминлаш, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ижтимоий ҳимоя қилинишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги, низоми белгиланган тартибда тасдиқланадиган махсус ваколатли орган:

судларни моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил қилади;

суд қарорларини ижро этиш ишларини ташкил қилади. (ЎзР. 07.12.2001й. 320-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этиш учун судьяларни танлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашда иштирок этади.

Хўжалик судлари фаолиятини ташкилий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

**12-модда. Қонунчилик ташаббуси**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни тахриридаги модда матни)

**43-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қуйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишини ташкил этиш ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

**44-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати;

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати.

### 45-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий суди раиси, адлия вазири, судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

### 46-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумини чақириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

### 47-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда Пленум ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми:

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркибини ва раисларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг котибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларни тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## 48-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми томонидан масалаларни кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми муҳокамасига киритилган масалалар тегишинча уларнинг маърузаси ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади. Мазкур масалаларнинг муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қарори мажлисда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида баённома юритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарори ва баённома Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг котиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлари хўжалик судлари, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

## 49-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг котиби

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг котиби Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси вазифасини бажариш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

## 50-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми белгилайдиган миқдорда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг таркибига лавозим бўйича кирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

### 51-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

хўжалик судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг мажлисида баённома юритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори ва баённома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

### 52-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари:

ишларни биринчи инстанцияда ва кассация тартибида кўради;

суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

суд статистикасини таҳлил қилади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### 53-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

ишни бир хўжалик судидан бошқа хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати муҳокамасига қонунга биноан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумига тақдимномалар киритади;

қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ

эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати таркиби, судлов ҳайъатларининг ҳамда Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати таркиби ва раислари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумига тақдимномалар киритади;

хўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш қўзғатади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### 54-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди тегишли судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш ишини ташкил этади;

хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб туради;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади;

фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси йўқлигида унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса, раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

### 55-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади;

судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатига, шунингдек Пленумига маърузалар тақдим этади;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади;

судьялар малакасини ошириш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### 56-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари таркиби

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раис, раис ўринбосарлари ва судьялардан иборат бўладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларида зарур ҳолларда судлов ҳайъатлари тузилиши мумкин.

### 57-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди:

ишларни ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида ва апелляция тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштиради;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### 58-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси:

суд фаолиятига раҳбарлик қилади;

судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади;

фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### 59-модда. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

тегишли судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади;

фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### 60-модда. Судьялар

Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир.

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга.

Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьялардир.

### 61-модда. Судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва ушбу моддадаги талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳарбий уставлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш чоралари татбиқ қилинади.

### 63-модда. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланади. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Судьялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади.

## 64-модда. Судьянинг қасамёди

Илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилганидан кейин ўз вазифасини бажаришга киришади:

“Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан”.

Судьялар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи олдида ҳам тантанали вазиятда қасамёд қиладилар.

Судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар судьялари  Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида;

хўжалик судлари судьялари  Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари  Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли олий судлари раёсати мажлисида.

## 65-модда. Судьяларнинг ҳуқуқлари

Судьялар:

мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;

мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш;

уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

## 66-модда. Судьяларнинг мажбуриятлари

Судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт.

Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Судьялар судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни тахриридаги қисм), (Олдинги тахририга қаранг)

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни тахриридаги қисм), (Олдинги тахририга қаранг)

## 67-модда. Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш

Судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

уларнинг дахлсизлиги;

одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;

қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

## 68-модда. Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик

Давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

## 69-модда. Суд ишларини ҳал қилишга аралашишга йўл қўйилмаслиги

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

## 70-модда. Судьялар дахлсизлиги

Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади.

### 71-модда. Судьянинг ваколатларини тўхтатиш

Судья жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда унинг ваколатлари тўхтатилади.

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьяларининг ваколатлари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан қуйидаги ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори билан тўхтатилади, агар:

судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса;

судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса.

Судьянинг ваколатлари бу ваколатларни тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатилади.

Судья қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга ҳақли.

Судьялик ваколатларининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўланиши тўхтатилишига ёки унинг иш ҳақи миқдори камайтирилишига, судьянинг таъминоти даражасини пасайтиришга ва судьяни ушбу Қонунда белгиланган дахлсизлик кафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан ҳибсга олиш чораси танланган ҳоллар бундан мустасно.

## 72-модда. Судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; хўжалик судлари судьясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади: (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

1) судьянинг қасамёдини бузган тақдирда;

2) ёзма ариза берган тақдирда;

3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда;

4) суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

6) унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

7) суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

8) соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Судьянинг ваколатларини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори асосида муддатидан илгари тугатишга йўл қўйилади.

Судья қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга ҳақли.

Халқ маслаҳатчиларининг ваколатлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича муддатидан илгари тугатилади, ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 3-бандларида кўрсатиб ўтилган асослар бундан мустасно.

## 73-модда. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги

Судья:

одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;

суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек хизмат борасидаги ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракати учун фақат судьялар малака ҳайъатининг қарорига асосан интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳарбий суднинг судьяси ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

## 74-модда. Судьялар малака ҳайъатлари

Судьяларнинг малака ҳайъати:

судьялик лавозимига номзодларни танлаш;

бўш судьялик лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига таклифлар киритиш;

судьянинг интизомий жавобгарлиги;

судьянинг ваколатларини тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш;

судьянинг дахлсизлигини таъминлаш;

судьяни малака аттестациясидан ўтказиш ҳамда унга малака даражасини бериш;

судьялар захирасини шакллантириш;

халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш ишларини ташкил қилиш масалаларини кўриш учун тузилади. (ЎзР. 07.12.2001й. 320-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми томонидан беш йил муддатга сайланади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларининг мажлисларида беш йил муддатга, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари эса ҳарбий судлар судьяларининг мажлисларида ана шу муддатга сайланади.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига баҳо бериш мақсадида судьяларнинг малака ҳайъатлари вақти-вақти билан судьяларнинг малака аттестацияларини ўтказиб туради.

Судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

## 76-модда. Судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади.

Қуйидаги ҳолларда давлат суғурта органлари суғурта суммаларини тўлайди:

судья ишлаётган даврида ёки ваколат муддати тугаганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига судьянинг эллик ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолса ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида судьянинг йигирма беш ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган ва меҳнат қобилиятининг доимий йўқолишига олиб келмайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида судьянинг беш ойлик иш ҳақи миқдорида.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида мажбурий давлат

суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўлаб борилади.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми ва боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан уларга тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Судьянинг ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар судьяга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик улар айбдор шахслардан қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

### 77-модда. Суд аппарати

Суд аппарати суднинг одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, шунингдек суднинг бошқа вазифаларини бажаришга доир ишларини таъминлайди.

Суд аппарати ходимлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси томонидан белгиланадиган тартибда аттестациядан ўтадилар. (ЎзР 12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни тахриридаги қисм), (Олдинги тахририга қаранг)

Суд аппарати ходимларига малака даражаларини белгилаш ва уларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

### 78-модда. Судларнинг тузилиши ва штатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тузилиши ва штат бирлигининг сони тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг тузилиши ва штат бирлигининг сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли органнинг) тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Судларнинг штатлар жадвали тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган зарур ҳолларда судларнинг штатлар жадвалига штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритадилар.

## 79-модда. Судларни молиялаш ва уларнинг моддий-техника таъминоти

Судларни молиялаш, уларнинг моддий-техника ва ўзга хил таъминоти, биноларини қўриқлаш ва сақлаб туриш республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ажратиладиган маблағларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ажратилган маблағларни тақсимлаш:

Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари учун  Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан;

ҳарбий судлар учун  Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир суд алоҳида бино ва автотранспорт билан таъминланади.

## 80-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Олий хўжалик судининг матбуот органлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ўз матбуот органларига эга бўлади.

## 81-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ҳузурида маслаҳат органи бўлган ва жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат кенгашлари тузилади. Уларнинг вазифасига суд амалиётида келиб чиқадиган қонун ҳужжатларини қўллашга доир масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш киради.

## 82-модда. Судлар муҳри

Судлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## 83-модда. Судларда давлат ҳокимияти рамзлари

Суд биноси узра Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, суд мажлиси залларида эса Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ўрнатилади.

## 84-модда. Судьяларнинг махсус кийими

Судьялар суд мажлисини махсус кийимда олиб борадилар.

Судьянинг махсус кийими тавсифи ва намуналари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

## 85-модда. Судьянинг гувоҳномаси

Судьяларга гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

**ИЛОВА 3**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

**ЎзР 1997 йил 30 августдаги 478-I-сон Қонуни билан тасдиқланган**
**ЎзР ОМ 1997 йил 30 августдаги 479-I-сон Қарорига мувофиқ**
**01.01.1998 йилдан амалга киритилган**

Мазкур Кодексга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон Қонуни,
ЎзР 14.12.2000 й. 163-II-сон Қонуни,
ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни,
ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни

I бўлим. Умумий қоидалар (1-13 боблар. 1-101 моддалар)
II бўлим. Биринчи инстанция хўжалик судида иш юритиш
(14-20 боблар. 102-155 моддалар)
III бўлим. Ҳал қилув қарорларини қайта кўриш бўйича
иш юритиш (21-24 боблар. 156-208 моддалар)
IV бўлим. Суд ҳужжатларини ижро этиш (209-220 моддалар)
V бўлим. Чет эл ташкилотлари, ҳалкаро ташкилотлар ва тадбиркорлик
фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги
бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни юритиш (221-226 моддалар)

## I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-боб. Асосий қоидалар (1-14 моддалар)
2-боб. Хўжалик судини таркиби. Рад килиш (15-22 моддалар)
3-боб. Судга таалуқли ишлар ва судловга тегишлилик (23-33 моддалар)
4-боб. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда хўжалик судлов
ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари (34-48 моддалар)
5-боб. Хўжалик судида вакиллик (49-53 моддалр)
6-боб. Далиллар (54-75 моддалар)
7-боб. Даъвони таъминлаш (76-81 моддалар)
8-боб. Иш юритишни тўхтатиб туриш (82-85 моддалар)
9-боб. Иш юритишни тўхтатиш (86-87 моддалар)
10-боб.Даъвони кўрмасдан қолдириш (88-89 моддалар)
11-боб. Суд харажатлари (90-95 моддалар)
12-боб. Процессуал муддатлар (96-99 моддалар)
13-боб. Суд жарималари (100-101 моддалар)

## 1-БОБ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Хўжалик судига  мурожаат қилиш ҳуқуқи
2-модда Хўжалик судининг одил судловни амалга ошириш
3-модда. Хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари
4-модда. Хўжалик судларида суд ишларини юрити
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
5-модда. Хўжалик суди судьяларини мустакиллиги
6-модда. Хўжалик судида иш қўзғатиш
7-модда. Қонун ва суд олдида тенглик

8-модда. Ишларни куришнинг ошкоралиги
9-модда. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги
10-модда. Суд ишлари юритиладиган тил
11-модда. Судда ишни куришнинг бевоситалиги
12-модда. Низоларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш
13-модда. Чет давлат ҳуқуқини қўллаш
14-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги

### 1-модда. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи

Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

### 2-модда. Хўжалик судининг одил судловни амалга ошириши

Хўжалик суди иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган, ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

### 3-модда. Хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари

Хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) иқтисодиёт соҳасида корхона,муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

### 4-модда. Хўжалик судларида суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик судларида суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ҳамда унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 5-модда. Хўжалик суди судьяларининг мустақиллиги

Одил судловни амалга оширишда хўжалик судининг судьялари мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

### 6-модда. Хўжалик судида иш қўзғатиш

Хўжалик суди:

1) манфаатдор шахсларнинг;

2) прокурорнинг;

3) қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатади.

Агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнггина хўжалик судида иш қўзғатиш мумкин. Бунда прокурор, давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича иш қўзғатиш тарафлар юқоридаги чораларни кўрган-кўрмаганликларидан қатъи назар амалга оширилади.

### 7-модда. Қонун ва суд олдида тенглик

Хўжалик судида низоларни ҳал қилиш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан, қаерда жойлашганлиги, кимга бўйсунишидан қатъи назар, фуқароларнинг эса - жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

### 8-модда. Ишларни кўришнинг ошкоралиги

Хўжалик судларида ишлар ошкора кўрилади.

Давлат сирини ёки тижорат сирини сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ мажлисда кўришга йўл қўйилади.

Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади.

### 9-модда. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги

Хўжалик судида суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади.

### 10-модда. Суд ишлари юритиладиган тил

Хўжалик судида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон ёрдамида ишга тааллуқли материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳамда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Турли давлатларнинг корхона, муассаса ва ташкилотлари ўртасидаги хўжалик низолари суднинг ажримига биноан тарафлар учун мақбул тилда олиб борилади.

### 11-модда. Судда ишни кўришнинг бевоситалиги

Хўжалик суди ишни кўришда иш бўйича барча далилларни бевосита текшириши шарт.

### 12-модда. Низоларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш

Хўжалик суди низоларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Хўжалик суди ишни кўриш чоғида давлат органи ёки бошқа органнинг ҳужжати қонунга тўғри келмаслигини, шу жумладан у ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда чиқарилганини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари бўлмаган тақдирда хўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини татбиқ этади, борди-ю бундай нормалар ҳам бўлмаса, қонунларнинг умумий асослари ва мазмунига таяниб низони ҳал қилади.

Хўжалик суди қонунга ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасига мувофиқ чет давлатларнинг ҳуқуқ нормаларини қўллайди.

### 13-модда. Чет давлат ҳуқуқини қўллаш

Чет давлат ҳуқуқи қўлланган тақдирда хўжалик суди бу ҳуқуқ нормаларининг мавжудлиги ва мазмунини уларнинг тегишли давлатдаги шарҳланишига ва амалда қўлланишига мувофиқ ҳолда аниқлайди.

Чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлигини ва уларнинг мазмунини аниқлаш мақсадида хўжалик суди ёрдам беришни ёки тушунтириб беришни сўраб, Ўзбекистон Республикасининг ҳамда хорижий давлатнинг ваколатли органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиши ёхуд мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Агар кўрилган чораларга қарамай чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлиги ёки уларнинг мазмуни аниқланмаса, хўжалик суди Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳуқуқ нормаларини қўллайди.

### 14-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги

Хўжалик суди ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, суд буйруғи шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Хўжалик суди қабул қилган суд ҳужжатларини бажармаслик ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

## 2-БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ТАРКИБИ.<br>РАД ҚИЛИШ

15-модда. Хўжалик судининг таркиби
16-модда. Хўжалик судида масалаларни ҳал этиш тартиб
17-модда. Судьяни рад этиш
18-модда. Эксперт, суд мажлиси котиби ва таржимонни рад этиш
19-модда. Ишни куришда судьянинг такрор иштирок
этишига йўл қўймаслик
20-модда. Рад қилиш ҳақида ариза бериш

21-модда. Рад қилиш тўғрисидаги аризани ҳал қилиш тартиби
22-модда. Рад қилиш тўғрисидаги аризани
қаноатлантириш оқибатлари

## 15-модда. Хўжалик судининг таркиби

Хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда суднинг таркиби уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат бўлиши керак.

Ишни кўриш чоғида ҳамма судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ушбу Кодексга мувофиқ судьяга ишни ва айрим масалаларни якка тартибда ҳал қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, у хўжалик суди номидан ҳаракат қилади.

## 16-модда. Хўжалик судида масалаларни ҳал қилиш тартиби

Хўжалик судида иш ҳайъатда кўрилаётганда ва ҳал қилинаётганда келиб чиқадиган масалалар судьяларнинг кўпчилик овози билан ечилади. Судьялардан бирортаси овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Мажлисга раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Бошқа судьяларнинг қарорига қўшилмаган судья бу қарорга имзо чекишга мажбур бўлиб, у ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли. Алоҳида фикр ишга қўшиб қўйилади, лекин эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайдилар.

## 17-модда. Судьяни рад қилиш

Судья қуйидаги ҳолларда ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва у рад қилиниши лозим:

1) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

2) шу иш илгари кўрилганида эксперт, таржимон, прокурор, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

3) ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Ишни кўраётган хўжалик суди таркибига бир-бирига қариндош бўлган судьялар кириши мумкин эмас.

## 18-модда. Эксперт, суд мажлиси котиби ва таржимонни рад қилиш

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Ушбу Кодекс 17-моддасининг 1 ва 3 бандларида кўрсатилган асосларга мувофиқ прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби ва таржимон ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва улар рад қилиниши лозим. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Бундан ташқари экспертни рад қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) унинг ишда иштирок этувчи шахслар ёки уларнинг вакилларига ишни кўриш пайтида ёки ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан ёки бошқа томондан қарам бўлганлиги;

2) у ўтказган тафтиш материаллари хўжалик судига мурожаат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ёки ишни кўришда улардан фойдаланилаётган бўлса.

## 19-модда. Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги

Ишни кўришда иштирок этган судья, шу ишни бошқа инстанция судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Муайян инстанцияда ишни кўришда иштирок этган судья, ишни ўша инстанцияда такрор кўришда иштирок этиши мумкин эмас, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари бундан мустасно.

## 20-модда. Рад қилиш ҳақида ариза бериш

Ушбу Кодекснинг 17 ва 18 моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби, таржимон ўзини ўзи рад қилиш ҳақида ариза беришлари шарт. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳам шу асосларга кўра рад қилиш ҳақида ариза беришлари мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Рад қилиш ҳақидаги арз асослантирилган бўлиши ҳамда иш мазмунан кўрилишидан олдин маълум қилиниши лозим. Иш кўрилаётган пайтда рад қилиш ҳақида арз қилишга рад қилиш учун асослар хўжалик судига ёки рад қилиш ҳақида арз қилаётган шахсга ишни кўриш бошлаб юборилгандан кейин маълум бўлиб қолган ҳоллардагина йўл қўйилади.

## 21-модда. Рад қилиш тўғрисидаги аризани ҳал қилиш тартиби

Рад қилиш тўғрисида арз қилинган тақдирда, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрини эшитиши, шунингдек агар рад қилиниши талаб этилаётган шахс тушунтириш беришни хоҳласа, уни эшитиши керак.

Ишни якка ўзи кўраётган судьяни рад қилиш масаласини хўжалик судининг раиси ёки суд ҳайъатининг раиси ҳал қилади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала рад қилиниши талаб этилаётган судья иштирокисиз хўжалик суди таркиби томонидан ҳал қилинади. Рад қилишни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, судья рад қилинган ҳисобланади.

Бир неча судьяни ёки ишни кўраётган суд таркибини бутунлай рад қилиш масаласи шу суднинг тўлиқ таркибида оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби ва таржимонни рад қилиш масаласини ишни кўраётган суд ҳал қилади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Рад қилиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

## 22-модда. Рад қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш оқибатлари

Судья ёки бир неча судьялар ёхуд бутун суд таркиби рад қилинган тақдирда иш ўша судда, бироқ бошқа таркибда кўрилади.

Агар рад қилишни қаноатлантириш натижасида ишни ўша хўжалик судида кўриш учун суднинг янги таркибини тузиш мумкин бўлмаса, иш бошқа хўжалик судига ўтказилиши лозим.

## 3-БОБ. СУДГА ТААЛЛУҚЛИ ИШЛАР ВА СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК


23-модда. Судга таалуқли ишлар
24-модда. Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар
25-модда. Низоларни ҳал этишни хакамлар судига топшириш
26-модда. Ишларнинг суловга топшириш
27-модда. Даъвони жавобгар жойлашган ерда такдим этиш
28-модда. Даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик
29-модда. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги
30-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги
31-модда. Алоҳида судловга тегишлилик
32-модда. Шартнома бўйича судловга тегишлилик
33-модда. Ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш


### 23-модда. Судга таллуқли ишлар

Хўжалик судига қуйидаги ишлар таллуқлидир:

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён матнда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Қонун билан хўжалик судига таллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Хўжалик суди ўзига таллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, ҳалқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига таллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак. (ЎзР 14.12.2000 й. 163-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

## 24-модда. Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар

Хўжалик суди қуйидагиларни ҳал этади:

1) тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

2) шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

3) мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;

4) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

5) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

6) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

7) етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;

8) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

9) давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

10) ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

11) давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

12) агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

13) текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар.

Хўжалик суди ўзининг ваколат доирасига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади.

## 25-модда. Низоларни ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ёки келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамда хўжалик судига тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, хўжалик суди қарор чиқаргунга қадар ҳакамлар судига кўриш учун топширилиши мумкин.

## 26-модда. Ишларнинг судловга тегишлилиги

Хўжалик судига тааллуқли ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан кўрилади, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судловига тегишли ишлар бундан мустасно.

Олий хўжалик суди қуйидагиларни кўради:

республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Олий хўжалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган хўжалик судидан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказишга ҳақли.

### 27-модда. Даъвони жавобгар жойлашган ерда тақдим этиш

Даъволар жавобгар жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади.

Юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятидан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган ерда тақдим этилади.

### 28-модда. Даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик

Турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарларнинг бири жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади.

Қаердалиги номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки жойлашган ердаги ёки Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охирги турар жойидаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ташкилоти ёки фуқароси бўлган ва айни пайтда бошқа давлат ҳудудида турган жавобгарга нисбатан даъволар даъвогар жойлашган ердаги ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъволар шартнома ижро этиладиган ерда тақдим этилиши мумкин.

### 29-модда. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар аризачи турган жойда кўрилади. Бинога, иншоотга, ер участкасига эгаликни аниқлаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно бўлиб, улар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган ерда кўрилади.

### 30-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги

Ташкилот ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар қарздор турган жойда кўрилади.

### 31-модда. Алоҳида судловга тегишлилик

Бино, иншоот, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги, бино, иншоот, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъволар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган ерда тақдим этилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган йўловчи, багаж ва юк ташувчига нисбатан даъволар, шу жумладан йўловчи, багаж ва юк ташувчи

жавобгарлардан бири бўлган ҳолларда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган ерда тақдим этилади.

### 32-модда. Шартнома бўйича судловга тегишлилик

Ушбу Кодекснинг  27 ва 28-моддаларида белгиланган судловга тегишлилик тарафларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

### 33-модда. Ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш

Хўжалик суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда қабул қилиб олинган иш, гарчи кейинчалик бошқа хўжалик судининг судловига тегишли бўлиб қолса-да, аввалги хўжалик суди томонидан мазмунан кўрилиши лозим.

Хўжалик суди ишни бошқа хўжалик судига қуйидаги ҳолларда ўтказади:

1) агар иш судловга тегишлилик қоидасини бузиб қабул қилинганлиги шу судда ишни кўриш вақтида маълум бўлса;

2) агар бир ёки бир неча судъялар рад қилинганидан кейин уларни ушбу судда алмаштириш мумкин бўлмай қолса, шунингдек ишни ушбу судда кўриш мумкин бўлмай қолган бошқа ҳолларда.

Ишни бошқа хўжалик судида кўришга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Бир суддан бошқа судга юборилган иш у юборилган судда кўриш учун қабул қилиб олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ўртасида судловга тегишлилик тўғрисида низоларга йўл қўйилмайди.

## 4-БОБ. ИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР ҲАМДА ХЎЖАЛИК СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ

34-модда. Ишда иштирок этувчи шахслар
35-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
36-модда. Тарафлар
37-модда. Ишда бир неча даъвогар ва жавобгарнинг иштироки
38-модда. Ишда дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштириш
39-модда. Процессуал ҳуқуқий ворислик
40-модда. Даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талблари миқдорини ўзгартириш, даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш келишув битими
41-модда. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар
42-модда. Низонинг предметига нисбатан мустақил талблар билан арз килмайдиган учинчи шахслар
43-модда. Ишда прокурорнинг иштироки
44-модда. Ишда давлат органлари ва бошқа органларнинг иштироки
45-модда. Хўжалик судлов ишларининг юритишнинг бошқа иштирокчи-лари
46-модда. Гувоҳ
47-модда. Эксперт
48-модда. Таржимон

### 34-модда. Ишда иштирок этувчи шахслар

Тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар ўз зиммаларига юклатилган ваколатга кўра, шунингдек аризачилар ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар банкротлиги тўғрисидаги ишлардан манфаатдор бошқа шахслар ишда иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланадилар.

### 35-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда ушбу Кодексда уларга берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал мажбуриятларга эгадир ва улар ўзларига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари шарт.

### 36-модда. Тарафлар

Даъвогар ва жавобгар хўжалик судлов ишларини юритишда тарафлардир.

Ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган ташкилотлар ва фуқаролар даъвогардир.

Даъво талаби қаратилган ташкилотлар ва фуқаролар жавобгардир.

Тарафлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

### 37-модда. Ишда бир неча даъвогар ва жавобгарнинг иштироки

Даъво бир неча даъвогар томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилиши мумкин. Ҳар бир даъвогар ёки жавобгар процессда мустақил қатнашади. Биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топширишлари мумкин.

Бошқа жавобгарни жалб этиш зарур бўлган ҳолларда хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар даъвогарнинг розилиги билан ўша жавобгарни жалб қилади.

### 38-модда. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш

Хўжалик суди даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганини аниқласа, ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар, даъвогарнинг розилиги билан

дастлабки даъвогар ёки жавобгарнинг ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф хўжалик судининг ташаббуси билан алмаштирилиши мумкин, бироқ даъвогар ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, бу шахс ишда низо юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида қатнашишга ҳақли ва бу ҳақда суд ушбу шахсни хабардор қилади.

Агар даъвогар жавобгарни бошқа шахс билан алмаштиришга рози бўлмаса, суд даъвогарнинг розилиги билан бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилиши мумкин.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганлиги тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Ишга дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганидан сўнг ишни кўриш янгидан бошланади.

### 39-модда. Процессуал ҳуқуқий ворислик

Тарафлардан бири низоли ёки хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (қайта ташкил этилиш, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва бошқа ҳолларда) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарорида кўрсатади. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

### 40-модда. Даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш, даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, келишув битими

Даъвогар хўжалик низоси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, ёхуд даъводан воз кечишга ҳақли.

Жавобгар даъвони қисман ёки тўла тан олиши мумкин.

Тарафлар ҳар қандай инстанцияда ишни келишув битими билан тамомлашлари мумкин.

Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонун ҳужжатларига хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, хўжалик суди даъводан воз кечишни, даъво талаблари миқдорини камайтиришни, даъвони тан олишни қабул қилмайди, келишув битимини тасдиқламайди. Бундай ҳолларда хўжалик суди ишни мазмунан кўради.

### 41-модда. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва барча мажбуриятларини бажарадилар, шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган

ёки шартномада белгиланган жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш мажбурияти бундан мустаснодир.

### 42-модда. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга киришиши мумкин. Учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси билан ёки суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. (ЎзР 01.05.1998 й N 621-I-сон Қонун.таҳрирдаги қисм)

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларини бажарадилар, даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, шунингдек даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш ёки келишув битими тузиш, суд ҳужжатининг мажбурий тарзда бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Хўжалик суди бир жараёнда дастлабки даъвони кўриб чиқишга ва мансабдор шахс томонидан ташкилотга етказилган зарарни ундан ундириш масаласини регресс тартибда ҳал этишга ҳақлидир. (ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон  Қонуни таҳрирдаги қисм)

### 43-модда. Ишда прокурорнинг иштироки

Прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига даъво аризасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судига эса - тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Даъво тақдим этган прокурор келишув битими тузишдан ташқари даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради.

Прокурорнинг ўз даъвосидан воз кечиши даъвогарни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Прокурор томонидан ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор қатнашиши зарур деб топган ҳолларда ишни кўришда прокурор иштирок этиши шарт.

### 44-модда. Ишда давлат органлари ва бошқа органларнинг иштироки

Давлат органлари ва бошқа органлар қонунларда назарда тутилган ҳолларда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этишлари мумкин. Даъво тақдим этган мазкур органлар даъвогарнинг келишув битими тузиш ҳуқуқидан ташқари барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Ушбу органларнинг тақдим этилган даъволардан воз кечиши даъвогарни низони мазмунан кўришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан даъвогарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қўзғатилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

## 45-модда. Хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари

Ишда иштирок этувчи шахслардан ташқари хўжалик судлов ишларини юритишда вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар иштирок этишлари мумкин.

## 46-модда. Гувоҳ

Хўжалик суди низони тўғри ҳал этиши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ва ҳолатлардан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин.

Гувоҳ хўжалик судининг чақируви бўйича у ерга келиши ва иш юзасидан ўзи хабардор бўлган маълумот ва ҳолатларни маълум қилиши шарт.

Гувоҳ тўғри кўрсатувлар бериши, судьянинг, ишда иштирок этувчи шахсларнинг саволларига жавоб бериши шарт.

Гувоҳ била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги ва кўрсатув беришдан бош тортганлиги ёки бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади.

## 47-модда. Эксперт

Хулоса бериш учун махсус билимга эга бўлган ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан тайинланган шахс хўжалик судида эксперт сифатида иштирок этиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш топширилган шахс хўжалик суди чақирувига биноан келиши ва қўйилган саволлар бўйича судга холис хулоса бериши шарт.

Агар хулоса бериш учун зарур бўлса, эксперт иш материаллари билан танишиш, хўжалик суди мажлисларида иштирок этиш, саволлар бериш, суддан қўшимча материаллар беришни сўраш ҳуқуқига эга.

Эксперт била туриб ёлғон хулоса бергани, хулоса беришдан бош тортгани учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар экспертга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса ёки эксперт ўз зиммасига юклатилган вазифани бажариш учун зарур билимларга эга бўлмаса, у хулоса беришдан воз кечишга ҳақли.

## 48-модда. Таржимон

Таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда хўжалик суди томонидан тайинланган шахс таржимондир.

Хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари, гарчи таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни билсалар ҳам, таржимонлик вазифаларини ўз зиммаларига олишга ҳақли эмаслар.

Таржимон суд чақирувига биноан келиши ва таржимани тўла, тўғри ҳамда ўз вақтида амалга ошириши шарт.

Таржимон аниқ таржима қилиш мақсадида таржима чоғида ҳозир бўлганларга саволлар беришга ҳақли.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади.

## 5-БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИДА ВАКИЛЛИК

49-модда. Вакиллар орқали иш юритиш
50-модда. Хўжалик судида вакилик қилиши мумкин бўлган шахслар
51-модда. Вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш
52-модда. Вакилнинг ваколатлари
53-модда. Хўжалик судида вакил бўла олмайдиган шахслар

### 49-модда. Вакиллар орқали иш юритиш

Хўжалик судида ташкилотларнинг ишларини уларнинг қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида иш кўрадиган органлари ҳамда вакиллари олиб боради.

Ташкилотларнинг раҳбарлари, бошқа шахслар таъсис ҳужжатларига мувофиқ хўжалик судига уларнинг хизмат мавқеларини ёки ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Фуқаролар ўз ишларини хўжалик судида шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишлари мумкин. Фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

### 50-модда. Хўжалик судида вакиллик қилиши мумкин бўлган шахслар

Хўжалик судида иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро хўжалик судида вакил бўлиши мумкин.

Тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини хўжалик судлов ишларини юритишда уларнинг қонуний вакиллари - ота-онаси, фарзандликка олганлар, васий ёки ҳомийлари ҳимоя қиладилар. Қонуний вакиллар хўжалик судида иш юритишни ўзлари танлаган бошқа вакилга топширишлари мумкин.

### 51-модда. Вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш

Вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши керак.

Ташкилот номидан берилган ишончномага унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқа шахс имзо чекади ва бу имзо ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Фуқаро томонидан берилаётган ишончнома нотариал тартибда, шунингдек ишончномани берувчи ишлаётган ёки ўқиётган ташкилот томонидан, яшаб турган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти томонидан ва у даволанаётган стационар даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан, агар ишончнома ҳарбий хизматчи томонидан берилаётган бўлса - тегишли ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланиши мумкин. Жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг ишончномаси тегишли муассасанинг бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Адвокатнинг ваколати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

### 52-модда. Вакилнинг ваколатлари

Хўжалик судида иш юритиш ваколатлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради, даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлар судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битимини тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, протест келтириш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий тартибда ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш бундан мустасно. Вакилнинг ушбу моддада кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари вакил қилаётган шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

### 53-модда. Хўжалик судида вакил бўла олмайдиган шахслар

Тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган ёхуд васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар.

Судьялар, терговчилар, прокурорлар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар. Кўрсатиб ўтилган шахслар процессда тегишли судлар, прокуратуранинг вакили сифатида ёки қонуний вакил сифатида қатнашаётган бўлсалар, бу қоида тадбиқ этилмайди.

## 6-БОБ. ДАЛИЛЛАР

54-модда. Далиллар тушунчаси ва уларнинг турлари
55-модда. Исботлаш мажбурияти
56-модда. Далилларни тақдим этиш ва талаб қилиб олиш
57-модда. Далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшири
58-модда. Далилларни дахлдорлиги
59-модда. Далилларга йўл қўйилиши
60-модда. Исботлашдан озод этиш асослари
61-модда. Далилларга баҳо бериш
62-модда. Ёзма далиллар
63-модда. Ҳужжатларни аслини кайтариш
64-модда. Ашёвий далиллар
65-модда. Ашёвий далиллар сақлаш
66-модда. Ашёвий далилларни қайтариш
67-модда. Экспертиза тайинлаш
68-модда. Экспертиза ўтказиш тартиби
69-модда. Экспертни хулосаси
70-модда. Гувоҳнинг кўрсатмалари
71-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари
72-модда. Далилларни таъминлаш
73-модда. Далилларни таъминлаш тартиби
74-модда. Суд топшириқлари
75-модда. Суд топширигини бажариш тартиби

### 54-модда. Далиллар тушунчаси ва уларнинг турлари

Ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далиллар бўлиб, улар асосида хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

### 55-модда. Исботлаш мажбурияти

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилганда ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилади.

Хўжалик суди, агар ишни кўриб чиқиш учун мавжуд материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишда иштирок этувчи шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилишга ҳақлидир.

### 56-модда. Далилларни тақдим этиш ва талаб қилиб олиш

Далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади.

Ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада шу далил билан иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур. Суд зарур ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсга далилни олиш учун сўров беради. Суд талаб қилаётган далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга юборади ёки судга топшириш учун тегишли сўровга эга бўлган шахсга беради.

Агар шахс хўжалик суди талаб қилаётган далилни тақдим этиш имкониятига бутунлай эга бўлмаса ёки суд белгилаган муддатда тақдим эта олмаса, у суднинг сўровини олганидан сўнг беш кунлик муддат ичида бу ҳақда сабабини кўрсатиб судни хабардор қилиши шарт.

Агар далилни сақлаётган шахс сўралаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини хўжалик суди узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаса, бу шахсга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солинади.

Жарима солиниши талаб қилинаётган далилни сақлаётган шахсни далилни хўжалик судига тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

### 57-модда. Далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш

Судга олиб келиш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган далилларни, шунингдек тез бузиладиган ашёвий далилларни хўжалик суди улар жойлашган ерда кўздан кечириши ва текшириши мумкин.

Далилларни кўздан кечириш ва текшириш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади, уларнинг келмаслиги кўздан кечириш ва текшириш ўтказишга тўсқинлик қилмайди. Зарур ҳолларда далилларни кўздан кечириш ва текширишда иштирок этиш учун экспертлар ва гувоҳлар чақирилиши мумкин.

Тез бузиладиган ашёвий далиллар ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан хўжалик суди томонидан дарҳол кўздан кечирилиши ва текширилиши мумкин.

Далиллар турган жойида кўздан кечириб ва текшириб бўлиниши биланоқ баённома тузилади.

**58-модда. Далилларнинг дахлдорлиги**

Хўжалик суди кўрилаётган ишга дахлдор бўлган далилларнигина қабул қилади.

**59-модда. Далилларга йўл қўйилиши**

Ишнинг ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлса, бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

**60-модда. Исботлашдан озод қилиш асослари**

Ишнинг хўжалик суди ҳаммага маълум деб топган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас.

Хўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар, худди шу шахслар иштирокчиси бўлган бошқа ишни суд кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Умумий суднинг фуқаролик иши бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган хўжалик суди учун умумий суднинг ҳал қилув қарорида аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга алоқадор ҳолатларга доир масалалар бўйича мажбурийдир.

Жиноят иши бўйича умумий суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича хўжалик суди учун мажбурийдир.

**61-модда. Далилларга баҳо бериш**

Хўжалик суди ишдаги мавжуд далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текширишга асосланган ўз ички комил ишончи бўйича баҳолайди.

Ҳеч қандай далил хўжалик суди учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас.

**62-модда. Ёзма далиллар**

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, амалий ёзишмалар, шу жумладан, факсимил, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ўзга ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллар ҳисобланади.

Ёзма далиллар асл нусхада ёки тегишлича тасдиқланган нусха шаклида тақдим этилади. Агар кўрилаётган ишга ҳужжатнинг фақат бир қисми алоқадор бўлса, унинг тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

Иш ҳолатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқланиши лозим бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда хўжалик судининг талаби билан уларнинг асл нусхалари тақдим этилади.

Ишда иштирок этувчи шахс томонидан хўжалик судига топширилган ёзма далилларнинг нусхалари хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, қўлида шундай нусхалар бўлмаган бошқа шахсларга юборилади (берилади).

## 63-модда. Ҳужжатларнинг аслини қайтариш

Ишда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг асли уларни тақдим этган шахсларнинг илтимосномасига кўра хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин, агар суд ҳужжатни қайтариш низонинг тўғри ҳал қилинишига зарар етказмайди деган хулосага келса, ишни юритиш жараёнида ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар уларга қайтариб берилиши мумкин. Илтимоснома билан бир вақтда мазкур шахслар ҳужжат аслининг тегишлича тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар ёки ишда қолаётган нусханинг аслига тўғрилиги суд томонидан тасдиқланишини илтимос қиладилар.

## 64-модда. Ашёвий далиллар

Ўзининг ташқи кўриниши, ички хусусиятлари, турган жойи ёки бошқа белгилари билан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қила оладиган ашёлар ашёвий далиллар ҳисобланади.

## 65-модда. Ашёвий далилларни сақлаш

Ашёвий далиллар хўжалик судида сақланади.

Хўжалик судига келтириб бўлмайдиган ашёвий далиллар турган жойида сақланади. Улар батафсил тасвирланиши, муҳрлаб қўйилиши, зарур ҳолларда эса фотосуратга ёки видеотасвирга олиниши лозим.

Хўжалик суди ва сақловчи ашёвий далилларни ўзгармайдиган ҳолатда сақлаш чораларини кўрадилар.

## 66-модда. Ашёвий далилларни қайтариш

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ашёвий далиллар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтариб берилади ёхуд суд шу ашёларга кимнинг ҳуқуқи бор деб топган бўлса, ўша шахсларга берилади ёки суд белгилайдиган бошқа тартибда реализация қилинади.

Айрим ҳолларда хўжалик суди ашёвий далилларни кўздан кечириб ва текшириб чиққанидан кейин башарти, ашёвий далилларни тақдим этган шахслар уларни қайтариб беришни илтимос қилган бўлсалар ва бундай илтимосноманинг қаноатлантирилиши низонинг тўғри ҳал этилишига зарар келтирмаса, улар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга иш юритиш жараёнида қайтариб берилиши мумкин.

Хўжалик суди ашёвий далилларни қайтариш масалалари юзасидан ажрим чиқаради.

Қонунга мувофиқ айрим шахсларнинг эгалигида туриши мумкин бўлмаган ашёлар тегишли ташкилотларга топширилади.

### 67-модда. Экспертиза тайинлаш

Ишни кўриш вақтида келиб чиқадиган, махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра экспертиза тайинлайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судига экспертиза ўтказиш вақтида тушунтириб берилиши керак бўлган саволлари ва экспертларнинг номзодлари бўйича таклифларини тақдим этишга ҳақлидирлар.

Экспертизанинг хулосаси талаб қилинадиган саволларнинг узил-кесил мазмунини хўжалик суди белгилайди. Ишда иштирок этувчи шахслар таклиф этган саволларни рад этишни суд асослаб бериши шарт.

Экспертиза тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

### 68-модда. Экспертиза ўтказиш тартиби

Экспертиза хўжалик суди топшириғига кўра экспертиза муассасаларининг ходимлари ёки бошқа мутахассислар томонидан ўтказилади. Экспертизани ўтказиш бир неча экспертга топширилиши мумкин.

Экспертиза хўжалик судининг мажлисида ёки, агар текширишнинг хусусиятига кўра зарур бўлса ёхуд материалларни мажлисда текшириш учун олиб келиш мумкин бўлмаса ёки уларни олиб келиш қийин бўлса, мажлисдан ташқарида ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахслар экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Бундай иштирок этиш ёки экспертизани суд мажлисидан ташқарида ўтказиш экспертларнинг нормал ишлашига ҳалақит бериши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Агар экспертизани ўтказиш икки ёки ундан ортиқ экспертга топширилган бўлса, улар ўзаро кенгашишга ҳақлидир. Агар экспертлар умумий хулосага келсалар, улар битта умумий хулоса берадилар. Бошқа экспертларнинг фикрига қўшилмаган эксперт алоҳида хулоса беради.

### 69-модда. Экспертнинг хулосаси

Эксперт ёзма шаклда хулоса беради.

Экспертнинг хулосаси ўтказилган текширишларнинг батафсил баёнини, улар натижасида чиқарилган хулосаларни ва хўжалик суди томонидан қўйилган саволларга жавобларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Агар эксперт экспертиза ўтказаётганида ўзига қўйилган саволларда кўрсатилмаган, лекин иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқласа, шу ҳолатлар тўғрисидаги фикрларини ўз хулосасига киритишга ҳақли.

Экспертнинг хулосаси хўжалик судининг мажлисида текширилади ҳамда бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Экспертнинг хулосаси етарлича аниқ ёки тўлиқ бўлмаса, хўжалик суди қўшимча экспертиза тайинлаши, уни ўтказишни ўша ёки бошқа экспертга топшириши мумкин.

Хўжалик суди экспертнинг хулосасига қўшилмаса, ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра қайта экспертиза тайинлаши, уни ўтказишни бошқа экспертга топшириши мумкин.

### 70-модда. Гувоҳнинг кўрсатувлари

Гувоҳ ўзи билган маълумотлар ва ҳолатларни хўжалик судига оғзаки хабар қилади. Гувоҳ хўжалик судининг таклифига кўра ўз кўрсатувларини ёзма тарзда баён қилиши мумкин.

Агар гувоҳ ўзи билган маълумотларнинг манбаини кўрсатиб бера олмаса, у хабар қилган маълумотлар далил ҳисобланмайди.

## 71-модда. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш учун аҳамиятли бўлган ўзларига маълум ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлари текширилиши ва бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланиши лозим. Ишда иштирок этувчи шахс хўжалик судининг таклифига кўра ўз тушунтиришларини ёзма тарзда баён қилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс томонидан бошқа шахс ўз талабларини ёки эътирозларини асослаётган фактларнинг тан олиниши хўжалик суди учун мажбурий эмас.

Агар фактни тан олиш ишнинг ҳолатларига мувофиқ эканлигига ва алдаш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, чалғитиш таъсирида ёки ҳақиқатни яшириш мақсадида қилинмаганига хўжалик судида шубҳа туғилмаса,у тан олинган фактни аниқланган деб ҳисоблаши мумкин.

## 72-модда. Далилларни таъминлаш

Зарур далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади деб хавотирланиш учун асоси бўлган шахслар ишни юритишга қабул қилган хўжалик судидан шу далилларни таъминлашни илтимос қилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, тасдиқлаш учун бу далиллар зарур бўлган ҳолатлар, уларни таъминлаш тўғрисида аризачини илтимос билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар кўрсатилиши керак.

Далилларни таъминлаш ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилиш мумкин.

## 73-модда. Далилларни таъминлаш тартиби

Далилларни таъминлаш ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга кўра хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади, бироқ уларнинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

## 74-модда. Суд топшириқлари

Ишни кўраётган хўжалик суди бошқа вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ҳудудидаги далилларни олиши зарур бўлиб қолган ҳолларда тегишли хўжалик судига муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топширишга ҳақли.

Суд топшириғи тўғрисидаги ажримда кўрилаётган ишнинг мазмуни қисқача баён қилинади, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарадиган хўжалик суди тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилади.

Суд топшириғи тўғрисидаги ажрим топшириқ берилган хўжалик суди учун мажбурийдир ва ажрим олинган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай бажарилиши лозим.

### 75-модда. Суд топшириғини бажариш тартиби

Суд топшириғи хўжалик судининг мажлисида ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга мувофиқ бажарилади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар, бироқ уларнинг келмаганлиги мажлисни ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

Суд топшириғининг ижроси тўғрисида ажрим чиқарилиб, у дарҳол барча материаллар билан ишни кўраётган хўжалик судига юборилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар, топшириқни бажарган хўжалик судига тушунтиришлар ёки кўрсатувлар берган гувоҳлар ишни кўраётган суд мажлисида ўзлари иштирок этган тақдирда умумий тартибда тушунтиришлар ва кўрсатувлар берадилар.

## 7-БОБ. ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ

76-модда. Даъвони таъминлаш асослари
77-модда. Даъвони таъминлаш чоралари
78-модда. Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш
79-модда. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш
80-модда. Даъвони таъминлашни бекор қилиш
81-модда. Даъвони таъминлаш туфайли жавобгарга етказилган зарарни қоплаш

### 76-модда. Даъвони таъминлаш асослари

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра даъвони таъминлаш чораларини кўришга ҳақли. Даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, хўжалик судлов ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан низони ҳал этаётган хўжалик суди томонидан кўрилади.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Даъвони таъминлаш ёки таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш ушбу ажрим ижросини тўхтатиб турмайди.

### 77-модда. Даъвони таъминлаш чоралари

Қуйидагилар даъвони таъминлаш чоралари бўлиши мумкин:

1) жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш;

2) жавобгарга муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш;

3) бошқа шахсларга низо предметига алоқадор бўлган муайян ҳаракатларни қилишни тақиқлаш;

4) даъвогар низолашаётган, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиб туриш;

5) мол-мулкни хатлашдан озод қилиш тўғрисида даъво тақдим этилган тақдирда уни реализация қилишни тўхтатиб туриш.

Зарур ҳолларда даъвони таъминлаш учун бир неча чора қўллашга йўл қўйилади.

Хўжалик суди даъвони таъминлашга йўл қўяр экан, жавобгарнинг илтимосномасига кўра даъвогардан жавобгар кўриши мумкин бўлган зарар қопланишининг таъминловини талаб қилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида кўрсатилган чораларга риоя этмаганлик учун ташкилотлар ва фуқаролардан республика бюджети даромадига қуйидагича жарима ундирилади:

баҳоланадиган даъволар бўйича - даъво баҳосининг эллик фоизигача миқдорда;

баҳоланмайдиган даъволар бўйича - энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда.

Хўжалик судининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримини ижро этмаслик билан етказилган зарарни қоплашни даъвогар ўша хўжалик судида даъво тақдим этиш йўли билан талаб қилишга ҳақли.

### 78-модда. Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш

Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилади.

Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш масаласи ушбу Кодекснинг 76 -моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

Пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъвони таъминлашда жавобгар даъвони таъминлаш бўйича белгиланган чораларни қўллаш ўрнига хўжалик судининг депозит ҳисобварағига даъвогар талаб қилаётган суммани тўлашга ҳақли.

### 79-модда. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримни ижро этиш

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим хўжалик судининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро этилади.

### 80-модда. Даъвони таъминлашни бекор қилиш

Даъвони таъминлаш ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ишни кўраётган хўжалик суди томонидан бекор қилиниши мумкин. Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади.

Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар, бироқ уларнинг келмаслиги даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласини кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Даъво рад этилган тақдирда йўл қўйилган таъминлаш чоралари ҳал қилув қарори кучга киргунча сақланади. Бироқ, хўжалик суди ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки у қабул қилинганидан кейин даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

### 81-модда. Даъвони таъминлаш туфайли жавобгарга етказилган зарарни қоплаш

Даъвони рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, жавобгар ўша хўжалик судида даъво тақдим этиш йўли билан даъвогардан даъвони таъминлаш туфайли ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

## 8-БОБ. ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ

82-модда. Хўжалик судининг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти
83-модда. Хўжалик судининг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи
84-модда. Иш юритишни тиклаш
85-модда. Иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш тартиби

### 82-модда. Хўжалик судининг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур:

1) ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

2) жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда;

3) фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

4) фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда.

Хўжалик суди қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам иш юритишни тўхтатиб туради.

### 83-модда. Хўжалик судининг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли:

1) хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда;

2) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинганда;

3) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш фуқаро бирор-бир давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда.

### 84-модда. Иш юритишни тиклаш

Иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингач, иш юритиш тикланади.

### 85-модда. Иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш тартиби

Хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туриш ва уни тиклаш юзасидан ажрим чиқаради.

Иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

## 9-БОБ. ИШ ЮРИТИШНИ ТУГАТИШ

86-модда. Иш юритишни тугатиш асослари
87-модда. Иш юритишни тугатиш тартиби ва оқибатлари

### 86-модда. Иш юритишни тугатиш асослари

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади:

1) низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса;

2) умумий суд, хўжалик судининг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса;

3) ҳакамлар судининг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, ҳакамлар судининг қарорини мажбурий тарзда ижро этиш юзасидан хўжалик суди ижро варақасини беришни рад этган, ишни янгидан кўриш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлар судига юборган, лекин ишни ўша ҳакамлар судида кўриш мумкин бўлмай қолган ҳоллар бундан мустасно;

4) ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган бўлса;

5) ишда иштирок этган шахс бўлмиш фуқаронинг ўлимидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

6) даъвогар даъвосидан воз кечган ва хўжалик суди уни қабул қилган бўлса;

7) келишув битими тузилиб, у хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса;

8) даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти йўқотилган бўлса.

### 87-модда. Иш юритишни тугатиш тартиби ва оқибатлари

Иш юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ажримида суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Иш юритиш тугатилган тақдирда айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан хўжалик судига иккинчи бор мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

## 10-БОБ. ДАЪВОНИ КЎРМАСДАН ҚОЛДИРИШ

88-модда. Даъвони кўрмасдан қолдириш асослари
89-модда. Даъвони кўрмасдан қолдириш тартиби ва оқибатлари

### 88-модда. Даъвони кўрмасдан қолдириш асослари

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда даъвони кўрмасдан қолдиради:

1) умумий суд, хўжалик суди, ҳакамлар суди айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлар судига кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви бўлиб, ҳакамлар судига мурожаат қилиш имконияти йўқолмаган бўлса ва агар ишнинг хўжалик судида кўрилишига қарши бўлган жавобгар

биринчи аризасидан кечиктирмай низони мазмунан ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилса;

3) даъво аризаси имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан, ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

4) қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали ундириб олиниши шарт бўлишига қарамай даъвогар жавобгардан қарзини ундириб олиш учун банк ёки бошқа кредит муассасига мурожаат этмаган бўлса;

5) даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

6) даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаган бўлса;

7) давлат рўйхатидан ўтишни рад этиш ёки ундан бош тортиш тўғрисидаги ариза кўрилаётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса;

8) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза кўрилаётганда ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиққан бўлса.

9) даъвогар унинг манфаатларини кўзлаб прокурор томонидан тақдим этилган даъводан воз кечган бўлса. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

### 89-модда. Даъвони кўрмасдан қолдириш тартиби ва оқибатлари

Хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ажримида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш, давлат божини бюджетдан қайтариш масалалари ҳал қилиниши мумкин.

Даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, даъвогар хўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## 11-БОБ. СУД ХАРАЖАТЛАРИ

90-модда. Суд харажатларининг тартиби
91-модда. Давлат божи
92-модда. Даъвонинг баҳоси
93-модда. Давлат божини қайтариш
94-модда. Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга тегишли суммаларни тўлаш
95-модда. Суд харажатларининг тақсимланиши

### 90-модда. Суд харажатларининг таркиби

Суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан: суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, хўжалик суди тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланиши керак бўлган сумма, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан ташкил топади.

Суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг тахминий суммаси хўжалик суди томонидан белгиланади ва даъвогар томонидан хўжалик судининг депозит ҳисобварағига ўтказиб қўйилиши керак.

### 91-модда. Давлат божи

Қуйидагилар учун давлат божи тўланади:

1) даъво аризалари;

2) ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар;

3) низо предмети юзасидан мустақил талаблар қўядиган учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалар;

4) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар;

5) хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари, шунингдек иш юритишни тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш, суд жарималари солиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган аппеляция ва кассация шикоятлари;

6) ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш варақасини бериш тўғрисидаги ариза;

7) ҳакамлар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ва ижро варақасини беришни рад этиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажримлари устидан берилган аппеляция ва кассация шикоятлари.

Даъво талаблари кўпайтирилганида давлат божининг етишмаётган суммаси ҳал қилув қарори қабул қилинаётганда даъвонинг кўпайган суммасига мувофиқ ундирилади. Даъво қиймати камайтирилганда тўланган бож қайтарилмайди.

Давлат божининг миқдори, уни тўлашдан озод қилиш ва унинг миқдорини камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Алоҳида ҳолларда суд даъвогарнинг аризасига кўра унинг мулкий аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли.

### 92-модда. Даъвонинг баҳоси

Даъвонинг баҳоси қуйидагича аниқланади:

1) пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича - ундириладиган суммага қараб;

2) ижро этиш ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар бўйича - низолашилаётган суммага қараб;

3) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича - шу мол-мулкнинг қийматига қараб;

4) ер участкасини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича - ер участкасининг белгиланган баҳода, баҳоси бўлмаса - бозор баҳосида чиқарилган қийматига қараб.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка (жарима, пеня) суммалари ҳам киритилади.

Бир неча мустақил талаблардан иборат бўлган даъвонинг баҳоси барча талабларнинг суммаси билан белгиланади.

Даъвонинг баҳоси нотўғри кўрсатилган тақдирда у хўжалик суди томонидан белгиланади.

## 93-модда. Давлат божини қайтариш

Давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қайтарилиши керак.

Хўжалик судининг ҳужжатида давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилади.

Давлат божи тўланган, лекин хўжалик судига келиб тушмаган ёки у қайтарган аризалар, апеляция ёки кассация шикоятлари бўйича ҳамда божни тўлиқ ёки қисман қайтаришни назарда тутувчи суд ҳужжатлари бўйича уни қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади.

## 94-модда. Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга тегишли суммаларни тўлаш

Экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларга хўжалик судига келиш билан боғлиқ бўлган йўлкира, уй-жой ижараси харажатлари қопланади ва кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.

Экспертлар ва таржимонлар хўжалик судининг топшириғи билан бажарган иш уларнинг хизмат вазифаси доирасига кирмаса, улар бу иш учун ҳақ оладилар.

Хўжалик судига гувоҳ сифатида чақирилган фуқароларнинг судга келиши туфайли йўқотилган вақт билан боғлиқ харажатлари қопланади.

Ишда иштирок этиб, тегишли илтимос билан мурожаат қилган шахс гувоҳлар ва экспертларга тўланиши лозим бўлган суммани хўжалик судининг депозит ҳисобварағига олдиндан ўтказади. Агар иккала томон илтимос билан мурожаат қилган бўлса, талаб қилинадиган суммани улар тенг бўлиб ўтказадилар. Агар қўшимча экспертиза суднинг ташаббуси билан тайинланса, тўланиши лозим бўлган сумма экспертга суд томонидан депозит ҳисобидан тўланади. Бу сумма ишда иштирок этувчи шахслардан ушбу Кодекснинг 95-моддасига мувофиқ унди рилиб, суднинг депозит ҳисобварағига ўтказилади. Экспертларга, гувоҳларга ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар хўжалик суди томонидан улар ўз вазифаларини бажарганларидан кейин тўланади.

Тўлаш тартиби ва тўланиши лозим бўлган суммалар миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

## 95-модда. Суд харажатларининг тақсимланиши

Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Агар иш ишда иштирок этувчи шахс томонидан шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибини бузиш (талабномани жавобсиз қолдириш, талаб қилинган ҳужжатларни жўнатмаслик) оқибатида келиб чиққан бўлса, хўжалик суди ишнинг натижасидан қатъи назар, суд харажатларини шу шахсга юклашга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд харажатларини тақсимлаш тўғрисида ўзаро келишсалар, хўжалик суди шу келишувга мувофиқ қарор қабул қилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикояти беришлари билан боғлиқ суд харажатлари ушбу моддада баён қилинган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

## 12-БОБ. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

96-модда. Процессуал муддатларни белгилаш ва ҳисоблаш
97-модда. Процессуал муддатларнинг тугаши
98-модда. Процессуал муддатларни тухтатиб туриш
99-модда. Процессуал муддатлрни тиклаш ва узайтириш

### 96-модда. Процессуал муддатларни белгилаш ва ҳисоблаш

Процессуал ҳаракатлар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда белгиланган муддатларда бажарилади, процессуал муддатлар белгиланмаган ҳолларда эса улар хўжалик суди томонидан белгиланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари аниқ календарь сана билан, албатта содир бўлиши лозим бўлган воқеани кўрсатиш билан ёки ҳаракат бажарилиши мумкин бўлган давр билан белгиланади.

Йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатнинг ўтиши календарь сананинг эртасидан ёки унинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа содир бўлган кундан бошланади.

### 97-модда. Процессуал муддатларнинг тугаши

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддат охирги йилининг тегишли ой ва кунида тугайди. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат белгиланган муддат охирги ойининг тегишли кунида тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг тугаши тегишли куни бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг охирги кунида тугайди.

Муддатнинг охирги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолларда ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни деб ҳисобланади.

Процессуал ҳаракат белгиланган муддатнинг охирги куни то соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин. Агар апелляция, кассация шикоятлари ва бошқа ҳужжатлар алоқа ташкилотига муддатнинг охирги кунида соат йигирма тўртга қадар топширилган бўлса, муддат ўтказиб юборилган ҳисобланмайди.

### 98-модда. Процессуал муддатларни тўхтатиб туриш

Иш юритиш тўхтатиб турилиши билан ўтиб кетмаган барча процессуал муддатларнинг ўтиши тўхтатиб турилади. Иш юритиш тикланган кундан бошлаб процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади.

### 99-модда. Процессуал муддатларни тиклаш ва узайтириш

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра, ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда белгиланган процессуал муддатнинг ўтказиб юборилиши сабабларини узрли деб топса, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида хўжалик судининг ҳал қилув қарорида, ажримида ёки қарорида кўрсатилади. Муддатни тиклашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Хўжалик суди томонидан белгиланган процессуал муддатларни унинг ўзи узайтириши мумкин.

## 13-БОБ. СУД ЖАРИМАЛАРИ

100-модда. Жарима солиш
101-модда. Жарима солиш масаласини кўриш тартиби

### 100-модда. Жарима солиш

Жарима хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва миқдорда солинади.

### 101-модда. Жарима солиш масаласини кўриш тартиби

Жарима солиш масаласи хўжалик судининг мажлисида ҳал этилади.

Ўзларига нисбатан жарима солиш масаласи кўрилаётган шахсларга мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабар қилинади. Тегишли тарзда хабар берилган шахснинг келмаслиги жарима солиш масаласини кўришга тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди жарима солиш масаласини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг жарима солиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

## II БЎЛИМ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ ХЎЖАЛИК СУДИДА ИШ ЮРИТИШ

14-боб. Суд буйруғи (102-111 моддалар)
15-боб. Даъво тақдим этиш (112-121 моддалар)
16-боб. Ишни судда кўришга тайёрлаш (122-124 моддалар)
17-боб. Судда ишни кўриш (125-134 моддалар)
18-боб. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори (135-150 моддалар)
19-боб. Хўжалик судининг ажрими (151-153 моддалар)
20-боб. Алоҳида тоифадаги ишлар бўйича иш юртиш хусусиятлари (154-155 моддалар)

## 14-БОБ. СУД БУЙРУҒИ

102-модда. Суд буйруғи асосида қарзни ундириш
103-модда. Суд буйруғи бериш бўйича талаблар
104-модда. Аризанинг шакли ва мазмуни
105-модда. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаларини нгқарздорга топшириш
106-модда. Давлат божи
107-модда. Ариза қабул қилишни рад этиш асослари
108-модда. Ариза юзасидан фикр-мулоҳаза
109-модда. Суд буйруғи бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари
110-модда. Суд буйруғининг мазмуни
111-модда. Суд буйруғини бекор қилиш

### 102-модда. Суд буйруғи асосида қарзни ундириш

Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ёхуд қарздордан низосиз талаблар бўйича мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

### 103-модда. Суд буйруғи бериш бўйича талаблар

Суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда якка тартибда берилади:

1) солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар бўйича боқимондаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб қўйилса;

2) ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилса;

3) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса;

4) лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкини талаб қилиб олиш тўғрисида талаб қўйилса. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

### 104-модда. Аризанинг шакли ва мазмуни

Ариза хўжалик судига ёзма шаклда судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади. У кредитор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланадиган аризага ишончнома илова қилинади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

2) кредиторнинг, қарздорнинг номи ва уларнинг манзиллари;

3) кредиторнинг қонун ҳужжатларига асосланган талаби;

4) талабга асос бўлган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар;

5) ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби, лизинг объекти талаб қилиб олинган тақдирда эса лизинг шартномасида белгиланган, тўланмаган тўловларнинг лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунига қадар қолган даврдаги даромадини чегириб ташлаган ҳолдаги сумманинг ҳисоб-китоби; (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги банд), (Олдинги таҳририга қаранг)

6) илова қилинган ҳужжатлар рўйхати

### 105-модда. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаларини қарздорга топшириш

Кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт.

## 106-модда. Давлат божи

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўланади.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда ундирувчи тўлаган давлат божи ундирувчи томонидан қарздорга умумий тартибда даъво тақдим этилганда тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади.

## 107-модда. Аризани қабул қилишни рад этиш асослари

Судья қуйидаги ҳолларда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади:

1) билдирилган талаб ушбу Кодекснинг 103-моддасида назарда тутилмаган бўлса;

2) ариза ушбу Кодекснинг 104-моддасида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда берилган бўлса;

3) билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

4) қарздорга ариза нусхаси топширилгани тўғрисидаги далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) билдирилган талаб учун давлат божи тўланмаган бўлса.

Судья аризани қабул этишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Аризани қабул қилишни рад этиш кредиторнинг ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

## 108-модда. Ариза юзасидан фикр-мулоҳаза

Қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатда хўжалик судига кредитор талабларига қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини тақдим этишга ҳақли.

Белгиланган муддатда қарздор томонидан фикр-мулоҳаза берилмаслиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

Фикр-мулоҳаза қарздор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган фикр-мулоҳазага ишончнома илова қилинади.

## 109-модда. Суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари

Судья суд буйруғини ишни судда муҳокама қилмасдан, қарздор ва ундирувчини чақирмасдан ҳамда уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан беради.

Судья қуйидаги ҳолларда суд буйруғини беришни рад этади:

1) агар қарздор билдирилган талабга рози бўлмаса;

2) ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд низони тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳал этиб бўлмайди деб ҳисобланса.

Судья суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Суд буйруғини беришни рад этиш ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

### 110-модда. Суд буйруғининг мазмуни

Суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) хўжалик судининг номи ва буйруқ берилган сана;

2) ишнинг тартиб рақами, судьянинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари, талаб нима ҳақдалиги;

3) қарздор ва кредиторнинг номи, уларнинг манзиллари;

4) ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олиниши лозим бўлган мол-мулк, унинг қийматини кўрсатган ҳолда;

5) неустойка, агар тўланиши лозим бўлса;

6) қарздордан ундирувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси.

Суд буйруғи судья томонидан икки нусхада имзоланади, улардан бири ишда қолади, бошқаси хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади.

### 111-модда. Суд буйруғини бекор қилиш

Агар қарздор узрли сабаб билан кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғи берилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Судья бундай ҳолда буйруқни бекор қилади, шундан кейин кредиторнинг талаби умумий тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

## 15-БОБ. ДАЪВО ТАҚДИМ ЭТИШ

112-модда. Даъво аризасининг шакли ва мазмуни
113-модда. Даъво аризасинингва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориш
114-модда. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар
115-модда. Бир нечта даъво талабини бирлаштириш ва ажратиш
116-модда. Даъво аризасини қабул қилиш
117-модда. Даъво аризасини қабул қилиш рад этиш
118-модда. Даъво аризасини қайтариш
119-модда. Даъво аризаси юзасидан фикр-мулоҳаза
120-модда. Қарши даъво тақдим этиш
121-модда. Ишни юритиш вақтида манзилнинг ўзгариши

### 112-модда. Даъво аризасининг шакли ва мазмуни

Даъво аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари;
3) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
5) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
6) ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
7) даъвогарнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса - уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар;
8) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
9) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар ҳам, шунингдек даъвогарда мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

## 113-модда. Даъво аризасининг ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориш

Даъвогар даъво тақдим этганда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориши шарт.

## 114-модда. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Даъво аризасига қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:
1) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини;
2) даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини;
3) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни.

Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, унинг даъво тақдим этишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Шартнома тузишга мажбур этганлик тўғрисидаги аризага шартнома лойиҳаси илова қилинади.

## 115-модда. Бир нечта даъво талабини бирлаштириш ва ажратиш

Даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни битта даъво аризасида бирлаштиришга ҳақли.

Хўжалик суди айни бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги бир неча ишни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақли.

Хўжалик суди бир ёки бир неча бирлаштирилган талабни алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли.

Хўжалик суди ишларни бирлаштириш ва талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш тўғрисида ажрим чиқаради.

### 116-модда. Даъво аризасини қабул қилиш

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг якка ўзи ҳал қилади.

Судья ушбу Кодексда назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда берилган даъво аризасини хўжалик судининг иш юритишига қабул қилиши шарт.

Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради. Бу ажримнинг мазмуни ишни мажлисда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда баён қилиниши мумкин.

### 117-модда. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш

Судья даъво аризасини қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади:

1) низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса;

2) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ишни юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса;

3) хўжалик судининг, умумий суднинг, ҳакамлар судининг иш юритишида айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса;

4) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлар судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлар судига янгидан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлар судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмасдан юборилади. Даъвогарга юборилаётган ажримга даъво материаллари илова қилинади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган деб ҳисобланади.

### 118-модда. Даъво аризасини қайтариш

Судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) даъво аризасининг ушбу Кодекснинг 112-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;

2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

3) иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;

4) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини ва бошқа суд харажатлари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса; (ЎзР 14.12.2000 й. 163-II-сонли Қонуни таҳриридаги кисм)

6) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) битта даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олиниши лозим бўлганида жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Судья даъво аризасини қайтариш тўғрисида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган куни берилган деб ҳисобланади.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган хатолар бартараф этилгандан кейин иккинчи марта хўжалик судига умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

## 119-модда. Даъво аризаси юзасидан фикр-мулоҳаза

Ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини ишда иштирок этувчи шахсларга фикр-мулоҳазанинг ҳамда уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далилларни иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақли.

Мулоҳазада қуйидагилар кўрсатилади:

1) фикр-мулоҳаза юборилаётган хўжалик судининг номи;

2) даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб рақами;

3) даъво талаблари рад этилган тақдирда, даъвогарнинг талабларини тўлиқ ёки қисман рад этишнинг қонун ҳужжатларига асосланган сабаблари, шунингдек эътирозларни асословчи далиллар;

4) фикр-мулоҳазага илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати;

5) бошқа маълумотлар, шунингдек жавобгарда мавжуд бўлган илтимосномалар.

Фикр-мулоҳаза ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган фикр-мулоҳазага унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

## 120-модда. Қарши даъво тақдим этиш

Жавобгар иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир.

Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади.

Қарши даъво қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

1) қарши талаб дастлабки талабни ҳисоб қилишга қаратилган бўлса;

2) қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъвони қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмайдиган қилиб қўйса;

3) қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, уларни биргаликда кўриб чиқиш низони тез ва тўғри кўришга олиб келса.

### 121-модда. Ишни юритиш вақтида манзилнинг ўзгариши

Ишда иштирок этувчи шахслар ишни юритиш вақтида ўз манзилларининг ўзгарганлиги ҳақида хўжалик судига хабар беришлари шарт. Бундай хабар берилмаган тақдирда процессуал ҳужжатлар хўжалик судига маълум бўлган охирги манзилга юборилиб, гарчи олувчи шу манзилда бўлмаса ёки яшамаётган бўлса ҳам, етказиб берилган деб ҳисобланади.

## 16-БОБ. ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

122-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари
123-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим
124-модда. Хабарномалар ва чақирувлар

### 122-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари

Ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади;

2) ишни юритиш тўғрисида манфаатдор шахсларни хабардор қилади;

3) ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажаришни, шу жумладан низони ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади;

4) далилларнинг дахлдорлиги ва уларга йўл қўйилиши мумкинлигини текширади;

5) гувоҳларни чақиртиради;

6) экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади;

7) бошқа хўжалик судларига суд топшириқларини юборади;

8) ишда иштирок этувчи шахсларни чақиртиради;

9) тарафларни муросага келтириш чораларини кўради;

10) ишда иштирок этувчи ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш бериш учун чақириш масаласини ҳал қилади;

11) даъвони таъминлаш чораларини кўради.

Судья низони тўғри ва ўз вақтида ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

### 123-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

### 124-модда. Хабарномалар ва чақирувлар

Ишда иштирок этувчи шахслар судда кўриладиган вақт ва жой тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади.

Процесснинг бошқа иштирокчилари суднинг ажрими билан, зарур ҳолларда чақирув қоғозлари, телеграмма, факс, телетайп ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва чақирилади.

## 17-БОБ. СУДДА ИШНИ КЎРИШ

125-модда. Ишни кўриш муддати
126-модда. Хўжалик судининг мажлиси
127-модда. Хўжалик судининг мажлисидаги тартиб
128-модда. Далиллар текшириш ва ишни куришнинг узлуксизлиги
129-модда. Хўжалик судининг ишда иштирок этувчи шахслар аризалари ва илтимосномаларини ҳал қилиш
130-модда. Даъво ариза юзасидан фикр-мулоҳаза ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганда, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисизнизони ҳал қилиш
131-модда. Ишни кўришни кейинга қолдириш
132-модда. Тарафларнинг келишув битими
133-модда. Ишни кўришни тамомлаш
134-модда. Баённома

### 125-модда. Ишни кўриш муддати

Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак.

Алоҳида ҳолларда ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

### 126-модда. Хўжалик судининг мажлиси

Иш хўжалик судининг мажлисида кўрилади. Мажлисга раислик қилувчи судья:

1) хўжалик судининг мажлисини очади ва қандай иш кўрилишини эълон қилади;

2) ишда иштирок этувчи шахслар, хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга келмаган шахслар тегишли равишда хабардор қилинганликларини ҳамда улар келмаганлигининг сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади;

3) суд таркибини эълон қилади, прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

4) келган гувоҳларни сўроқ қилиш бошлангунча уларни мажлис залидан чиқариб юборади;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

6) таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, экспертни била туриб нотўғри хулоса берганлик ёки хулоса беришдан бош тортганлик учун, гувоҳларни била туриб ёлғон кўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради;

7) мажлисни олиб бориш ва далилларни текшириш тартибини белгилайди;

8) мажлисга раҳбарлик қилиб, иш учун аҳамиятли ҳолатлар аниқланишини таъминлайди;

9) мажлисда тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Мажлис залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини кинога ва фотосуратга олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек радио ва телевидение орқали кўрсатишга ишни кўраётган суднинг рухсати билан йўл қўйилади.

## 127-модда. Хўжалик судининг мажлисидаги тартиб

Судьялар мажлис залига кирганларида залда ҳозир бўлганларнинг барчаси ўринларидан туради. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорини залда ҳозир бўлганларнинг барчаси тик турган ҳолда тинглайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари хўжалик судига тик турган ҳолда мурожаат қилади ҳамда тушунтиришлар ва кўрсатувлар беради. Бу қоидадан четга чиқишга фақат раислик қилувчининг рухсати билангина йўл қўйилиши мумкин.

Мажлис вақтида тартиб бузилган тақдирда раислик қилувчи хўжалик суди номидан тартибни бузган шахсни огоҳлантиради. Тартиб такроран бузилган тақдирда мазкур шахс раислик қилувчининг фармойиши билан чиқариб юборилиши мумкин.

## 128-модда. Далилларни текшириш ва ишни кўришнинг узлуксизлиги

Хўжалик суди ишни кўрганда иш бўйича далилларни текширади: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, экспертларнинг хулосаларини эшитади, ёзма далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради.

Ишни кўриш суднинг ўзгармас таркибида амалга оширилади. Ишни кўриш жараёнида судьялардан бири алмаштирилган тақдирда ишни кўриш янгидан бошланиши лозим.

Ҳар бир ишни кўриш дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари узлуксиз давом этади. Алоҳида ҳолларда хўжалик суди мажлисда уч кундан ошмаган муддатга танаффус эълон қилишга ҳақли.

Хўжалик суди иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунча ёки ишни кўриш кейинга қолдирилгунча бошқа ишларни кўришга ҳақли эмас.

## 129-модда. Хўжалик судининг ишда иштирок этувчи шахслар аризалари ва илтимосномаларини ҳал қилиши

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномаларини хўжалик суди ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрларини эшитиб бўлгач, ҳал қилади.

Хўжалик суди аризалар ва илтимосномаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

### 130-модда. Даъво аризаси юзасидан фикр-мулоҳаза ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганда, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисиз низони ҳал қилиш

Судья ишда иштирок этувчи шахсларга тақдим этишни таклиф қилган даъво аризаси юзасидан фикр-мулоҳаза ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни унда мавжуд материаллар асосида кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар хўжалик судининг мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин. Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

### 131-модда. Ишни кўришни кейинга қолдириш

Хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади. Хўжалик суди янги мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари топширилганлиги маълум қилинадиган ажрим ёки бошқа ҳужжатни юбориш орқали хабардор қилинадилар.

Ишни кўриш кейинга қолдирилгач, уни янгидан кўриш бошидан бошланади.

### 132-модда. Тарафларнинг келишув битими

Тарафларнинг келишув битимига эришиши улар томонидан ёзма тарзда расмийлаштирилади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланади, бу ҳақда ажрим чиқарилиб, унда иш юритиш тугатилганлиги кўрсатилади.

### 133-модда. Ишни кўришнинг тамомланиши

Барча далиллар текширилганидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш бўйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай аризалар бўлмаса, раислик қилувчи ишни текшириш тугаганлигини эълон қилади ва хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун чиқиб кетади.

### 134-модда. Баённома

Суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади.

Суд мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

1) суд мажлиси ўтказилган йил, ой, кун ва жой;

2) ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

3) ишнинг номи;

4) ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари келганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

6) суд томонидан мажлис залидан чиқиб кетмасдан чиқарилган ажримлар;

7) ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки арзлари ва илтимосномалари;

8) гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари;

9) айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда олинган маълумотлар.

Баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат бажарилган вақтда мажлисдан ташқарида тузилади. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан мажлиснинг эртаси кунидан кечиктирмай ёки бевосита шу ҳаракат бажарилганидан кейин имзоланиши керак. (ЎзР 14.12.2000 й. 163-II- сон Қонуни таҳрирдаги кисм)

Хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари баённома имзоланганидан кейин уч кунлик муддатда суд мажлисининг ёки процессуал ҳаракатнинг баённомаси билан танишиш ҳамда унинг тўла-тўкислиги ва тўғри тузилганлиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини бериш ҳуқуқига эга.

Судья баённома хусусида фикр-мулоҳазалар қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

## 18-БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

135-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш

136-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар

137-модда. Ҳал қилув қарорининг баёни

138-модда. Ҳал қилув қарорининг мазмуни

139-модда. Пул маблағларини ва мол-мулкни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори

140-модда. Ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

141-модда. Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш тўғрисида ҳал қилув қарори

142-модда. Жавобгарга муайям ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдига ҳал қилув қарори

143-модда. Давлат органининг, фуқоролар ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатининг ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори

144-модда. Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

145-модда. Ҳал қилув қарорини эълон қилиш

146-модда. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши

147-модда. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш

148-модда. Ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш

149-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори

150-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш

## 135-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш

Хўжалик суди низони мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қилади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллар билангина асослайди.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида ишни кўриш тугагандан кейин алоҳида хонада қабул қилинади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида хонада ишни кўраётган хўжалик суди таркибига кирувчи судьяларгина бўлиши мумкин.

Ишни ҳайъатда кўрганда хўжалик судининг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

## 136-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

1) далилларга баҳо беради;

2) иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;

3) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;

4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;

5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини белгилайди;

6) даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Хўжалик суди маслаҳат вақтида далилларни қўшимча равишда текширишни ёки иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, ишни кўришни янгидан бошлайди.

## 137-модда. Ҳал қилув қарорининг баёни

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган судьялар таркибидаги бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судьялар томонидан имзоланади.

## 138-модда. Ҳал қилув қарорининг мазмуни

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номи билан қабул қилади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулоҳазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача баёни ифодаланиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важ, шунингдек суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим.

Ишда бир неча даъвогар ва жавобгар иштирок этаётган бўлса, қарорда низо улардан ҳар бирига нисбатан қандай ҳал қилингани кўрсатилади.

Дастлабки даъвони ва қарши даъвони тўла ёки қисман қаноатлантирганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг қандай тақсимланиши кўрсатилади.

Агар хўжалик суди ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгиласа ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрса, бу тўғрида ҳал қилув қарорида кўрсатилади.

### 139-модда. Пул маблағларини ва мол-мулкни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Хўжалик суди пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъвони қаноатлантирганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ундириладиган сумманинг умумий миқдорини асосий қарзни, зарарларни, неустойкани (жарима ва пеняни) алоҳида-алоҳида аниқлаган ҳолда кўрсатади. (ЎзР 14.12.2000 й. 163-II-сон Қонун таҳрирдаги қисм)

Хўжалик суди мол-мулкни ундириб берганида топширилиши лозим бўлган мол-мулкнинг номи, унинг қиймати ва турган жойини кўрсатади.

### 140-модда. Ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Ижро ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда, шу жумладан нотариуснинг ижро ёзуви асосида амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги низо бўйича даъво қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ижро этишга тегишли бўлмаган ҳужжатнинг номи, тартиб рақами ва санаси ҳамда ҳисобдан ўчирилмайдиган сумма кўрсатилади.

### 141-модда. Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш вақтида келиб чиққан низо бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шартноманинг ҳар бир низоли шарти бўйича қабул қилинган қарор кўрсатилади, шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги низо бўйича эса тарафлар қандай шартларда шартнома тузишига мажбурлиги кўрсатилади.

## 142-модда. Жавобгарга муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори

Жавобгар зиммасига мол-мулкни бериш ёки пул суммасини ундириш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилинганида хўжалик суди унинг хулоса қисмида шу ҳаракатларни ким, қаерда, қачон ёки қайси давр мобайнида бажариши шартлигини кўрсатади.

Зарурат бўлганда хўжалик суди, агар жавобгар ҳал қилув қарорини бажармаса, даъвогар тегишли ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан бажариб, зарур харажатларни ундириб олишга ҳақли эканлигини кўрсатиши мумкин.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарорида у ижро этилиши лозим бўлган муддатни белгилаб қўяди.

## 143-модда. Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори

Давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар акс этиши керак:

1) ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳужжатни тўла ёки унинг маълум қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд аризачининг талабини тўла ёки унинг маълум қисмини рад этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни ёки рўйхатдан ўтказишдан бош тортишни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганида хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тегишли давлат органига шундай рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини юклайди.

## 144-модда. Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги аризани қаноатлантирганида ҳал қилув қарорида аниқланган факт баён қилиниши керак.

Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишли органлар томонидан шундай фактни қайд этиш учун ёки аниқланган факт муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

## 145-модда. Ҳал қилув қарорини эълон қилиш

Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин иш кўрилган мажлиснинг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунга қолдирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлиснинг ўзида эълон қилинади. Айни бир вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини эълон қилади.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўшиб қўйилиши лозим.

Мажлисда раислик қилувчи хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб беради.

### 146-модда. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикояти берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтдан қонуний кучга киради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

### 147-модда. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари бўйича ушбу Кодекснинг 7-бобида белгиланган қоидалар асосида ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларини кўради.

### 148-модда. Ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

### 149-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди қуйидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилади:

1) ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;

2) суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

3) суд ҳаражатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча қўйилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлиги масалани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

### 150-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш

Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда,низони ҳал қилган хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг ёки суд ижрочисининг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга, шунингдек ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан йўл қўйилган ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни, ҳал қилув қарорининг моҳиятига тегмаган ҳолда, тузатишга ҳақлидир. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатоларни ёки ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

## 19-БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ АЖРИМИ

151-модда. Ажрим чиқариш ва унинг мазмуни
152-модда. Хусусий ажрим
153-модда. Ажримни юбориш

### 151-модда. Ажрим чиқариш ва унинг мазмуни

Хўжалик суди иш кўришни кейинга қолдирганда, иш юритишни тўхтатиб турганда, тугатганда, даъвони кўрмасдан қолдирганда, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқаради.

Алоҳида ҳужжат тариқасида чиқариладиган ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ажрим чиқарилган сана, суд таркиби, суд мажлиси котиби, низо предмети; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ажрим чиқарилаётган масала;

4) хўжалик суди ўз хулосаларини чиқаришга олиб келган сабаблар, бунда таянилган қонун ҳужжатлари;

5) кўриб чиқилаётган масала бўйича хулоса.

Хўжалик суди суд мажлисида ишни кўраётганида суд муҳокамаси давомида ҳал этилишини талаб қиладиган масалалар бўйича алоҳида ҳужжат тариқасида расмийлаштирмасдан ажрим чиқаришга ҳақлидир. Ажрим оғзаки эълон қилинади ва суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади. Ажримда у қайси масала бўйича чиқарилаётгани, суд ўз хулосасини чиқаришига олиб келган сабаблар ҳамда кўриб чиқилаётган масала бўйича хулоса кўрсатилади.

### 152-модда. Хусусий ажрим

Низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органи ва бошқа орган, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилгани аниқланган тақдирда хўжалик суди хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Хусусий ажрим тегишли ташкилотларга, давлат органларига ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади, улар бир ойлик муддатда хўжалик судига кўрилган чоралар тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Хусусий ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Агар хўжалик низосини кўриб чиқиш чогида суд мансабдор шахс хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа: у жиноят иши қўзгатади ҳамда етказилган зарар ундирилишини таъминлаш учун унга тегишли мол-мулкни хатлаб қўяди. (ЎзР 01.05.1998 й. 621-I-сон Қонуни кисман киритилган )

### 153-модда. Ажримни юбориш

Хўжалик суди алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқарган ҳолларда у ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга чиқарилгандан кейин беш кунлик муддатда юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Ушбу Кодексга мувофиқ устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримлар ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

## 20-БОБ. АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

154-модда. Ташкилот ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриш
155-модда. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўриш

### 154-модда. Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриш

Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича, банкротлик тўғрисидаги қонунда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кўрилади.

### 155-модда. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўриш

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалар ушбу Кодекснинг 112-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аризачи бу фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиш имкониятига эга бўлмаганда ёхуд йўқолган ёки йўқ қилиб юборилган ҳужжатларни тиклаш имконияти бўлмаган тақдирда аниқлайди.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда кўрилади.

## III БЎЛИМ. ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

21-боб. Апелляция инстанциясида иш юритиш (156-172 моддалар)
22-боб. Кассация инстанциясида ишюритиш (173-191 моддалар)
23-боб. Назорат тартибида иш юритиш (192-203 моддалар)
24-боб. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш (204-208 моддалар)

## 21-БОБ. АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШ ЮРИТИШ

156-модда. Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) ҳуқуқи
157-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўрувчи хўжалик суди
158-модда. Апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати
159-модда. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни
160-модда. Апелляция шикоятини (протестини) ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш
161-модда. Апелляция шикояти (протести) юзасидан фикр-мулоҳаза
162-модда. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш
163-модда. Апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга кабул килиш тўғрисидаги ажрим
164-модда. Апелляция инстанциясида ишни кўриш тартиби
165-модда. Апелляция шикоятидан воз кечиш. Протестни чақириб олиш.
166-модда. Ишни апелляция инстанциясида кўриш чегараси
167-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўриш муддати
168-модда. Апелляция инстанциясининг ваколатлари
169-модда. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари
170-модда. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузулиши ёки нотўгри қўлланилиши
171-модда. Апелляция шикоятининг қарори
172-модда. Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари (протестлари)

### 156-модда. Апелляция шикояти бериш (протести келтириш) ҳуқуқи

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериш (протести келтириш)га ҳақлидир.

### 157-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўрувчи хўжалик суди

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Апелляция шикояти (протести)ни биринчи инстанцияда ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг апелляция инстанцияси кўради.

### 158-модда. Апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Апелляция шикояти (протести) хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилади.

### 159-модда. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда)

Апелляция шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) шикоят (протест) йўлланган хўжалик судининг номи;

2) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг номи;

3) устидан шикоят берилаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети;

4) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг талаблари ва ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблашининг асослари, бунга далил бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда иш материаллари;

5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Апелляция шикояти шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, апелляция протести эса прокурор томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал шу иш бўйича берилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга (протестга) шикоят (протест) нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Бундан ташқари шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам илова қилинади.

**160-модда. Апелляция шикоятини (протестини) ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш**

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Апелляция шикояти (протести) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

**161-модда. Апелляция шикояти (протести) юзасидан фикр-мулоҳаза**

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Ишда иштирок этувчи шахс апелляция шикоятининг (протестининг) нусхасини олгач, унинг юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини ва фикр-мулоҳазанинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далилларни апелляция шикояти кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақлидир. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Фикр-мулоҳаза ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган фикр-мулоҳазага унинг ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Фикр-мулоҳазага аввал тақдим этилмаган ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Бу ҳолда фикр-мулоҳазага ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

**162-модда. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш**

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда)

Судья апелляция шикоятини (протестини) қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) апелляция шикояти (протести) имзоланмаган ёхуд уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) апелляция шикоятига (протестига) унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

3) давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

4) апелляция шикояти (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан кассация шикояти бериш (протести келтириш) мумкин.

Шикоят берган (протест келтирган) шахс ушбу модданинг биринчи қисмидаги 1, 2, 3-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин хўжалик судига апелляция шикояти (протести) билан умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли

## 163-модда. Апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Судья апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ажримда апелляция шикоятини (протестини) кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

## 164-модда. Апелляция инстанциясида ишни кўриш тартиби

Иш апелляция инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишни биринчи инстанция хўжалик судида кўриб чиқиш қоидалари бўйича кўриб чиқилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

## 165-модда. Апелляция шикоятидан воз кечиш. Протестни чақириб олиш

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Апелляция шикояти берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс  40 -моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни апелляция тартибида кўриб чиқишга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонунига мувофиқ учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин

Суд шикоятдан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса, апелляция инстанциясида иш юритишни тугатади. (ЎзР 30.08.2002 й. Қонуни таҳриридаги қисм)

Хўжалик суди апелляция инстанциясида иш юритишни тугатганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

### 166-модда. Ишни апелляция инстанциясида кўриш чегараси

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўрганида ишда мавжуд ва қўшимча тақдим этилган далиллар бўйича ишни қайта кўради. Агар аризачи қўшимча далилларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра биринчи инстанция судига тақдим этиш имкониятига эга бўлмаганлигини асосласа, хўжалик суди қўшимча далилларни қабул қилади.

Суд апелляция шикоятида (протестида) баён этилган важлар билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда текширади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Иш биринчи инстанцияда кўрилганда тақдим этилмаган янги талаблар апелляция инстанциясида қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

### 167-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўриш муддати

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан тушган апелляция шикояти (протести) хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

### 168-модда. Апелляция инстанциясининг ваколатлари

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач:

1) суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоятни (протестни)эса қаноатлантирмасликка; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

2) ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилишга;

3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

4) ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли. (ЎзР 14.12.2000 й. 163-II-сон Қонун таҳрирдаги қисм)

### 169-модда. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

Қуйидагилар хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади:

1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

4) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

### 170-модда. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши

Агар процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши

мумкин бўлса, бу ҳол ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ҳар қандай ҳолда ҳам биринчи инстанция хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади, агар:

1) иш суд томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) суд ишни ишда иштирок этувчи, мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса. Ушбу шахслар бундай ҳал қилув қарори устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир;

5) ҳал қилув қарори судьялардан бирортаси томонидан имзоланмаган бўлса ёки ҳал қилув қарорида кўрсатилмаган судьялар томонидан имзоланган бўлса;

6) ҳал қилув қарори ишни кўрган таркибдаги судьялардан бошқа судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

7) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у ушбу Кодекс 134 моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

## 171-модда. Апелляция инстанциясининг қарори

Апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, қарор қабул қилинган сана, ишнинг тартиб рақами, қарорни қабул қилган суд таркиби, суд мажлиси котиби, мажлисда иштирок этган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари, биринчи инстанцияда ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва ҳал қилув қарорини қабул қилган судьяларнинг фамилиялари; (ЎзР 30.08.2002 й. Қонуни таҳриридаги банд)

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, апелляция шикояти (протести) берган шахснинг номи; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

3) қабул қилинган ҳал қилув қарори мазмунининг қисқача баёни;

4) ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш масаласи қўйилишига сабаб бўлган асослар;

5) апелляция шикояти (протести) юзасидан билдирилган мулоҳазада баён қилинган важлар; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

6) мажлисда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари;

7) ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг шу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ҳамда хўжалик суди у ёки бу далилларни рад этишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важлар, шунингдек суд қарор қабул қилишда амал қилган қонун ҳужжатлари;

8) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилаётганда ёки ўзгартираётганда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг хулосаларига қўшилмаганлигининг сабаблари;

9) апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари бўйича хулосалар; (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги банд)

10) суд харажатларининг тарафлар ўртасида тақсимланиши.

Қарор қабул қилинган вақтидан бошлаб қонуний кучга киради.

Қарор қабул қилинган кунидан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор устидан шикоят қилиш мумкин.

**172-модда. Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари (протестлари)**

(ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Хўжалик судининг ажримлари устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари (протестлари) суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини) кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Хўжалик суди томонидан апелляция инстанциясида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар бекор қилинган ҳолларда иш биринчи инстанция судига кўриш учун ўтказилади.

## 22-БОБ. КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШ ЮРИТИШ

173-модда. Кассация шикояти бериш ҳуқуқи
174-модда. Кассация инстанциясида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширувчи хўжалик судлари
175-модда. Кассация шикоятини (протестини) бериш тартиби
176-модда. Кассация шикоятини (протестини) бериш муддати
177-модда. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни
178-модда. Ишда иштирок этаётган шахсларга кассация шикоятининг (протестининг) нусхаларини юбориш
179-модда. Кассация шикояти (протести) юзасидан фикр-мулоҳаза
180-модда. Касспция шикояти (протестини) қайтариш
181-модда. Кассация шикояти (протести) иш юритишига қабул қилингани тўғрисида ажрим
182-модда. Ҳал қилув қарори, қарорни ижро этишни тўхтатиб туриш
183-модда. Кассация инстанциясида ишни кўриш тартиби
184-модда. Кассация шикоятидан воз кечиш ва протестни чақириб олиш
185-модда. Кассация шикоятини кўриш муддати
186-модда. Кассация инстанциясида ишни кўриш чегараси
187-модда. Кассация инстанциясининг ваколатлари
188-модда. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари
189-модда. Кассация инстанцияси судининг қарори
190-модда. Кассация инстанцияси судининг кўрсатмаларининг мажбурий-лиги
191-модда. Хўжалик суди ажрими устидан кассация шикояти (протест)

**173-модда. Кассация шикояти бериш ҳуқуқи**

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса - кассация протести келтиришга ҳақлидир.

### 174-модда. Кассация инстанциясида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширувчи хўжалик судлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан биринчи ва апелляция инстанцияларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг қонунийлигини текширади.

Олий хўжалик судининг Раёсати шу суд томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг қонунийлигини текширади.

### 175-модда. Кассация шикоятини (протестини) бериш тартиби

Кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди орқали берилади.

Ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди шикоят (протест) тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига иш билан бирга юбориши шарт.

### 176-модда. Кассация шикоятини (протестини) бериш муддати

Кассация шикояти (протести) хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой давомида берилиши мумкин.

### 177-модда. Кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни

Кассация шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) шикоят (протест) йўлланаётган хўжалик судининг номи;

2) шикоят (протест) бераётган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорининг ёки қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, низо предмети;

4) шикоят (протест) берган шахснинг талаблари, моддий ёхуд процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нимадан иборатлиги;

5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кассация шикоятида (протестида) ишнинг ҳолатлари исботланмаганлигини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақиқий муносабатлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарорда баён қилинган хулосалар ишнинг ҳолатларига номувофиқлигини далил қилиб келтиришга йўл қўйилмайди.

Кассация шикояти уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал ушбу иш бўйича тақдим этилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга давлат божи тўланганлигини ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

### 178-модда. Ишда иштирок этаётган шахсларга кассация шикоятининг (протестининг) нусхаларини юбориш

Кассация шикоятини (протестини) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоят (протест) нусхасини ва унга илова қилинган, уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

### 179-модда. Кассация шикояти (протести) юзасидан фикр-мулоҳаза

Ишда иштирок этувчи шахс кассация шикоятининг (протестининг) нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга фикр-мулоҳаза нусхалари жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни кассация шикояти (протести) кўриб чиқиладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақлидир.

Фикр-мулоҳаза ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган фикр-мулоҳазага унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

### 180-модда. Кассация шикоятини (протестини) қайтариш

Кассация шикояти (протести) қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

1) кассация шикояти (протести) имзоланмаган ёки уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судини четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса;

3) кассация шикоятига (протестига) ишда иштирок этувчи шахсларга унинг нусхалари жўнатилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

4) кассация шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

5) кассация шикояти (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

6) кассация шикоятида (протестида) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўлланиш нимадан иборатлиги кўрсатилган бўлмаса;

7) ишда иштирок этувчи шахсларга кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг судьяси томонидан қайтарилади. Агар шикоятни (протестни) қайтариш асослари кассация инстанциясида аниқланган бўлса, шикоятни (протестни) шу инстанция судининг судьяси қайтаради.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида биринчи инстанция судьяси томонидан чиқарилган ажрим устидан кассация инстанциясига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4, 6 -бандларида кўрсатилган олатлар бартараф этилгач, шикоятни (протестни) берган шахс кассация шикояти (протести) билан хўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли.

### 181-модда. Кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим

Кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисида судья ажрим чиқаради.

Ажримда кассация шикоятини (протестини) кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

### 182-модда. Ҳал қилув қарорини, қарорни ижро этишни тўхтатиб туриш

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанциясининг хўжалик суди биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судларида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

### 183-модда. Кассация инстанциясида ишни кўриш тартиби

Иш кассация инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция хўжалик суди томонидан ишни кўриш қоидалари асосида кўрилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

### 184-модда. Кассация шикоятидан воз кечиш. Протестни чақириб олиш

Кассация шикояти берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 40 -моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни кассация тартибида кўришга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

Суд кассация шикоятидан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори, қарор устидан ишда иштирок этувчи бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлсалар, кассация инстанциясида иш юритишни тугатади.

Хўжалик суди кассация инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

### 185-модда. Кассация шикоятини кўриш муддати

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикояти (протести) иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) унинг Раёсати томонидан бир ойлик муддатда кўрилади.

### 186-модда. Кассация инстанциясида ишни кўриш чегараси

Хўжалик суди ишни кассация инстанциясида кўрганида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судида тўғри қўлланилганлигини текширади.

### 187-модда. Кассация инстанциясининг ваколатлари

Кассация инстанцияси хўжалик суди ишни кўрганидан кейин қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва(ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ҳамда янги қарор қабул қилишга;

3) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини, агар қабул қилинган ҳал қилув қарори ва қарор етарлича асосланмаган бўлса, бекор қилиш ҳамда ишни ҳал қилув қарори ва (ёки) қарори бекор қилинган хўжалик суди инстанциясига янгидан кўриш учун топширишга;

4) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартиришга;

5) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

6) аввал қабул қилинган ҳал қилув қарорларидан ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга.

### 188-модда. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

Моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилиши хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳал қилув қарорини ёки қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши қуйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорини ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлади:

1) иш хўжалик суди томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) иш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, мажлис вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан биронтасининг йўқлигида кўрилган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) хўжалик суди ҳал қилув қарорини ёки қарорни қабул қилишда қайси қонун ҳужжатига амал қилганлиги ҳал қилув қарорида ёки қарорда кўрсатилмаган бўлса;

5) хўжалик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган бўлса. Мазкур

шахслар бундай ҳал қилув қарори ёки қарор устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли;

6) ҳал қилув қарори ёки қарор судьялардан бири томонидан имзоланмаган бўлса ёхуд ҳал қилув қарори ёки қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланган бўлса;

7) ҳал қилув қарори ишни кўрган суд таркибига кирмаган судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

8) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

## 189-модда. Кассация инстанцияси судининг қарори

Кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва қарор қабул қилинган сана, қарорни қабул қилган суд таркиби, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари;

2) кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўрган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, уни қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

4) қабул қилинган ҳал қилув қарори, қарор мазмунининг қисқача баёни;

5) ҳал қилув қарори, қарорнинг қонунийлигини текшириш тўғрисида масала қўйилишига сабаб бўлган асослар;

6) кассация шикояти (протести) юзасидан мулоҳазада баён қилинган важлар;

7) мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг тушунтиришлари;

8) хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахслар асосланган қонун ҳужжатларини қўлламаслигининг сабаблари, шунингдек, суд қарорни қабул қилишда амал қилган қонун ҳужжатлари;

9) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилганда ёки ўзгартирганда кассация инстанцияси суди биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судининг хулосаларига рози бўлмаганлигининг сабаблари;

10) кассация шикоятини (протестини)кўриш натижалари бўйича хулосалар;

11) агар иш янгидан кўриш учун топширилаётган бўлса, ишда иштирок этаётган шахслар ва хўжалик суди томонидан бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар;

12) ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг тақсимланиши.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

## 190-модда. Кассация инстанцияси суди кўрсатмасининг мажбурийлиги

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик судининг қарорда баён қилинган кўрсатмалари ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик суди у ёки бу далилнинг тўғрилиги ёки тўғри эмаслиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, иш янгидан кўрилганида қандай ҳал қилув қарори қабул қилиниши тўғрисидаги масалаларни аввалдан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.

### 191-модда. Хўжалик судининг ажрими устидан кассация шикояти (протести)

Хўжалик судининг ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Хўжалик судининг ажримлари устидан тушган кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан тушган кассация шикоятларини кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

## 23-БОБ. НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

192-модда. Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриш

193-модда. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

194-модда. Ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш

195-модда. Ишларни протестлар бўйича назорат тартибига кирувчи хўжа-лик суди

196-модда. Ишларни талаб қилиб олиш

197-модда. Протест келтириш

198-модда. Протестни кўриш тартиби

199-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари

200-модда. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

201-модда. Қарор қабул қилиш тартиби

202-модда. Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди кўрсатмалари-нинг мажбурийлиги

203-модда. Хўжалик судларининг ажримлари устида назорат тартибида протест келтириш ва уларнинг қайта кўриш

### 192-модда. Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриш

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг протестлари бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

### 193-модда. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай хўжалик суди қабул қилган ҳал қилув

қарорлари ва қарорлар устидан протест келтиришга ҳақли, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

### 194-модда. Ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш

Ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган шахслар протест келтирган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди тегишли ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туриши мумкин.

### 195-модда. Ишларни протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи хўжалик суди

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати барча хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

### 196-модда. Ишларни талаб қилиб олиш

Ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар назорат тартибида протест келтиришга асослар мавжудлиги масаласини ҳал этиш учун ишни тегишли хўжалик судидан талаб қилиб олишга ҳақли.

### 197-модда. Протест келтириш

Протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахснинг аризаси муносабати билан ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсатига юборади. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига ва қарорига протест келтириш тўғрисидаги ариза иш апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилганидан кейин берилиши мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги жумла) Протест келтириш учун асослар йўқлиги тўғрисида ариза берган шахс хабардор қилинади.

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Назорат тартибида протест келтирган мансабдор шахс уни ишни кўриш бошланишидан аввал чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

### 198-модда. Протестни кўриш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати протестни кўришда Олий хўжалик суди судьясининг ишнинг ҳолатлари ва протест важлари тўғрисидаги маърузасини эшитади.

Тушунтиришлар бериш учун Раёсат мажлисига ишда иштирок этувчи шахслар чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда уларга Раёсат мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўлмайди.

Ишни назорат тартибида кўришда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, ўзи келтирган протестни қувватлайди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўрилаётган иш юзасидан хулоса беради.

**199-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриб:

1) хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорини ўзгаришсиз, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириб ёки бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

4) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга ҳақли.

**200-модда. Ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари**

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Хўжалик судининг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

**201-модда. Қарор қабул қилиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилади. Агар Раёсатнинг ҳозир бўлган аъзоларидан кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Раёсат аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Раёсат қарори Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси томонидан имзоланади.

Раёсат қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раёсат қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

**202-модда. Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги**

Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилиш тўғрисидаги қарорида баён этилган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган хўжалик суди учун мажбурийдир.

Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди ҳал қилув қарорида, қарорда аниқланмаган ёхуд рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни янгидан кўришда қандай ҳал қилув қарори, қарор қабул қилиниши кераклиги масалаларини олдиндан ҳал қилишга ҳақли эмас.

### 203-модда. Хўжалик судларининг ажримлари устидан назорат тартибида протест келтириш ва уларни қайта кўриш

Хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ажримлари устидан назорат тартибида протест келтирилиши ва ушбу Кодексда улар устидан шикоят қилиш назарда тутилган, шунингдек улар ишнинг давом эттирилишига тўсқинлик қилган ҳолларда, ҳал қилув қароридан алоҳида қайта кўрилиши мумкин.

Хўжалик судининг ажримлари устидан келтирилган протестлар суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестларни кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

## 24-БОБ. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ

204-модда. Қайта кўриш асослари
205-модда. Ариза бериш тартиби ва муддати
206-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи хўжалик судлари
207-модда. Аризани кўриш
208-модда. Хўжалик судининг ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими

### 204-модда. Қайта кўриш асослари

Хўжалик суди ўзи қабул қилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;

2) гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталиги, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахслар ёхуд улар вакиллари ёки судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноий қилмишлари;

4) ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги.

### 205-модда. Ариза бериш тартиби ва муддати

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар томонидан шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик судига суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

Аризага унинг нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ариза белгиланган муддат ўтгандан кейин берилса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса ёхуд ариза нусхалари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаса, у судья томонидан аризачига қайтарилади.

Аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

### 206-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи хўжалик судлари

Биринчи инстанцияда қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим шу ҳал қилув қарорини, ажримни қабул қилган хўжалик суди томонидан қайта кўрилади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича апелляция, кассация ёки назорат инстанциясининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган қарорлари ва ажримларини қайта кўриш хўжалик судининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган инстанцияси томонидан амалга оширилади.

### 207-модда. Аризани кўриш

Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани у тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда ўз мажлисида кўради. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

### 208-модда. Хўжалик судининг ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими

Хўжалик суди қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, аризани қаноатлантиради ва суд ҳужжатини бекор қилади ёхуд қайта кўришни рад этади.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Суд ҳужжати бекор қилинган тақдирда иш хўжалик суди томонидан ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича кўрилади.

## IV БЎЛИМ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ


209-модда. Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби
210-модда. Ижро варақаси
211-модда. Битта суд ҳужжати бўйича бир неча ижро варақаси бериш
212-модда. Ижро варақасини мазмуни
213-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати
214-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати узулиши
215-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тикланиши
216-модда. Ижро варақасини дупликатини бериш
217-модда. Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш
218-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик
219-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси
220-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш


### 209-модда. Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади.

### 210-модда. Ижро варақаси

Суд ҳужжатини мажбурий ижро этиш шу ҳужжатни қабул қилган хўжалик суди томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси ундирувчига суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан кейин берилади. Пул маблағларини бюджет даромадига ундириш учун ижро варақаси қарздор турадиган жойдаги солиқ органига юборилади.

Пул маблағларини ундириш учун ижро варақаси ундирувчи томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига, бошқа ҳолларда эса суд ижрочисига юборилади.

### 211-модда. Битта суд ҳужжати бўйича бир неча ижро варақаси бериш

Агар суд ҳужжати бир неча даъвогар фойдасига ёки бир нечта жавобгарга қарши қабул қилинган бўлса ёхуд ижро турли жойларда амалга оширилиши керак бўлса, ижро варақалари суд ҳужжатининг қайси қисми ушбу ижро варақаси бўйича ижро этилиши кўрсатилган ҳолда берилади.

### 212-модда. Ижро варақасининг мазмуни

Ижро варақасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ижро варақасини берган хўжалик судининг номи;
2) ижро варақаси берилган иш ва унинг тартиб рақами;
3) ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати қабул қилинган сана;
4) ундирувчининг ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари;
5) суд ҳужжатининг хулоса қисми;
6) суд ҳужжати қонуний кучга кирган сана;

7) ижро варақаси берилган сана ва унинг амал қилиш муддати.

Агар хўжалик суди томонидан ижро варақаси берилгунча суд ҳужжатини ижро этишни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга рухсат берилган бўлса, унда ижро варақасининг муддати қачондан ўта бошлаши кўрсатилади.

Ижро варақасини судья имзолайди ва у хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

**213-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати**

Ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан ёхуд ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этишда белгиланган муддат тугаган кундан ёхуд ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши мумкин.

Агар суд ҳужжатининг ижро этилиши тўхтатиб турилган бўлса, у тўхтатиб турилган вақт ижро варақаси ижрога тақдим этиладиган олти ойлик муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

**214-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатининг узилиши**

Ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш муддати ижро варақасини ижро этишга тақдим этиш, суд ҳужжатини қисман ижро этиш билан узилади.

Ижро варақасини ижро этиш имконияти йўқлиги сабабли у ундирувчига қайтарилган тақдирда, ижро варақасини тақдим этиш учун янги муддат у қайтарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**215-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддати тикланиши**

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати хўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабаблар билан ўтказиб юборилганда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик судига берилади. Ариза хўжалик судининг мажлисида ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

**216-модда. Ижро варақасининг дубликатини бериш**

Ижро варақаси йўқолган тақдирда суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди ундирувчининг аризаси бўйича унинг дубликатини бериши мумкин. Ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунча берилиши мумкин. Ариза хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ уларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

### 217-модда. Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш

Хўжалик суди ундирувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг аризасига кўра суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб - бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Хўжалик суди қарздорга ҳужжатни кечиктириб ёки бўлиб - бўлиб ижро этиш имконини берар экан, ушбу Кодекснинг 7-бобида назарда тутилган тартибда суд ҳужжатининг ижро этилишини таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш уни ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш масалалари хўжалик судининг мажлисида, ундирувчи ва қарздор топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинган ҳолда кўрилади.

Аризани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга юборилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

### 218-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик

Суд ҳужжати (ижро варақаси) топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун унга хўжалик суди ундирилиши керак бўлган сумманинг эллик фоизигача миқдорда жарима солади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Суд ҳужжатида (ижро варақасида) кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима солинади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Жаримани тўлаш суд ҳужжатини ижро этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

### 219-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси

Агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса, ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилади.

Агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёхуд даъво тўла ёки қисман кўрмасдан қолдирилса, хўжалик суди бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўла ёки қисман бекор қилиш тўғрисида суд ҳужжати қабул қилади.

### 220-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш

Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала янги суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

Агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма берилмаган бўлса, жавобгар биринчи инстанция хўжалик судига тегишли ариза беришга ҳақли. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги жавобгарнинг аризасини кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Ташкилотнинг, фуқаронинг аризаси бўйича хўжалик суди ундирилган пул маблағлари, мол-мулк ёки унинг қийматини қайтариш тўғрисида ижро варақасини беради. Аризага аввал қабул қилинган суд ҳужжатининг ижросини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

## V БЎЛИМ. ЧЕТ ЭЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҲАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАР, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

221-модда. Чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлари ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари
222-модда. Чет эллик шахслар иштирокидаги суд ишлрини юритиш
223-модда. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ваколатлари
224-модда. Суднинг иммунитети
225-модда. Чет давлат суди томонидан айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низолар юзасидан ишларни кўришнинг процессуал оқибатлари
226-модда. Суд топшириқлари

### 221-модда. Чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари

Чет эл ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда чет эллик шахслар деб юритилади) ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Чет эллик шахслар Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари билан баравар процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларни бажарадилар.

Судларида Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқароларининг процессуал ҳуқуқларига нисбатан махсус чеклашларга йўл қўйилаётган давлатларнинг шахсларига нисбатан жавоб тариқасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати чеклашлар белгилаши мумкин.

### 222-модда. Чет эллик шахслар иштирокидаги суд ишларини юритиш

Чет эллик шахслар иштирокидаги суд ишларини юритиш ушбу Кодексга мувофиқ амалга оширилади.

### 223-модда. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни, башарти жавобгар ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, фуқаро эса шу ҳудудда яшаш жойига эга бўлса, кўради.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни қуйидаги ҳолларда ҳам кўришга ҳақли:

1) чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса;

2) жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мол-мулкка эга бўлса;

3) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши лозим бўлган ёки ижро этилган шартномадан келиб чиқса;

4) мол-мулкка етказилган зиённи қоплаш тўғрисидаги иш бўйича зиённи қоплаш тўғрисидаги талабни қўйишга асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган бўлса;

5) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги асоссиз бойишдан келиб чиқса;

6) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар Ўзбекистон Республикасида турган бўлса;

7) бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ташкилоти ёки фуқароси билан чет эллик шахс ўртасида келишув мавжуд бўлса.

Биноларга, иншоотларга, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш, бинолар, иншоотлар, ер участкаларини ўзганинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдорнинг ёки қонуний эгалик қилувчининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар, башарти эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса, бино, иншоот, ер участкаси жойлашган ерда кўрилади.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ташувчиларга даъволар бўйича ишлар, шу жумладан ташувчи жавобгарлардан бири бўлганда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган ерда кўрилади.

Хўжалик суди томонидан ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўриш учун қабул қилинган иш, гарчи иш юритиш давомида ишда иштирок этувчи шахсларнинг турган жойи ўзгариши ёки бошқа ҳолатлар туфайли бошқа давлат судининг судловига ўтсада, мазмунан ҳал қилинаверади.

### 224-модда. Суднинг иммунитети

Хўжалик судида чет давлатга нисбатан даъво тақдим этишга, уни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилишга, чет давлатга қарашли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган мол-мулкни хатлаш ва унга нисбатан даъвони таъминлаш бўйича бошқа чораларни қўллашга, хўжалик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш тартибида ундирувни шу мол-мулкка қаратишга, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки ҳалқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилади.

Ҳалқаро ташкилотларнинг суд иммунитети Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва ҳалқаро шартномалари билан белгиланади.

### 225-модда. Чет давлат суди томонидан айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низолар юзасидан ишларни кўришнинг процессуал оқибатлари

Агар чет давлатнинг ваколатли суди Ўзбекистон Республикаси хўжалик судида даъво тақдим этилгунича ишни кўришга қабул қилиб, айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ишни кўрган ёки шу иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдиради ёки иш юритишни тугатади. Агар чет давлатнинг суди томонидан қабул қилинадиган ёки қабул қилинган ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олиниши ёки ижро этилиши мумкин бўлмаса ёхуд тегишли иш Ўзбекистон Республикаси хўжалик судининг мутлақ ваколатида бўлса, шундай оқибатлар келиб чиқмайди.

### 226-модда. Суд топшириқлари

Хўжалик суди айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида чет давлатлар судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки ҳалқаро шартномаларида белгиланган тартибда ўзига берилган топшириқларни (чақирув қоғозларини ва бошқа ҳужжатларни топшириш, ёзма далиллар олиш, экспертиза ўтказиш, жойни кўздан кечириш ва бошқаларни) ижро этади.

Топшириқ қуйидаги ҳолларда ижро этилмайди:

1) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиш хўжалик судининг ваколатига кирмаса.

Хўжалик суди томонидан айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни ижро этиш, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжалик судлари чет давлатларнинг судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлар билан белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин.

**ИЛОВА 4**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ 29.08.1998 ЙИЛГИ ҚОНУНИ
**(Кўчирма)**

## III. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТАЛАБНОМАЛАР ВА ДАЪВОЛАР БИЛДИРИШ

17 - модда. Талабнома билдириш тартиби

18 - модда. Талабномани кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

19 - модда. Даъво аризасини бериш ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиш

### 17-модда. Талабнома билдириш тартиби

Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир.

Талабнома ёзма шаклда билдирилади. Талабномада қуйидагилар кўрсатилади:

талабнома билдирган хўжалик юритувчи субъектнинг ва талабнома билдирилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи;

талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;

талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар;

талабномада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

арз қилувчининг талаблари;

талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;

талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Талабнома хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади. Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Юкларни ташиш ва алоқа хизматлари кўрсатишга доир операциялардан келиб чиқадиган талабномаларни транспорт ва алоқа хўжалик юритувчи субъектларига билдириш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

### 18-модда. Талабномани кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

Ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Талабномага жавоб хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда хўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ихтиёрий равишда ўтказади.

Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олингандан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақли. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

### 19-модда. Даъво аризасини бериш ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиш

Тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек хўжалик шартномалари юзасидан талабнома билдирмай ҳам хўжалик судига даъво аризаси бериши ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Мазкур аризаларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексининг 102-121-моддалари қоидаларига кўра белгиланади.

## IV. ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

20 - модда. Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш
21 - модда. Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш
22 - модда. Хўжалик шартномалари бажарилишини ўзаро текшириш
23 - модда. Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш

### 20-модда. Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш

Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

### 21-модда. Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

### 22-модда. Хўжалик шартномалари бажарилишини ўзаро текшириш

Хўжалик шартномаларининг тарафлари хўжалик шартномалари ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини ўзаро текшириб турадилар. Шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари хўжалик шартномалари бажарилиши учун чора-тадбирлар кўриши, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек зарур ҳолларда айбдор шахсни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

### 23-модда. Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадилар. Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар.

## V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

24 - модда. Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

25 - модда. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик
26 - модда. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик
27 - модда. Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик
28 - модда. Товарларни марка белгисисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун жавобгарлик
29 - модда. Аккредитивдан фойдаланмаганлик учун жавобгарлик
30 - модда. Тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун жавобгарлик
31 - модда. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик
32 - модда. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик
33 - модда. Маблағларни акцептсиз ўчириб ташлаганлик учун жавобгарлик
34 - модда. Зарарни тўлаш
35 - модда. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги
36 - модда. Низоларни ҳал этиш тартиби

## 24-модда. Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим жаражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, ушбу Қонунда, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

## 25-модда. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

### 26-модда. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик

Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

### 27-модда. Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик

Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунча қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

### 28-модда. Товарларни марка белгисисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун жавобгарлик

Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига(буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва

идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

### 29-модда. Аккредитивдан фойдаланмаганлик учун жавобгарлик

Товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

### 30-модда. Тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун жавобгарлик

Жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот  тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

### 31-модда. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик

Товарларни олиб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса -  10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланиши талаб қилишга ҳақлидир.

### 32-модда. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик

Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 33-модда. Маблағларни акцептсиз ўчириб ташлаганлик учун жавобгарлик

Ҳисоб варақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобидан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

## 34-модда. Зарарни тўлаш

Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

Қўрилган зарарга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан тараф қилган харажатлар, мол-мулк йўқолиш ёки шикастланиши, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган лекин ололмайқолган даромадлар киради.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди, қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 35-модда. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48 - моддаларига мувофиқ фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 1761, 1762, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

## 36-модда. Низоларни ҳал этиш тартиби

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамалар суди томонидан кўриб чиқилади.

**ИЛОВА 5**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**
**ҚОНУНИ**
**29.08.2001 й.**
**N 258-II**

## СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1-боб. Умумий қоидалар
2-боб. Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар
3-боб. Ижро ҳаракатларини амалга
оширишнинг умумий шартлари
4-боб. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини
мажбурий ижро этиш асоси ва чоралари
5-боб. Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш
6-боб. Ундирувни қарздор юридик шахснинг мол-мулкига
қаратишнинг хусусиятлари. Қарздор юридик шахснинг мол-
мулкини хатлаш ва реализация қилиш
7-боб. Қарздорнинг  иш ҳақи ва унга тенглаштирилган
тўловларга нисбатан ундирув
8-боб. Мулкий хусусиятга эга бўлмаган низолар
бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш
9-боб. Ижро иши юритишдаги харажатлар
10-боб. Ундирилган пул суммаларини тақсимлаш ва ундирувчи
талабларини қаноатлантиришнинг навбати
11-боб.  Ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик
12-боб. Суд ижрочисининг мақоми

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
2-модда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини
ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
3-модда. Ижро этиш органлари
4-модда. Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари
томонидан ижро ҳаракатларининг таъминланиши
5-модда. Ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари
ва бошқа органларнинг ҳужжатлари
6-модда. Чет эл судлари ва арбитражлари
қарорларини ижро этиш
7-модда. Ижро ҳужжатлари
8-модда. Ижро ҳужжатларининг мазмуни

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун суд ҳужжатлари, шунингдек қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошираётганларида жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ўзга шахсларга бериш ёхуд улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқи берилган бошқа органларнинг (мансабдор шахсларнинг)

ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

**2-модда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ижро этиш органлари**

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлимлари суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилади, уларнинг ваколатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларининг ва бошқа органлар ҳужжатларининг талабларини ижро этиш қонунда назарда тутилган ҳолларда солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Суд ҳужжатларининг ва бошқа органлар ҳужжатларининг талаблари қонунда назарда тутилган ҳолларда ўзга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ҳам ижро этилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган органлар ҳамда шахслар мажбурий ижро этиш органлари ҳисобланмайди.

**4-модда. Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан ижро ҳаракатларининг таъминланиши**

Агар ундирувчи банкда ёки бошқа кредит ташкилотида қарздорнинг ҳисобварақлари мавжудлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлса, пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларининг ва бошқа органлар ҳужжатларининг талаблари баён этилган ижро ҳужжатини ундирувчи бевосита ана шу банкка ёки бошқа кредит ташкилотига юбориши мумкин.

Қарздорнинг ҳисобварақлари бўйича хизмат кўрсатувчи банк ёки бошқа кредит ташкилоти ижро ҳужжати олинган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида ижро ҳужжатида баён этилган пул маблағларини ундириш тўғрисидаги талабларни ижро этади ёхуд қарздорнинг ҳисобварақларида ундирувчининг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағи йўқлиги сабабли кўрсатилган талаблар тўла ёки қисман ижро этилмаганлигини қайд этиб қўяди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган талабларни бажармаслик суднинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва миқдорда банкка ёки бошқа кредит ташкилотига жарима солиши учун асос бўлади.

**5-модда. Ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари**
**ва бошқа органларнинг ҳужжатлари**

Ушбу Қонунда белгиланган қоидаларга биноан қуйидагилар ижро этилиши лозим:

1) фуқаролик ишлари ва  хўжалик низолари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва  қарорлари;

2) жиноят ишлари бўйича суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми;

4) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

5) нотариусларнинг ижро хатлари;

6) меҳнат низолари комиссияларининг  қарорлари;

7) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар  (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

8) холислар судининг қарорлари;

9) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари;

10) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

11) суд ижрочиларининг ушбу Қонунда  назарда тутилган ҳоллардаги қарорлари;

12) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

**6-модда. Чет  эл судлари ва арбитражлари**
**қарорларини ижро этиш**

Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чет эл судининг ёки арбитражининг қарори асосида берилган ижро варақаси, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижро этиш учун топширилиши мумкин.

**7-модда. Ижро ҳужжатлари**

Қуйидагилар ижро ҳужжатлари ҳисобланади:

1) судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари;

2) холислар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари;

3) чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси судлари берадиган ижро варақалари;

4) суд  буйруқлари;

5) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар;

6) нотариусларнинг ижро хатлари;

7) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар;

8) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар;

9) ўзбошимчалик билан турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари;

10) суд ижрочиларининг қарорлари;

11) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

Ижро ҳужжатининг асл нусхаси йўқолган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг дубликати ундирув учун асос бўлади.

### 8-модда. Ижро ҳужжатларининг мазмуни

Ижро ҳужжатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органнинг номи;

2) ижро ҳужжатининг қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг тартиб рақами;

3) ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қабул қилинган сана;

4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун - қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи;

5) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг қарор қисми;

6) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати кучга кирган сана;

7) ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Бошқа органнинг ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати мазкур ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади ва тегишли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

Суд буйруғининг ҳамда алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувнинг, шунингдек нотариус ижро хатининг мазмуни қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## 2-БОБ. ИЖРО ИШИ ЮРИТИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР

9-модда. Ижро иши юритишдаги тарафлар
10-модда. Ижро иши юритишда вояга етмаганларнинг иштироки
11-модда. Ижро иши юритишда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
12-модда. Ижро иши юритишда ҳуқуқий ворислик
13-модда. Ижро иши юритишда тарафлар вакилларининг иштироки
14-модда. Вакилнинг ваколатлари
15-модда. Вакил бўлолмайдиган шахслар
16-модда. Қонуний вакиллар
17-модда. Ижро иши юритишда таржимоннинг иштироки
18-модда. Ижро иши юритишда холисларнинг иштироки
19-модда. Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
20-модда. Ижро иши юритишда мутахассисларнинг иштироки
21-модда. Суд ижрочиларининг ички ишлар органлари ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги
22-модда. Ижро иши юритишда рад қилиш

### 9-модда. Ижро иши юритишдаги тарафлар

Ундирувчи ва қарздор ижро иши юритишдаги тарафлар ҳисобланади.

Ижро ҳужжати кимнинг фойдасига ёки манфаатларини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахс ундирувчи ҳисобланади.

Ижро ҳужжатида назарда тутилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти кимнинг зиммасига юклатилган бўлса, ўша шахс қарздор ҳисобланади.

Ижро иши юритишда бир неча ундирувчи ёки қарздор иштирок этиши мумкин. Уларнинг ҳар бири бошқа тарафга нисбатан ижро иши юритишда мустақил иштирок этади ёки ижро ҳаракатларида иштирок этишни шериклардан бирига топшириши мумкин.

### 10-модда. Ижро иши юритишда вояга етмаганларнинг иштироки

Ижро иши юритишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини уларнинг қонуний вакиллари - ота-оналари, фарзандликка олувчилари, васийлари ёки ҳомийлари амалга оширадилар.

Фуқаролик, оилавий, меҳнат, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан ҳамда олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатлари ижро этилаётганда вояга етмаганлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ижро иши юритишда мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Ўн олти ёшга тўлган, вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинган тақдирда (эмансипация), у ижро иши юритишда мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва мажбуриятларни бажариши мумкин.

### 11-модда. Ижро иши юритишда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Тарафлар ижро ҳаракатларини амалга оширишда ижро иши юритиш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш, қўшимча материаллар тақдим этиш, илтимосномалар бериш, ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этиш, ижро ҳаракатлари жараёнида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ижро иши юритилиши давомида пайдо бўладиган масалалар юзасидан ўз важлари ва фикр-мулоҳазаларини билдириш, ижро иши юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важлари ва фикр-мулоҳазаларига қарши эътироз билдириш, рад қилиш, суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тарафлар ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бажаришлари шарт.

### 12-модда. Ижро иши юритишда ҳуқуқий ворислик

Ижро иши юритишдан тарафларнинг бири чиқиб кетган тақдирда (ундирувчи ёки қарздорнинг вафот этиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талаблардан воз кечилиши, қарзни бошқа шахсга ўтказилиши ва шу кабилар) суд ижрочиси ўз қарори билан ана шу тарафни унинг ҳуқуқий ворисси билан қонунда белгиланган тартибда алмаштириши шарт. Амалга оширилган барча

ҳаракатлар чиқиб кетган тараф учун қай даражада мажбурий ҳисобланган бўлса, унинг ўрнига ижро иши юритишга кирган ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

### 13-модда. Ижро иши юритишда тарафлар вакилларининг иштироки

Жисмоний шахслар ижро иши юритишда мустақил равишда ёки вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин. Ижро иши юритишда жисмоний шахснинг шахсан иштирок этиши уни вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Агар ижро ҳужжати бўйича қарздор зиммасига фақат у шахсан ижро этиши мумкин бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлса, уларни ижро этишда қарздор ўз вакили орқали ҳаракат қилишга ҳақли эмас.

Юридик шахслар ижро иши юритишда қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган органлари ёки мансабдор шахслари орқали ёхуд мазкур органлар ва мансабдор шахсларнинг вакиллари орқали иштирок этадилар.

Юридик шахснинг номидан иштирок этувчи шахсларда ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши шарт.

### 14-модда. Вакилнинг ваколатлари

Вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончнома билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи вакил ўзини вакил қилган шахс номидан ижро иши юритиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Вакил қилаётган шахс бераётган ишончномада вакилнинг қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ваколатлари махсус кўрсатиб ўтилган бўлиши керак:

ижро ҳужжатини ижрога топшириш ва уни чақириб олиш;

ундирувдан воз кечиш;

ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (ишониб топшириш);

суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш ва уни рад қилиш;

ундирилган мол-мулкни (шу жумладан пулни) олиш;

келишув битими тузиш.

### 15-модда. Вакил бўлолмайдиган шахслар

Вояга етмаган ёки васийликда ёхуд ҳомийликда турган шахслар ижро иши юритишда вакил бўлишлари мумкин эмас.

Судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар, суд ижрочилари ва суд аппарати ходимлари ижро иши юритишда вакиллик қилишлари мумкин эмас. Бу қоида мазкур шахслар ижро иши юритишда тегишли суднинг, прокуратура, тергов ва суриштирув органининг ваколатли вакили ёки қонуний вакил сифатида иштирок этадиган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

### 16-модда. Қонуний вакиллар

Ижро иши юритишда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини уларнинг қонуний вакиллари - ота-оналари, фарзандликка олувчилари, васийлари ёки ҳомийлари ҳимоя қиладилар. Улар ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қонуний вакиллар амалга ошириш ҳуқуқи вакил қилинаётганларга тегишли бўлган барча ҳаракатларни қонунда назарда тутилган чекланишлар билан вакил қилинаётганларнинг номидан бажарадилар.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган жисмоний шахс иштирок этиши лозим бўлган ижро иши юритиш бўйича, бедарак йўқолганнинг мол-мулки ишончли бошқарувига берилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинланган шахслар бедарак йўқолган шахснинг вакили сифатида қатнашадилар.

Вафот этган ёки белгиланган тартибда вафот этган деб эълон қилинган шахснинг меросхўри иштирок этиши лозим бўлган ижро иши юритиш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, васий ёки мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи меросхўрнинг вакили сифатида қатнашади.

Қонуний вакиллар ижро иши юритишда иштирок этишни ўзлари вакил сифатида танлаган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эгадирлар.

## 17-модда. Ижро иши юритишда таржимоннинг иштироки

Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда ижро иши юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни биладиган ҳар қандай вояга етган, муомалага лаёқатли жисмоний шахс таржимон бўлиши мумкин. Таржимон суд ижрочисининг қарори билан тайинланади.

Таржимон ўз меҳнати учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳақ ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига киритилади.

Таржимон била туриб, нотўғри таржима қилган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади, бу ҳақда уни суд ижрочиси ёзма равишда огоҳлантиради.

## 18-модда. Ижро иши юритишда холисларнинг иштироки

Қарздор эгаллаб турган ёки унга қарашли хоналар ва омборларни очиш, қарздорнинг мол-мулкини кўздан кечириш, уларни хатлаш, олиб қўйиш ва бериш билан боғлиқ ижро ҳаракатларини амалга оширишда холислар иштирок этиши шарт. Бошқа ҳолларда, холислар суд ижрочисининг ихтиёрига кўра чақирилади.

Холислар сифатида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан манфаатдор бўлмаган ва ўзаро ёки ижро иши юритиш иштирокчилари билан қариндош бўлмаган, бир-бирига бўйсунмайдиган ва бир-бирини назорат қилмайдиган вояга етган ҳар қандай муомалага лаёқатли жисмоний шахслар таклиф этилиши мумкин. Холислар икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

## 19-модда. Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Холис тегишли ижро ҳаракати далолатномасида ўзи иштирок этган ижро ҳаракатлари факти, мазмуни ва натижаларини ўз имзоси билан тасдиқлайди. Холис ўзининг қандай ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун таклиф қилинганлигини, улар қандай ижро ҳужжатларига асосан амалга оширилаётганлигини билишга, амалга оширилган ижро ҳаракатлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли. Холиснинг мулоҳазалари тегишли ижро ҳаракатлари далолатномасига киритилиши лозим. Холиснинг истагига биноан бундай мулоҳазалар унинг ўз қўли билан ёзилиши мумкин.

Холислар иштирок этадиган ижро ҳаракатлари бошланишидан олдин суд ижрочиси уларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Холислар ўз мажбуриятларини бажаришлари муносабати билан ўзлари қилган харажатлари қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур харажатлар ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига киритилади.

**20-модда. Ижро иши юритишда мутахассисларнинг иштироки**

Ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда юзага келадиган, махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириб бериш учун суд ижрочиси ўз ташаббусига ёки тарафларнинг илтимосига биноан ўзининг қарори билан мутахассис тайинлаши мумкин.

Мутахассис сифатида зарур билимларга эга шахс тайинланиши мумкин. Мутахассис ёзма равишда хулоса беради.

Мутахассис суд ижрочисининг чақируви бўйича келиши, қўйилган масалалар юзасидан холисона хулоса бериши, ўзи бажараётган ҳаракатларни тушунтириб бериши шарт. Мутахассис ижро ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ бажарган иши учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақ ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига киритилади.

**21-модда. Суд ижрочиларининг ички ишлар органлари ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги**

Суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда бирон-бир тўсиқ юзага келса, ички ишлар органларининг ходимлари ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда жамоат тартиби сақланишини таъминлашга кўмаклашишлари шарт.

Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш талаб этилса, суд ижрочиси ички ишлар органларига тегишли талабнома юборади.

**22-модда. Ижро иши юритишда рад қилиш**

Агар суд ижрочиси, таржимонлар ва мутахассислар тарафларнинг, улар вакилларининг ёки ижро иши юритишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг қариндошлари бўлсалар ёхуд ижро иши юритиш натижасидан манфаатдор бўлсалар ёки уларнинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, улар ижро иши юритишда иштирок этиши мумкин эмас ва улар рад қилиниши лозим.

Рад қилиш учун ҳолатлар мавжуд бўлса, рад қилиш талаблари татбиқ этиладиган шахс ўзини ўзи рад қилиши шарт. Худди шу асослар бўйича ундирувчи, қарздор ёки уларнинг вакиллари мазкур шахсни рад қилишлари мумкин. Рад қилиш асосланган бўлиши, ёзма равишда баён этилиши ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш бошлангунига қадар маълум қилиниши керак, рад қилиш учун асослар мавжудлиги ижро ҳаракатларини амалга ошириш бошланганидан кейин маълум бўлиб қолган ҳоллар бундан мустасно.

Таржимон ва мутахассисни рад қилиш тўғрисидаги масалани суд ижрочиси ҳал қилади. Суд ижрочиси таржимон ва мутахассисни рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ асосланган қарор чиқаради, қарор катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади.

Суд ижрочисини рад қилиш тўғрисидаги масалани катта суд ижрочиси ҳал қилади. Катта суд ижрочисини рад қилиш тўғрисидаги масалани катта суд ижрочисининг ўзи ҳал қилади.

Суд ижрочисини рад қилиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, у ижро этаётган ижро ҳужжати катта суд ижрочиси томонидан бошқа суд ижрочисига ўтказилади ёки катта суд ижрочиси ижро ҳужжатини ўз иш юритувига олади. Катта суд ижрочисини рад қилиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, у ижро

этаётган ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг тегишли ҳудудий бўлими томонидан бошқа суд ижрочисига ўтказилади.

Суд ижрочисини рад қилиш қаноатлантирилмаганлиги устидан судга шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин.

## 3-БОБ. ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ


23-модда. Ижро иши юритишни қўзғатиш
24-модда. Ижро ҳужжатига нисбатан қўйиладиган талабларни бузиш оқибатлари
25-модда. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи
26-модда. Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган вақт
27-модда. Ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари
28-модда. Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддатининг узилиши
29-модда. Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юбориш оқибатлари
30-модда. Ижро харакатлари амалга ошириладиган муддатлар.
31-модда. Ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини тушунтириш
32-модда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, уларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш
33-модда. Ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш
34-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг мажбурийлиги
35-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш
36-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш муддатлари
37-модда. Ижро иши юритишни тугатиш асослари
38-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги масалаларни кўриш
39-модда. Ижро иши юритишни тугатиш оқибатлари
40-модда. Ижро ҳужжатларини қайтариш
41-модда. Ижро иши юритишни тамомлаш
42-модда. Қарздорни, унинг мол-мулкини ёки болани қидириш
43-модда. Йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш


### 23-модда. Ижро иши юритишни қўзғатиш

Суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш

қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва қарздорга белгиланган муддат тугагандан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ушбу Қонуннинг 82-моддасида назарда тутилган жаримани ундирган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида маълум қилади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан мулкий ундирув бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиб, уларни хатлашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда мазкур қарорда кўрсатиб ўтади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин.

## 24-модда. Ижро ҳужжатига нисбатан қўйиладиган талабларни бузиш оқибатлари

Агар ижро ҳужжати ижрога топшириш муддати ўтиб кетганидан кейин юборилган бўлса ёки ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида қайтариб юборади.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисида қарор чиқарилади, унинг нусхаси қарор чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга юборилади.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисидаги қарорда ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган қайси талаблар бузилганлиги кўрсатилади.

Ижро ҳужжатининг йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилиш учун қайтариб юборилиши бундай нуқсонлар бартараф қилинганидан кейин ижро ҳужжатини суд ижрочисига иккинчи марта умумий тартибда юбориш учун тўсқинлик қилмайди.

Ижро ҳужжатини қайтариб юбориш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин.

## 25-модда. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи

Агар қарздор жисмоний шахс бўлса, ижро ҳаракатларини суд ижрочиси унинг яшаш жойи ёки иш жойида ёхуд унинг мол-мулки турган жойда амалга оширади.

Агар қарздор юридик шахс бўлса, ижро ҳаракатларини суд ижрочиси унинг органи жойлашган ёки мол-мулки турган жойда амалга оширади.

Қарздор зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатларининг талаблари бундай ҳаракатлар амалга ошириладиган жойда бажарилади.

Агар ижро ҳужжатини ижро этиш жараёнида қарздорнинг яшаш жойи, иш жойи ёки турган жойи ўзгарган бўлса ёки илгариги турган жойида ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки йўқ эканлиги ёхуд ундирувчининг талабларини қаноатлантириш учун етарли эмаслиги маълум бўлиб қолса, суд ижрочиси бу ҳақда дарҳол далолатнома тузади ҳамда далолатнома тузган куннинг эртасидан кечиктирмай ижро ҳужжатини далолатноманинг нусхаси билан бирга қарздорнинг маълум бўлган янги яшаш жойидаги, иш жойидаги, турган жойидаги ёки қарздорнинг мол-мулки турган янги жойдаги суд ижрочисига юборади, айни бир вақтда бу ҳақда ундирувчини, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органни хабардор қилади.

Агар ижро ҳужжатини ижро этиш жараёнида зарурат туғилса, суд ижрочиси ижро ҳаракатларини ўз вазифаларини бажара олиши мумкин бўлган ҳудуддан ташқарида ҳам

амалга ошириши мумкин. Бу ҳолда суд ижрочиси ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ далолатнома тузиб, кўрсатилган ҳудудга боради. У етиб борган пайтдан бошлаб бир сутка ичида ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойидаги катта суд ижрочисига ижро ҳаракатларини шу ҳудудда амалга ошириши зарурлиги тўғрисида маълум қилади, катта суд ижрочиси бу ерга келган суд ижрочисига кўмаклашади.

Бир суд ижрочисининг бошқа суд ижрочисига юборган ижро ҳужжати ижро этиш учун қабул қилиб олиниши лозим.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи тўғрисида суд ижрочилари ўртасида келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ёки унинг ҳудудий бўлими томонидан ҳал этилади.

### 26-модда. Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган вақт

Ижро ҳаракатлари иш кунларида соат 8.00 дан 22.00 гача амалга оширилади. Ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг аниқ вақтини суд ижрочиси белгилайди. Ижро иши юритишда қатнашувчи тарафлар ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг ўзлари учун қулай вақтини таклиф этишга ҳақлидирлар. Ижро ҳаракатларини сутканинг бошқа вақтида, шунингдек дам олиш ва байрам кунларида амалга оширишга белгиланган тартибда фақат кечиктириб бўлмайдиган ёки қарздорнинг айбига кўра уларни бошқа вақтда амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади.

### 27-модда. Ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари

Ижро ҳужжатлари қуйидаги муддатларда ижрога топширилиши мумкин:

1) умумий юрисдикция судларининг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари уч йил мобайнида, хўжалик судларининг суд ҳужжатлари эса - олти ой мобайнида;

2) холислар судининг қарорларини мажбурий ижро этиш тўғрисидаги суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари - олти ой мобайнида;

3) нотариусларнинг ижро хатлари - уч йил мобайнида;

4) меҳнат низолари комиссияларининг гувоҳномалари - уч ой мобайнида;

5) ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга органларнинг (мансабдор шахсларнинг) қарорлари - уч ой мобайнида.

Бошқа ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари тегишли ижро ҳужжатларини бериш шартлари ва тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларида кўрсатилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қуйидагича ҳисобланади:

1) ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида қайд этилган ижро ҳужжатлари (суд буйруғи бундан мустасно) ижрога топширилганда - суд ҳужжати қонуний кучга кирган ёки унинг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш учун белгиланган муддат тугаган кундан бошлаб ёхуд ижро ҳужжатини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб, суд ҳужжати дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда эса - ҳужжат чиқарилган куннинг эртасидан бошлаб;

2) суд буйруқлари ижрога топширилганда - улар берилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ўтганидан кейин;

3) ушбу модда биринчи қисмининг 5-бандида қайд этилган ижро ҳужжатлари ижрога топширилганда - қарор чиқарилган кундан бошлаб.

Ушбу модданинг биринчи қисмида қайд этилган бошқа барча ижро ҳужжатлари бўйича уларни ижрога топшириш муддатлари, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, улар берилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади.

Даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги (алиментлар ундириш, соғлиққа шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисидаги ва шу каби ишларга доир) суд ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжатлари тўловларни ундиришнинг белгиланган бутун даврида ўз кучини сақлаб қолади. Бундай тартиб алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувларга нисбатан ҳам амал қилади. Бундай ҳолларда ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари ҳар бир тўлов учун алоҳида ҳисобланади.

## 28-модда. Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддатининг узилиши

Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати:

1) ижро ҳужжати ижрога топширилганда;

2) ижро ҳужжати қарздор томонидан қисман ижро этилганда узилади.

Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати узилгандан сўнг муддатнинг ўтиш даври янгидан бошланади. Муддат узилгунга қадар ўтган вақт янги муддат ҳисобига киритилмайди.

Ижро ҳужжати уни тўлиқ ёки қисман ижро этишнинг имконияти йўқлиги сабабли ундирувчига қайтарилган тақдирда, уни ижрога топшириш муддати узилгандан кейин ижро ҳужжати ундирувчига қайтарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 29-модда. Ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юбориш оқибатлари

Ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган ижро ҳужжатини суд ижрочиси иш юритиш учун қабул қилмасдан, бу ҳақда тегишли қарор чиқаради.

Ижро варақаси ёки суд буйруғини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юборган ундирувчи тегишли ҳужжатни қабул қилган судга ёки бу ҳужжат ижро этиладиган жойдаги судга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бошқа ижро ҳужжатлари бўйича ўтказиб юборилган муддатлар тикланмайди.

30-модда. Ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган муддатлар

Суд ижрочиси ижро ҳужжатининг ижро ҳаракатларини ва талабларини ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим.

Ижро ҳужжатларининг қуйидаги талаблари дарҳол ижро этилиши керак:

алиментлар ҳамда уч ойдан ошмаган иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаблар;

қонунга хилоф равишда меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки қонунга хилоф равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги талаблар;

ижро ҳужжатида баён этилган талаблар дарҳол ижро этилиши ҳужжатда кўрсатилган ёки дарҳол ижро этилиши қонунда назарда тутилган ҳоллардаги бошқа ишларга доир талаблар.

## 30-модда. Ижро харакатлари амалга ошириладиган муддатлар.

Суд ижрочиси ижро хужжатининг ижро харкатларини ва талабларини ижро хужжати келиб тушган кундан эътиборан кҒпи билан икки ой муддати ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим.

Ижро хужжатларининг қуйидаги талаблари дархол ижро этилиши керак;

алиментлар ҳамда уч ойдан ошмаган иш хақини ундириш тҒғрисидаги талаблар;

қонунга хилоф равишда мехнат шартномаси бекор қилинган ёки қонунга хилоф равишда бошқа ишга Ғтказилган ходимни ишга тиклаш тҒғрисидаги, мехнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини Ғзгартириш тҒғрисидаги талаблар;

ижро хужжатида баён этилган талаблар дархол ижро этилиши хужжатда кҒрсатилган ёки дархол ижро этилиши қонунда назарда тутилган холлардаги бошқа ишларга доир талаблар.

**31-модда. Ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини тушунтириш**

Ижрога топширилган ижро ҳужжатидаги талаблар ноаниқ бўлган тақдирда суд ижрочиси ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини, шунингдек қонунга кўра ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжатни тушунтириб беришни сўраб ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган суд ижрочисининг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида уни кўриб чиқади ва ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган ўзи қабул қилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг, шунингдек қонунга кўра ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжатнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда унга тушунтириш беради.

**32-модда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, уларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш**

Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатлар бўлган тақдирда, суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ёхуд тарафлардан бирининг аризасига кўра, шунингдек тарафларнинг ҳар бири мустақил тарзда ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳамда ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга мурожаат қилишга ҳақлидир.

**33-модда. Ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш**

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан ижро ҳаракатлари амалга оширилишини кейинга қолдиришга ҳақли. Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан кўпи билан ўн кун муддатга кейинга қолдириши мумкин.

Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилган тақдирда қарор чиқаради ва бу ҳақда ижро иши юритиш тарафлари, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга маълум қилади.

Суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин.

**34-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг мажбурийлиги**

Қуйидаги ҳолатларда ижро иши юритишни тўхтатиб туриш мажбурийдир:

1) агар суд томонидан аниқланган ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиса, қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда;

2) қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан иш юритиш қўзғатилганда;

3) қарздор муомала лаёқатини йўқотганда;

4) қарздор муддатли ҳарбий хизматда бўлганда ёки муддатли ҳарбий хизматда бўлган ундирувчи илтимос қилганда;

5) агар қонун ҳужжатларида низолашишга йўл қўйилган бўлса, қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашаётган пайтда;

6) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органларнинг қарорлари (мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари) устидан судга шикоят берилганда;

7) ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини ижро этишни тўхтатиб туриш қонуний ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан қарор чиқарилганда;

8) ижро ҳужжати бўйича ундирув қаратилган мол-мулкни рўйхатдан чиқариш (хатлашдан озод қилиш) тўғрисида судга даъво аризаси берилганда.

**35-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш**

Қуйидаги ҳолларда ижро иши юритиш тўхтатиб турилиши мумкин:

1) суд ижрочиси ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини тушунтириб бериш тўғрисида ижро ҳужжатини берган тегишли судга ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қилганда;

2) қарздор узоқ хизмат сафарида бўлганда;

3) қарздор стационар даволаш муассасасида даволанаётганда;

4) суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан ёки унинг иштирокини рад этиш қаноатлантирилмаганлиги юзасидан шикоят берилганда;

5) қарздор, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидирилаётганда;

6) ундирувчи илтимос қилганда.

**36-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш муддатлари**

Ижро иши юритиш қуйидаги муддатларга тўхтатиб турилади:

1) қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда, шунингдек унинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди иш қўзғатганда - қарздорнинг ҳуқуқий ворислари аниқлангунига, бедарак йўқолганнинг мол-мулки суд томонидан ҳомийлик ва васийлик органлари белгилаган ишончли бошқарувчига топширилгунига ёки муомалага лаёқатсиз қарздорга ҳомий тайинлангунига ёхуд қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилингунига қадар;

2) ундирувчи ёки қарздор муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда, қарздор касал бўлиб қолганда, хизмат сафарида бўлганда ёки қарздор, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидирилаётганда муддатли ҳарбий хизматдан озод бўлгунга ёки стационар даволаш муассасасидан чиққунга, хизмат сафаридан қайтгунга ёки қарздор, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидириб топилгунга қадар;

3) ижро ҳаракатлари, шунингдек ижро ҳужжати ёки уни беришга асос бўлган ҳужжат юзасидан низолашилаётганда - масала моҳиятан узил-кесил кўриб чиқилгунга қадар;

4) суд ижрочисини рад қилиш қаноатлантирилмаганлиги юзасидан шикоят берилганда - шикоят суд томонидан кўриб чиқилгунга қадар;

5) бошқа ҳолларда - ижро иши юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар тугагунига қадар.

Ижрони тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилингандан кейин ундирувчининг аризасига биноан ёки суд ижрочисининг ташаббусига кўра ижро иши юритиш уни тўхтатиб қўйган суд томонидан тикланади.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг ушбу моддада белгиланган муддатларини суд қисқартириши мумкин.

## 37-модда. Ижро иши юритишни тугатиш асослари

Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1) ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса;

2) ундирувчи ва қарздор ўртасида суд томонидан тасдиқланган келишув битими тузилганда;

3) ундирувчи ёки қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда, бедарак йўқолган деб топилганда, агар суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжатида қўйилган талаблар ёки мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ёки бедарак йўқолганнинг мол-мулкини ишончли бошқариб турган шахсга ўтиши мумкин бўлмаса;

4) тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки ундирувчининг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаганда;

5) мазкур турдаги ундирув учун қонунда белгиланган муддат ўтганда;

6) ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжат бекор қилинганда;

7) қарздордан олиб қўйилган ашёларни ундирувчига топшириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этишда ундирувчи ашёларни олишдан воз кечганда.

## 38-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги масалаларни кўриш

Хўжалик суди берган ижро ҳужжати асосида қўзғатилган ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ўша хўжалик суди ёки суд ижрочиси турган жойдаги хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Қолган барча ҳолларда ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш суд ижрочиси турган жойдаги суд томонидан амалга оширилади.

Тўхтатиб турилган ёки тугатилган ижро иши бўйича ҳеч қандай ижро ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида тарафларга, ижро ҳужжатини берган суд (агар масалани ижро ҳужжатини берган суд эмас, бошқа суд ҳал қилган бўлса) ёки бошқа органга уч кунлик муддат ичида маълум қилади.

Суднинг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан ўн кунлик муддат ичида хусусий шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин.

### 39-модда. Ижро иши юритишни тугатиш оқибатлари

Ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими қонуний кучга киргандан кейин суд ижрочиси ижро этиш бўйича ўзи тайинлаган барча чораларни бекор қилади. Ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим суд ижрочиси тегишли белгилар қўйиши лозим бўлган ижро ҳужжати билан бирга ушбу ҳужжатни берган суд ёки бошқа органга қайтарилади.

### 40-модда. Ижро ҳужжатларини қайтариш

Ижро ҳужжатларида кўрсатилган ундирув амалга оширилмаган ёки қисман амалга оширилган бўлса, бундай ижро ҳужжатлари вазиятга қараб, қуйидаги ҳолларда ундирувчига қайтарилади:

1) ундирувчининг аризасига биноан;

2) агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтказиб юборилган бўлса;

3) агар қарздорнинг манзилини ёки унинг мол-мулки турган жойни аниқлаш ёхуд банклар ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақлар ва омонатларда қарздорга қарашли пул маблағлари ва бошқа қимматликлар турганлиги ёки сақланаётганлиги тўғрисида маълумотлар олиш мумкин бўлмаса (ушбу Қонунга мувофиқ қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

4) агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан суд ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлса;

5) агар ундирувчи ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкини ўзига олишни ёки ижро ҳужжатида кўрсатилган ва қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишни рад қилса;

6) агар ундирувчи ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3, 4, 5, 6-бандларида кўрсатилган асослар бўйича ундирувни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда суд ижрочиси бу ҳақда тегишли далолатнома тузади, далолатномани катта суд ижрочиси тасдиқлайди.

Ижро ҳужжатининг ундирувчига қайтарилиши мазкур ҳужжатни ушбу Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқариладиган муддат доирасида янгидан ижрога топшириш учун тўсиқ бўлмайди.

Ижро ҳужжати ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 5-бандларида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилганда, ундирувчига ушбу Қонуннинг 76-моддасида назарда тутилган бўнак бадали тўлиқ қайтарилади.

Ижро ҳужжати ушбу модда биринчи қисмининг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилган ҳолларда бўнак бадалининг суд ижрочиси қайтарилаётган ижро ҳужжатини ижро этиш юзасидан қилган харажатларидан ортиқча қисмигина қайтарилади.

Ундирувчига ижро ҳужжати ва бўнак бадалини қайтариш тўғрисида суд ижрочиси қарор чиқаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиқлайди. Ижро этилган ижро ҳужжати уни берган суд ёки бошқа органга қайтарилади.

### 41-модда. Ижро иши юритишни тамомлаш

Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда тамомланади:

ижро ҳужжати амалда ижро этилганда;

ижро ҳужжати уни берган суд ёки бошқа органнинг ёхуд ундирувчининг талабига биноан ижро этилмасдан қайтарилганда;

ижро ҳужжати ушбу Қонуннинг 40-моддасида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилганда;

ижро ҳужжати ушбу Қонун 25-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ ижро этиш учун бошқа суд ижрочисига юборилганда;

ижро иши юритиш тугатилганда.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради.

### 42-модда. Қарздорни, унинг мол-мулкини ёки болани қидириш

Алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказганлик оқибатидаги зарарни қоплаш тўғрисидаги ёхуд боқувчисининг вафоти натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш тўғрисидаги, шунингдек болани олиб қўйиш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздорнинг турган жойи ҳақида маълумотлар бўлмаганда, суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ёки ундирувчининг аризасига кўра қарздорни қидириш тўғрисида қарор чиқаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиқлайди. Бу ҳолда суд ижрочиси қарздорнинг мол-мулкини ёки болани қидириш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро ҳужжатларининг бошқа турлари бўйича суд ижрочиси қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидиришга кетадиган харажатларини ҳамда кўрсатилган харажатлар юзасидан ушбу Қонуннинг 76-моддасига мувофиқ бўнак тўлаш учун ундирувчининг розилиги бўлган тақдирда қидирув эълон қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда ундирувчи қидирув харажатларини тўлашни қарздордан суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир.

Қидирув ижро ҳужжатини ижро этиш жойида, қарздорнинг маълум бўлган охирги яшаш жойида (турган жойида) ёки унинг мол-мулки турган жойида ёхуд ундирувчининг яшаш жойида (турган жойида) эълон қилинади.

Қарздор жисмоний шахсни ва болани қидириш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Қарздор юридик шахсни, шунингдек қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкини қидириш суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

Қарздорни, унинг мол-мулки ва болани қидириш харажатлари қарздордан ундирилади, суд ижрочиси бу ҳақда қарор чиқаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиқлайди. Қарздор жисмоний шахсни ёки болани қидириш бўйича харажатлар ички ишлар органининг аризасига биноан, қарздор юридик шахсни ва қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкини қидириш харажатлари тегишли суд ижрочиси томонидан қилинган харажатлар ҳисоб-китоби асосида аниқланади.

Суд ижрочисининг қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидиришни рад этиш тўғрисидаги ва қидириш харажатларини ундириш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин.

### 43-модда. Йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш

Йўқолган ижро иши юритилиши суд томонидан ишда иштирок этган шахсларнинг, ижро иши юритилиши тарафларининг, суд ижрочисининг, прокурорнинг, шунингдек ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органнинг ташаббусига биноан тикланиши мумкин.

Йўқолган ижро иши юритилиши тўлиқ ёки у суд фикрига кўра тикланиши зарур деб ҳисоблаган қисмида тикланади.

Йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш тўғрисидаги ариза ижро этиладиган жойдаги судга берилади.

Аризада ижро ишини юритилишига доир маълумотлар тўлиқ баён этилиши лозим. Аризачида сақланиб қолган ва ижро ишини юритилишига дахлдор бўлган ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари аризага илова қилинади.

Суд ишни кўраётганда ижро иши юритишнинг сақланиб қолган қисмидан, иш йўқолгунига қадар ундан жисмоний ва юридик шахсларга олиб берилган ҳужжатлардан, бу ҳужжатларнинг нусхаларидан, шунингдек ижро иши юритилишига дахлдор бўлган бошқа маълумотнома ва ҳужжатлардан фойдаланади.

Суд ижро ҳаракатларини бажариш вақтида иштирок этган ёки ҳозир бўлган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиши мумкин.

Тўпланган материаллар йўқолган ижро иши юритилишини аниқ тиклаш учун етарли бўлмаса, суд ажрим чиқариб, ижро иши юритилишини тиклаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни тугатади. Бу ҳолда аризачи умумий тартибда даъво тақдим этишга ҳақли.

Аризачи йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш тўғрисидаги иш кўриб чиқилиши вақтида суд томонидан қилинган суд харажатларини тўлашдан озод қилинади. Била туриб, ёлғон ариза берилган бўлса, суд харажатлари аризачидан ундириб олинади.

## 4-БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ АСОСИ ВА ЧОРАЛАРИ

44-модда. Мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш
45-модда. Мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш асоси
46-модда. Мажбурий ижро этиш чоралари

### 44-модда. Мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш

Мажбурий ижро этиш чоралари тўғри расмийлаштирилган ижро ҳужжати қонунда белгиланган тартибда топширилганда ҳамда ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида суд ижрочиси томонидан қарор қабул қилинганда қўлланилади.

### 45-модда. Мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш асоси

Ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

### 46-модда. Мажбурий ижро этиш чоралари

Қуйидагилар мажбурий ижро этиш чоралари ҳисобланади:

1) мол-мулкни хатлаш ва уни реализация қилиш йўли билан ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш;

2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига ва пул маблағларига қаратиш;

3) ундирувни қарздорнинг иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш;

4) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш;

5) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар.

## 5-БОБ. УНДИРУВНИ ҚАРЗДОРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА ҚАРАТИШ

47-модда. Ундирувни қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш тартиби
48-модда. Сўмда ҳисобланадиган қарз ундирувини қарздорнинг чет эл валютасидаги пул маблағларига қаратиш тартиби
49-модда. Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш
50-модда. Ундирувни қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган мол-мулкига қаратиш
51-модда. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш
52-модда. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк
53-модда. Қарздорнинг мол-мулкини хатлаш
54-модда. Қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш
55-модда. Мол-мулкни сақлаш
56-модда. Хатланган мол-мулкни реализация қилиш
57-модда. Ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёларни ундирувчига топшириш

### 47-модда. Ундирувни қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш тартиби

Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш қарздорнинг мол-мулкини хатлаш (рўйхатга олиш), олиб қўйиш ва мажбурий реализация қилишдан иборатдир.

Ижро ҳужжатлари бўйича жисмоний ва юридик шахслардан ундирув биринчи навбатда қарздорнинг сўм ва чет эл валютасидаги пул маблағларига ҳамда бошқа қимматликларига, шу жумладан банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги пул маблағларига ҳамда ўзга қимматликларига қаратилади.

Қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақлашга қўйилган пул маблағлари ва бошқа қимматликлари тўғрисида маълумот мавжуд бўлса, улар хатланади. Қарздорнинг маълум бўлиб қолган тегишлича сўмдаги нақд пули ёки банклардаги ёхуд бошқа кредит ташкилотларидаги сўмлари етарли бўлмаса, ундирув қарздордаги мавжуд нақд чет эл валютасига ёхуд унинг банклардаги ёки бошқа кредит муассасаларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақланаётган валютасига қаратилади.

Қарздор ундирув биринчи навбатда қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатишга ҳақли.

Қарздорнинг ундирувчи талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, ундирув қарздорга тегишли бўлган бошқа мол-мулкка қаратилади, қонунга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.

Қарздор мол-мулкининг у ёки бу турига ундирув қаратиш навбатини суд ижрочиси мазкур мол-мулкнинг ликвидлигини инобатга олган ҳолда белгилайди.

Қарздорнинг мол-мулкига, шу жумладан нақд пул маблағлари ва банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ҳамда омонатларида турган ёки сақлашга қўйилган пул маблағларига ва бошқа қимматликларига ундирув ижро харажатларини ҳисобга олган ҳолда ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур бўлган миқдорда ва ҳажмда қаратилади.

Қарздор бошқа шахслар билан умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулкка эга бўлган ҳолларда ундирув унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган улушига қаратилади.

### 48-модда. Сўмда ҳисобланадиган қарз ундирувини қарздорнинг чет эл валютасидаги пул маблағларига қаратиш тартиби

Суд ижрочиси қарздорнинг маълум бўлиб қолган ва олиб қўйилган чет эл валютасидаги нақд пул маблағини у олиб қўйилган куннинг эртасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ҳуқуқидан фойдаланувчи банкка сотиш учун топширади.

Қарздорнинг чет эл валютасидаги хатланган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ҳуқуқидан фойдаланувчи банкдаги банк ҳисобварағида, омонатида турган ёки сақланаётган бўлса, суд ижрочиси ўз қарори билан банк зиммасига ижро харажатларини инобатга олган ҳолда ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур ҳажмда чет эл валютасини сотиш мажбуриятини юклайди.

Агар банк Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, суд ижрочиси унинг зиммасига чет эл валютасини шундай ҳуқуқдан фойдаланувчи банкка ўтказиш мажбуриятини юклайди.

### 49-модда. Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш

Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш, ушбу мол-мулкнинг қарздорга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, белгиланган тартибда амалга оширилади.

### 50-модда. Ундирувни қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган мол-мулкига қаратиш

Ундирувни қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган мол-мулкига, шу жумладан унинг чет эл банкларидаги пул маблағларига қаратиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

### 51-модда. Ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш

Қарздорнинг гаров билан таъминланмаган мол-мулки унга нисбатан қўйилган барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, ундирув унинг гаровга қўйилган мол-мулкига қаратилади, бунда гаровга олувчининг белгиланган ҳуқуқларига, шунингдек ушбу Қонуннинг 6-бобида назарда тутилган қоидаларга риоя этилади.

Қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулкини ўзида қолдирган гаровга олувчи ўзининг талабига нисбатан устунликка эга бўлган кредиторларнинг талабларини гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ошмаган миқдорда қаноатлантириши шарт.

### 52-модда. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк

Ижро ҳужжатлари ижро этилаётганда жисмоний шахсларга нисбатан ундирув қарздорнинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй- жой, квартира, уй анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмларга қаратилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### 53-модда. Қарздорнинг мол-мулкини хатлаш

Қарздорнинг мол-мулки ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор қарздорга топширилган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечиктирмай, зарур ҳолларда эса, уни топшириш билан бир вақтда хатланади.

Қарздорнинг мол-мулкини хатлаш мол-мулкни рўйхатга олишдан, уни тасарруф қилиш ман этилганлигини эълон қилишдан, зарур ҳолларда эса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклашдан, уни олиб қўйиш ёки сақлашга топширишдан иборатдир. Чеклашнинг турлари, ҳажми ва муддатларини ҳар бир муайян ҳолда мол-мулкнинг хусусиятини, унинг мулкдори ёки эгаси учун аҳамиятини ҳисобга олиб, суд ижрочиси белгилайди.

Қарздорнинг хатланган мол-мулкини тасарруф қилиш юзасидан суд ижрочисининг тақиқини бузиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланганлигига риоя қилмаслик қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Хатлаш қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

ундирувчига олиб бериладиган ёки реализация қилинадиган қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлаш мақсадида;

жавобгарга тегишли бўлиб, унинг ўзида ёки бошқа шахсларда турган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги суд ажрими ижро этилаётганда.

Хатланган мол-мулкни олиб қўйиб, реализация қилиш учун топшириш суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда, бироқ хатлангандан кейин камида беш кундан сўнг амалга оширилади.

Суд ижрочиси муайян ижро иши юритиш ҳолатларидан келиб чиқиб, мол-мулкни хатлаш билан бир вақтда ушбу мол-мулкни ёки унинг айрим ашёларини олиб қўйишга ҳақли.

Олиб қўйилган тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ашёлар дарҳол реализация қилиш учун топширилади.

Қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олиш пайтида аниқланиб, хатланган сўмлар ва чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металлардан, қимматбаҳо тошлардан, марвариддан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар, шунингдек ана шундай буюмларнинг резгилари ва алоҳида қисмлари (бўлаклари) олиб қўйилиши шарт.

### 54-модда. Қарздорнинг мол-мулкини баҳолаш

Рўйхатга олинган мол-мулк суд ижрочиси томонидан рўйхатга олиниши лозим бўлган мол-мулк турларига бўлган талаб ва таклифнинг бозор конъюнктураси ҳолати тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида, ижро этиш кунида амалда бўлган нархларда баҳоланади.

Зарур ҳолларда, суд ижрочиси мол-мулк қийматини аниқлаш учун мутахассисни жалб этади.

Қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа рўзғор буюмлари, нодир буюмлар, асл тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари рўйхатга олиниб, албатта мутахассислар иштирокида баҳоланади, сўнгра (уч сутка ичида) масъулиятли сақлаш учун банкка топширилади, муайян турдаги бойликлар музейга ёки уларнинг сақланиш

шароитларини таъминловчи бошқа махсус муассасага топширилиши лозимлиги тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

### 55-модда. Мол-мулкни сақлаш

Қарздорнинг мол-мулки сақлаш учун қарздорга ёки суд ижрочиси тайинлаган бошқа шахсларга (бундан буён матнда сақловчи деб юритилади) мол-мулкни хатлаш далолатномасига имзо қўйдирган ҳолда топширилади. Агар мол-мулкнинг хоссаларига кўра ундан фойдаланиш унинг йўқ бўлиб кетишига ёки қиммати пасайишига олиб келмаса, сақловчи ундан фойдаланиши мумкин.

Сақловчи, агар қарздор унинг ўзи ёки унинг оила аъзолари (қарздор юридик шахс бўлса, унинг ходими) бўлмаса, сақлаганлиги учун тегишли ҳақ олади. Сақловчининг мол-мулкни сақлаш учун қилган зарур харажатлари ҳам мазкур мол-мулкдан фойдаланиш орқали амалда олган фойдаси чегириб ташланган ҳолда қопланади.

Хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 56-модда. Хатланган мол-мулкни реализация қилиш

Қарздорнинг хатланган мол-мулкини реализация қилиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хатлаш асослари ва мол-мулк турларидан қатъи назар, хатланган кундан бошлаб икки ой ичида уни сотиш йўли билан амалга оширилади, қонунга мувофиқ муомаладан чиқарилган мол-мулк бундан мустасно.

Қарздорнинг мол-мулки шартнома-воситачилик асосларида ёки аукцион савдоси шартларига мувофиқ реализация қилинади, кўчмас мулк бундан мустасно.

Қарздорнинг кўчмас мулки ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ким ошди савдоси ўтказиш йўли билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сотилади.

Агар мол-мулк икки ой ичида реализация қилинмаса, ундирувчига мол-мулкни баҳоланган суммада ўзида қолдириш ҳуқуқи берилади. Ундирувчи мол-мулкни олишдан воз кечган тақдирда, у қарздорга қайтарилади, ижро иши юритиш эса тугатилади.

Қарздор қарзини ва суд ижрочиси мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда қилган чиқимларни тўла узганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ундирувни амалга оширувчи суд ижрочисига тақдим этган тақдирда, олиб қўйилган ва реализация қилинмаган мол-мулк қарздорга қайтарилади. Бу ҳолларда ижро этилмаган инкассо топшириқлари ҳам қайтариб олинади.

### 57-модда. Ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёларни ундирувчига топшириш

Ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёларни ундирувчига топшириш тўғрисидаги қарорга кўра суд ижрочиси бу ашёларни қарздордан олиб қўяди ва топшириш далолатномасини тузиб, уларни ундирувчига топширади. Ундирувчи мазкур ашёлардан воз кечган тақдирда, улар қарздорга қайтарилади, ижро иши юритиш эса тугатилади.

## 6-БОБ. УНДИРУВНИ ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСНИНГ МОЛ-МУЛКИГА ҚАРАТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ ХАТЛАШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

58-модда. Ундирувни қарздор юридик шахснинг
пул маблағларига қаратиш
59-модда. Ундирувни қарздор юридик шахснинг
бошқа мол-мулкига қаратиш
60-модда. Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини
хатлаш ва реализация қилиш навбати
61-модда. Ундирув қарздор юридик шахснинг мол-мулкига
қаратилганда ижрони таъминлаш чоралари
62-модда. Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилганда
ва тугатилганда ундирувни қаратиш тартиби
63-модда. Ким ошди савдосини ўтказишга тайёргарлик кўриш

### 58-модда. Ундирувни қарздор юридик шахснинг пул маблағларига қаратиш

Қарздор юридик шахс кассасининг сейфларида сақланаётган ва бу кассанинг алоҳида ажратилган хонасида ёки қарздор юридик шахснинг бошқа биноларида бўлган сўмдаги ва чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари улар аниқланиши биланоқ, қарзни узиш ва ижро бўйича харажатларни қоплаш учун зарур бўлган миқдорда дарҳол олиб қўйилиши лозим.

Олиб қўйилган сўмдаги пул маблағлари эртаси кундан кечиктирмай қарзга тенг миқдорда ундирувчининг ҳисобварағига ўтказиш учун банкка топширилади. Ижро этиш бўйича харажатларни қоплаш учун мўлжалланган ижро йиғими суммаси суд ижрочиларининг депозит ҳисобварағига ўтказилиб, сўнгра ана шу сумма ҳисобидан ижро харажатлари қопланади.

Суд ижрочиси қарздор юридик шахснинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш чораларини кўради.

### 59-модда. Ундирувни қарздор юридик шахснинг бошқа мол-мулкига қаратиш

Қарздор юридик шахснинг қарзларни узиш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, ундирув унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, қаерда ва кимнинг фойдаланишида бўлишидан қатъи назар, бошқа мол-мулкка (муомаладан чиқарилган ёхуд муомалада бўлиши чекланган мол-мулк бундан мустасно) қаратилади. Бу мол-мулк ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда хатланади ёки унга нисбатан бошқа ижро ҳаракатлари амалга оширилади.

### 60-модда. Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилиш навбати

Қарздор юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилиш қуйидаги навбатда амалга оширилади:

биринчи навбатда - ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган мол-мулкка (қимматли қоғозлар, қарздорнинг депозитдаги ва бошқа ҳисобварақларидаги пул маблағлари, валюта бойликлари, енгил автотранспорт, офис дизайни ашёлари ва бошқаларга) нисбатан;

иккинчи навбатда - тайёр маҳсулот (товарлар), шунингдек ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган ва бевосита қатнашишга мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликларга нисбатан;

учинчи навбатда - кўчмас мулк объектлари, шунингдек хом ашё ва материаллар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишга мўлжалланган бошқа асосий воситаларга нисбатан.

### 61-модда. Ундирув қарздор юридик шахснинг мол-мулкига қаратилганда ижрони таъминлаш чоралари

Учинчи навбатда реализация қилинадиган давлатга қарашли мол-мулк хатлаб қўйилганда суд ижрочиси хатлаш амалга оширилгандан кейин уч кунлик муддат ичида хатланган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати тўғрисидаги, шунингдек ундирувчининг талаблари суммаси тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда қарздорнинг мол-мулки хатланганлиги ҳақидаги хабарномани давлат мулкини тасарруф этиш ваколатига эга органнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига юборади. Мазкур хабарноманинг нусхаси қарздор юридик шахс томонидан бюджетга тўловлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар амалга оширилишини назорат қилувчи солиқ органига юборилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг таклифига кўра, суд ижрочиси ундирувнинг қарздор юридик шахс мол-мулкига қаратилганлиги ҳақидаги хабарни матбуотда эълон қилади.

Суд ижрочиси банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органидан қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судида иш юритишни қўзғатиш юзасидан ҳаракатларни амалга оширганлиги ҳақида хабарнома олган тақдирда, қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судида иш юритиш қўзғатилгунга қадар ижро этишни кечиктириш ҳақида процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ариза билан мурожаат этади.

Қарздор юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судида иш юритиш қўзғатилган бўлса, ижро иши юритиш ва ундирув қаратилган мол-мулкни реализация қилиш масала моҳиятан хўжалик суди томонидан кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб турилади.

### 62-модда. Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда ундирувни қаратиш тартиби

Қарздор юридик шахс қайта ташкил этилган (қўшиб юборилган, қўшиб олинган, бўлинган, ажратиб чиқарилган, ўзгартирилган) тақдирда, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор юридик шахснинг мажбуриятлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига жавобгарлик юклатилган юридик шахснинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратилади.

Қарздор юридик шахс тугатилган тақдирда, суд ижрочисининг ижросида турган ижро ҳужжатлари ижро учун тугатиш комиссиясига (тугатувчига) топширилади.

Суд ижрочиси ижро ҳужжати тугатиш комиссиясига (тугатувчига) юборилганлигини ундирувчига маълум қилади.

### 63-модда. Ким ошди савдосини ўтказишга тайёргарлик кўриш

Қарздорнинг кўчмас мулкини ким ошди савдосида сотиш ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Суд ижрочисининг ким ошди савдосига қўйиладиган мол-мулкнинг энг кам дастлабки (бошланғич) нархи кўрсатилган буюртмаси ёки тегишли ихтисослаштирилган ташкилот билан тузган шартномаси ким ошди савдосини ўтказиш учун асос бўлади.

Буюртма ёки шартномага қуйидагилар илова қилинади:

ижро ҳужжатининг нусхаси;
суд ижрочиси тузган қарздор мол-мулкини хатлаш далолатномасининг нусхаси;
кўчмас мулк объектини тавсифловчи ҳужжатлар;
мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ёки мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари.

Узоқ муддатли ижара ҳуқуқини сотишда суд ижрочиси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни илова қилади:
ижара шартномасининг нусхаси;
ижара шартномасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
ижарага берувчининг ундирувни узоқ муддатли ижара ҳуқуқига қаратишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат ёки агар ижара ҳуқуқи ижарага олувчи томонидан ким ошди савдоси натижасида олинган бўлса, узоқ муддатли ижара ҳуқуқини ижарага берувчининг розилигисиз ўтказиш имконини берувчи ҳужжат.

Қурилиши тугалланмаган объектга бўлган ҳуқуқни сотишда суд ижрочиси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни илова қилади:
ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарор нусхаси;
тегишли давлат органининг қурилиш учун рухсатномаси нусхаси;
буюртмачининг таъсис ҳужжатлари нусхаси.

## 7-БОБ. ҚАРЗДОРНИНГ ИШ ҲАҚИ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ТЎЛОВЛАРГА НИСБАТАН УНДИРУВ

64-модда. Ундирувни қарздорнинг иш ҳақи ва
унга тенглаштирилган тўловларга қаратиш
65-модда. Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган
тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар
миқдорини ҳисоблаб чиқариш
66-модда. Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган
тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдори
67-модда. Ундирувни жазони ўтаётган қарздорнинг
иш ҳақига қаратиш
68-модда. Ундирувни ижтимоий суғурта нафақасига қаратиш
69-модда. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган суммалар
70-модда. Алиментлар ва алимент мажбуриятлари
бўйича қарзларни ундириш тартиби

### 64-модда. Ундирувни қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратиш

Даврий тўловларни ундириш, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан ошмаган миқдордаги суммани ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда ундириладиган суммани тўлиқ узиш учун қарздорнинг мол-мулки бўлмаса ёки мол-мулки етарли бўлмаса, ундирув қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратилади.

### 65-модда. Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдорини ҳисоблаб чиқариш

Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдори солиқлар ушлаб қолингандан кейин қолган суммадан ҳисоблаб чиқарилади.

### 66-модда. Қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдори

Ижро ҳужжатлари бўйича қарз тўлиқ узилгунга қадар, қарздорга тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг кўпи билан эллик фоизи ушлаб қолиниши мумкин.

Бир неча ижро ҳужжати бўйича ундирув иш ҳақига ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратилганда, ходимда иш ҳақининг эллик фоизи сақланиши лозим.

### 67-модда. Ундирувни жазони ўтаётган қарздорнинг иш ҳақига қаратиш

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсдан ижро ҳужжатлари бўйича ундирув суд ҳукми ёки қарорига кўра амалга оширилган ушлаб қолиш суммасини ҳисобга олмаган ҳолда иш ҳақининг тўлиқ суммаси ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Жазони ижро этиш колонияларида, тарбия колониялари ва қамоқхоналарда жазо ўтаётган шахслардан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслардан ундирув бутун иш ҳақидан, иш ҳақининг уларнинг мазкур муассасалардаги таъминоти бўйича харажатларни қисман қоплаш учун ажратиладиган қисмини ҳам қўшган ҳолда амалга оширилади.

### 68-модда. Ундирувни ижтимоий суғурта нафақасига қаратиш

Алиментлар ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ундирув фақат суднинг қарорига биноан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда тўланадиган ижтимоий суғурта нафақаларига ва ишсизлик нафақаларига қаратилиши мумкин.

### 69-модда. Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган суммалар

Ундирув қуйидаги пул суммаларига қаратилиши мумкин эмас:

майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги сабабли кўрилган зарарни тўлаш суммаларига;

хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида майиб бўлган (яраланган, шикастланган, контузияга учраган) шахсларга ва мазкур шахслар ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда уларнинг оила аъзоларига тўланадиган суммаларга;

бола туғилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга;

алимент мажбуриятлари бўйича тўланадиган суммаларга;

меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун тўланадиган суммаларга, шунингдек радиация таъсирига учраган шахсларга ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда тўланадиган суммаларга;

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича тўланадиган нафақа суммаларига;

дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа суммаларига;

қисман ҳақ тўланадиган таътил даврида болани парваришлаш учун тўланадиган суммаларга;

бола туғилиши, қариндошлар вафот этиши, никоҳ тузиш муносабати билан корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан тўланадиган суммаларга;

меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганда ишдан бўшатиш нафақаси тариқасида тўланадиган суммаларга.

### 70-модда. Алиментлар ва алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни ундириш тартиби

Алиментлар ва алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси билан белгиланади.

## 8-БОБ. МУЛКИЙ ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛМАГАН НИЗОЛАР БЎЙИЧА ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

71-модда. Қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатларини ижро этишнинг умумий шартлари
72-модда. Ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш
73-модда. Қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш
74-модда. Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

### 71-модда. Қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатларини ижро этишнинг умумий шартлари

Суд ижрочиси қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритишни қўзғатаётганда уларни ихтиёрий равишда ижро этиш учун унга беш кунлик муддат белгилайди.

Ижро этиш мумкин бўлмаган тақдирда, суд ижрочиси ижро ҳужжатини уни берган судга ёки бошқа органга қайтариш тўғрисида қарор чиқаради.

### 72-модда. Ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

Ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжати, башарти у билан тузилган меҳнат шартномаси қонунга хилоф равишда бекор қилинган ёки у қонунга хилоф равишда бошқа ишга ўтказилган бўлса, дарҳол ижро этилади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги ўзининг ноқонуний фармойишини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариб, ходим илгариги меҳнат мажбуриятларини бажаришга амалда қўйилган вақтдан бошлаб тамомланган ҳисобланади.

### 73-модда. Қарздорни кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

Қарздорни кўчириш  тўғрисидаги ижро ҳужжати суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этилмаган тақдирда кўчириш суд ижрочиси томонидан мажбурий тартибда амалга оширилади.

Суд ижрочиси мажбурий кўчириш куни ва вақти тўғрисида қарздорга расман маълум қилади. Кўчириш куни тўғрисида хабардор қилинган қарздорнинг ҳозир бўлмаслиги  ижро ҳужжатини ижро этиш учун тўсқинлик қилмайди.

Кўчириш ижро ҳужжатида кўрсатилган хонани кўчирилувчидан, унинг мол-мулкидан, уй ҳайвонларидан бўшатишдан ва кўчирилувчининг бўшатилган хонадан фойдаланишини ман қилишдан иборат бўлади.

Кўчириш холислар иштирокида, зарур ҳолларда - ички ишлар органлари ходимларининг кўмагида, суд ижрочиси томонидан  мол-мулкни  албатта хатлаган ҳолда амалга оширилади.

Суд ижрочиси зарур ҳолларда қилинадиган харажатларни қарздорнинг зиммасига юклаган ҳолда унинг мол-мулки сақланишини таъминлайди. Мол-мулк кўпи билан уч йил сақлаб турилади,  бу муддат ўтгач,  мол-мулк  эгасиз ашёни реализация қилиш учун  қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинади. Мол-мулкни реализация қилишдан тушган маблағ бюджет даромадига ўтказилади.

Кўчириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш суд ижрочиси томонидан кўчириш тўғрисида далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади.

### 74-модда. Ундирувчини кўчириб  киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш

Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжати ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси  белгилаган муддатда ижро этилмаган тақдирда, кўчириб киритиш суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

Кўчириб киритиш суд ижрочиси томонидан ундирувчининг ижро ҳужжатида кўрсатилган хонага монеликсиз киришини ва унда яшашини таъминлашдан иборат бўлади. Бунда қарздорга мажбурий кўчириб киритиш амалга оширилаётгани ва у ундирувчининг яшашига монелик қилмаслиги шарт эканлиги тушунтирилади.

Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг ижро этилишига қарздор монелик қилган тақдирда,  ижро ҳаракатлари  холислар иштирокида, зарур ҳолларда эса - ички ишлар органлари ходимларининг  кўмагида амалга оширилади. Ундирувчининг яшашига монелик қилиш кейинчалик ҳам давом этса, мазкур ҳаракатлар яна амалга оширилади ва ушбу Қонуннинг 82-моддасида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш суд ижрочиси томонидан кўчириб киритиш тўғрисида далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади.

Агар ундирувчининг тегишли хонадан ҳар куни монеликсиз фойдаланиш имконияти таъминланган бўлса, ижро ҳужжати ижро этилган ҳисобланади.

Агар ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисида далолатнома тузилганидан кейин қарздор ундирувчининг яшашига яна монелик қилса, ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритиш янгидан тикланиши мумкин.

Ижро ҳужжати бўйича қарздор бўлмаган шахс ундирувчининг яшашига монелик қилса, ижро иши юритиш қайта тикланмайди. Бундай ҳолда кўчириб киритиш тўғрисидаги масала суд тартибида ҳал қилинади.

## 9-БОБ. ИЖРО ИШИ ЮРИТИШДАГИ ХАРАЖАТЛАР

75-модда. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари
76-модда. Харажатларнинг ундирувчи томонидан

бўнак билан таъминланиши
77-модда. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларини қоплаш тартиби

## 75-модда. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари

Суд ижрочиларининг депозит ҳисобварағида бўлиб, ижро ҳаракатларини ташкил этиш ва амалга оширишга сарфланган маблағлар, шунингдек ижро ишини юритишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахсларнинг маблағлари ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳисобланади. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларига қуйидагилар киради:

қарздорнинг мол-мулкини ташиш, сақлаш ва реализация қилишга сарфланган маблағлар;

ижро ҳаракатларини амалга оширишга белгиланган тартибда жалб этилган таржимонлар, мутахассислар ва бошқа шахсларга ҳақ тўлашга сарфланган маблағлар;

ундирилган суммаларни ундирувчига почта орқали ўтказишга (жўнатишга) сарфланган маблағлар;

қарздорни, унинг мол-мулкини ёки қарздордан суднинг қарори бўйича олиб қўйилган болани қидиришга сарфланган маблағлар;

ижро ҳужжатини ижро этиш жараёнида амалга ошириладиган бошқа зарур ижро ҳаракатларига сарфланган маблағлар.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим.

## 76-модда. Харажатларнинг ундирувчи томонидан бўнак билан таъминланиши

Ижро ҳаракатлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ундирувчи суд ижрочиларининг депозит ҳисобварағига тегишли харажатларни ёхуд уларнинг бир қисмини амалга ошириш учун етарли миқдорда бўнак бадалини ўтказишга ҳақли.

Ушбу Қонун 42-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ундирувчи қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича тегишли харажатларни тўлиқ бўнак билан таъминлашга ҳақли.

Ижро ҳаракатлари тамомланганда бўнак бадали (ушбу Қонуннинг 77-моддасига мувофиқ харажатларнинг қарздор ҳисобидан амалга оширилган қисми) ундирувчига тўлиқ қайтарилади, қарздордан олиб қўйилган ашёларни ундирувчига топшириш бўйича ижро ҳужжатини ижро этишда ундирувчи уларни олишдан асоссиз бош тортганлиги ва ижро ҳужжати ундирувчига қайтарилганлиги ёки у ижро ҳужжатининг ижросига ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан тўсқинлик қилганлиги туфайли ижро иши юритиш тугатилганлиги бундан мустасно. Бу ҳолларда бўнак бадалининг ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларидан ортиқча қисми ундирувчига қайтарилади.

## 77-модда. Ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларини қоплаш тартиби

Ижро ҳаракатларини амалга оширишга кетган харажатлар қарздордан ундирилиб, суд ижрочиларининг депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Агар ундирувчи ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан ижро ҳужжатини ижро этишга тўсқинлик қилиб, ижро ҳужжатини ижро этиш пайтида қарздордан олиб қўйилган ашёларни қабул қилишдан асоссиз бош тортганлиги сабабли ижро иши юритиш тугатилса, ижро ҳужжатини ижро этиш ва уни ундирувчига қайтариш учун кетган харажатлар ундирувчидан ундирилади. Бундай ҳолларда харажатларни ундириш суд ижрочисининг қарорига асосан амалга оширилади.

Суд ижрочиси қарорининг нусхаси тарафларга уч кунлик муддатда юборилади.

Суд ижрочисининг қарори юзасидан судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

Ушбу Қонун 42-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидиришга кетган харажатларни қоплашни қарздор рад этган ёки ундан бўйин товлаган тақдирда, уларни қоплаш тўғрисидаги масала ундирувчининг аризасига биноан ёки суд ижрочисининг ташаббуси билан суд тартибида ҳал қилинади. Бунда ундирувчи ёки суд ижрочиси давлат божи тўлашдан озод этилади.

## 10-БОБ. УНДИРИЛГАН ПУЛ СУММАЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА УНДИРУВЧИ ТАЛАБЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШНИНГ НАВБАТИ

78-модда. Ундирилган пул суммасини тақсимлаш
79-модда. Ундирувчиларнинг талабларини
қаноатлантириш навбати
80-модда. Ундирувлар навбати

### 78-модда. Ундирилган пул суммасини тақсимлаш

Суд ижрочиси қарздордан ундирган, шу жумладан унинг мол-мулкини реализация қилиш йўли билан олган пул суммасидан ижро ҳужжатини ижро этиш жараёнида қарздорга солинган жарималар тўланади, ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари қопланади. Қолган пул суммасидан ундирувчининг талабларини қаноатлантириш учун фойдаланилади.

Ундирувчининг барча талаблари қаноатлантирилгандан кейин қолган пул суммаси қарздорга қайтарилади.

### 79-модда. Ундирувчиларнинг талабларини қаноатлантириш навбати

Қарздордан ундирилган пул суммаси ижро ҳужжатлари бўйича барча талабларни қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, бу сумма ундирувчилар ўртасида ушбу Қонуннинг 80-моддасида белгиланган навбат бўйича тақсимланади.

Ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбатдаги талаблар тўлиқ қондирилгандан кейин қаноатлантирилади.

Ундирилган сумма бир навбатдаги барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, улар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага мутаносиб равишда қаноатлантирилади.

### 80-модда. Ундирувлар навбати

Биринчи навбатда: бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича талаблар; меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар; алиментлар ундириш бўйича талаблар; муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни тўлаш бўйича талаблар; ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар; адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлаш бўйича талаблар қаноатлантирилади.

Иккинчи навбатда: ижтимоий суғурта бўйича талаблар; жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар қаноатлантирилади.

Учинчи навбатда мажбурий суғурта органларининг талаблари қаноатлантирилади.

Тўртинчи навбатда гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан ундирув тўғрисидаги гаров билан таъминланган талаблар қаноатлантирилади.

Бешинчи навбатда жисмоний ва юридик шахсларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари қаноатлантирилади.

Олтинчи навбатда қолган барча талаблар қаноатлантирилади.

## 11-БОБ. ИЖРО ҲУЖЖАТИНИ ИЖРО ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК


81-модда. Ижро ҳужжатини банк ёки бошқа кредит
ташкилоти томонидан ижро этмаганлик
учун жавобгарлик
82-модда. Жисмоний шахсларнинг ижро ҳужжатини
ижро этмаганлик учун жавобгарлиги


### 81-модда. Ижро ҳужжатини банк ёки бошқа кредит ташкилоти томонидан ижро этмаганлик учун жавобгарлик

Ижро ҳужжати топширилган банк ёки бошқа кредит ташкилоти пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун уларга суд томонидан ундирилиши лозим бўлган сумманинг эллик фоизигача миқдорда жарима солинади.

### 82-модда. Жисмоний шахсларнинг ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлиги

Ижро ҳужжати уни ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаган тақдирда ёки қарздор зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжати узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этилмаган тақдирда, суд ижрочиси жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваригача миқдорда жарима солади.

## 12-БОБ. СУД ИЖРОЧИСИНИНГ МАҚОМИ


83-модда. Суд ижрочиси
84-модда. Суд ижрочиларининг ҳуқуқлари
85-модда. Суд ижрочиларининг мажбуриятлари
86-модда. Суд ижрочисининг қарори
87-модда. Суд ижрочисининг талабларини
бажаришнинг мажбурийлиги
88-модда. Суд ижрочиларининг жавобгарлиги
89-модда. Суд ижрочиларининг ижтимоий ҳимояси
90-модда. Суд ижрочилари фаолиятининг
молиялаштирилиши ва моддий-
техника таъминоти


### 83-модда. Суд ижрочиси

Қоида тариқасида, олий юридик ёки ўрта махсус (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси суд ижрочиси бўлиши мумкин. Суд ижрочиларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Суд ижрочиси ҳокимият вакили ҳисобланади ва у хизмат вазифаларини бажараётганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунадаги махсус кийимда бўлади.

Суд ижрочиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари ходимлари даража унвонлари берилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг суд қарорларини ижро этиш бўлими бошлиғи ва мутахассислари, шу департамент ҳудудий бўлимларининг суд қарорларини ижро этиш масалалари бўйича бош ва етакчи инспекторлари суд ижрочилари мақомига эга.

## 84-модда. Суд ижрочиларининг ҳуқуқлари

Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур ахборот, тушунтириш ва маълумотномалар олиш;

ишлаётган қарздорларга нисбатан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ва молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро иши юритишга мувофиқ текширувдан ўтказиш;

ижро иши юритишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш;

қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларга кириш, мазкур бинолар ва омборларни кўздан кечириш, зарурат бўлганда уларни очиш, шунингдек суд ажрими асосида бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган бинолар ва омборларда амалга ошириш;

қонунга мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;

қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларини қонун ҳужжатларига мувофиқ хатлаш;

олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкидаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, бошқа мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан мол-мулкни ташиш учун сарф-харажатларни қарздорнинг ҳисобига киритган ҳолда фойдаланиш;

ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органдан уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраш;

қарздорга, унинг мол-мулкига ёки болага нисбатан қидирув эълон қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

## 85-модда. Суд ижрочиларининг мажбуриятлари

Суд ижрочиси ўзига берилган ҳуқуқлардан қонунга мувофиқ фойдаланиши ҳамда ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига йўл қўймаслиги шарт.

Суд ижрочиси:

ижро иши юритишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ижро ҳужжатларининг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ижро этилиши чораларини кўриши;

ижро иши юритиш тарафларига ёки уларнинг вакилларига ижро иши юритиш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш имкониятини бериши;

тарафларнинг ижро иши юритиш борасидаги аризаларини ва илтимосномаларини кўриб чиқиши, шикоят қилиш муддатлари ва тартибини тушунтирган ҳолда тегишли қарорлар чиқариши;

агар ўзи ижро иши юритиш жараёнидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини ўзи рад этиши шарт.

Суд ижрочисининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 86-модда. Суд ижрочисининг қарори

Агар суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини амалга оширишда қабул қиладиган қарорлари (ижро иши юритишни қўзғатиш, жарима солиш ва шу кабилар) тарафлар ва бошқа шахслар манфаатларига дахлдор бўлса, суд ижрочиси тегишли қарор чиқаради.

Суд ижрочисининг қарорида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

қарор чиқарилган сана ва жой;

қарорни чиқарган шахснинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми;

қарор қайси ижро иши юритиш юзасидан чиқарилганлиги;

қарор орқали ҳал қилинадиган масала;

қабул қилинаётган қарорнинг суд ижрочиси амал қилган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини кўрсатган ҳолдаги асослари;

кўрилаётган масала бўйича хулоса;

қарор устидан шикоят бериш ёки протест билдириш тартиби ва муддати.

Суд ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

### 87-модда. Суд ижрочисининг талабларини бажаришнинг мажбурийлиги

Суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Суд ижрочилари ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва ҳужжат нусхалари уларнинг талабига кўра бепул ва суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда тақдим этилади.

Суд ижрочисининг талабларини бажармаслик, унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришига монелик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

### 88-модда. Суд ижрочиларининг жавобгарлиги

Суд ижрочисининг хатти-ҳаракатлари устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Суд ижрочилари содир этган ҳуқуқбузарликлари учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Суд ижрочиси томонидан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланиши лозим.

## 89-модда. Суд ижрочиларининг ижтимоий ҳимояси

Суд ижрочилари республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мажбурий суғуртасидан ўтказилиши керак.

Суд ижрочилари ўз хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган ёки уларнинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган ёхуд улар ҳалок бўлган тақдирда суд ижрочисига ёки ҳалок бўлган шахснинг оиласига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда бирйўла бериладиган нафақа тўланади.

Суд ижрочилари ўз хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда уларнинг мол-мулкига етказилган зарар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиб, бу сумма кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

## 90-модда. Суд ижрочилари фаолиятининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти

Суд ижрочилари фаолиятининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Суд ижрочиларининг фаолиятини қўшимча молиялаштириш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментида жамғарма тузилиши мумкин. Ушбу жамғармани ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **И.Каримов**

**ИЛОВА 6**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**
**ФАРМОНИ**
**04.03.1998 й.**
**N ПФ-1938**

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИГИ ВА ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ УЧУН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши шуни кўрсатмоқдаки, қатор хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг боқимандалик кайфияти, масъулиятсизлиги ва ташаббуссизлиги, шартнома мажбуриятларининг бузилиши корхоналарни иқтисодий ночорлик ва банкротликка олиб келмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хўжалик судлари иқтисодий беқарор хўжаликларга нисбатан муросасозликка йўл қўймоқдалар, мазкур корхоналарнинг мансабдор шахсларини қонунда белгиланган жавобгарликка тортмаяптилар. Хўжасизлик ва пул маблагларини беҳуда сарфлаш, улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига хўжалик низоларини кўриб чиқишда етарли баҳо берилмаётир. Судлар корхоналарни банкротликка олиб келувчи дебитор-кредитор қарзларининг юқорилиги ҳамда зарар кўриб ишлашнинг сабабларини етарли даражада ўрганмаяптилар ва аниқламаяптилар. Етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундириш юзасидан аниқ чоралар кўрилмаяпти.

Натижада, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари томонидан жавобгарликни ҳис этмаган ҳолда ўзибўларчилик, совуққонлик ва хизмат мансабини суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўйилиши давом этмоқда. Бундай ҳолатга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди ва кескин чоралар кўрилиши талаб қилинади.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ночорлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг масъулиятини кучайтириш, шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши ва уларга белгиланган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Хўжалик судлари фаолияти республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларига етарли даражада жавоб бермаётир деб топилсин.

Қонун бузувчиларга нисбатан муросасозлик қилишдек номақбул амалиёт, айрим судлар томонидан хўжалик низоларини кўришга юзаки ёндошиш, аксарият ҳолларда уларнинг фаолиятида йўл қўйилаётган сансалорлик ва расмиятчилик ҳолатлари қоралансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоқистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларига:

хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзқатиш;

иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундириш;

пул маблаглари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик

даражасигача олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз фаолиятида хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уни ташкил қилиш масалаларида пала-партишликка ва ноизчилликка йўл қўйиб сусткашлик қилмоқда.

Адлия вазири С.М.Мирсафоевдан:

хўжалик юритувчи субъектлар, энг аввало, уларнинг мансабдор шахслари шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳақидаги қонунчиликда белгиланган чораларни қўлланиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда бу ишда расмиятчилик ва ҳуқуқий саводсизликка барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди билан ўн кунлик муддат ичида шартномалар, шу жумладан қишлоқ хўжалигида контрактация шартномаларини тузиш ва ижро қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, шартнома мажбуриятларини бажаришнинг аҳволини мунтазам ўрганиш ва хўжалик субъектларининг жавобгарлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш талаб қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгардирлар. Пул маблаглари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланилмаганлиги, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва корхоналарни банкрот бўлиш даражасигача етказиш кўрсатиб ўтилган шахсларни қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликкача тортишга олиб келади.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик субъектлари томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин, корхоналарни иқтисодий ночорликка, банкротликка олиб келганлиги ва шартнома мажбуриятларининг лозим даражада бажарилмаганлиги учун мансабдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш тўгрисидаги масалани ҳал қилиб, судларга даъво аризалари тақдим этишни жадаллаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ойлик муддат ичида қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин ва мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон**
**Республикасининг Президенти И.Каримов**

**ИЛОВА 7**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**
**ФАРМОНИ**
**04.03.1998 й.**
**N ПФ-1938**

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИГИ ВА ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ УЧУН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши шуни кўрсатмоқдаки, қатор хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг боқимандалик кайфияти, масъулиятсизлиги ва ташаббуссизлиги, шартнома мажбуриятларининг бузилиши корхоналарни иқтисодий ночорлик ва банкротликка олиб келмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хўжалик судлари иқтисодий беқарор хўжаликларга нисбатан муросасозликка йўл қўймоқдалар, мазкур корхоналарнинг мансабдор шахсларини қонунда белгиланган жавобгарликка тортмаяптилар. Хўжасизлик ва пул маблагларини беҳуда сарфлаш, улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига хўжалик низоларини кўриб чиқишда етарли баҳо берилмаётир. Судлар корхоналарни банкротликка олиб келувчи дебитор-кредитор қарзларининг юқорилиги ҳамда зарар кўриб ишлашнинг сабабларини етарли даражада ўрганмаяптилар ва аниқламаяптилар. Етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундириш юзасидан аниқ чоралар кўрилмаяпти.

Натижада, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари томонидан жавобгарликни ҳис этмаган ҳолда ўзибўларчилик, совуққонлик ва хизмат мансабини суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўйилиши давом этмоқда. Бундай ҳолатга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди ва кескин чоралар кўрилиши талаб қилинади.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ночорлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг масъулиятини кучайтириш, шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши ва уларга белгиланган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Хўжалик судлари фаолияти республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларига етарли даражада жавоб бермаётир деб топилсин.

Қонун бузувчиларга нисбатан муросасозлик қилишдек номақбул амалиёт, айрим судлар томонидан хўжалик низоларини кўришга юзаки ёндошиш, аксарият ҳолларда уларнинг фаолиятида йўл қўйилаётган сансалорлик ва расмиятчилик ҳолатлари қоралансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоқистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларига:

хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзқатиш;

иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундириш;

пул маблаглари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасигача олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини

ва бошқа ходимларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз фаолиятида хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уни ташкил қилиш масалаларида пала-партишликка ва ноизчилликка йўл қўйиб сусткашлик қилмоқда.

Адлия вазири С.М.Мирсафоевдан:

хўжалик юритувчи субъектлар, энг аввало, уларнинг мансабдор шахслари шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳақидаги қонунчиликда белгиланган чораларни қўлланиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда бу ишда расмиятчилик ва ҳуқуқий саводсизликка барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди билан ўн кунлик муддат ичида шартномалар, шу жумладан қишлоқ хўжалигида контрактация шартномаларини тузиш ва ижро қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, шартнома мажбуриятларини бажаришнинг аҳволини мунтазам ўрганиш ва хўжалик субъектларининг жавобгарлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш талаб қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгардирлар. Пул маблаглари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланилмаганлиги, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва корхоналарни банкрот бўлиш даражасигача етказиш кўрсатиб ўтилган шахсларни қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликкача тортишга олиб келади.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик субъектлари томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин, корхоналарни иқтисодий ночорликка, банкротликка олиб келганлиги ва шартнома мажбуриятларининг лозим даражада бажарилмаганлиги учун мансабдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш тўгрисидаги масалани ҳал қилиб, судларга даъво аризалари тақдим этишни жадаллаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ойлик муддат ичида қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин ва мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон**
**Республикасининг Президенти И.Каримов**

**ИЛОВА 8**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ РЕГЛАМЕНТИ

ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг
31.03.2005 й. 128-сонли қарори билан тасдикланган

I. Бўлим. Хўжалик судлари ишларини ташкил қилиш
II. Бўлим. Хўжалик судларининг судлов ҳайъатлари (таркиблари)
III. Бўлим. Хўжалик судларида ишларни кўришни ташкил қилиш
IV. Бўлим.
V. Бўлим.
VI. Бўлим. Хўжалик судлари фаолиятини ташкил
қилиш билан боғлиқ бошқа масалалар

## I. БЎЛИМ. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1-боб. Умумий қоидалар
2-боб. Хўжалик суди раиси. Хўжалик суди раисининг ўринбосари

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари Регламенти (бундан кейин Регламент) Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (бундан кейин Кодекс) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилди. Регламент Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ички фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳамда хўжалик судларининг ўзаро муносабатларини тартибга солади.

Регламент барча хўжалик судлари учун мажбурийдир.

2. Хўжалик судлари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари, шунингдек ушбу Регламентга асосан амалга оширадилар.

Давлат сири билан боғлиқ маълумотларни ичига олган барча масалалар хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа давлат сирларини сақлашни тартибга соладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда кўриб чиқилади.

Ишларни ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича хўжалик судлари Олий хўжалик суди раиси, унинг ўринбосарлари, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг ўз ваколатлари доирасида чиқарган буйруқ, фармойиш ва топшириқларига амал қиладилар.

Таркибий тузилмаларнинг фаолиятини ташкил қилиш учун хўжалик судларида ўз таркибини ҳисобга олган ҳолда "Низом", "Тартиб" ва "Йўриқнома"лар ишлаб чиқилади.

3. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг тузилмалари ва штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган штатлар миқдори доирасида Олий хўжалик суди раиси томонидан белгиланади.

4. Иш юритиш Олий хўжалик суди Раёсати тасдиқлаган "Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларида иш юритиш Йўриқномаси"га мувофиқ олиб борилади.

5. Хўжалик судларида қонун ҳужжатлари кодификациясини юритиш Олий хўжалик суди Раёсати белгилаган тартибда олиб борилади.

6. Хўжалик судларида статистик ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар Олий хўжалик суди Раёсати томонидан тасдиқланган шаклларга мувофиқ олиб борилади.

Статистик ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ва Олий хўжалик судига ўз вақтида тақдим қилиниши учун хўжалик судлари раислари масъулдирлар.

7. Суд фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат қиладиган ташкилот вакиллари ҳамда фуқароларни қабул қилиш Раёсат томонидан тасдиқланган Низом билан тартибга солинади.

Қабул қилиш тартиби ва вақти хўжалик суди раисининг тегишли буйруғи (фармойиши) билан тасдиқланади. Фуқаролар қабули масаласига доир маълумотлар қабулга келганлар учун кўринадиган жойга ўрнатилиши лозим.

8. Олий хўжалик суди биносига фуқароларни қабул қилиш тартиби Раёсат қарори билан белгилаб қўйилади. Хўжалик судлари биноларига фуқароларни киритиш тартиби тегишли хўжалик судлари раисларининг буйруқлари билан белгилаб қўйилади.

Рухсатнома билан киритиш тартиби ишларни кўришда ошкоралик тамойили, судьялар ва хўжалик суди ходимларининг хавфсизлиги, шунингдек хўжалик судларининг тўлиқ фаолият юритиши учун зарур бўлган тартибни сақлашни таъминлаши лозим.

## 2-боб. Хўжалик суди раиси.
## Хўжалик суди раисининг ўринбосари

9. Хўжалик суди раиси "Судлар тўғрисида"ги Қонун ва Хўжалик процессуал кодексида белгиланган ваколатларни амалга ошириш билан биргаликда хўжалик судига раҳбарлик қилади ва унинг фаолиятини ташкиллаштиради.

Хўжалик суди раиси ва унинг ўринбосарлари ташкилий-бошқарув фаолиятининг асосий мақсади одил судловни, судьяларнинг фақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларга қатьий риоя қилгани ҳолда бажарилишини таъминлашдир.

10. Хўжалик суди раиси судьянинг дахлсизлик ва одил судловни амалга ошириш фаолиятида қўйган камчиликларини, унга ва унинг оила аъзоларига жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатишлар, мулкига тажовуз қилиш ҳолатларини аниқлаганда, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 70-моддасида кўрсатилганидек дарҳол тегишли органларга ва Олий хўжалик судига тегишли чоралар кўриш учун хабар бериши керак.

11. Хўжалик судининг раиси юз берган фавқулодда ҳолатлар (портлаш хавфи, ёнғин, табиий офатлар, суд ишлари ва ҳужжатлари ёки мулкнинг ўғирланганлиги ёхуд йўқолганлиги) тўғрисида Олий хўжалик судига дарҳол хабар қилади.

12. Хўжалик судининг раиси хўжалик суди иш фаолиятини ташкиллаштириш масалалари бўйича буйруқ ва фармойишлар чиқаради.

13. Хўжалик судининг раиси:

1) раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

2) ўз ваколатлари доирасида кадрлар масаласини ҳал қилади:
- судьянинг хизмат ваколатига киришиши ёки вазифасидан озод қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига асосан буйруқлар чиқаради;
- судьяларни мукофотлаш масалаларини ҳал қилади, судьяларни Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари ва уларга Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонини бериш бўйича Олий хўжалик судига тақдимномалар киритади;
- Олий хўжалик суди раисига хўжалик судлари судьяларини интизомой жавобгарликка тортиш ҳақида илтимосномалар киритади;
- суд аппарати ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишни амалга оширади;
- қонунда белгиланган тартибда суд аппарати ходимларини мукофотлаш тўғрисида Олий хўжалик судига тақдимнома киритади;
- суд аппарати ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилади;

3) хўжалик суди доирасида ички меҳнат тартибини белгилайди ва бажарилишини назорат қилади;

4) судьяларнинг хўжалик ишларини кўришда ихтисослари бўйича ишларни тақсимлайди ҳамда судьялар ва суд ходимларининг касб-маҳоратини, хуқуқий билимларини, малакасини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштиради;

5) судьялар ва суд ходимларининг узлуксиз суд амалиёти ва статистикасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

6) судлар томонидан кўрилган ишларнинг процессуал муддатини ва бажарилиш тартибини сақлашга қаратилган ташкилий ишларни амалга оширади;

7) хўжалик судлари ишларини режалаштиради ва режанинг амалга оширилишини назорат қилади ҳамда ўз вақтида бажарилишини ташкиллаштиради;

8) судьяларнинг суд ишларини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган ариза ва мурожаатларини ўз вақтида кўришга қаратилган ҳаракатларини амалга оширади.

14. Хўжалик судининг раиси судьялар ва суд аппарати ходимларининг ҳисобот даврида амалга оширилган ишлари тўғрисида Олий хўжалик судига ахборот бериб боради.
Хўжалик судларининг ички фаолияти масалалари бўйича хўжалик суди раиси томонидан тезкор йиғилишлар олиб борилади. Уларнинг кун тартиблари ва муддатлари раис томонидан белгиланади.

15. Хўжалик судининг раиси умумий юрисдикция судлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар, оммавий-ахборот воситалари билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш ишларини ташкиллаштиради.

16. Хўжалик суди раиси суд ишини ташкил этиш бўйича бошқа юклатилган ваколатларни амалга оширади.

17. Хўжалик суди раисининг ўринбосари судъялик ваколати, шунингдек Кодексда белгиланган процессуал ваколатларни амалга ошириш билан биргаликда вазифалар тақсимотига мувофиқ:

1) бошчилик қилаётган судлов ҳайъати (таркиби) фаолиятини ташкил қилади;

2) суд аппаратининг бириктирилган таркибий тузилмаси ишини ташкиллаштиради;

3) суд фаолиятини ташкиллаштириш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.

## II. БЎЛИМ. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИНИНГ СУДЛОВ ҲАЙЪАТЛАРИ (ТАРКИБЛАРИ)

3-боб. Судлов ҳайъатларини (таркибларини) тузиш тартиби
4-боб. Судлов ҳайъати (таркиби) раиси
5-боб. Хўжалик суди судьяси
6-боб. Хўжалик суди аппарати

### 3-боб. Судлов ҳайъатларини (таркибларини) тузиш тартиби

18. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Олий хўжалик судида судлов ҳайъатлари (таркиблари) тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларида апелляция инстанциясида иш кўрувчи ва ишни биринчи инстанция тартибида кўрувчи судлов ҳайъатлари (таркиблари) тузилиши мумкин.

Судлов ҳайъатлари (таркиблари) фаолиятини суд раиси ёки унинг ўринбосарларидан бири ташкил қилади.

19. Судлов ҳайъатлари (таркиблари) шу суднинг судьяларидан ташкил қилинади. Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари (таркиблари)нинг раислари ва аъзолари Пленум томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судлов ҳайъатлари (таркиблари)нинг аъзолари тегишли хўжалик суди раислари буйруқлари билан тасдиқланади.

20. Хўжалик судларида маълум туркумдаги ишларни кўриш бўйича судьялар ихтисослашуви ташкил қилинади.

### 4-боб. Судлов ҳайъати (таркиби) раиси

21. Олий хўжалик суди судлов ҳайъати (таркиби)нинг фаолияти ушбу ҳайъат (таркиб) раиси томонидан бошқарилади ва ташкиллаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судлов ҳайъатлари (таркиблари)ни тегишли хўжалик суди раисининг ўринбосари бошқаради ва ишини ташкиллаштиради.

22. Судлов ҳайъатлари (таркиблари) раисларининг вазифалари судлов ҳайъатлари (таркиблари) тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

## 5-боб. Хўжалик суди судьяси

23. Хўжалик суди томонидан ишларни кўришда судья Хўжалик процессуал кодексига, қонунларга ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя этиши лозим.

Судья ўз фаолиятини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонун, Судлов ҳайъатлари (таркиблари) тўғрисидаги Низом, шунингдек, суд раисининг ўз ваколати доирасида чиқарган тегишли ҳужжатларига амал қилади.

24. Судьялар одил судловни амалга ошириш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонун билан белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар:

1) ишларни ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқади;
2) суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;
3) қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;
4) суд статистикасини таҳлил қилади;
5) ўз малакасини, билимларини ошириш борасида доимий иш олиб боради;

6) суд этикаси ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этади.

25. Судья бириктирилган суд мажлиси котиби устидан бевосита раҳбарликни амалга оширади.

## 6-боб. Хўжалик суди аппарати

26. Хўжалик судининг фаолияти, хусусан, одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш суд аппарати томонидан таъминланади.

27. Хўжалик суди аппаратининг функциялари Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонун, таркибий тузилмалар тўғрисидаги низомлар ҳамда мансаб йўриқномалари билан белгиланади.

28. Суд аппарати ходимларига малака даражаларини белгилаш ва уларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

# III. БЎЛИМ. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИДА ИШЛАРНИ КЎРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

7-боб. Даъво аризалари, хатлар, шикоятлар ва ишларни тақсимлаш
8-боб. Ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш
9-боб. Суд мажлисида ишни тайёрлаш ва кўришни шакллантириш
10-боб. Ҳал қилув қарори, қарор ва ажримларни қабул қилиш

## 7-боб. Даъво аризалари, хатлар, шикоятлар ва ишларни тақсимлаш

29. Хўжалик судларида даъво аризалари, хатлар, шикоятлар ва ишларни тақсимлаш:

- Олий хўжалик судида Олий хўжалик суди раиси, ўринбосарлари томонидан судлов ҳайъатлари (таркиблари) ва судьялар ўртасида;

- Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларида тегишли суд раислари томонидан амалга оширилади.

Ишларни тақсимлаш судлов таркиблари ва судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиб, ҳар бир ишнинг объектив ва холисона кўриб чиқилишини таъминлаши лозим.

Агар иш биринчи инстанцияда коллегиал тартибда кўрилиши лозим бўлса, суд раиси томонидан раислик қилувчи ва таркиб аъзолари тайинланади.

Иш кўришда қатнашаёттан суд раиси, ўринбосарлари, судлов ҳайъати (таркиби)нинг раиси суд мажлисида раислик қилади.

## 8-боб. Ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш

30. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунида белгиланган ваколатлар доирасида Олий хўжалик суди раиси алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ишни кўриш вақтида иш судловга тегишлилик қоидасига риоя этилмаган ҳолда қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолганда, шунингдек судьяларни рад этиш тўғрисидаги аризалар қаноатлантирилганда ишни ушбу судда кўриб чиқиш учун янги суд таркибини тузиш имконияти мавжуд бўлмаса мазкур иш Хўжалик процессуал кодексининг 33-моддасига асосан бошқа хўжалик судига юборилади.

Бунда иш кўриш учун танланган хўжалик судининг тарафлар учун яқин жойлашганлиги, ишни почта алоқаси орқали тезда етказиш имконияти борлиги, ишни кўриб чиқиш учун суд таркибини шакллантириш имконияти мавжудлиги ҳисобга олиниб, ишни кўраётган вилоят хўжалик судининг раиси томонидан Олий хўжалик суди раисига илтимоснома юборилади.

Олий хўжалик суди раисининг кўрсатмасига кўра суд ишни бошқа хўжалик судига ўтказиш тўғрисида ажрим қабул қилади ва ишни 5 кунлик муддат ичида тегишли хўжалик судига юборади.

## 9-боб. Суд мажлисида ишни тайёрлаш ва кўришни шакллантириш

31. Даъво аризаси қабул қилинганидан кейин ишни биринчи инстанция судида кўришга тайёрлаш судья томонидан якка тартибда амалга оширилиб, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1) низоли ҳуқуқий муносабатлар хусусиятини иш бўйича аҳамиятга молик ва исботланиши зарур бўлган ҳолатлар доирасини аниқлаш;

2) ишда қатнашувчи шахслар таркиби ҳақидаги масалани ҳал этиш;

3) ишда қатнашувчи шахслар тақдим этиши керак бўлган далилларни аниқлаш.

32. Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ хўжалик судлари суд мажлислари ўтказадиган жойида суд ҳокимияти тимсоллари бўлиши лозим. Хўжалик суди биносида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ўрнатилган, суд мажлиси залида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвирланган бўлиши лозим.

Хўжалик суди судьялари одил судловни махсус кийимда амалга оширадилар.

33. Хўжалик процессуал кодексининг 15-моддасига биноан хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича шплар судъянинг ўзи томонидан, Олий хўжалик судида эса

3 нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин. Апелляция ва кассация инстанцияларида ҳамда назорат тартибидаги барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади. Иш ҳайъатда кўрилаётганда суднинг таркиби 3 ёки ундан ортиқ, тоқ нафар судьядан иборат бўлиши мумкин.

34. Хўжалик ишлари Хўжалик процессуал кодексининг 8-моддасида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари очиқ суд мажлисларида кўрилади. Ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисидаги илтимоснома суд ишни кўришни бошлагунга қадар тақдим қилиниши лозим.

35. Бир судья ёки суд ҳайъати (таркиби) томонидан кўрилиши бошланган иш айнан шу судья ёки ушбу судьялар ҳайъати (таркиби) томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Судьяларни алмаштириш судда ўрнатилган ишларни тақсимлаш тартибларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Ушбу масала коллегия раиси унинг йўқлигида хўжалик суди раиси ўринбосари томонидан ҳал қилинади.

Бир судлов ҳайъати (таркиби) доирасида судьяни алмаштириш имконияти бўлмаганда унинг ўрнини бошқа судлов ҳайъати (таркиби) судьяси билан алмаштириш хўжалик суди раиси томонидан ҳал қилинади.

Судья алмашгач, ишни кўриш янгидан бошланади.

36. Рад қилиш тўғрисидаги аризани ҳал қилиш тартиби Хўжалик процессуал кодексининг 21-моддасида белгиланган.

Рад қилиш тўғрисида берилган ёзма аризанинг кўриб чиқилиши натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

37. Ишларни кўришда суд мажлиси давомида, Хўжалик процессуал кодексининг 134-моддасида кўзда тутилган қоидаларга мувофиқ суд мажлиси котиби томонидан баённома юритилади.

38. Иш ҳайъат(таркиб)да кўрилаётганда раислик қилувчи суд мажлисини бошқаради ва суд мажлисида зарур тартибни сақлаш чора-тадбирларини кўради.

Суд мажлиси давомида раислик қилувчи:

1) судьяларнинг ишда иштирок этувчи шахсларга савол бериш имкониятларини чеклаш;

2) судьяларнинг ишда иштирок этувчи шахсларга берган саволларини бекор қилиш (олиб ташлаш);

3) судьялар саволларига шарҳ бериш ҳуқуқига эга эмас.

Суд мажлиси давомида саволлар судьялар томонидан раислик қилувчи ўрнатган навбатда берилади.

## 10-боб. Ҳал қилув қарори, қарор ва ажримларни қабул қилиш

39. ХПКнинг 133-моддасига мувофиқ барча далиллар текширилгандан кейин, ишда иштирок этувчи шахсларда иш бўйича қўшимча ҳужжатлар йўқлиги аниқлангач, раислик қилувчи иш ўрганиб бўлинганлиги тўғрисида эълон қилади ва суд қарор қабул қилиш учун чиқиб кетади. Алоҳида хона бўлмаган тақдирда суд муҳокама ва қарор қабул қилиш учун иш кўрилган хонада қолади, ишда иштирок этувчи шахслар ва бошқа иштирокчилар хонадан чиқиб турадилар.

40. Суд қарорлари тик турган ҳолатда эълон қилинади. Суд залида бўлганларнинг барчаси суд қарорларини тик ҳолатда эшитадилар.

Алоҳида ҳолларда (касаллик туфайли ёки бошқа узрли сабабларга кўра) раислик қилувчининг рухсати билан ишда қатнашувчиларнинг баъзилари суд қарорини ўтирган ҳолатда тинглашлари мумкин.

41. Судья кўпчилик фикрига қўшилмаган тақдирда суд ҳужжатига имзо қўйиши лозим ва ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда бериши мумкин. Алоҳида фикр эълон қилинмайди.

Суд мажлисида иш мазмунан кўриб чиқилиб, қабул қилинган қарорнинг фақат хулоса қисми эълон қилинган ҳолатларда, судьянинг алоҳида фикри матни тузилиб, раислик қилувчига суд мажлисидан эртаси кунидан кеч бўлмаган муддатда тақдим этилади. Суд ҳужжати барча судьялар томонидан имзоланганидан сўнг судьянинг алоҳида фикри ишга қўшиб қўйилади ва муҳрланган конвертда сақланади.

Алоҳида фикр билан ишни барча инстанцияларда кўришда қатнашувчи судьялар танишишлари лозим.

## IV. БЎЛИМ

11-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

### 11-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

42. Олий хўжалик суди Пленум ишини ташкил қилиш ва унинг ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал қилиш Олий хўжалик суди Пленуми Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

## V. БЎЛИМ

12-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати

### 12-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати

43. Олий хўжалик суди Раёсати ишини ташкил қилиш ва унинг ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал қилиш Олий хўжалик суди Раёсати Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

## VI. БЎЛИМ. ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БОШҚА МАСАЛАЛАР

13-боб. Хўжалик судлари фаолиятини ташкилий таъминлаш
14-боб. Тизимда ички хавфсизликни таъминлаш
15-боб. Ўзаро алоқалар масалалари
16-боб. Фуқаролар ва ташкилотларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқишни ташкиллаштириш
17-боб. Суд ишларидан ҳужжатларнинг асл нусхасини бериш тартиби
18-боб. Ашёвий далилларни сақлаш ва қайтариш
19-боб. Депозит ҳисоб рақамлари
20-боб. Архив ишларини юритиш

### 13-боб. Хўжалик судлари фаолиятини ташкилий таъминлаш

46. Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари фаолиятини ташкилий томондан таъминлайди.

47. Хўжалик судлари фаолиятини ташкилий таъминлашни амалга ошириш мақсадида Олий хўжалик суди судларни қонунчиликдаги янгиликлар билан

таништиради, қонунчиликни қўллаш борасида тушунтиришлар беради, жойлардаги хўжалик судлари ишини ташкиллаштиришни ўрганади ва ижобий тажрибаларни умумлаштиради, судьялар ўқиши ва малака оширишини ташкиллаштиради ва судни кадрлар билан тўлдиради ҳамда техник-молиявий таъминотни амалга оширади, семинар ва йиғилишлар ўтказади.

48. Олий хўжалик суди томонидан хўжалик судлари фаолиятини ташкилий томондан таъминлашга қаратилган Пленум ва Раёсат қарорларини ҳамда суд амалиётини умумлаштириш масаласи борасидаги ҳужжатлар, буйруқ ва фармойишлар, ахборот ва ахборот-услубий хатлар, услубий тавсиялар, ва ташкилий-услубий характердаги бошқа ҳужжатлар жойлардаги хўжалик судларига юборилади.

49. Хўжалик судлари фаолиятини ташкилий томондан таъминлаш Олий хўжалик судининг тегишли таркибий тузилмаси томонидан улар тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар доирасида амалга оширилади.

50. Хўжалик суди раҳбарияти Олий хўжалик судидан келган ҳужжатлар билан ходимларни таништириши, тегишли кўрсатмалар бўлган тақдирда ҳужжатларни ўрганиши ва топшириқларнинг бажарилишини ташкиллаштириши лозим.

## 14-боб. Тизимда ички хавфсизликни таъминлаш

51. Хўжалик суди тизимидаги судьяларнинг ўз қасамёдларига содиқ бўлиши ҳамда судья ва суд ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши устидан доимий назорат ўрнатиш, уларнинг касбий ва фуқаролик бурчларини ҳалол ва сидқидилдан ижро этишларини таъминлаш, уларнинг ножўя хатти-ҳаракатларининг олдини олиш вазифаси Суд ва касб одоб-ахлоқига риоя этишни таъминлаш хизмати томонидан амалга оширилади.

52. Суд ва касб одоб-ахлоқига риоя этишни таъминлаш хизмати Олий хўжалик судининг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланиб, Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, одил судловни амалга ошириш жараёнига бевосита ёки билвосита таъсир қилмаган ҳолда ўз фаолиятини юритади.

## 15-боб. Ўзаро алоқалар масалалари

53. Хўжалик судлари ўз фаолиятларининг самарадорлигини ошириш мақсадида суд амалиёти тафсилотлари ва ишларни такомиллаштириш масалалари борасида ўзаро ахборот алмашишни ташкил этишлари мумкин.

54. Суд амалиётининг муҳим масалалари бўйича илмий асосланган тавсиялар, шунингдек қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш учун Олий хўжалик суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат Кенгаши фаолият кўрсатади.

## 16-боб. Фуқаролар ва ташкилотларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқишни ташкиллаштириш

55. Хўжалик судлари ўз ваколатлари доирасида даъво аризаси, ариза, шикоят ва мурожаатларнинг қонунда ва иш юритиш йўриқномасида белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилишини таъминлайдилар.

56. Суд ходимлари ва судьялар хатти-ҳаракатлари устидан келтирилган ариза ва шикоятлар Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори билан тасдиқланган Йўриқномада белгиланган қоида ва тартибларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади.

Судьянинг хатти-ҳаракати устидан келиб тушган ҳар бир шикоят ҳар томонлама ва атрофлича текширилиши лозим.

Амалдаги қонун талаблари суд этикаси қоидаларининг бузилиши аниқланганда хўжалик суди раиси ташкилий чораларни кўради. Зарур ҳолларда эса судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун Олий хўжалик суди раисига тақдимнома киритади.

Аризаларни текшириш натижалари тўғрисида жавоб асослантирилган ва хўжалик суди раиси ёки унинг ўринбосари, ёинки уларнинг топшириғига биноан ўз ваколат доирасида ўзга шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

## 17-боб. Суд ишларидан ҳужжатларнинг асл нусхасини бериш тартиби

57. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 63-моддасига мувофиқ суд ишидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари одатда ишда қатнашган шахсларга ёки бошқа ваколатли шахсларга ишни кўриш тугатилиб, суднинг қарори қонуний кучга киргандан кейин берилади.

Ушбу ҳужжатларни бериш масаласи хўжалик суди раиси ёки унинг топшириғига биноан бошқа шахс томонидан ҳал қилинади.

Ҳужжатлар қайтариб берилгач, ишда уларнинг тасдиқланган нусхалари қолиши лозим.

58. Прокурор ва тергов органлари, шунингдек умумий юрисдикция судларига ҳужжатларни бериш хўжалик суди томонидан Хўжалик процессуал кодексининг 66-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар прокурор ва тергов органларининг асослантирилган қарори, шунингдек умумий юрисдикция судининг суд ҳужжати асосида қонунда кўзда тутилган ҳолатларда берилиши мумкин.

## 18-боб. Ашёвий далилларни сақлаш ва қайтариш

59. Хўжалик судларида ашёвий далилларни сақлаш суд қарори қонуний кучга киргач, уларнинг ҳисобини юритиш, сақлашга қабул қилиш ва уларни қайтариш билан биргаликда иш юритиш йўриқномаси билан белгилаб қўйилган қоидага мувофиқ қонунда кўзда тутилган ҳолатларда йўл қўйилади.

60. Хўжалик суди раисининг кўрсатмасида ашёвий далилларни сақлаш жойи, шароити ва шартлари белгиланади, шунингдек ушбу ишга масъул шахс тайинланади.

61. Ашёвий далиллар ўз эгалари ёки бошқа шахсларга қайтариш имкониятини таъминлайдиган шароитларда сақланади.

## 19-боб. Депозит ҳисоб рақамлари

62. Ҳар бир хўжалик судида депозит ҳисоб рақамлари очилади.

63. Депозит ҳисоб рақами хўжалик судларининг юрисдикциясига кирадиган низоларни ҳал этиш билан боғлиқ суд харажатларини қоплаш мақсадида очилиб, ундан экспертлар, гувоҳлар ва таржимонларнинг ўз вазифаларини бажарганликлари учун ҳақ тўланади.

64. Ишда иштирок этиб, тегишли илтимос билан мурожаат қилган шахс гувоҳлар ва экспертларга тўланиши лозим бўлган суммани хўжалик судининг депозит ҳисобварағига олдиндан ўтказади. Суд ташаббуси билан тайинланган экспертиза бўйича харажатлар суднинг депозит ҳисобидан тўланиб, кейинчалик Хўжалик процессуал кодексининг 95-моддасига асосан ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

## 20-боб. Архив ишларини юритиш

65. Архив ишлари Олий хўжалик суди ва Бош Давлат архиви ўртасида хўжалик судлари ҳужжатларини сақлаш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги фаолият юзасидан 2001 йил 29 ноябрь куни тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шахар хўжалик судларининг ҳужжатларини сақлаш муддатлари кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатидан фойдаланиш тўғрисида"ги Кўрсатмага асосан юритилади.

**ИЛОВА 9**

| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ | ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ |
|---|---|

**20.12.1996 й.**
**N 1**

## ҚАРОРИ

## СУД ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини жорий этди.

Давлатнинг Асосий Қонуни суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритишини эълон қилди.

Фақат мустақил суд ҳокимияти ҳар бир фуқаронинг ваколатли ва холис судда ишни ошкора кўриш орқали ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлигига кафолат бўлиб хизмат қилади.

Мустақил ва холис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Суд ишлари билан танишиш суд ҳокимияти тўғрисидаги қонунларга, асосан, риоя қилинаётганлигини, аммо уларнинг фаолиятида раҳбарий тушунтиришлар беришни талаб қилувчи айрим масалалар вужудга келганлигани кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Суд ҳокимияти - бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ суд ҳокимияти ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Суд ҳокимияти ҳужжатларини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликни юзага келтиради.

2. Судлар Конституциянинг 44-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий низо хусусиятига эга бўлган хар қандай масалаларни, шу жумладан давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Конституциянинг 16-моддасига мувофиқ бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатл унинг нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Агар суд ишни кўришда тўғри қарор қабул қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган бирорта норматив ҳужжатнинг Конституцияга мос келмаётганлигини аниқласа, у ишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва барча материалларни Олий ёки Олий хўжалик судлари Раисларига юборади, улар "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ масалани Конституциявий судда кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

3. Қонунга мувофиқ суд муҳокамасини қандай бўлмасин чеклашларга, бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш, таҳдид қилиш ёхуд суд фаолиятига мансабдор шахс ёки фуқаронинг қай тарафдан ва қандай масалада бўлмасин аралашишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги Қонунда судьяларга юксак мақом берилди, улар Республика Президенти томонидан тайинланади ёки унинг такдимига биноан Олий Мажлис томонидан сайланади.

Бунинг учун ижро ҳокимиятининг маҳаллий органлари розилиги талаб қилинмайди.

Қонун давлат муассасалари, фуқаро ва ташкилотларга судга ҳурмат билан қараш мажбуриятини юклайди.

Давлат ҳокимиятининг бирон-бир идораси судга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни юклаши мумкин эмас.

Судга хурматсизлик қилишга йўл қўйилмайди ва бу қонун билан белгиланган тартибда жазоланиши лозим.

4. Судьядан иш бўйича у ёки бу қарорни қабул қилишга доир тушунтиришлар талаб қилишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ундан бундай тушунтиришлар фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина олиниши мумкин.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, суд қарорининг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги фактининг ўзи судьялардан тушунтиришлар беришни талаб қилиш учун асос бўлмайди.

5. Мансабдор шахсларнинг судга у ёки бу ишни ҳал қилиш юзасидан тавсияларини ифода этиб, ёзма ёки оғзаки равишда қилган мурожаатлари кўрилмай қолдирилиши лозим. Суд томонидан ҳал қилинадиган шикоят ва аризаларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа муассасаларнинг назоратга олиши қонунда кўзда тутилмаган. Суд қарорлари устидан шикоят беришга ҳуқуқи бўлган шахслар доираси ва уларни кўриб чиқиш тартиби процессуал қонунларда қатъи белгилаб қўйилган.

7. Мустақиллик принципи судларга ҳуқуқ беради ва шу билан бирга улардан суд муҳокамасини адолатли ўтказишни  ҳамда тарафларнинг хуқуқларига риоя қилишни талаб қилади.

9. Тушунтирилсинки, Республиканинг туман, шаҳар, вилоят, харбий, хўжалик судлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди юқори судларга фақат процессуал жиҳатдан бўйсунадилар.

Туман, шаҳар, вилоят, харбий, хўжалик судларининг судьялари шу судларнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларига, Олий суднинг ва Олий хўжалик судининг судьялари эса тегишлича Олий суднинг Раиси ва унинг ўринбосарларига, Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарларига фақат ишларни ташкиллаштириш масалалари бўйича бўйсунадилар.

Қайд этилган мансабдор шахслар суд ишлари бўйича судьяларга йўлланма беришга, судьяларни интизомий тартибда жазолашга ҳақли эмаслар.

Судьяларга интизомий жазо беришга фақат судьяларнинг малака хайъати ҳақлидир.

Умумий судлар судьялари қонунга мувофиқ малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Олий малака ҳайъатига шикоят қилиш ҳуқуқига эга, шу сабабли малака ҳайъатининг қарори қонуний кучга кирмагунча судьяни интизомий тартибда жазоланган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Судья фақат ўзи томонидан била туриб қонуннинг бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган масъулиятсизликка йўл қўйилган ҳоллардагина интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳолатларга судьяларнинг малака ҳайъатларигина баҳо бериши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Судлар туғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ судлар фаолиятини ташкилий таъминлашни амалга оширади.

Адлия вазирлигининг муҳим вазифаларидан бири судьяларнинг мустақиллигини ва уларнинг фақат қонунга бўйсунишларини таъминлаш ҳисобланади.

11. Қонун судьяларни сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишларини ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашларини тақиқлайди. Лекин, судьялар ассоциацияларга бирлашишлари мумкин.

12. Судьяларнинг даҳлсизлиги суд мустақиллигининг муҳим кафолатидир, дахлсизлик қонунга мувофиқ унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли мулклар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси, Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

13. Судлар ишларни ва материалларни кўришда Конституциянинг 53-моддасига кўра давлат томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигани, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши принципига оғишмай риоя этишлари шарт. Шуни назарда тугиш лозимки, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Шунинг учун судлар ишларни кўришда давлат органлари ва мансабдор шахслар мулкдорнинг ҳуқуқларини қанчалик ҳимоя қилаётганлик ва уларга риоя этаётганликларини аниқлашлари, асоссиз текширишлар, тафтишлар ва ҳоказо фактларга тегашли муносабат билдиришлари ҳамда бундай ноқонуний ҳаракатлар натижасида мулкдорга етказилган зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундириш чораларини кўришлари лозим.

14. Суд ҳокимияти умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, судлар ҳар бир иш бўйича қонунийликни ва фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлашлари ҳамда уларнинг ҳар қандай бузилишига зудлик билан муносабат билдиришлари шарт.

Барча суд тартибларига, шу жумладан ҳар бир фуқаронинг ҳимоя ҳуқуқига оғишмай амал қилинмоғи лозим. Фуқароларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш, ноқонуний ҳибсга олиш ва ҳибсда сақлаш, жисмоний ёки руҳий зўравонлик ишлатиш

ёки ишлатишга тахдид қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолат тегишли равишда баҳоланиши лозим.

Тушунтирилсинки, бундай ғайриқонуний усулларни қўллаб олинган ҳар қандай далиллар юридик кучга эга эмасдир.

Шу билан бирга судлар жазонинг муқаррарлиги принципига қатъи амал қилишлари, хавфли жиноятчиларга нисбатан қонуннинг бутун кучини татбиқ этишлари лозим.

15. Судья томонидан зиммасига юклатилган вазифани, нуфузни ва судга ҳурматни шакллантирувчи юксак ахлоқ-одоб меъёрларига риоя қилинмасдан туриб, суд ҳокимиятини ва судья ваколатларини амалга ошириш мумкин эмас.

Судья суд ҳокимиятининг шаъни ва мустақиллигини мўътабар тутиши, ҳалол ва беғараз бўлиши, қонунга риоя этиши ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат килиши, ҳар қандай ножуя ҳаракатлар ёки шундай бўлиб кўриниши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиши, ўзининг судьялик лавозими нуфузидан шахсий манфаатлари ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланишдан ўзини сақлаши, ҳуқуқ соҳасида ўзининг касб малакасини ошириб бориши, суд процессида тарафларга сабр тоқатлилигини ва обрўсини кўрсатиши, шахсий ҳаётда юксак ахлоқий қоидаларга амал қилиши шарт.

**ИЛОВА 10**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ**
**ҚАРОРИ**
**28.01.2000 й.**
**N 82**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ СУДНИНГ БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯСИДА ҚЎЛЛАНИЛИШ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА

Хўжалик судлари томонидан иқтисодий муносабатлардан келиб чиқаётган низоларни ҳал этиш амалиётини умумлаштириш, биринчи инстанция судларининг аксарият кўпчилиги амалдаги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (бундан кейин ХПК) талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳал этаётганликларидан далолат беради.

Шу билан бирга айрим хўжалик судлари ХПКда белгиланган суднинг биринчи инстанциясидаги иш юритиш тартибига ҳамма вақт ҳам риоя қилмаётирлар. Судлар томонидан даъво аризани қабул қилишни асосиз рад этиш, ишни суд муҳокамасига тегишли даражада тайёрламаслик ҳоллари учрамоқда, суд мажлисларида ишларни ҳал этишда аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ текширилмаётир. Хўжалик ишларини ҳал этиш муддатларига риоя қилмаслик, уларни ассосиз тўхтатиш ёки тугатиш, шунингдек асослар етарли бўлмаган ҳолда ишлар кўрмасдан қолдирилмоқда.

Бир қатор ҳолларда қонунлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун етарли фаоллик кўрсатилмаётир, хусусий ажрим ва бошқа суд ҳужжатларининг ижроси устидан назорат суст олиб борилмоқда.

Суд амалиётида тушунтиришларни талаб этадиган баъзи масалалар вужудга келди.

Иқтисодий низоларни ва бошқа ишларни ҳал этишда қонунийликни таъминлаш, ХПКни тўғри ва бир хилда қўллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 46-моддасига асосланиб, Олий хўжалик судининг Пленуми қуйидаги тушунтиришларни беришга қарор қилади:

1. ХПКнинг 1-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланаётган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли. Суд буйруғини бериш ҳақидаги ва даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари рўйхати ХПКнинг 107, 117-моддаларида белгилаб қўйилган ва кенг талқин этилиши мумкин эмас.

2. Агар иш хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса, хусусан судга тааллуқли бўлмаса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади. ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари орасидан хўжалик судига тааллуқли низолар келиб чиқиши мумкин бўлган субъектларнинг таркиби белгилаб қўйилган. У энг аввало юридик шахсларни ва юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқароларни ўз ичига олади. Бу жиҳатдан шуни назарда тутиш керакка, агар даъво билан юридик шахснинг ўзи эмас балки унинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) ишончнома асосида мурожаат этса, хўжалик суди даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Бундай ҳолда

ишлар бўйича даъвогар сифатида алоҳида бўлинма эмас, балки фаолият кўрсатувчи юридик шахс манфаатларини кўзлаб қатнашишини назарда тутиш керак.

Башарти даъво юридик шахснинг ўзига эмас, балки унинг алоҳида бўлинмасига тақдим этилган бўлса у ҳолда юридик шахснинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиш суд томонидан ХПКнинг 38-моддасига мувофиқ ҳал этилади.

ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ фуқаро юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олиниш шарти билан хўжалик судига тааллуқли низонинг қатнашувчиси сифатида тан олинади. Хўжалик судлари шуни назарда тутишлари керакки, агар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини амалга ошира туриб, лекин, давлат рўйхатидан ўтмасдан, тадбикор мақомини олмаган бўлса, бундай шахслар иштирок этувчи низолар ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ хўжалик судларига тааллуқли эмасдир. Агар фуқаронинг давлат рўйхатидан якка тартибдаги тадбиркор сифатида сифатида ўтиши тугатиладиган бўлса ҳам масала худди шундай тартибда ҳал этилиши лозим. Хусусан, ишончноманинг амал қилиш муддатини тугатиш, давлат рўйхатидан ўтишини бекор қилиш ва шу каби муносабатлар билан кўрсатилган фуқаролар қатнашувидаги ишлар, шу жумладан олдинги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар хўжалик судларига тааллуқли эмас. Аммо фуқаро қатнашадиган ишларни хўжалик судларида кўриш учун фақатгина тадбиркор-фуқаро мақомининг бўлиши асос бўла олмайди. Хусусан, агар фуқаро белгиланган тарзда олинган якка тартибда тадбиркор мақомига эга бўла туриб, лекин низо унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан эмас, балки уй-жой, никоҳ-оилавий ва бошқа, шу жумдадан, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлса, бу низо хўжалик судига тааллуқли эмас.

3. Хўжалик судлари шуни назарда тутишлари керакки, шартнома бўйича келишмовчиликлар ҳақидаги низолар икки ҳолатда хўжалик судида кўриш предмети бўлиши мумкин:

- агарда шартнома тузиш қонунда кўзда тутилган бўлса; ёки

- агар тарафларнинг шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш тўғрисида келишуви мавжуд бўлса. Шундан келиб чиқадики, шартома тузишдан олдин пайдо бўлган низони, агар бундай шартномани тузиш қонун бўйича ҳеч бўлмаганда бир тараф учун мажбурий бўлса (ФКнинг 377-моддаси), хўжалик суди кўриб чиқиши учун қабул қилиши шарт**.** Шартнома юзасидан келишмовчилик бўйича низони хўжалик судига ҳал этиш учун беришнинг бошқа шарти бўлиб, бу ҳақида тарафларнинг келишуви ҳисобланади. Бундай келишув турли шаклларда, масала, хатлар, телеграммалар, маълумотлар, факсимил ёки алоқа воситалари орқали алмашиш йўли билан ифода этилиши мумкин. Бундан ташқари шартнома бўйича келишмовчиликларни ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш, тузилиши керак бўлган шартноманинг бир шарти сифатида назарда тутилиб, агар бошқа томон келишмовчиликлар баённомасида бу шарт бўйича ҳеч қандай эътирозларни билдирмаса, унинг лойиҳасига бир тараф томонидан киритилган бўлиши мумкин.

Шартнома шартларини ўзгартириш ёки шарртномани бекор қилиш ҳақидаги иқтисодий низолар ҳам хўжалик судига тааллуқли. Бундай турдаги ишларни хўжалик суди ўз иш юритувига олиши учун шартноманинг шакли ҳам, уни тузиш тартиби ҳам аҳамиятли эмас. Шу билан бирга ФКда белгилаб қўйилган қоидага мувофиқ, агар ФК, бошқа қонунлар ва шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгатирилиши ёки бекор бўлиши мумкин (ФКнинг 382-моддаси 1-банди). Тарафлардан бирининг талаби билан эса шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф уни жиддий равишда бузса, ҳамда ФК, бошқа қонунлар ва шарномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилишини мумкин (ФКнинг 382-моддаси 2-қисми). Хўжалик суди бир тараф

шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавобини олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда бундай муддат бўлмаганида 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги даъво аризасини қабул қилишга ҳақли (ФКнинг 384-моддаси).

4. Судлар ХПКнинг 118-моддасида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш учун асослар рўйхати кенг талқин этилиши мумкин эмаслигини назарда тутишлари керак. Судья, даллиллар бўлиб ҳисобланган ҳужжатлар илова қилинмаган, деган важ билан даъво аризасини қайтаришга ҳақли эмасдир, чунончи, ХПКнинг 55, 56, 122-моддалари ва бошқа моддаларга мувофиқ, даъвогар уларни тақдим қилиши, суд эса уларни иш ҳал этилгунга қадар тақдим қилишни таклиф қилиши мумкин. Башарти, ХПКнинг 118-моддаси 1-қисмининг 1,4,5,7-бандларида назарда тутилган даъво аризасини қайтариш ҳақидаги асослар хўжалик суди томонидан даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан сўнг аниқланса, иш мазмунан кўриб чиқилиши лозимдир. Зарур бўлганда, ишни кўриб чиқиш бошқа кунга, хусусан ишда қатнашувчи бошқа шахсларга даъво ҳужжатларининг нусхаларини юбориш учун қолдирилиши мумкин.

5. ХПКнинг 115-моддасига мувофиқ даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабни битта даъво аризасида бирлаштиришга ҳақли. Бунга хўжалик судига тааллуқли низо моддий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиб ўзаро боғлиқ бўлганда йўл қўйилади (хусусан, қайтарилмаган кредит, кредит фойдаланиш фоизлари ва неустойкани ундириш ҳақида; актни ҳақиқий эмас деб топиш ва шу акт асосида тўланган миқдорларни қайтариш ҳақида; бир нечта транспорт ҳужжатлари бўйича олинган ва битта қабул қилиш акти билан расмийлаштирилган ёки битта ҳисоб-китоб ҳужжати бўйича тўланган камомад миқдорини ундириш ҳақида). Қўшимча талабларни тақдим этиш давъоларни тақдим этиш, умумий қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Агар қўшимча талаб биринчи талаб билан боғлиқ бўлмаса ёхуд хўжалик суди уларни биргаликда кўришни мақсадга мувофиқ эмас деб топса, суд уларни биргаликда кўришни рад этади.

6. ХПКнинг 112-моддасига мувофиқ хўжалик судида тақдим этилаётган даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Даъвогар бўлиб ўзининг бузилган, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат этган шахс ҳисобланади. Даъво аризаси қонун ва таъсис ҳужжатлари асосида юридик шахснинг органи томонидан имзоланади. Бундай шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилганда, у даъво аризаларини имзолашга ҳақли эмас. Башарти даъво аризаси тегишли ваколатли ишончнома билан тасдиқланмаган вакил (юрист, консультант, адвокат ва бошқалар) томонидан имзоланган бўлса, суд ХПКнинг 118-моддаси 2-бандига мувофиқ даъво аризани қайтариши лозим, агарда иш қўзғатилган бўлса ХПКнинг 88-моддаси 3-қисмига мувофиқ даъвони кўрмасдан қолдириши шарт. ХПК 112-моддасининг 1-қисмини қўллаш жараёнида шуни назарда тутиш кераккки, агар ташкилот ҳайъат (коллегиал) томонидан бошқарилса ва даъво арзасига унинг раҳбари ёки унинг ўринбосари имзолашга ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаган бўлса, судья ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида даъвогарга тегишли ҳужжатни тақдим этишни таклиф қилиши керак. Бундай ҳужжат тақдим этилмаганда, ХПК 88-моддасининг 3-қисмига мувофиқ хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

7. ХПКнинг 6-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳолларда низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилиш мажбурийдир. Бу тартиб хусусан, Ўзбекистон Республикаси "Ҳаво транспорти тўғрисида"ги, "Темир йўл транспорти

тўғрисида"ги Қонунларда белгилаб қўйилган. Назарда тутиш лозимки, низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби даъвогар учун фақат қонун ва шартномада белгиланган ҳолларда мажбурийдир. Қонунда уларни қўллаш ҳақидаги ҳавола нормалари белгиланган ҳоллардан ташқари, агар у низом, қоидалар ва бошқа қонуности ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, унга риоя қилиш тарафлар учун мажбурий ҳисобланмайди. Агар шартномада келиб чиқадиган низоларни келишув йўли билан ҳал этиш ҳақидаги шарт бўлса, лекин низони ҳал этиш тартиби назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда нозони талабнома юбориш йўли билан ҳал этиш тартиби мажбурий ҳисобланмайди.

8. ХПКнинг 122-моддасига асосланиб, судья ишни суд муҳокамасига тегишли тартибда тайёрлаши зарур, чунки бу ишни ўз вақтида ва ҳаққоний ҳал қилишнинг асосий шартларидан биридир.

Ишни тайёрлашдаги вазифалар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) Ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаштириш;

б) Тарафларнинг ва қонуннинг раҳбарликка олиниши лозим бўлган юридлик ҳолатларини аниқлаш;

в) Ишда қатнашувчи шахслар таркиби масаласини ҳал этиш.

9. Хўжалик иш юритувининг вазифалари ва принципларини ҳисобга олиб, процессуал нормалар, судга маълум бир ваколатларни юклаб туриб, айни пайтда бевосита ёки билвосита бу ваколатларнинг амалга оширилишини мажбурлайди. Агар суд мавжуд далиллар билан иш кўришнинг имкони йўқ деб топса, (ХПКнинг 122-моддаси 3-қисми) тарафларга қўшимча маълумотларни тақдим этишни ишни судда кўришга тайёрлашда таклиф этади. Талаб этилган далиллар тарафлар томонидан тақдим этилмаган ҳолларда, суд бирон-бир тарафнинг исботлаш мажбуриятини бажармаслигига, шунинг учун ҳам низони ютқазишга асосланиб ҳал қилув қарори қабул қилишга ҳақли. Шундан келиб чиқадики, далиллар тўғрисидаги қўшимча маълумотларсиз ишни кўриб чиқиш имконияти бўлмаса, ХПКнинг бошқа бир қатор нормаларини инобатга олиш лозим. Хусусан, биринчи инстанция судлари асосланган ҳал қилув қарори чиқариши мажбурий бўлиб, юқори турувчи судлар эса бу талабларга риоя этилганлигини текширадилар (135-моддаси 1-қисми, 166-моддаси 2-қисми, 200-моддаси 1-қисми). ХПКнинг 56-моддаси 2-қисмига мувофиқ, хўжалик суди ишда итштирок этаётган шахснинг илтимосига кўра ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмаётган шахсдан зарур далиллар талаб қилиши мумкин. Талаб қилинган далилларни тақдим қилиш мажбурияти узрли сабабларсиз бажарилмаган ҳолларда, мазкур модданинг 4-қисмида кўзда тутилган жарима ишда иштирок этувчи шахсга, шунингдек иштирок этмаётган шахсга ҳам қўлланиши мумкин. Бундай жавобгарлик ХПКнинг 55-моддаси 2-қисмига мувофиқ хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахслардан қўшимча далиллар тақдим этишини таклиф қилган ҳолларда қўлланилмайди.

10. ХПКнинг 77-моддасида кўрсатилган даъвони таъминлаш чоралари, башарти уларни қўлламаслик суднинг ҳал қилув қарорини бажаришга қийинлик туғдирса, ёхуд бажариб бўлмаса, судья томонидан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳамда ишни суд муҳокамасида кўриш процессида қўлланилади. Ишда иштирок этаётган шахснинг жавобгарга тегишли пул маблағларини хатлаш кўринишидаги даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ариза бўйича кредит муассасаларидаги ҳисоб рақами эмас, балки даъво қилинган сумма доирасидаги маблағ хатланади. Мол-мулкни хатлаш мумкин, башарти агар узоқ сақлангандан у ўз сифатларини йўқотмаса. Бундай чора хусусан тез бузиладиган маҳсулотларга нисбатан қўлланилмайди. Пул маблағлари ҳисобидан чиқариладиган ёки мулкни сотишга қаратилган актни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво ариза берилган ҳолларда даъвогарнинг аризасига кўра

жавобгарга бу маблағларни ҳисобдан чиқариш (ўчириш) ёки бу мулкни сотишни таъқиқлаш ҳақидаги масала ҳал этилиши мумкин. (ХПКнинг 77-моддаси 1-қисми, 2-банди). ХПКнинг 80-моддаси маъносига кўра даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ишни биринчи инстанцияда кўрган хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўзининг ташаббуси билан даъвони таъминлашни бекор қилади. Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосига кўра ёки ўзининг ташаббуси билан даъвони таъминлашга сабаб бўлган асослар йўқ деб топса, даъвони рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар ҳам даъвони таъминлашни бекор қилишга ҳақлидир. Даъвони таъминлаш бўйича чора кўриш ҳақидаги даъво қаноатлантирилаётганда ҳал қилув қарори аниқ бажарилгунга қадар амал қилади.

11. ХПКнинг 116-моддаси 3-қисмини қўллашда шуни эътиборга олиш керакки, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ҳамда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақидаги ажрим бир ёки иккита мустақил суд ҳужжатларида баён қилинган бўлиши мумкин, аммо мазкур суд ҳужжатларини чиқаришдаги доимийлик процессуал муносабатларга аниқ мувофиқ келиши керак. Аввал судья даъвони иш юритишга қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал этади, бу ҳақда ажрим чиқаради. Сўнг ХПКнинг 123-моддасига мувофиқ ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақида ажрим чиқаради. Ишни суд муҳокамасига тайёрлашга қаратилган ХПКнинг 122-моддасига белгиланган процессуал ҳаракатларни судья шу кодексда назарда тутилган тартибда амалга оширади. Агарда ишни суд муҳокамасига тайёрлашда судья бошқа жавобгарни ёхуд бошқа шахсларни жалб қилиш, экспертиза тайинлаш, даъвони таъминлаш бўйича кўришни зарур деб топса, у ҳолда мувофиқ ҳаракатлар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳақидаги ажримда баён қилинади.

12. Қарши даъвони суд иш юритишга фақат қонунда белгиланган шартлар мавжуд бўлгандагина қабул қилиши мумкин. ХПК 120-моддасида кўзда тутилган шартларнинг йўқлиги туфайли қарши даъвони қабул қилишни рад этиш ҳақидаги хўжалик судининг ажрими устидан шикоят қилиш мумкин эмас, чунки у алоҳида даъвони судга тақдим этишга тўсқинлик қилмайди. Агарда қарши аризасини қабул қилиш ХПКнинг 117-моддасида кўрсатилган асосларга кўра рад этилган бўлса, у ҳолда бундай қарши даъво қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

13. Суд муҳокамасига киришишда ишда иштирок этиши лозим бўлган шахслар келмаганида уларни суд мажлиси муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида қонун талабларига риоя қилинган ҳолда хабардор қилинганлиги аниқланиши лозим. ХПКнинг 124-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида ажрим топширилганлиги ҳақидаги хабарнома буюртма хат орқали юборилади. Ишда иштирок этувчи шахслар, ажрим даъво аризасида кўрсатилган манзилгоҳга юборилган тақдирда у хабардор қилинган деб ҳисобланади. Башарти ажрим манзилнинг ўзгарганлиги оқибатида топширилмаса, ХПКнинг 121-моддасига мувофиқ у етказиб берилган ҳисобланади. Агарда ажрим жавобгарга топширилмаса, алоқа органларининг топширганлик ва кўрсатилган манзилда жавобгарнинг йўқлиги ҳақидаги хабарномада белгиси билан қайтиб келса, ишдаги ҳужжатларда адресатнинг турар жойи кўзда тутилмаган бўлса, судья даъвогарга жавобгарнинг турар жойи ҳақидаги ҳужжат билан тасдиқланган маълумотни тақдим этишини таклиф қилади. Суд муҳокамасининг вақти ва жойи белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар судга келмаган тақдирда, ҳар бир аниқ ҳолатда жавобгарнинг иштирокисиз ҳал этиш имконияти ҳақидаги масала муҳокама этилиши лозим, бунда унинг келмаганлиги сабаблари ҳақидаги маълумотнинг борлиги ва ҳал этилаётган ишнинг характери ва ўзига хослигини эътиборга олиш керак. Агарда даъвогар хўжалик судининг мажлисига

келмаса ва ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш ҳақида ариза бермаган бўлса, у ҳолда ХПКнинг 88-моддаси 6-бандига мувофиқ даъво кўрилмасдан қолдирилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, тегишли тартибда суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинмаган шахсларнинг иштирокисиз ишни кўришга йўл қўйилмайди ва у ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун шубҳасиз асос бўлади. (ХПКнинг 188, 170- моддалари).

14. Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 82, 83, 86, 88-моддаларида белгиланган суд томонидан иш юритишни тўхтатиш ёки тугатиш ёхуд даъво аризани кўрмасдан қолдириш учун асослар кенг шарҳланиши мумкин эмас. Жавобгар даъвони тан олишини кўрсатиб иш юритишни тугатишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда жавобгарнинг аризаси ҳисобга олинганлиги бўйича хўжалик суди мазмунан ҳал қилув қарори чиқаради, башарти даъвогарнинг даъводан асосли воз кечганлиги бўйича иш юритишни тугатиш бўйича асослар бўлмаса. Судья суд мажлисидан ташқари (масалан, иш кўришни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида) иш юритишни тўхтатиш ёки иш юритишни тугатиш, ёхуд даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли эмас. Хўжалик судлари шуни назарга олмоқлари лозимки, қонунда бошқа асослар бўйича юқорида қайд этилган моддаларда белгиланган иш юритишни тугатиш ёки даъво аризани кўрмасдан қолдириш ҳоллари ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 46-моддаси 3-қисмига кўра, башарти санация ўтказиш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилса банкротлик бўйича иш юритиш тугатилади. ХПКнинг 88-моддасида кўрсатилган ушбу асослар бўйича прокурор, давлат органи ёки бошқа орган томонидан манфаатлари ҳимоя қилинаётган даъвогар даъводан воз кечса даъво кўрмасдан қолдирилади (ХПКнинг 43-моддаси).

15. ХПКнинг 40-моддаси 1-қисмида назарда тутилган даъво асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқидан даъвогар суднинг биринчи инстанциясида ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар фойдаланиши мумкин. Бу норма бошқа инстанцияларда иш кўрилаётганда қўлланилмайди. Даъвогар бу ҳуқуқдан ҳал қилув қарори кассация ёки назорат тартибида бекор қилиниб иш шу суднинг биринчи инстанциясига янгидан кўриш учун берилганда янгидан кўрилаётганда фойдаланиши мумкин. Даъво предметининг ўзгариши даъвогарнинг жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талабларининг ўзгаришини билдиради. Даъво асосида ўзгариш даъвогарнинг жавобгарга нисбатан ўз талабларини асослантирган ҳолатларни ўзгаришини билдиради. Даъво талаби ва асоси тушунчасидан шу нарса келиб чиқадики, башарти битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб билан ўзгартирилса ва бу ўзгаритириш бошқа асосларга олиб келса, унда даъвонинг предмети ва асоси ўзгаради. ХПКда бир вақтда даъво предмети ва асосини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Даъво талаблари миқдорининг ўсиши билан даъвогар томонидан даъво аризасидаги ўша талаб даъво суммасининг ўсишини билдириши лозим. Даъво талаблари миқдорининг ўсиши даъвогар томонидан даъво аризада кўрсатилган қўшимча даъво талабларининг тақдим қилиниши билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Масалан, мулкий санкцияни қўллаш ҳақидаги талаб асосий қарзни ундириш ҳақидаги даъво бўйича талаблар миқдорининг ўсиши деб ҳисобланмаслиги керак. Бундай талаб мустақил равишда билдирилиши мумкин.

16. ХПКнинг 132-моддасига мувофиқ судья тарафларни муросага келтириш чораларини кўради. Хўжалик судлари низо характерининг қандайлигидан қатъи назар, ишни келишув битими тузиш йўли билан якунлашга ёрдам беришлари лозим. Келишув битимини тузиш билан низони ҳал этиш имконияти ишни суд муҳокамасига тайёрлаш,

суд муҳокамаси жараёнида аниқланиши лозим. Тарафлар томонидан тузилган келишув битимининг шартлари ижро қилинаётганда унинг мазмуни бўйича ноаниқлик ва низо бўлмаслиги учун аниқ ва батафсил баён қилиниши лозим. Келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрим хўжалик суди томонидан чиқарилади, башарти у қонунчилик ва ўзга норматив ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса. Бунда хўжалик судининг келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрими хўжалик судлари ҳужжатлари ижросини тартибга соладиган умумий қоидалар ва ХПКнинг 146-моддаси 5-қисмидаги қоидаларни ҳисобга олиб ижро қилинади.

17. Хўжалик судлари шуни эътиборга олишлари лозимки, ХПКнинг 128-моддаси 3-қисми билан мустаҳкамланган қоидага кўра бошланган процесс дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари танаффуссиз олиб борилиши ва охиригача тугатишни талаб қилади. ХПКга мувофиқ суднинг биринчи инстанциясидаги процесс ҳал қилув қарори қабул қилиш билан (ХПКнинг 135-моддаси); иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим билан (ХПКнинг 86-моддаси); даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим билан (ХПКнинг 88-моддаси) ёки ишни кўришни кейинга қолдириш ҳақидаги ажрим билан (ХПКнинг 131-моддаси) тугалланиши мумкин. Иш бўйича ҳал қилув қарори ёки юқорида қайд этилган ажримлар қабул қилингунга қадар хўжалик суди бошқа ишларни кўриши мумкин эмас. Бу қоиданинг бузилиши хўжалик суди томонидан мажлислар ўртасидаги танаффусда кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатларининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

18. ХПКнинг 145-моддасига мувофиқ суд ишни мазмунан кўриб чиқиб, шу суд мажлисининг ўзида ХПКнинг 138-моддасида белгиланган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилади. Ҳал қилув қарорининг фақатгина хулоса қисми ўқиб эшиттирилган ҳолларда хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларга асосланган ҳал қилув қарори билан танишишлари мумкин бўлган кунни эълон қилади. Бу вақт суд мажлиси баённомасида ёзилган бўлиши лозим. Асосланган ҳал қилув қарори ва илгари эълон қилинган хулоса қисми уни қабул қилишда иштирок этган ҳамма судьялар томонидан имзоланади. Асослантириб тузилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишни кўриш тугаган кунда эълон қилинган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига сўзма-сўз мувофиқ бўлиши лозим. Мажлисда ҳал қилув қарорининг фақатгина хулоса қисми эълон қилинган ҳолларда ҳал қилув қарори қабул қилинган кун деб ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинган кун ҳисобланади. Ишга ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми қўшилганидек, тўла шаклда тузилган ҳал қилув қарори ҳам қўшиб қўйилади.

Суднинг ҳал қилув қарори ёки ажрими эълон қилинганидан сўнг раислик этувчи унинг мазмунини изоҳлаши, шикоят қилиш тартиби ва муддатини, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва вакилларнинг ҳуқуқларини суд мажлиси баённомаси билан танишиш ва баённомага ёзма равишда унинг нотўғрилиги ва тўлиқ бўлмаганлигига эътирозлар билдиришини тушунтириши лозим.

19. Суд мажлисининг баённомаси фақатгина ХПКнинг 134-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан имзоланади. Суд мажлиси баённомасидаги ёзувлар суд мажлиси бошланган вақтдан то ҳал қилув қарор қабул қилингунга қадар процессуал ҳаракатлар қандай изчиллик билан амалга оширилган бўлса, шу йўсинда баён қилиниши лозим. Гувоҳларнинг кўрсатмалари ва экпертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари суд мажлиси баённомасига киритилади, агарда суд уларни зарур деб топса, улар томонидан имзоланиши мумкин. ХПКнинг 134-моддасига мувофиқ, суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати тугалланган ҳисобланмайди. Баённомага суд иш учун муҳим деб ҳисобланган бошқа

маълумот ҳам киритилиши мумкин. Жумладан, унда гувоҳнинг кўрсатма беришини рад этиши ёки бош тортиши ва ёлғон кўрсатма берганлик учун жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилганлиги, шунингдек унинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги ҳақида ундан тилхат олинганлиги кўрсатилади. Суд мажлиси баённомасини раислик этувчи мажлис бўлган куннинг эртасига, кечиктирмасдан имзолаши лозим. 3 кунлик муҳлат имзолаш кечиккан тақдирда, баённомага фикрлар бериш учун янги муҳлат судья уни имзолаган куннинг эртасидан бошланади.

Суд мажлиси баённомасига, у имзоланганидан уч кун ўтмасдан берилган эътирозлар ишда иштирок этган шахсларни чақирмасдан суд мажлисига раислик қилган судья томонидан кўриб чиқилади. Судья баённома хусусида берилган эътирозлар қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқаради. Баённомага берилган эътирозлар ва судьянинг ажрими ишга қўшиб қўйилиши лозим. Муддат ўтгандан сунг берилган эътирозлар судья томонидан кўрмасдан қайтарилади. Ўтказилган муддат ХПКнинг 99-моддасида кўзда тутилган тартибда тикланиши мумкин.

20. Хўжалик низоларини кўриб чиқиш жараёнида кўпроқ қонунбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни аниқлашга эътибор берилиши лозим. Хўжалик судлари ишларни кўриш жараёнида қонунларнинг бузилиш ҳолатларини аниқлаганларида ёхуд хўжалик субъектларининг ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги аниқланмаган ҳолларда ХПКнинг 152-моддаси ва Президентнинг 1998 йил 4 мартдаги Фармони асосида хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир, шу жумладан тегишли шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш ҳақида. Хусусий ажрим суд мажлисида эълон қилиниши лозим.

Хўжалик суддари хусусий ажримлар ижроси устидан назоратни кучайтиришлари лозимдир. Хўжалик судларига зарур ҳолларда, жамият учун аҳамиятли назоларни, тегишли ташкилий тайёргарликни таъминлаб жойига чиқиб, сайёр суд мажлисларида кўриш тавсия этилади.

**ИЛОВА 11**

**Ахборот хати**
**Олий хўжалик суди Раёсатининг**
**1998 йил 26 мартдаги қарори**
**билан маъқулланган.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ ХАТИ

Республика хўжалик судлари томонидан Фуқаролик Кодексининг бир қатор нормаларини қўллаш масалалари бўйича келиб тушаётган мурожаатларни назарга олиб, Олий хўжалик суди судлов ҳайъати хўжалик судларига Фуқаролик кодексини қўллаш бўйича қуйидаги таклифларни беришни лозим деб ҳисоблайди:

1. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик Процессуал Кодекси билан тааллуқлиликка мувофиқ хўжалик субъектлари ва тадбиркорларнинг бузилган ёки даъво қилинаётган ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи хўжалик судлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланган қонун нормаларининг даъво билан мурожаат қилиш вақтида 1997 йил 1 мартда ёки 1997 йил 1 мартдан кейин қонун бўйича даъво муддати ўтмаган, Фуқаролик Кодекси амалга киритилгунга қадар вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилишини эътиборга олишлари лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий актлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига мувофиқлаштирилганига қадар уларнинг Кодексга зид келмайдиган қисмлари қўлланилади. Низоларни ҳал қилишда хўжалик судлари 1997 йил, 1 мартдан бошлаб келиб чиққан ҳуқуқ ва мажбуриятларга 1997 йил, 1 мартгача қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қонунларни қўллаш бўйича тушунтиришлар берилган қарорларининг Кодексга зид бўлмаган қисмларини тадбиқ этишлари лозим.

3. Судлар Фуқаролик Кодексининг нормалари орқага қайтиш кучига эга эмаслигига эътиборни қаратишлари билан бирга Олий Мажлиснинг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги Қарорнинг 4, 6, 8, 9, 10, 11, 12 бандларида баъзи ҳолларда Фуқаролик Кодексининг нормалари Кодекс амалга киритилгунга қадар келиб чиққан низоларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилганлигини назарда тутишлари лозим.

4. Давлат ташкилоти, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг норматив характерда бўлмаган актларини ҳуқуқий шахс ёки тадбиркор томонидан қонунийлигини даъво қилишдан келиб чиққан ишларни суд томонидан кўришда ҳақиқатдан ҳам текширилаётган акт қонунга ва бошқа норматив актларга ҳилоф эканлиги ва ҳуқуқий шахс, тадбиркорнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатлари ва ҳуқуқларини чекласа бундай акт Фуқаролик Кодексининг 12-моддасига мувофиқ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

5. 1997 йил 1 мартгача амалга оширилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволарни кўришда Фуқаролик Кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатлари ҳақидаги меъёрлари қўлланилади.

6. Судда кўрилаётган низо солиқ ёки молиявий ва маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқса, фуқаролик қонунлари ушбу ҳуқуқий муносабатларга, агарда бу қонунда назарда тутилган бўлса, тадбиқ этилиши мумкин.

7. Хўжалик судлари ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмай, уларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланиши ва ишончнома асосида ҳаракат қилишига эътиборларини қаратишлари лозим. (ФК 47, 134-моддалар) Филиал (ваколатхона) раҳбарининг ваколатлари ишончнома орқали расмийлаштирилиши лозим ва фақатгина юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, филиал (ваколатхона) Низомида қайд этилган кўрсатмаларга асосланган бўлмаслиги керак.

Филиал (ваколатхона) раҳбари филиал номидан юридик шахснинг номини ва ишончномасини қайд этмасдан имзолаган шартномаларидан келиб чиққан низоларни ҳал этишда судлар филиал (ваколатхона) раҳбарининг шартномани имзолаш вақтида "Филиал тўғрисида" ги Низомда ёки ишончнома орқали тегишли ваколати бўлганлигини аниқлашлари лозим. Филиал (ваколатхона) раҳбарининг қайд этилган ваколатлари орқали мавжудлиги ҳолда амалга оширилган битимлари юридик шахс номидан амалга оширилган деб ҳисобланади.

Филиал ҳам, ваколатхона ҳам мулк билан юридик шахснинг ўзи томонидан таъминланади ва бу мулк юридик шахснинг мулки бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам юридик шахснинг қарзларини қоплаш филиал ёки ваколатхонанинг мулкига қаратилиши мумкин. Худди шундай филиал ва ваколатхона фаолияти билан боғлиқ қарзлар бўйича юридик шахс ўзига тегишли мулки билан жавоб беради.

8. Низоларни кўришда хўжалик судлари Фуқаролик Кодексининг 150-моддасида кўрсатилган даъво муддатларини ўтиши, илгариги амалда бўлган қонунчиликда назарда тутилган, даъво муддати 1997 йилнинг, 1 мартига қадар ўтмаган даъволарга нисбатан қўлланилишига эътиборни қаратишлари лозим.

Кодекснинг 151-моддасига кўра, айрим турдаги талаблар учун қонунчилик актлари билан махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкинлиги муносабати билан (қисқартирилган ёки умумий муддатларга нисбатан анча узайтирилган), 152-162-моддаларнинг қоидалари, агарда қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, махсус даъво муддатларига ҳам қўлланилади. Неустойка (жарима, пеня)ларни ундириш бўйича қискартирилган даъво муддатлари 1997 йил, 1 мартидан қўлланилмайди, чунки даъволар учун қисқартирилган даъво муддати қоидалари сақланиб қолмаган. Агарда бундай даъво бўйича қисқартирилган даъво муддати 1997 йил, 1 мартига қадар тугамаган бўлса, бундай холларда умумий (3 йиллик) даъво муддати қўлланилади.

Юк ташишлик юзасидан вужудга келган низоларни ҳал этишда судлар Фуқаролик Кодексининг 724-моддаси 1-қисмига биноан юк ташувчига нисбатан даъво қўзғатишдан олдин амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган тартибда даъво талаби (претензия) берилиши сақланиб қолганлигини инобатга олишлари лозим.

Қайд этилган модданинг 2-қисмида юк ташувчи томонидан даъво талабларини (претензия) мазмунидан (ҳисоб-китоб, жарима, юкларни сақлай олмаслик ва хоказо) ва юк ташиш туридан қатъий назар (маҳаллий, тўғри, аралаш йўналишда) юклар бўйича 30 кунлик муддатга алоқа ҳужжатларини (корреспонденцияларни) манзилга етказиш учун зарур бўлган вақт ҳам қўшилиши лозим.

Фуқаролик Кодексининг 724-моддаси 3-қисмига биноан юк ташишдан келиб чиқадиган талаблар бўйича даъво қўзғатиш муддати 1 йил қилиб белгиланади. Янги 1 йиллик даъво муддати шу туркумдаги барча талабларга (юкни сақламаслик, кечикиб

етказиб беришлик, тўловлар бўйича ҳисоб-китоб), шунингдек, ташувчининг юк жўнатувчи ва юкни қабул қилувчига нисбатан бўлган талабига ҳам қўлланилади. Юк жўнатувчи ва юкни қабул килувчиларнинг даъволари бўйича даъво муддати даъво талабномасига жавоб олинган вақтдан, агар бу жавоб ўз муддатида берилган бўлса, ёки жавоб келиб тушиши лозим бўлган муддатдан ҳисобланади.

Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаблар даъво муддати ўтганлигидан қатъий назар кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати низо бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори эълон қилингунга қадар тарафлар томонидан берилган аризага биноан қўлланилади.

Фуқаролик Кодексининг 153-моддасига мувофиқ даъво муддати судлар томонидан ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар фақатгина тарафларнинг аризалари бўйича қўлланилади. Бошқа шахсларнинг аризалари, масалан, прокурорнинг иш бўйича хулосасида баён қилинган фикри, шунингдек, суднинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги ўз ташаббуси таъқиқланади.

Агарда, жавобгарнинг даъво муддати ўтганлиги туфайли даъво аризани рад этиш тўғрисидаги эътирозномаси, жавобгарга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, суд мажлиси ўтаётган кунга қадар келиб тушмаган бўлса, масалан, даъво аризанинг нусхасини, иш қўзғатиш тўғрисидаги ажримни олмаганлиги ва ҳоказо сабаблар тасдиқланган ҳолларда суд даъво муддатини қўллаши лозим.

9. Мажбуриятларни бажармаганликдан ёки етарли даражада бажармаганликдан келиб чиққан зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда Фуқаролик Кодексининг 14-моддасига мувофиқ ундириш талаби қўйилган даврдаги кўрилган зарар миқдори ҳам, бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун тарафлар томонидан сарфланиши лозим бўлган ҳаражатлар ҳам ундирилиши лозим.

Фуқаролик Кодексининг 327-моддаси 1-бандида назарда тутилган фоизлар, бировнинг пул маблағларидан шартномага асосан ёки шартномавий муносабатлар бўлмаганда ҳам олинганлигидан қатъий назар тўланиши лозим.

Қарздор томонидан унга берилган товарлар қиймати, бажарилган ишлар ва қилинган хизматлар учун тўловларнинг кечиктирилиши ҳам бировнинг пул маблағларидан фойдаланганлик деб баҳоланиши лозим.

Шу билан биргаликда етказилган зарарларга нисбатан, худди неустойка каби, фоизлар ҳам ҳисобга олиниш хусусиятига эга эканлигини назарда тутиш лозим.

Фуқаролик Кодексининг 327 - моддаси 1 - бандида кўзда тутилган фоизлар фақат маълум бир пул маблағига тўланиши ва агар қонун билан бошқа ҳолатлар белгиланмаган бўлса, бировнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун белгиланган фоизларга ҳисобланмаслиги лозим.

Солиқ органлари томонидан солиқ сифатида ёки солиқларни ва бюджетга бошқа тўловларни ҳисоблаш бўйича текширув далолатномаларига биноан ортиқча ундирилган пулларни қайтаришда бировни пул маб-лағидан фойдаланганлик учун фоизлар ундирилмайди.

10. Тўловли шартномани бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганликдан келиб чиққан низоларни ҳал қилишда, шартномада баҳоси кўрсатилмаганда ёки шартнома шарти бўйича баҳони аниқлаш имкони бўлмаганда тўлов ўхшаш товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган нархдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилишини ҳисобга олиш керак (ФК 356 - модда 4 - банди).

**ИЛОВА 12**

| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ N 2 | ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ N 84 |
|---|---|

**28.04.2000 й.**

## "ТАДБИКРОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИК ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАШ СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА"

Фуқароларнинг тадбикрорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шарт-шароитида яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бу сохасида қонунчиликни тўғри тадбиқ этиш ва уларга қатъий риоя қилиниши билан таъминлайди.

Аммо, судлар қонунларга зид бўлган ҳамда тадбиркорларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатиларини чеклайдиган идоравий меърий хужжатлар, низом ва кўрсатмаларни қонунчиликдан устун кўриш, шунингдек мансабдор шахсларнинг тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашуви, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, дехкон-фермер хўжаликларини, якка тартибидаги тадбиркорларни рўйхатга олишни қонунсиз рад этиш, тадбиркорларнинг ариза ва шикоятларини ўз муддатида кўрмаслик ва улар бўйича қарор қабул қилмаслик холатларига етарли даражада муносабат билдирмаяптилар.

Муайян ишларни ўрганиш натижалари ўзганинг мулкини талон-торож этиши, хокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилишни нотўғри тавчифлаш холатлари мавжудлигини кўрсатади. Қонунсиз кредитлар бериш ва уларни ўз муддатида қайтармаганлик хақидаги ишлар бўйича ягона суд амалиёти мавжуд эмас, самарли эхтиёт чораси хисобланувчи мажбуриятни таъминловчи услуб хисобланган гаровнинг а ҳамиятини етарли инобатга олмаяптилар.

Етказилган зарарнинг қопланганлиги жавобгарликни енгиллаштирувчи алохида холат эканлиги қатор ишлар бўйича жазо тайинлашда инобатга олинмаяпти.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тадбиркорларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари химоясини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 16 ва 46-моддаларига асосан, Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленуми:

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Судларнинг эътибори тадбиркорлик сохасидаги хуқуқий муносабатларни тартибда солувчи қонунчиликни бузиш бозор муносабатларнинг, қонуний тадбиркорлик фаолиятининг, хусусан кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг, дехқон-фермер хўжаликларининг, якка тартибдаги тадбиркорликнинг равнақига тўсқинлик қилишини инобатга олган қонунчилик талабалари аниқ риоя этиш зарурлигига қаратилсин.

2. Судларга кўрсатилсинки, қонунларга зид бўлган идоравий меъёрий хужжатлар, низом ва кўрсатмалар келиб чиққан низони хал этишда тадбиқ этилиши ва айбловнинг асосида қўйилиши мумкин эмас. Шу муносабат билан Олий хўжалик суди Пленумнинг 1996 йил 20 декабрдаги "Суд хокимияти тўғрисида"ги қарор 2-бандининг талабаларига риоя этилиши лозим. Унга кўра, суд, тўғри қарор қабул қилиниши учун а ҳамиятга эга бўлган бирон-бир меъёрий хужжатнинг Конституцияга мос келмаётганлигини

аниқлаганда, ишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу масалани Конституциявий судда кўриш учун киритиш хуқуқига эга бўлган, тегишлигига қараб Олий суд Раисига ёки Олий хўжалик суди Раисига барча хужжатларни юборади.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига биноан мамлакат иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этади. Мулк хуқуқий, мутлоқ хуқуқ бўлиб, уни бузадиган хар қандай хатти харакатларнинг тақиқланишини тақозо этади.

Жамиятда мулк хуқуқини эъзозлаш вазияти вужудга келтирилиши, унга нисбатан содир этиладиган хар қандай тажовуз муқаррар жавобгарлик ва жазога сазоворликни келтириб чиқариши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича субъектив хуқуқ фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқли. Фуқаролик кодексининг 192-моддасига кўра бошқа асослар билан бир каторда тадбиркорлик фаолияти ҳам мулк хуқуқининг вужудга келиш асосларидан хисобланади. Мулк хуқуқини амалга оширишга хар қандай, қонунга асосланмаган, аралашув бу хуқуқни қўпол бузиш саналади.

Мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари, масалан, фермернинг, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бошқа шахснинг мулкини қонунга хилоф равишда тасарруф қилишда ифодаланувчи қилмишлари, агарда мулкдорнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишга сабаб бўлса хокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жиноятининг таркибини ташкил этади. Зиённинг жиддийлиги хақидаги хулоса суд томонидан хар бир муайян иш бўйича асослантирилмоғи лозим.

Бунда, ўз мулкига нисбатан қонунсиз хатти-харакат содир этилган мулкдорда моддий зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани ҳамда маънавий зарарни ундириб олиш хуқуқи пайдо бўлади.

Маънавий зарар қопланиши лозим бўлган мулкий зиёнга боғлик бўлмаган холда тўланади. Маънавий зарарнинг миқдори хар бир муайян холатда суд томонидан белгиланади.

4. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонун назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслигини кафолатлашига, текширишларни ўтказиш асосларини, даврийлигини, муддатларини белгилашига эътиобор қаратилсин.

Мазкур Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ хуқуқни мухофаза қилув органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун фақат қўзгатилган жиноят ишнинг мавжудлгигина асос бўлади.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонунчилик бузгилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва фақат муайян камчиликни бартараф этиш билан бевосита боғлик чора-тадбирларнигина кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик холати мавжудлигидан тадбиркорлик субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашиши ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга хақли эмас.

Шу муносбат билан, судлар бу масала бўйича қонунчиликнинг бузилишига ўз муносабатларини лозим даражада билдиришлари керак. Тадбиркорнинг фаолиятига ғараз ёки бошқа паст ниятда аралашув холати аниқланган тақдирда айбдорларнинг харакатлари Жинот кодексининг бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан тавсифланмоғи лозим. Суд, шунингдек процесс иштирокчиларига тадбиркорда айбдордан барча, масалан унинг фаолиятига ноқонуний аралашув натижасида ишлаб чиқаришнинг тўхтаганлиги сабабли келиб чиққан, зарарларни ундириб олиш хуқуқи мавжудлигини тушунтириши лозим.

Судлар назарда тутишлари лозимки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган қарорига асосангина ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининнинг 44-моддасига ва "Фукароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устида умумий судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 1, 3-моддаларига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари, текширилиши қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг мутлоқ ваколатлари доирасига киритилган ёхуд судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-харакатлар (қарорлар)дан ташқари, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг хар қандай хатти-харакатлари устида судга шикоят қилишлари мумкин. Бундай шикоятларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумнинг 1996 йил 19 майдаги "Фуқароларнинг хуқуқларини ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарорига амал қилмоқлари зарур.

6. Назорат қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари, аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) тадбиркорлик субъектлариниг фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш муносабати билан ўзларига маълум бўлган, тижорат сири хисобланувчи маълумотларни унинг эгасига рухсатсиз ошкор этганликлари туфайли етказилган зарар учун Фуқаролик кодексига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 191-моддаси бўйича жавобгар булиши мумкин.

7. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг объектив ифодаланган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлоқ хуқуқи-интеллектуал мулки қонун билан қўриқланади ва давлат томонидан химоя қилинади. Мутлоқ хуқуқ объекти бўлган интеллектуал мулкдан бошқа шахслар фақат хуқуқ эгасининг розилиги билангина фодаланишлари мумкин. Шунинг учун, интеллектуал мулкдан хар қандай қонунсиз фойдаланиш бу хуқуқнинг қўпол бузилиши хисобланади. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал фаолияти натижаларини ўзлаштириб олиш Жиноят кодексининг 149-моддаси билан тавсифланиши мумкин. Агар интеллектуал мулк объектлари моддий қимматликка эга бўлса, айбдорнинг қилмишлари талон-торож сифатида бахоланади.

8. Эътибор қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тадбиркорлик фаолияти субъектининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини суд орқали химоя қилиш белгиланган.

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларга раддия берилишини талаб қилишга хақли.

Агарда тадбиркорлик фаолияти субъектининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса айнан шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумот ташкилотдан олинган хужжатда мавжуд бўлса, бундай хужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа холларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Башарти, суднинг қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга хақлидир. Жариманинг тўланиши қоидабузарни суднинг хал қилув қарорида назарда тутилган харакатни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Бундан ташқари, суднинг қарори асосида айбор шахснинг  хам моддий ва  хам маънавий зарар ундирилади.

9. Тадбиркорлик сохасида фуқаролик ва хўжалик низоларини, шунингдек жиноят ишларини кўраётганда судлар хар бир фуқаронинг тадбиркорлик билан шуғулланиш хуқуқини қаътий белгилаб берувчи қонунларга риоя қилишига алохида эътибор

қаратишлари керак. Қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган мансабдор шахсларнинг харакатлари тегишлича хуқуқий бахоланиши зарур. Бундай ғайри-қонуний харакатларга, жумладан якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатдан ўтказиши ноқонуний рад қилиш, ёки рўйхатга олишдан бош тортиш, муайян фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни рад қилиш ёки уни беришдан бош тортиш, банк кредити беришни асосиз рад қилиш ва бошқалар киритилиши мумкин.

Айбдор шахсларнинг қайд этилган қилмишлари иш холатларига ва келиб чиққан оқибатларига қараб мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш, хокимият харакатсизлиги ёхуд совуққонлик деб, башарати ғаразли сабаблар ҳам аниқланган бўлса пора беришга таъмагирлик қилиш сифатида ҳам тавсифланиши мумкин.

10. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектларидир.

Тадбиркорлик деганда қонунчиликка мувофиқ даромад (фойда) олишга қаратилган, хуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан махсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолиятни тушуниш керак.

Тадбиркор-юридик шахсни ташкил этган холда ҳам, ташкил этмасдан ҳам тадбиркорлик фаолияти билан доимий асосида шуғулланувчи жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор).

Баён этилганларга асосан инобатга олиш лозимки. Жиноят кодексининг 41-моддасига мувофиқ ижтимоий фойдали мақсадга эритиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлик асосли ташкил этмайди. Бунда айбдор шахслар фуқаровий, маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

12. Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредитлар беришда банк муссасалари ва бошқа кредит муссасалари ёки суғурта ташкилотлари кафолат бўлишлари мумкин.

Тўлов қобилиятига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар эса кредит олувчилар бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномаларини таъминлаш мақсадида ўзининг мулкидан, шунингдек нарсаларидан ва мулкий хуқуқларидан фойдаланиши мумкин.

Ушбу тоифадаги ишлар хал қилишда кредит шартномаси шаклига, мажбуриятларни бажариш шароитларига риоя қилинганлигини текшириш лозим, тижорат банклари томонидан кредитлар беришда кредит олувчи хужжатлар қаторида пул тушуми хақидаги маълумот албатта кўрсатилган бизнес режани, бошқа кредиторлардан олинаётан эркин маблағлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши хақидаги талабларга риоя қилинган ёки қилинмаганлиги аниқланиши лозим.

Аниқланган холатлардан келиб чиқиб, банкларнинг ва бошқа кредит ташкилотларининг мансабдор шахсларининг жиноий жавобгарлиги масаласини, бунга асослар мавжуд бўлганда, мухокама қилиш лозим бўлади.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасига мувофиқ банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор)нинг иккинчи тараф (қарз олувчи)га шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағларини бериши кредит хисобланади.

Мансабдор шахснинг кредитини ўз вақтида қайтаришдан қасддан бўйин товлаши, талон-торож қилиш аломатлари бўлмаган тақдирда, хокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш сифатида, башарти бу харакатлар алохида шахслар томонидан содир этилса Жиноят кодексининг 170-моддаси билан тавсифланмоғи лозим.

Талон-торож қилиш аломатлари бўлмай туриб ноқонуний кредитлар бериш Жиноят кодексининг 205-моддаси билан тавсифланиши зарур. Кредитини қайтаришдан қасддан бўйин товлаш ёки ноқонуний кредит берганлик, шунингдек кредит беришни

ноқонуний рад қилинганлик учун жиноий жавобгарик фуқароларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилган тақдирдагина келиб чиқади.

Судлар инобатга олишлари керакки, амалдаги қонунчиликка кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи юридик шахсларнинг рахбарлари  ҳам мансабдор шахслар тоифасига кирадилар. Шунинг учун, мазкур мансабдор шахслар томонидан банка ёки бошқа кредит муассасига хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик ахволи тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олиниши, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, агар бу хатти-харакатлар оқибатида давлат ёки жамият манфатларига жиддий зиён етказилган бўлса, Жиноят кодексининг 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) билан тавсифланиш керак. Башарти, кўрсатиб ўтилган хатти-харакатлар якка тартибидаги тадбиркор томонидан содир этилган бўлса, у Жиноят кодексининг 228-моддаси (хужжатлар, штамплар, мухрлар, банклар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан жиноий жавобгарликка тортилиш лозим.

14. Сохта тадбиркорлик нафақат иқтисодиёт асосларига, балки тадбиркорлик фаолияти ғоясинининг ўзига  ҳам тажовуз қилади, одамларнинг бозорга ва унинг бошқача хўжалик бритиш усулларидан аввалига бўлган ишончига путур етказади.

Сохта тадбиркорлик тўғрисидаги ишларни кўришда шахснинг таъсис хужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эггалашга хуқуқи бўлмаган бошқа мулкий фойда кўриш максадини кўзлаганлиги хисобига олиниши лозим. Бундай мақсаднинг аниқланиши шахснинг хатти-харакатларини Жиноят кодексининг 179-моддаси  ҳамда талон-торож этишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ва х.к. учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи билан тавсифлашга асос бўлиши мумкин.

15. Сохта банкротлик тадбиркорнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жихатдан бажара олмаслиги хақида била туриб, хақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши оқибатида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишида номаён бўлади. Кўп миқдордаги зарарнинг мавжуд эмаслиги фуқаровий-хуқуқий жавобгарликка асос бўлади. Шу муносабат билан, сохта банкротликка доир ишларни кўришда ишнинг барча холатларини синчковлик билан, хар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиш ва бундай қаллобликнинг хақиқий ташкилотчиларини аниқлаш шарт, зероки мазкур ташкилотларга уларни ташкил этишга алоқаси бўлмаган шахслар, яъни сохта шахслар  ҳам расман рахбарлик қилишлари мумкин.

16. Тадбиркорни рақобатчи томонидан обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали тадбиркорнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида билан тури ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш, факат ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар муайян аудиторияга мулжалланган тақдирдагина Жиноят кодексининг 192-моддасига назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этади. Шунинг учун айни бир шахсга ёлғон маълумотларни бериш, гарчи улар босма холда бўлса  ҳам, мазкур жиноят таркибни бермайди.

Бу ўринда эътиборга олиш зарурки, ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни бир шахс тайёрлаб, аслида бошқа шахс ошкор қилган (масалан, телевидение бўйича ёки газетадан чоп этиш орқали) тақдирда, агар ижрочи ўзи томонидан тарқатилаётган маълумотларнинг ёлғонлигини кўра билан бўлса, қилмиш мазкур жиноятда иштирокчиллик сифатида тавсифланиши мумкин.

17. Солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловчиларни тўлашдан бўйин товлаш хақидаги ишларни кўришда хизмат вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиш оқибатида хисобни ёки хисоботни чалкаштириб юбориш, фойдани хисоблашда

хатога йўл қўйиш холатларининг ўзигина Жиноят кодексининг 184-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмаслиги эътиборга олиниши лозим, чунки солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан буйин товлаш фақат қасддан содир этилади. Тергов органлари ва судлар хаб бир иш бўйича солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган шахснинг қасди ва ғаразли ниятларини аниқлашга мажбурдилар.

Солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш-бу солиқ органларига тақдим этиладиган хисобот хужжатларида хақиқий маълумотномаларни қасдан кўрсатмаслик ёки уларга била туриб солиқнинг миқдори тўғрисида хақиқатга тўғри келмайдиган, уни пасайтириш ва ёки камайтириш томонга ўзгартирилган маълумотларни киритишда ифодаланади.

Агарда хисобот кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалар томонидан солиқ органларига хар чоракда тақдим этилиши лозим бўлса, ойлик солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашда бўйин товлаш, мисол учун мансабга совуққонлик билан қараш оқибатида, хисобот даври келгуна қадар молиявий санкцияни хисобга олган холда кейинчалик уларни тўлган такдирда  ҳам Жиноят кодексининг 184-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмас.

18. Жиноят кодексининг 184-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонунига мувофиқ қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойдалар (даромадлар) бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов тўлиқ тўлаган тақдирда, озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги хақидаги кўрсатма билан тўлдирилганлигини судлар эътиборга олишлари керак.

19. Судларга тадбиркорлик фаолияти билан боғлик ишларнинг хусусиятини, хисобига олганда, ишнинг барча холатларини янада тўлиқ ва хар томонланма аниқлаш мақсадида зарур холларда, суд мухокамасига тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик сохасида тегишли билимга эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш тавсия этилсин.

20. Тадбиркорлик сохасидага фуқаролик ва хўжалик низолари, шунингдек жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўришда судлар қонунбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилишига имкон берган барча сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашлари ва уларга лозим даражада муносабат билдиришлари зарур.

21. Коракалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шахар ва вилоят судлари, Харбий суд ва хўжалик судлари мазкур тоифадаги ишлар юзасидан қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда тадбиқ этилишини таъминлашлари, суд амалиётини доимий тахлил қилиб боришлари, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

**ИЛОВА 13**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ**
**ҚАРОРИ**
**01.03.1996 й.**
**N 54**

## СУД ҚАРОРЛАРИ ҲАҚИДА

Хўжалик судларининг олдида турган иқтисодий муносабатлар соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва одил судловни амалга оширишни такомиллаштириш масаласи қабул қилинаётган суд қарорларининг қонун талабларига тўлиқ жавоб беришни талаб этади. Бу эса судьяларга алоҳида масъулият ва эътибор юклайди. Ҳар бир иш бўйича қарорлар қонуний ва асосланган бўлиши лозим. Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўпчилик ишлар бўйича чиқарилаётган қарорлар моддий ҳуқуқ ва процессуал талабларга биноан чиқарилаяпти.

Шу билан бирга хўжалик судлари томонидан айрим ишлар бўйича қабул қилинаётган қарорлар ҳамма вақт ҳам Хўжалик процессуал кодекси қонунчилиги талабларига ва ишнинг моҳиятига тўла, аниқ жавоб бермайди. Иш жараёнида объектив таҳлиллар ва аниқ ҳолатлар бўйича йиғилган далил-исботлар қарорларда баъзи пайтларда тўлиқ кўрсатилмайди. Кўпчилик қарорларда даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг важлари аниқ баён этилмайди, томонлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти чуқур очилмайди, аниқланган фактларга ҳуқуқий баҳо берилмайди. Баъзи ҳолларда эса, суд низони моҳияти бўйича ҳал қилишда қўлланилиши керак бўлган қонунларни кўрсатмайди. Қарорларнинг тузилиш тартибида ҳам бир қанча камчиликлар учрамоқда.

Юқорида кўрсатилган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 42, 46-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Хўжалик судларининг эътибори суд ҳокимияти актлари бўлган қарорларни чиқаришда ҳар бир алоҳида иш бўйича чиқарилган қарор Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал қонунчилигининг талабларига тўлиқ жавоб беришига, қонуний ва асосли бўлишига қаратилсин.

Судьялар қарорларни ўзларининг ҳуқуқий онгига таяниб, ташқи муҳитлар таъсирисиз, қонунларга ва ишдаги мавжуд ҳолатларга асосланган ҳолда қабул қилсинлар.

Чиқарилган қарор чуқур асослантирилган, даъвонинг моҳияти бўйича қўйилган барча саволларга жавоб берадиган бўлиши керак. Даъво юзасидан ҳамма масалаларни ҳал қилмасдан, асосланмаган, юзаки, тарафлар томонидан тақдим қилинган илтимоснома ва қўшимча далил-исботларни ҳуқуқий баҳоламасдан, қарор чиқарилиши мумкин эмас. Қонун талабларини бузиб чиқарилган қарор Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 98-моддасига биноан бекор қилинади.

**Изоҳ:** Ушбу қарорда 1993 йил (эски таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг моддалари қўлланилган.

2. Мазкур низолар бўйича ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишда процессуал ҳуқуқ талаблари ва моддий ҳуқуқ талаблари тўлиқ ва аниқ қўлланган бўлса, қарорлар қонуний деб ҳисобланади. Агар баъзи ҳолларда, шартномада ёки қонун ости норматив

актларидаги ҳолатлар қонунга зидлиги аниқланса, хўжалик судлари қарор чиқаришда қонунга асосланган равишда қарор чиқарадилар.

Низоли муносабатларни тартибга солувчи қонунлар бўлмаган тақдирда, суд Хўжалик процессуал кодексининг 1-моддаси 3-бўлимига асосланиб, шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонунни қўллашлари керак.

3. Иш бўйича муҳим бўлган ҳамма ҳолатлар, келтирилган далил-исботларни тасдиқловчи фикрлар томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўрсатувчи ҳолатларни тасдиқласа, қарор асослантирилган бўлади. Қарорлар иш ҳолати бўйича тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас.

Қарорлар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 30, 40-моддалари талабларини ҳисобга олган ҳолда тўла ва аниқ, шу иш билан боғлиқ ишончли ва етарли далилларга асосланган бўлиши керак. Иш бўйича экспертнинг хулосаси, ёзма ва ашёвий далиллар, томонлар вакилларининг ва иш процессида қатнашаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари исботлаш воситалари бўлиб ҳисобланади. Фақат текширилган ва баҳоланган далил-исботлар суд қарорининг асослари бўла олади. Судлар ўз қарорларида далил-исботларни кўрсатиш эмас, балки бу далил-исботларнинг мазмунини қисқача кўрсатиб ўтишлари керак.

Агар далилларнинг ҳар бирини алоҳида ва жами келтирилган у ёки бу ҳужжатлар, тарафлар вакилларининг кўрсатмалари ўзларининг даъво ёки эътирозларини тасдиқламаслигини аниқласа, қарор чиқаришда суд бу ҳақда ўз хулосасини асослаб кўрсатиши лозим.

Ҳеч қандай далил-исботлар суд учун олдиндан белгиланган кучга эга эмас, шунинг учун жавобгар даъвони тан олганда ҳам, иш кўриш жараёнида аниқланган ҳолатлар қарорда кўрсатилиши керак.

Эксперт хулосасига ҳавола қилинганда, шу хулоса билан қандай ҳолатлар тасдиқланиши қарорда кўрсатилиши лозим. Экспертнинг хулосасидан норози бўлган суд иш бўйича қарорда ўзининг эътирозини асослантирган ҳолда кўрсатиши керак.

4. Хўжалик судлари қарорларининг ижроси бўйича тушунмовчиликлар ва низолар бўлмаслиги учун ХПКнинг 80-моддаси талаби бўйича қарорнинг кириш, таърифлаш, асослантириш ва хулоса қисмини аниқ изоҳлаши керак.

4.1. Қарорнинг кириш қисмида кўрсатилган сана, суд мажлисида қарор эълон қилинган кун ҳисобланади. Бу тартиб суд мажлисида қарорнинг хулоса қисми эълон қилинаётганда ҳам амалда бўлади. Шунинг учун судьялар томонидан имзоланган ва суд мажлисида эълон қилинган қарорнинг асослантирилган ва хулоса қисмларига ҳам, қарор қабул қилинган бир хил сана қўйилади.

4.2. Қарорнинг таърифлаш қисмида даъво аризасига билдирилган фикр, тушунтиришлар ҳамда илтимосномаларнинг қисқача баёни кўрсатилиши керак.

4.3. Қарорнинг асослаш қисми хўжалик судларининг ҳуқуқий ва фактик ҳолатларига асослантириб кўрсатилган бўлиши керак.

Қарор матнида асосларнинг (суд фикрлари ва таянган ҳолатлар) баён этилиши суд хулосасининг янада тушунарли ва ишончли бўлишини таъминлайди. Қарорнинг фактик асосланиш қисми суднинг даъво асослари ҳақидаги мулоҳазасидан, шу жумладан, қарши даъво ва учинчи шахс даъвосидан, шунингдек даъвога қарши эътирозларнинг асосига қўйилган фактларнинг мулоҳазасидан ва мазкур ишни ҳал этиш учун хўжалик суди томонидан маъқулланган муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа фактлардан таркиб топиши лозим.

Асословчи қисмда хўжалик суди қарори ҳуқуқий асослантирилиши ҳам керак. Бу ерда ишни ҳал қилиш жараёнида суд томонидан қўлланилган моддий ҳуқуқ меъёрлари ва у амал қилган процессуал ҳуқуқ меъёрлари кўрсатилиши лозим. Шу билан бир қаторда қайд этилган у ёки бу ҳуқуқ меъёрларини татбиқ этиш масалалари бўйича тушунтиришларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленум қарорларига ҳам мурожаат этишлари керак.

Агар хўжалик суди ишда қатнашаётган шахслар кўрсатаётган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий актларни қўлламаса, у ҳолда низони ҳал этишда мазкур қонунларни нима сабабдан қўлламаганлигининг сабабларини кўрсатиб ўтиши лозим.

5. Хўжалик суди қарорларининг хулоса қисмида томонларнинг ҳар бир талаби қондирилганлиги ёки қондирилмаганлиги кўрсатилиши лозим.

Бир неча даъвогар ва жавобгарлар қатнашаётган иш қарорида, уларнинг ҳар бирига нисбатан низо қандай ҳал қилинганлиги кўрсатиб ўтилади. Дастлабки ва қарши даъволарни тўла ёки қисман қаноатлантириб қабул қилинаётган қарорнинг хулоса қисмида ҳисоб қилиниб, ундирилиши керак бўлган сумма кўрсатилади.

Айни пайтда суд иш бўйича жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масалани ечишга ҳақли эмас.

Қарорлар қабул қилишда, уларнинг ижросини маълум шартлар келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслиги билан боғлиқ қилиб қўймаслик керак.

6. Хўжалик процессуал кодексининг 79-моддаси 1-қисмига мувофиқ, суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда, ташкилотлар ва тадбиркор фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво талабларидан четга чиқиши мумкин. Айни пайтда, ХПКнинг 23-моддаси 2-бандига асосан, даъво предмети ёки асоси суднинг ташаббуси билан, жавобгарнинг процессуал ҳуқуқларини бузмасдан ва суд томонидан унга янги ҳолатлар бўйича далил ва исботлар келтириш, шунингдек суд мажлисида ўзининг важларини баён этиш имкониятларини берган ҳолда, даъвогарнинг бевосита суд мажлисида берган розилиги асосида ўзгартирилиши мумкин.

7. Хўжалик судлари ҳал қилув қарорини чиқаришда давлат божини тарафлар ўртасида тақсимлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 43, 48-моддалари талабига сўзсиз риоя қилишлари керак. Асосан бундай қилиш давлат божини аввалдан тўланмай қўзғатилган ишлар бўйича мажбурийдир.

8. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 81-моддасига мувофиқ, судья ёки ҳайъат ишни суд мажлисида моҳияти бўйича кўриб чиқиб, тугалланган ҳал қилув қарорини чиқаради. Шу билан бирга судья ёки ҳайъат ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисмини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд мажлисида тарафлар ва уларнинг вакиллари тугалланган ҳал қилув қарори билан қачон таниша олишлари мумкинлиги эълон қилиниши керак. Ҳал қилув қарорининг тўла матни 5 кун мобайнида тайёр бўлиши керак.

9. Суднинг ҳал қилув қарори низони қайси судья ёки ҳайъат ҳал қилган бўлса, фақат улар томонидан чиқарилиши лозим.

Иш кўриш жараёнида судьяни ўзгартириш лозим бўлиб қолса, иш бошқатдан кўрилиши ва бу ҳақда шу суд раисининг ёки ўринбосарининг қарори бўлиши зарур.

Иш кўришда иштирок этмаган судья (ҳайъат) томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиш учун асосдир.

10. ХПКнинг 114-моддасида кўрсатилган ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки ўзгартириш лозим бўлганда, ҳамда уни ижро этиш усули ёки

тартибини ўзгартириш зарурияти келиб чиқса, буни ҳал қилув қарорини чиқаришда ҳам амалга ошириш мумкин.

Ҳал қилув қарорини ижро этишни кечиктириш ёки чўзиш ҳамда усулини ёки тартибини ўзгартиришга жавобгарнинг мулкий ҳолатидаги ўзгаришларни, жавобгарнинг банк ҳужжатлари текшируви ва назорат қилувчи бўлимлар ихтиёрида эканлиги, ҳал қилув қарорини тарафлар томонидан дарҳол қайта кўриш учун ариза берилганлиги (қарор ижросини қайтаришга имконият берилмаслик учун) ва бошқа эътиборга лойиқ вазиятларни асос қилиб олиш мумкин.

Бу процессуал ҳаракат тарафлар аризасига ёки суд ташаббусига биноан қўзғатилади ва ижро этилади ҳамда бу ҳаракатлар юзасидан асосланган ажрим чиқарилади.

Шу билан бирга суд Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 9-бобида кўзда тутилган, ҳал қилув қарорини ижро этишни таъминловчи чораларни кўриши мумкин.

11. Судлар Хўжалик процессуал кодексининг 81-моддаси талаби бўйича ҳал қилув қарорини қайта кўриш учун ариза бериш тартибини тушунтириши лозимлигини кўзда тутиши керак. Тарафларнинг ариза бериш ҳуқуқларини бузмаслик учун ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида бундай ариза бериш тартиби ва муддатлари кўрсатилиши керак.

12. Хўжалик судларининг эътибори иш кўришда иштирок этган, этмаган тарафлар ва бошқа иштирокчиларга ҳал қилув қарорининг нусхаларини қабул қилинган кундан кейин 5 кун муддат ичида юбориш лозимлигини талаб қилувчи Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 68, 84-моддаларига қатъий риоя қилишга қаратиши лозим.

13. Ҳал қилув қарорини чиқарган суд ўз ташаббуси билан ёки иш кўришда иштирок этган тарафлар илтимосига кўра, даъво аризасида кўрсатилган бирон-бир талаб кўрилмай қолдирилган бўлса ёки давлат божи масаласи ҳал қилинмаган бўлса, қўшимча қарор чиқариши мумкин.

Қўшимча қарор, судлов ишларини юритиш бўйича ишда иштирок этган тарафларнинг ва бошқа иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқий талабларини бузмаган ҳолда чиқарилади. Чиқарилган қўшимча қарор асосий ҳал қилув қарори сингари тарафлар талаби, прокурор протестига биноан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Қайта кўриб чиқиш учун берилган аризани қабул қилмасдан чиқарилган ажрим устидан ҳам шундай тартибда ариза берилиши мумкин.

Агар асосий ҳал қилув қарорида давлат божини тарафлар ўртасида тақсимлаш масаласи ҳал қилинган бўлса-ю, лекин у иш моҳияти бўйича суд хулосасига тўғри келмаган бўлса, бундай чиқарилган ҳал қилув қарорига қўшимча қарор чиқаришга, шунингдек тўлдириш ёки тузатишга суд ҳақли эмас. Суднинг бундай хатосини тўғирлаш белгиланган тартибда ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча қарорда шу қарор чиқариш учун асос бўлган сабабни кўрсатиш, хулоса қисмида қўшимча масала юзасидан ўз якунини изҳор этиб, қўйилган, лекин суд томонидан ҳал этилмай қолдирилган талаб бўйича ёки жавобгардан даъвогарга давлат божининг ундириладиган қисмини ёхуд суд харажатларини ундириш ва бошқалар кўрсатилиб қарор чиқарилиши лозим.

14. ХПКнинг 86-моддасига биноан судья тарафлар талабига биноан қарор моҳиятини ўзгартирмай мазмунини тушунтириш ҳамда тарафлар илтимосига ёки ўз ташаббуси билан қарор мазмунини ўзгартирмай йўл қўйилган хатоликларни тузатиши мумкин. Бундай процессуал ҳаракатлар ажрим чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Суд шунингдек ҳал қилув қарорини бевосита ижро этувчи идоралар (умумий судлар ижрочиси, банк, тугатиш комиссияси, молия бўлими, маблағни давлат даромадига ўтказувчи солиқ назорати) илтимосига биноан ҳам ҳал қилув қарорини изоҳлаши мумкин.

Ҳал қилув қарорини изоҳлашдан мақсад яққол бўлмаган қисмларини яққол ва тўла изоҳлашдир. Бу ҳолда суд ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартириши, суд қарорида кўрсатилмаган масалаларни изоҳлаши мумкин эмас. Фақат ҳал қилув қарорини чиқарган судгина шу қарорни изоҳлаши мумкин.

Агар ҳал қилув қарори ижро этилган бўлса ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган суддат ўтган бўлиб, бу муддат тикланмаган бўлса, қарорни изоҳлашга йўл қўйилмайди.

Ундирилган мулк қиймати, вақти ва кўрилган чораларга ўзгартиришлар киритиш суд томонидан ёзувдаги хатоликларга йўл қўйилган тақдирдагина рухсат берилади.

15. Суд ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъатлари раислари қайта кўриш учун ариза берилган ҳал қилув қарорларининг қонун талабларига тўла риоя қилинишини мукаммал текширишлари ва йўл қўйилган хатоликларни ўз вақтида тузатиш чораларини кўришлари лозим. Қонунга мувофиқ бўлмаган ва асоссиз чиқарилган ҳал қилув қарорларининг сабабларини доим таҳлил қилиб бориш,  уларнинг олдини олиш, суд ходимларининг малака маҳоратини ошириш тадбирларини кўришлари зарур.

**ИЛОВА 14**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ**
**ҚАРОРИ**
**24.02.2001 й.**
**N 91**

## АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ҲАҚИДА

Хўжалик ишлари бўйича апелляция тартибида иш кўриш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш шуни кўрсатдики, судлар апелляция шикоятларини кўришда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларини қонунийлиги ва асослилигини текширадилар, улар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатадилар, одил судловни тўғри амалга оширишга ҳамда хўжалик ҳуқуқий муносабатларида қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам берадилар.

Шу билан бирга апелляция инстанцияси судларининг фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам мавжуддир. Айрим ҳолларда биринчи инстанция судининг хулосалари иш ҳолатлари ва қонунга мувофиқлиги, процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя қилинганлиги текширилмайди. Баъзан ҳал қилув қарорлари ўзгаришсиз қолдирилаётган қарорларда фақатгина биринчи инстанция суди томонидан аниқланган иш ҳолатлари баён қилинади, апелляция инстанциясида далилларни рад этишга асос бўлган ҳолатларни кўрсатилмайди ва ишда иштирок этувчи шахслар томонидан кўрсатилган қонунчилик ҳужжатлари қўлланилмайди. Баъзи бир ҳолларда апелляция инстанцияси ваколатларини белгиловчи нормаларни қўллашда хатоликларга йўл қўйилмоҳда.

Апелляция инстанциясида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини (бундан кейин ХПК) бир хилда қўллаш маҳсадида, Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 47-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленуми қуйидаги тушунтиришларни беришга

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** ХПКнинг 156-моддасига мувофиҳ, ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судига апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эгадирлар. ХПКнинг 170-моддаси 2-ҳисми 4-бандида назарда тутилганидек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар ҳам шундай ҳуқуққа эгадирлар, башарти, хўжалик суди уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса. Бундай ҳолларда кўрсатилган шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар, шу жумладан, улар апелляция инстанциясида иш кўрилаётганда иштирок этиш, илтимосномалар бериш, иш ҳужжатлари билан танишиш, далиллар тақдим қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек кўрсатилган ҳуқуқдан юридик шахс бўлмаган ташкилот ҳам фойдаланади, башарти у биринчи инстанция судида даъвогар (жавобгар) сифатида қатнашган бўлса.

**2.** Хўжалик судлари шуни эътиборга олишлари лозимки, апелляция шикояти нафақат биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган хал қилув қарорининг ҳамма қисмига балки хал қилув қарорининг бир қисмига ҳам берилиши мумкин.

Шикоят қилишнинг мустақил предмети бўлиб хал қилув қарорининг асослантирувчи қисми ҳам, хулоса қисми ҳам бўлиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар ХПКнинг 149-моддасига мувофиқ чиқарилган қўшимча хал қилув қарорига ҳам апелляция шикояти беришга хақлидирлар.

**3.** Апелляция шикояти ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилганда, хусусан ишда иштирок этмаган, биринчи инстанция суди унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилмаган шахс томонидан ёки апелляция тартибида шикоят қилишга тегишли бўлмаган ҳал қилув қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори), ёхуд ХПКда назарда тутилган шикоят қилиниши мумкин бўлмаган ажрим устидан берилганда, судья ХПКнинг 117-моддаси 1-қисми 1-бандини қўллаб, апелляция шикоятини қабул қилишни рад этади.

ХПКнинг 149-моддасида белгиланган асослар бўйича биринчи инстанция суди томонидан қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш ёки ХПКнинг 150-моддасига кўра ҳал қилув қарорига тушунтириш бериш, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб китобдаги арифметик хатоларни тузатиш йўли билан ҳал қилув қароридаги камчиликлар бартараф қилинган ҳолларда ҳам апелляция шикоятини қабул қилиш рад қилиниши мумкин.

Башарти, кўрсатилган ҳолатлар шикоят иш юритишга қабул қилингандан сўнг аниқланса, бундай холда ХПКнинг 86-моддаси 1-бандини қўллаб апелляция инстанциясида иш юритиш тугатилади. Апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим устидан ХПКнинг 87-моддаси 4-қисмига мувофиҳ кассация тартибида шикоят килиниши мумкин.

**4.** ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмига мувофиҳ, судьянинг якка ўзи мазкур моддада назарда тутилган асосларга кўра апелляция шикоятини қайтаради.

ХПКнинг 162-моддаси 2 қисмига кўра апелляция шикоятини қайтариш ҳақида ажрим чиқарилади. Судья апелляция шикоятини устхат ёзиб ёки қонунда кўзда тутилмаган бошқа усуллар билан қайтаришга ҳақли эмасдир.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмининг 1, 2, 3-бандларига кўра шикоятни қайтариш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, у яна умумий тартибда берилиши мумкин.

Апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги ажрим чиқарилгандан кейин ХПКнинг 153- моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахсларга беш кунлик муддатда маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ўша муддатда тилхат олиб топширилади.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмининг 2, 3-бандларида кўзда тутилган апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги асослар апелляция инстанцияси суди томонидан апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилингандан сўнг аниқланган ҳолларда, иш апелляция инстанциясида мазмунан кўриб чиқилиши лозим. Бундай ҳолда хўжалик суди шикоят берган шахсдан ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга нусха юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилади, давлат божи суммаси эса ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилишда тегишли тарафдан ундирилади.

**5.** Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, биринчи инстанция судида иштирок этган вакил, шу жумладан адвокат, суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини, агарда ХПКнинг 52-моддасида кўрсатилган тартибда вакил қилинган шахсга берилган ишончномада бундай процессуал ҳаракатни амалга ошириш кўрсатилган бўлса имзолашга ҳақли. Агарда апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинганидан сўнг, шикоятга имзо қўйган шахсни имзо қўйиш ҳуқуқи борлигига шубҳа туғилса, аризачига тегишли далилларни тақдим этиш таклиф этилади. Тегишли далиллар тақдим этилмаганида ХПКни 88-моддаси 3-бандини қўллаб, шикоят кўрмасдан қолдирилади.

**6.** ХПКнинг 158-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилади. Шикоят қилиш муддатининг ўтиши ҳал қилув қарори қабул қилинган ва эълон қилинган вақтдан кейинги кундан бошланади. Апелляция шикоятини бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолда суд шикоят берган шахснинг илтимосига кўра муддатни тиклаши мумкин.

Апелляция шикоятини бериш муддати ўтказилганлиги туфайли қайтарилган бўлса, у ўтказиб юборилган муддатни тиклашни сўраб илтимоснома билан бирга такроран берилиши мумкин.

Шикоят бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисиз судьянинг якка ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Ўтказиб юборилган апелляция шикоятини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги бу ажримда шикоятни иш юритишга қабул қилиш билан бир вақтда башарти апелляция инстанциясида иш кўрилгунга қадар ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ҳақидаги тегишли илтимоснома бўлса унинг натижалари ҳам кўрсатилиши мумкин.

7. ХПКнинг 164-моддасига мувофиқ апелляция инстанциясида ишни кўриш ХПКнинг 21 бобида назарда туғилган асосларда биринчи инстанция хўжалик судида ишни кўриш қоидалари бўйича кўрилади. Бунда фақатгина биринчи инстанция суди учун белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

Хусусан, апелляция инстанциясида даъвогар ХПКнинг 40-моддасида кўзда тутилган даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳақидаги ўз ҳуқуқларини амалга ошираолмайди. Жавобгар апелляция инстанциясида қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас. (ХПК 120-м)

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанцияда ишни кўришда тақдим қилинмаган янги талабларни қабул қилишга ёки кўришга, (ХПКнинг 166-м., 3-қисми), шунингдек ишга иштирок этишга бошқа жавобгарни жалб қилиш (ХПКнинг 37-м. 2 қ), ёки шахсни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилиш (ХПКнинг 38-м. 3 қ.) ишга даҳлдор бўлмаган тарафни алмаштиришга ҳақли эмас (ХПКнинг 38-м). Бундан ташқари, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи, шунингдек, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган (ХПКнинг 42-м.) учинчи шахслар ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин эмас (ХПКнинг 41-м.) ва даъво талабларини бирлаштириш ҳақидаги қоидалар ҳам амал қилмайди. (ХПКнинг 115-м.)

8**.** Апелляция шикоятини берган шахс, ХПКнинг 165-моддасига мувофиқ, қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли. Суд ХПКнинг 40-моддаси 4-қисмида назарда тутилган асослар бўйича даъводан воз кечишни рад этишга ва ишни апелляция тартибида кўриб чиқишга ҳақли.

Агарда ҳал қилув қарори бошқа шахслар томонидан шикоят қилинмаган бўлса, апелляция шикоятидан воз кечишни қабул қилиш апелляция инстанциясида иш юритишни тугатишга олиб келади.

9**.** ХПКнинг 166-моддаси 1-қисмига мувофиқ хўжалик суди апелляция инстанциясида ишда мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим этилган далиллар билан ишни қайта кўради.

Қўшимча далилларни қабул қилиш ҳақидаги масала ҳал этилаётганда биринчи инстанция судида мазкур далилларни тақдим қилмаганлик сабаблари, апелляция инстанцияси судига уларни тақдим қилишнинг зарурлиги, шунингдек низони тўғри

ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга далилларнинг боғлиқлиги ҳақидаги арз қилувчининг тушунтиришлари эътиборга олинади. Агарда манфаатдор шахс биринчи инстанция судида ўзини нолийиқ тутганлиги ва мажлисни чўзиш мақсадида мазкур далилларни тақдим қилмаганлиги аниқланса, қўшимча далиллар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмаслиги мумкин.

Апелляция шикоятига эътирозномани асослаш учун тақдим этилган қўшимча далиллар хўжалик суди апелляция инстанцияси томонидан ХПКнинг 166-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган қоидалар бўйича қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

10. Апелляция инстанциясида ишларни кўришда судлар қонун бўйича қуйидагиларни аниқлашлари лозим: биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланганлигини; суд аниқланган деб топган ҳолатларнинг исботланганлигини; суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалари иш ҳолатларига мувофиқлигини; процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини бузилмаганлигини; мазкур нормалар тўғри қўлланилганлигини.

Апелляция инстанцияси суднинг ҳал қилув қарорини қонунийлиги ва асослилигини ишдаги мавжуд ҳамда ишни кўришдан олдин ёки кўриш вақтида ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахслар томонидан тақдим қилинган, шунингдек апелляция инстанцияси суди томонидан ишда иштирок этувчи ва бошқа шахсларнинг илтимосномаларига кўра талаб қилиб олинган қўшимча материаллар бўйича текширади.

11. ХПКнинг 166-моддаси 2-қисмига мувофиқ хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўрганида апелляция шикоятида баён этилган важлар билан чекланиб қолмайди ва ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда текширишга мажбур, бу тартиб ҳал қилув қарорига шикоят қилмаган ва шикоят қилган шахсларга нисбатан ҳам тааллуқли. Чунончи, суд шикоятнинг важлари билан чекланиб қолмайди, уни кўриш натижалари бўйича арз қилувчи сўраганидан ўзгача ҳал қилув қарорини қабул қилишга ҳақли. Шу сабабли апелляция шикоятида процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги кўрсатилган-кўрсатилмаганлигидан қатъий назар, ХПКнинг 169-моддасида кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганда апелляция инстанцияси ҳал қилув қарорини бекор қилади.

12. Хўжалик судининг апелляция инстанцияси ХПКнинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қоидаларини қўллайди. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, ХПКнинг 82-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур, ХПКнинг 83-моддасида қайд этилган асослар мавжуд бўлганида эса иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан ишни аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этилади. ХПКнинг 82-моддасини 1 қисмини 1-бандини қўллашда, жиноий судлов ишларини юритиш деганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида белгиланган жиноят процессини барча босқичлари тушунилиши лозим, яъни жиноят иши қўзгатилган вақтдан бошлаб.

13. Апелляция инстанцияси судлари ХПКнинг қарор мазмуни ҳақидаги нормаларига қатъий риоя этишлари лозим. Апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришда, қарорда шикоят важлари нотўғри эканлигини тасдиқловчи ёки ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлаолмаслигининг сабаблари кўрсатилиши лозим.

14. Апелляция инстанциясини қарори ХПКнинг 150-моддасида кўрсатилган тартибда тушунтирилиши, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик ҳисоблашдаги янглишишлар тузатилиши мумкин.

15. Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўзининг ташаббуси билан агарда у биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб янги қарор қабул қилган бўлса, қўшимча қарор қабул қилишга ҳақли (ХПК 168-м. 2-б). Қўшимча қарор апелляция инстанциясида ХПКнинг 149-моддасини 1-қисмини 2, 3-бандларида ва ХПКнинг 149-моддасини 3-қисмида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганида қабул қилиниши мумкин. Қўшимча қарор қабул қилиш рад этилганида ажрим чиқарилади ва ушбу ажрим устидан ХПКнинг 149-моддаси 5-қисмига биноан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

16. Апелляция инстанцияси судининг мажлисида ва суд мажлисидан ташқарида алоҳида процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади. Баённома мазмунига, уни олиб бориш ва имзолаш, шу билан бирга уни тақдим этиш ва баённомага билдирилган эътирозларини кўриб чиқишда ХПКнинг 34-моддасида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Ишда хўжалик суди апелляция инстанциясининг баённомасини мавжуд эмаслиги ёки уни ХПКнинг 134-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан имзоланмаганлиги ХПКнинг 188-моддаси 3-қисми 8-бандига кўра апелляция инстанцияси қарорини сўзсиз бекор қилиш учун асос бўлади.

17. ХПКнинг 217-моддасига кўра апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилишда, ўзи чиқарган янги қарорнинг ижросини кечиктириш ва ижро этишни узайтириш масаласини ҳал этишга ҳақли.

Бошқа ҳолатларда қарорни ижросини кечиктириш ёки уни узайтириш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқилади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий хўжалик суди Раиси М. Абдусаломов**

**Пленум Котиби,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий хўжалик суди судьяси Т. Юсупов**

**ИЛОВА 15**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ**
**ҚАРОРИ**
**28.02.1997 й.**
**N 62**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги "Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мулкчилик шаклидан қаъти назар давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хўжалик судлари қарорларининг тегишлича ижро этилиши учун жавобгарлигини ошириш йўллари белгилаб берилган.

Фармонда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишни таъминлашдаги асосий воситалардан бири хўжалик судлари қарорларининг ижро этилишини тартибга солувчи ҳуқуқий маъёрларга қатъий риоя этишдан иборатдир.

Хўжалик судлари қарорларини ижро этиш амалиётининг бир хилда бўлишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 46, 54-моддаларига асосланиб, Олий хўжалик суди Пленуми

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 1997 йил 5 февралдаги "Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони судьялар ва суд девони ходимлари учун дастуриламал деб ҳисоблансин ҳамда уни бажариш йўлида ҳамма чора-тадбирлар белгилансин.

Олий хўжалик суди томонидан ушбу Фармонни ижро этиш бўйича ишлаб чиқилган 1997 йил 5 февралдаги Режа маъқуллансин.

"Хўжалик судлари ҳужжатларини ижро этиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида ижро юритишни тартибга солувчи етарли меъёрлар мавжуд эмаслиги сабабли, хўжалик судлари Хўжалик процессуал кодекси 12 моддаси 3-бандига амал қилган ҳолда, суд қарорларини ижро этишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли меъёрларини қўлласинлар.

Бунда судлар қуйидагиларга аҳамият беришлари лозим:

- Хўжалик судлари томонидан бериладиган ижро варақлари ва суд буйруқлари ижро ҳужжатлари ҳисобланади.

- Пул маблағларини ундириш бўйича ижро варақлари ва суд буйруқлари беш кун муддат ичида ундирувчи, давлат бюджетига маблағ ундиришда эса солиқ идорасига юборилади, солиқ идораси ўз навбатида ижро варақларини ва суд буйруқларини белгиланган тартибда ижро этиш учун банкка юборилади.

- Мулкни асл ҳолида ундириш, бино ва бошқа объектларни бўшатиш ёки олиб бериш, пул ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган маълум ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги ижро варақалари ва суд буйруқлари ундирувчига берилади ёхуд унинг илтимосига асосан Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли бўлим қоидаларига мувофиқ ижро этиш бевосита суд ижрочиларина юборилади.

- Ҳар бир ҳал қилув қарори бўйича битта ижро варақаси чиқарилади. Агарда ижро этиш ҳар хил жойларда амалга оширилиши лозим бўлса ёхуд қарор бир неча даъвогарлар фойдасига ёки бир неча жавобгарларга нисбатан чиқарилган бўлса, суд ундирувчининг илтимоси асосида ижро варақалари қарздорнинг манзили аниқ кўрсатилган ҳолда ёки қарорнинг ушбу ижро варақаси бўйича ижрога тааллуқли бўлган қисмини ижро қилиш учун берилиши мумкин.

- Қарорларнинг ижроси карздор ёки унинг мулки жойлашган ҳудуд судининг суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. Агар қарздор мазкур суд судловидаги ҳудудда бошқа жойга чиққан, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмаган бўлса ва унинг манзили суд ижрочисига маълум бўлса, суд ижрочиси ундирувчини хабардор қилган ҳолда ижро варақаси ёки суд буйруғини қарздорнинг янги манзилида жойлашган суд ижрочисига жўнатади.

- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган давлатларнинг иқтисодий, хўжалик ва арбитраж судларининг қарор, ажрим ва ҳал қилув қарорларининг ижроси ҳам Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартнома ва келишувлар асосида худди шу тартибда амалга оширилади.

- Ижро этилиши зарур бўлган ҳал қилув қарорларида ноаниқликлар мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиси ишни ҳал этган суддан қарорни тушунтириб бериш тўғрисида сўрашга ҳақлидир. Қарорни тушунтириб бериш Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 150-моддасида белгиланга қоидалар асосида амалга оширилади.

- Қарор ижросини таъминлаш имконияти бўлмаган ёки ижрони таъминлашда қийинчиликлар пайдо бўлган ҳолатларда суд ижрочиси иш юзасидан ҳал қилув қарорини қабул қилган суд олдига ижро муддатини узайтириш ёки кейинга қолдириш, шунингдек қарор ижросининг усул ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги масалани қўйишга ҳақлидир. Суд ижрочисининг бу мазмундаги аризаси Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 217-моддасида кўрсатилган тартибда кўриб чиқилади.

- Агар қарздор юридик шахс бўлса ундиришни унинг ҳар қандай мулкига қаратиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси "Мулкчилик тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида белгиланганидек, юридик шахслар ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли барча мулк билан жавоб берадилар. Фуқаролик процессуал кодексининг ундириш қаратиб бўлмайдиган мол-мулклар рўйхатини белгиланган меъёрлари суд томонидан қўлланилмаслиги керак.

- Тадбиркорлар, фуқаролар қарздор деб топилган ҳолатларда ундириш фуқародан ижро ҳужжатлари асосида ундирилиши мумкин бўлмаган мулклар рўйхатида мол-мулкига қаратилиши мумкин эмас.

- Ундирувчи ундиришдан воз кечган ва ундирувчи билан қарздор ўртасида низо келишув йўли билан ҳал қилинган ҳолатларда даъводан воз кечиш ва ўзаро келишув судга ёзма тарзда берилиши керак. Бундай аризалар иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

- Суд ундирувчининг ундиришидан воз кечганлиги ёки томонлар ўртасидаги келишмовчилик тинч йўл билан қилинганлиги ҳақидаги аризасини қабул қилишдан олдин ундирувчи ёки томонларга бундай процессуал ҳаракатларнинг оқибатини тушунтириб бериши керак.

- Ундирувчининг ундиришдан воз кечганлиги ёки томонлар тинч йўл билан келишиб олганлиги ҳақидаги аризани қабул қилган суд ижрони тугатиш ҳақида ажрим чиқаради ва шу билан бир вақтда иш юритиш ҳам тугатилади.

- Ажримда томонларнинг ўзаро келишуви тўғрисидаги суд томонидан белгиланган шартлар ҳам кўрсатилиши керак.

- Ундирувчининг ундиришдан воз кечиш суд томонидан қабул қилинмаган ёки томонлар ўртасидаги ўзаро келишувини тасдиқламаган ҳолатларда суд бу ҳақда асосланган ажрим чиқаради.

- Ижро юритиш тугатилган тақдирда бу ҳақидаги ижро варақаси ёки суд буйруғи тегишли ёзув (белги) билан ушбу ҳужжатни берган судга ёки ундирувчига жўнатилади.

- Суд ижрочиси томонидан ижро юзасидан кўрилган барча чора-тадбирлар бекор қилинади.

- Тугатилган ижро ҳаракати қайта тикланишига йўл қўйилмайди.

- Судлар ундирувчи ёхуд қарздорнинг қарор ижроси юзасидан суд ижрочисининг ҳаракатлари ёки шундай ҳаракатларни олиб боришни рад этганлиги ҳақидаги шикоятига ўн кунлик муддатда ўз муносабатини билдириши керак.

- Суд ижросининг ҳаракатлари устидан келтирилган шикоят ва протестлар суд ижрочиси ишлайдиган суддаги суд мажлисида манфаатдор томонларга суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида хабар бериш орқали кўриб чиқилади. Лекин, манфаатдор томонларнинг суд мажлисига келмаслиги суднинг мазкур масалани кўриб чиқишига тўсқинлик қилмайди.

- Мулкнинг қарздорга ёки бошқа шахсларга тегишли эканлигидан қатъи назар рўйхатга олиш жараёнида суд ижрочиси томонидан рўйхатга олишнинг бекор қилинишига асос бўладиган қонунсиз ҳаракатга йўл қўйилган тақдирда қарздор ва ўша шахсларнинг рўйхатга олишни бекор қилиш ҳақидаги аризалари 1963 йил 23 мартдаги Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Гражданлик процессуал кодексининг 404-моддасида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

3. Судларнинг эътибори ҳар бир суд қарори энг қисқа муддатда ижро этилиши зарурлигига қаратилсин. Ижрога тақдим этилган суд қарорини қасддан бажармаслик ҳолатлари аниқланган ҳар бир ҳолатда хўжалик судлари ЎРЖКнинг 232-моддаси билан жиноят иши қўзғатиш масаласини муҳокама қилишга мажбурдирлар.

4. Судлар банк томонидан суд қарорлари бажарилмаган ҳар бир ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 218-моддасига асосан уларга жарима солиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишлари зарур.

Хўжалик суди томонидан чиқарилган ва бажарилмаётган ҳужжатлар бўйича банкка жарима солиш масаласи ҳам суд мажлисида ҳал қилинади. Суд мажлиси ўтказилаётган вақт ва жой ҳақидаги хабар жарима солиниши кўзда тутилаётган банкка, шунингдек ундирувчи ва қарздорга хабар етказиб берилганлигини тасдиқловчи буюртма хат орқали билдирилади. Хабардор қилинган шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги суд томонидан жарима солиш масаласининг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

5. Хўжалик судлари раислари суд қарорларининг тўғри ва ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат ўрнатишлари лозим.

6. Судлар ижрони таъминлашда прокуратура, солиқ ва ички ишлар идоралари билан яқиндан ҳамкорликни кучайтиришлари зарур.

7. Хўжалик судлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги "Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини бажариш бўйича қилинаётган ишлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида матбуот, радио ва телевидиниеда доимо ахборот бериб турсинлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари суд қарорлари ижросини мунтазам ўрганиб ва умумлаштириб борсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш юзасидан назоратни кучайтирсинлар.

## МУНДАРИЖА

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ..................................................................... 3

II БОБ. ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ ВА СУДЛОВЛИЛИГИ
1-§. Ишларнинг ҳўжалик судларига тааллуқлилиги ..................................... 6
2-§. Ишларнинг судловга тегишлилиги ...................................................... 11

III БОБ. ДАЪВО ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ХЎЖАЛИК СУДИДА ИШНИ ҚЎЗҒАТИШ
1-§. Даъво тақдим этиш тартиби ва уни бузилишининг оқибатлари ......... 16
2-§. Даъво аризасини хўжалик судига тақдим этиш қоидалари ................. 18
3-§. Даъво аризаси ва ундаги камчиликларни бартараф этиш тартиби ..... 19
4-§. Даъво аризасини қабул қилиш ва уни қабул қилишни рад этиш асослари ........................................................................................................ 23

IV БОБ. ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ ................................... 28
Судьянинг ишни судда кўришга тайёргарлик юзасидан бажарадиган ҳаракатлари ................................................................................................ 30

V БОБ. ИШНИ СУДДА КЎРИШ ................................................................. 33

VI БОБ. СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ТАРТИБИ
1-§. Суд қарорларини апелляция инстанциясида қайта кўриб чиқиш ....... 43
2-§. Суд ҳал қилув қарорларини кассация инстанциясида қайта кўриб чиқиш ............................................................................................................ 50
3-§. Суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш .................... 51
4-§. Янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш ....... 53

VII БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ
1-§. Суд ҳужжатларини ижро этиш асослари .............................................. 55
2-§. Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби ................................................ 58

ИЛОВАЛАР
Илова 1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Кўчирма) ................. 62
Илова 2. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”га янги таҳрирдаги Қонуни (Кўчирма) .................................................... 64
Илова 3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси ... 80
Илова 4. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 29.08.1998 йилги Қонуни (кўчирма) ......................................... 149

Илова 5. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 29.08.2001 йилги Қонуни ........................................................................ 156
Илова 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.1998 йилги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги пф-1938-сонли Фармони ................................................................ 190
Илова 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.1998 йилги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги пф-1938-сонли Фармони ................................................................ 192
Илова 8. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари регламенти ......... 194
Илова 9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумининг 20.12.1996 йилги “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори ........................................................................ 205
Илова 10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 28.01.2000 йилги “Ўзбекистон республикаси хўжалик процессуал кодексининг суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида”ги 82-сонли Қарори ................. 209
Илова 11. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 1998 йил 26 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг баъзи масалалари тўғрисида”ги ахборот хати ........................................................................................ 217
Илова 12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Хўжалик суди Пленумининг 28.04.2000 йилги “Тадбикрорлик фаолияти билан боғлик қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида”ги 84-сонли Қарори ........................................................................ 220
Илова 13. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 01.03.1996 йилги “Суд қарорлари ҳақида”ги 54-сонли Қарори ........................................................................................ 226
Илова 14. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 24.02.2001 йилги “Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши ҳақида”ги 91-сонли Қарори ......... 231
Илова 15. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 28.02.1997 йилги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳақида”ги 62-сонли Қарори ........................................................................................ 236